


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2022 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ

ТОШКЕНТ – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2022 йил февраль ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
Қ.Ш.Омонов	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа	И.С.Саифназаров
Н.А.Ҳусанов	Н.Х.Обломуродов
	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

Иқтисод

МАМЛАКАТНИНГ ТУРИЗМ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА “TAX FREE” ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Алишер Абдураимович УЗОҚОВ

катта ўқитувчи

Давлат Божхона қўмитаси Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

Улугбек Исламбекович НУРМАТОВ

ўқитувчи

Давлат Божхона қўмитаси Божхона институти

Тошкент, Ўзбекистон

bek.nur@inbox.ru.

Аннотация

Мазкур мақолада мамлакатимизда мавжуд солиқ тўловлари тизимидаги ислохатлар, жумладан, “Tax free” тизимини амалиётга жорий қилишнинг бугунги кундаги долзарблиги, шунингдек, дунё мамлакатларининг тажрибалари ўрганилган ҳолда асосли таклифлар, қолаверса, бу борадаги изланишлар натижаси эса мамлакат салоҳиятини дунё миқёсида намоён қилишнинг яна бир кўриниши сифатида аҳамиятли эканлиги ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, “Tax free” тизими, Европа Иттифоқи, сайёҳларга қайтариш схемаси, божхона хизмати.

ЗНАЧЕНИЕ СИСТЕМЫ “TAX FREE” В ПОВЫШЕНИИ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ТУРИЗМА СТРАНЫ

Алишер Абдураимович УЗОҚОВ

старший преподаватель

Таможенный институт Государственного таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

Улугбек Исламбекович НУРМАТОВ

преподаватель

Таможенный институт Государственного таможенного комитета

Ташкент, Узбекистан

bek.nur@inbox.ru.

Аннотация

В этой статье рассматриваются реформы в системе налоговых платежей, существующие в нашей стране, в том числе текущая актуальность внедрения системы “Tax free”, а также фундаментальные предложения с изучением опыта стран мира. Вместе с тем, освещается значение проводимых исследований в этом направлении, как один из способов демонстрации потенциала страны в мировом масштабе.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, система “Tax Free”, Европейский Союз, схема возврата туристов, таможенная служба.

Ўзбекистон Республикасига сайёҳлар оқими тобора ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз раҳбари томонидан юритилаётган сиёсат тўғри йўналишда олиб борилаётганидан далолат беради. Бироқ, юртимизнинг иқтисодиётини ривожлантириш йўлида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар сероб. Бу борада сайёҳлар учун “Tax free” тизимини жорий қилиш шулар жумласидандир.

“Tax free” – инглиз тилидан таржима қилинганда – “солиқсиз” маъносини англатиб, сайёҳлар томонидан мамлакатдан олиб чиқиладиган товарлар учун қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни қайтариш тизими ҳисобланади.

Саёҳатга отланган кўпгина шахслар сотиб олинган товар қийматида маълум суммани қайтариб олиш имкони борлигини билмасликлари ҳам мумкин. Дунё мамлакатларининг 140 га яқини товарларни ҚҚС билан савдога чиқаради, шуларнинг деярли 50 тасида олинган товарни чегарадан олиб чиқишда ҚҚС қайтариб берилади [4]. Ушбу қайтариладиган маблағ миқдори 7 фоиздан 22 фоизгача бўлиши мумкин, бу мамлакатда қўлланиладиган ҚҚС ставкаси ва сотиб олинган товарнинг қиймати ҳамда турига боғлиқ. Бу борада айрим давлатларда ҚҚС ставкаси 20 фоиздан юқори-ку, нега 20 фоизгача қайтарилади деган савол ўринли бўлади. Чунки, сайёҳлар учун кўрсатиладиган “Tax free” хизмати учун маълум сумма ушлаб қолинади.

Ушбу тизимни сайёҳлар, мамлакатга ташриф буюрган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни мамлакатга оҳанграбодек жалб қилиш йўлидаги ҳаракатлардан бири сифатида қўлланиладиган савдо-сотик деб қараш мумкин. Мазкур солиқсиз савдо қўлланиладиган давлатларнинг айримларини келтирамиз (1-жадвал):

1-жадвал

Айрим “Tax free” хизмати қўлланиладиган мамлакатлар тафсилотлари [5]

Страна	ҚҚС (пасайти- рилган ставка)	Хариднинг минимал қиймати	“Tax Free” чекининг амал қилиш муддати	Божхона мухринин г амал қилиш муддати
Австралия	10 % (+14,5 % винога)	300 AUS		
Австрия	20 % (10; 12 %)	75,01 EUR	чекланмаган муддатга	3 ой
Беларус	20 %	80 BYN	харид санасидан 3 ой	6 ой
Бельгия	21 % (6; 12 %)			3 ой
Бирлашган Қироллик (UK)	20 % (0; 5 %)	25 GBP	харид санасидан 3 ой	3 ой
Германия	19 % (7 %)	25 EUR	харид санасидан 3 йил	3 ой
Дания	25 %			3 ой
Исроил	15,5 %	400 шекель		
Ирландия	23 % (0; 13,5 %)			3 ой
Исландия	24 % (11 %)			3 ой
Испания	21 % (4; 8 %)	90,15 EUR	чекланмаган муддатга	3 ой
Италия	22 % (4; 10 %)	154,94 EUR	харид санасидан 3 ой	3 ой
Корея Республикаси	10 %	50 000 вон (\$43)		3 ой
Люксембург	17 % (3; 14 %)			3 ой
Норвегия	25 % (8; 15 %)			1 ой
Польша	23 % (0; 8 %)	200 PLN	харид санасидан 4 ой	3 ой

Португалия	23 % (6; 13 %)			3 ой
Россия	20 % (10 %)	10 000 PP	харид санасидан 1 йил	3 ой
Сингапур	7%	100 SGD		2 ой
Таиланд	10 % (7 %)	2000 бат (\$66)		
Туркия	18 % (1; 8 %)			3 ой
Финляндия	24 % (10; 14 %)	40 EUR	харид санасидан 3 ой	6 ой
Франция	20 % (2,1; 10 %)	175,01 EUR	харид санасидан 6 ой	3 ой (6 ой)
Швейцария	8 % (2,5; 3,8 %)	300 CHF	харид санасидан 1 ой	30 кун
Швеция	25 % (0; 12 %)			3 ой
Япония	8 %	10 001 иена(\$119)		

Хориж тажрибалари. Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларига келган сайёҳлар аэропорт худудидан ташқаридаги савдо дўконлардан солиқсиз савдони амалга оширишлари мумкин. Сайёҳ товар сотиб олаётганда, харид қийматининг таркибига кирувчи ҚҚС суммасини ҳам тўлайди, лекин, товарни худуддан олиб чиқиш чоғида тўлаган ҚҚС қайтарилиб берилади. Бунинг учун жуда оддий талаблар мавжуд, масалан: шахс ЕИ мамлакатларига кирувчи давлат фуқароси бўлмаслиги, саёҳат 6 ойдан узоқ муддат давом этмаслиги, сотиб олинган товарлар 3 ой ичида олиб чиқилиши ҳамда олиб чиқиляётган товарлар шахсий эҳтиёжга мўлжалланган бўлиши лозим. Бундан ташқари, товарларнинг савдо чеклари сақлаб қўйилиши ҳамда чиқишда божхонага тақдим этилиши лозим. Божхона ходими чекларга товарни олиб чиқиляётганини тасдиқлаб муҳр қўяди. Европа Иттифоқи давлатларининг ҳар

бирида ҚҚС ставкаси ўзига хос бўлиб, ҚҚС қайтариш учун сотиб олинган товарнинг минимал қиймати ҳам турлича. Масалан, Испания 2018 йил июлидан ўзига сайёҳларни янада кўпроқ ташрифини таъминлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҚҚС қайтариш учун, сотиб олинган товар қиймати (камида 90,15 еврога тенг бўлган сумма) бўйича чекловни бекор қилди.

ҚҚС қайтариш учун сотиб олинган товар қиймати турли давлатларда турличадир. Масалан, Венгрияда камида 57 форинт қийматидаги товар олиб чиқилиши, мамлакатда аксарият ҳолларда ҚҚС ставкаси 27 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари учун 18 фоизни, медицина маҳсулотлари ва китоблар учун 5 фоизни ташкил этади. Шунингдек, ҚҚСни қайтариб олиш учун ЕИ давлатлари фуқароси бўлмаслик, сотиб олинган товар учун “Tax-free” формасини тўлдириш, уни 90 кун ичида божхона хизматида тақдим этиш ва божхона муҳри билан муҳрланиши лозим бўлади. Божхона муҳри қўйилган ушбу форма бир йилгача ҚҚСни қайтариб олиш учун асос бўлади.

Австралияда солиқсиз харидни (Tourist Refund Scheme “TRS”) “Сайёҳларга қайтариш схемаси” деб номланади. Сайёҳлар томонидан 60 кун ичида сотиб олинган, қиймати 300 Австралия доллари ёки ундан кўп миқдорда олиб чиқилаётган қўл юки ёки алоҳида олиб кетиладиган товарларига солиқ қайтарилади. Қизиқ томони шундаки, бир дўкондан 270 Австралия долларига тенг, бошқа дўкондан 130 Австралия доллари бўлган товар олгансиз, умумий ҳисобда 400 Австралия долларига тенг бўлади, лекин сизга ҚҚС қайтарилмайди, чунки ҳар бир магазиндан камида 300 Австралия доллари қийматига эга товар харид қилиш лозим. Шу билан бирга алкоголь, дори-дармон, озиқ-овқат, кўрсатилган хизматлар, яшашга қилинган сарф-харажатлардан солиқлар қайтарилмайди [3].

Шунингдек, 300 Австралия доллари қийматига эга товар учун сизга алоҳида ҚҚС формаси тўлдирилиши шарт эмас. Товарларни Австралия ҳудудида фойдаланмаслик учун уни ўралган ҳолда сақлаш керак бўлади. Бундан кийим-кечак, телефон, видеокамералар мустасно. ҚҚС

қайтарилишини аэропорт ёки бир неча денгиз портларида “Сайёҳларга қайтариш схемаси” тизими орқали амалга оширилади ҳамда уларга товарларнинг солиқ ҳужжатининг аслини тақдим этилиши лозим. Чегара ва божхона хизмати томонидан товарнинг кўриқдан ўтказилиши учун тақдим этилишида талаб қилиниши мумкин. Америка Қўшма Штатларида сотиб олинган товарларга “Tax free” расмийлаштирилмайди, чунки товарларга ҚҚС қўлланилмайди, бу ўз-ўзидан сотиб олинган товар қийматидан маълум суммани қайтариб олинмаслигини англатади, лекин товарларга савдо солиғи (Sailes Tax) жорий этилган. Қизиғи шундаги Alyaska, Oregon, Delaver, Montana, Nyu-Xempshir штатларида савдо солиғи қўлланилмайди. Штатлардаги солиқлар бир-биридан фарқ қилади, бир штатда солиққа тортилмайдиган товар, иккинчи штатда солиққа тортилади. Шунинг учун фуқаролар бошқа штатдаги дўконларга буюртма беришлари мумкин.

АҚШдан қандай қилиб фойдали савдони амалга ошириш, яъни ўз эҳтиёжига товар сотиб олиб чиқиб кетишда маълум суммани қайтариб олиш мумкин деган савол туғилади. АҚШ тасарруфидаги айрим ҳудудлардан сайёҳлар томонидан олиб чиқиладиган товарларга солиқлар қайтарилиши қўлланилади. Гарчи “Tax free” қўлланилмасда, маълум имтиёз олиш имконияти мавжуд. Айрим савдо марказларидан 100-150 АҚШ доллари миқдорида товар олинса, 9,5-14 фоиз миқдордаги сумма қайтарилади. Мамлакат ҳудудида ёки аэропортларда савдо солиғи суммаси нақд кўринишда қайтарилмайди. Бунинг учун махсус хизмат жорий этилган бўлиб, олинган товар чекини ушбу хизмат идорасига тақдим этилади. Натижада, керакли сумма сизнинг банкдаги ҳисоб рақамингизга ёки кредит картангизга ўтказиб берилади. АҚШни тарк этишда товар чекини тегишли хизматга тақдим этишга улгурмасангиз, у ҳолда товар чекини ташлаб юборишга шошилманг, ушбу чекнинг амал қилиш муддати чекланмаган бўлиб, сиз келгуси сафарингиз даврида ундан фойдаланиш имконига эга бўласиз.

Мамлакатимизда “Tax free” тизимини жорий қилиш устида ишлар олиб борилмоқда. Хусусан 2019 йил 10 июль куни Ўзбекистон Республикаси

Президенти қарори билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш тартибини белгилаш таклифи киритилиши [1] кўзда тутилган. Ўз навбатида юқорида келтирилган вазирликлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси [2] тайёрланиб, халқ томонидан муҳокама қилиниши ва таклифлар киритилиши учун regulation.gov.uz сайтига 2020 йил 6 март куни жойлаштирилган ҳамда 21 март куни муҳокама яқунланган ва омма томонидан ҳеч қандай таклифлар билдирилмаган. Лойиҳанинг 1-бандида “Tax free” тизими Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 1 июлдан жорий этилиши ҳақида қарор қилинган.

Солиқ суммаларининг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари, Солиқ кодексининг 274-моддасига мувофиқ камерал солиқ текширувини ўтказиш, шунингдек чет давлат фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган товарларни олиб чиқишда уларга солиқ суммасини қайтариш (Tax free) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни билдириб ўтамиз:

1. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш;

2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар сотиб олинганлигини назорат қилиш ва тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш ҳисобини юритиш бўйича онлайн тизимда ишлайдиган дастурий таъминот яратиш;

3. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтилганидан сўнг нейтрал ҳудудларда Давлат солиқ хизмати

ходимлари фаолият олиб борадиган “Tax free” шохобчаларини жойлаштириш ҳамда уларни зарур ускуналар ва замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, хорижий амалиётнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланган ҳолда “Tax free” тизимини шаффоф ва соддалаштирилган тарзда республикамизда жорий қилишимиз мамлакатимизнинг туризм жозибадорлиги янада ошишига ва сайёҳларнинг оқими янада кўпайишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли қарори, <https://lex.uz/uz/docs/4415356>

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш (Tax-free) тизимини жорий этиш тўғрисида” қарори лойиҳаси (ID-15626), <https://regulation.gov.uz/oz/d/15626>

3. Информация о возврате налога на покупки в Австралии (TAX REFUND). URL <https://www.tourister.ru/world/oceania/australia/tips/3830>

4. Что такое такс-фри. Объясняем простыми словами. URL – <https://secretmag.ru/enciklopediya/chto-takoe-taks-fri-obyasnyаем-prostyimi-slovami.htm>

5. Tax free. URL-https://ru.wikipedia.org/wiki/Tax_free

ИҚТИСОДИЙ ДЕМОГРАФИЯНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Шоира Халиллаевна ДЖУМАБАЕВА

Катта ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада аҳоли ва иқтисодиётнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги, иқтисодий-ижтимоий шароитларни демографик жараёнларга ҳамда демографик омилнинг ижтимоий-иқтисодий динамикага бўлган таъсири, аҳоли сони ўсишининг иқтисодий оқибатлари ҳамда иқтисодий демографиянинг таркиби, предмети, шаклланиши илмий назарий асослари ўрганилган.

Таянч сўзлар: аҳоли, иқтисодиёт, демография, ижтимоий, жараён, омил, аҳоли сони ўсиши, иқтисодий оқибат, таркиб, шаклланиш, ривожланиш, илмий назария.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОСНОВЫ И СОДЕРЖАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕМОГРАФИИ

Шоира Халиллаевна ДЖУМАБАЕВА

старший преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье анализируется взаимосвязь населения и экономики, влияние экономических и социальных условий на демографические процессы, а также демографического фактора на социально-экономическую динамику, экономические последствия роста населения, а также научно-теоретические основы структуры, предмета и формирования экономической демографии.

Ключевые слова: население, экономика, демография, социальный процесс, фактор, рост численности населения, экономические последствия, структура, формирование, научная теория.

Аҳоли ва иқтисодиёт – кишилиқ жамиятининг бир-бири билан ўзаро алоқадор икки таянчини ташкил этувчисидир. Жамият тараққиётида аҳоли ҳам асосий ишлаб чиқарувчи куч, ҳам истеъмолчи сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бир томондан ҳаёт учун зарур бўлган воситаларнинг ишлаб чиқарилиши, аҳолини дунёда алоҳида шахс сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлса, иккинчи томондан аҳоли – товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи

ҳамда истеъмол килувчи сифатида ишлаб чиқаришнинг асоси ва субъекти бўлиб қолди [2;8].

XVIII аср охирида аҳоли сонини ўрганиш масаласи олдинги қаторга чиқа бошлади. Бунда ўтказилган аҳоли рўйхатлари натижаларига таянган ҳолда аҳоли сони ўсишининг иқтисодий оқибатларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий-демография дастлабки даврларда таъсирнинг икки хилини, яъни иқтисодий-ижтимоий шароитларни демографик жараёнларга ҳамда демографик омилнинг ижтимоий-иқтисодий динамикага бўлган таъсирини таҳлил этган. Демографик йўналишнинг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий омилларнинг демографик жараёнларга бўлган таъсирини борган сари аниқроқ баҳолашга имкон бера бошлади.

Иқтисодий демография – аҳоли ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлигини, аҳоли такрор барпо бўлишининг иқтисодий оқибатларини, демографик ривожланишга иқтисодий омилларнинг таъсирини ўрганади [2;7]. Иқтисодий демография соҳасидаги илмий изланишлар бўйича дастлабки тадқиқотлар XIX асрдан бошланган. XIX асрнинг ўрталарида А.П.Рославский-Петровский биринчилардан бўлиб аҳолининг турли ёш қатламларининг иқтисодий аҳамиятига эътибор қаратди. Собиқ иттифоқ даврида илк бор иқтисодий-демографик ривожланиш омилларига бағишланган йирик ишлар 1925-1935 йилларда пайдо бўла бошлади. Масалан, С.Г.Струмилин аҳоли ўсишига иқтисодий омилларнинг бевосита ва билвосита таъсирини ажратиб кўрсатган ҳамда аҳолининг сифат таркибининг аҳамиятига, биринчи навбатда, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва таълимга эътибор қаратди.

Иқтисодчи олимлар ўртасида иқтисодий демографиянинг предметини аниқлаш бўйича турли ёндошувлар мавжуд [2;15]. Айрим олимларнинг фикрича, иқтисодий демография ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнига аҳоли ёш-жинс таркибининг таъсир хусусиятларини ўрганувчи фан. Бунда боғловчи бўғин сифатида аҳолининг иш билан бандлиги иштирок этади. Нисбатан кенг ёндошувда иқтисодий демографиянинг предмети – иқтисодиёт билан аҳолининг такрор барпо бўлиши, шунингдек, демографик омиллар ва

ижтимоий-иқтисодий ўзаро қонуниятлар ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий демографиянинг предмети демографик омилни иқтисодий ривожланишга бўлган таъсири, қонуниятлари ҳисобланади. Бундай таъсирнинг сифатли таҳлили жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳолда, узоқ вақт давомида демографик адабиётларда энг кам ёритилган илмий йўналиш бўлиб қолган.

XX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий ўсиш суръатларининг бирмунча паст доирада сақланиб қолиши, ишлаб чиқариш билан меҳнат ресурслари сони ўртасида минтақавий муаммоларнинг мураккаблашиши ва чуқурлашиши меҳнат ресурслари шаклланишининг демографик омилларини ўрганишга кўпроқ эътибор беришни талаб қилди. Фақат 1970 йилларнинг иккинчи ярмида иқтисодий демографик тадқиқотларда объектни бир мунча кенгайтиришга йўналтирилган тенденция шакллана бошлади. Шунга қарамадан, демографик динамиканинг иқтисодий ривожланиш параметрларига, ишлаб чиқариш ва истеъмолга бўлган таъсирини ўрганиш эътибордан четда қолиб кетаверди [3;45].

Иқтисодий демографиянинг бугунги таркиби демографик омил таъсири хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда у учта асосий бўлимдан иборат: [2;11]. Булар: аҳоли ўсиши иқтисодиёти; аҳоли сифати иқтисодиёти; ижтимоий-демографик таркиблар иқтисодиёти.

Аҳоли ўсиши иқтисодиёти илмий адабиётга 1977 йилда Ж.Саймон томонидан киритилган [5;177]. Аҳоли ўсиши иқтисодиёти иқтисодий демографияда XX аср ва XXI аср бўсағасини олувчи даврда энг чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган йўналишдир. Ушбу йўналишнинг мақсади аҳоли (меҳнат ресурслари, ишчи кучи) сони ўсиши ва уни шакллантирувчи (туғилиш, ўлим)ларни ялпи ички маҳсулот, меҳнат унумдорлиги, жамғармалар ҳажми ва шу каби макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасига қандай таъсир кўрсатишини аниқлашдан иборат. Аҳоли сони ўсиши иқтисодиёти доирасида тадқиқотларнинг икки турини белгилаш мумкин. Биринчи турда аҳоли ўсиши иқтисодиёти бир контурли моделлар асосида

тузилган. Уларда фақат демографик омилни иқтисодиётга бўлган таъсиригина ўрганилди. Иккинчи тур тадқиқотларда демографик омилни иқтисодиётга бўлган таъсири ҳамда иқтисодий ривожланишни демографик ўзгарувчиларга кўрсатаётган таъсири тадқиқ этилди. Ушбу муносабатлар аҳоли ўсиши иқтисодиётининг кўп контурли моделлари асосида таҳлил қилинган.

Аҳоли сифати иқтисодиёти тушунчаси илмий адабиётга Т.У.Шульц томонидан киритилган бўлиб, у XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган [6]. Аҳолининг сифат кўрсаткичларига қуйидагилар киради: аҳолининг саломатлик ва маълумотлилиқ даражаси; малака даражаси ҳамда касбий маҳорати; тадбиркорликка бўлган қобилияти; ҳаётий тажриба ва кўникмаси; дунёқараши ва онги; одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор; маънавий етуклик кабилар [3;45] киради. Аҳоли сифати иқтисодиётининг дастлабки бўлимларидан бири аҳоли айрим сифат таснифлари таъсирининг ҳамда аҳоли сифатининг жами жон бошига ҳисоблаган ялпи ички маҳсулот катталиги ва ўзгариш суръатларига бўлган таъсирининг таҳлиliga бағишланган. Бошқа бўлинмаларни турли сифат хусусиятлари (инсон капитали шакллари) индивид (шахс)нинг жорий даромадлари катталигига таъсирини баҳолаш методлари ташкил этади.

Ижтимоий-демографик таркиблар иқтисодиёти аҳоли ёши ва бошқа ижтимоий-демографик таркиблар ўзгаришининг иқтисодий оқибатлари XIX асрда яшаб ижод қилган У.Фарра ишларига бориб тақалади [7;565]. Ижтимоий-демографик таркиблар иқтисодиёти тўрт бўлимдан ташкил топган. *Биринчи бўлим* ишлаб чиқариш ва истеъмол катталиги омили ҳисобланувчи аҳоли ёки таркибини таҳлиliga бағишланган. *Иккинчи бўлимни* турли хил тармоқлар маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол этувчилар контингентларни ҳосил қилувчи аҳоли гуруҳларининг истиқболдаги сони ва таркибини баҳоловчи “аҳолини функционал прогноз (таҳлил)лари” ҳосил қилади. *Учинчи бўлимга* истеъмол талаблари хусусияти ва даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-демографик (жинс, ёш, у ёки бу авлодга тегишли) таркиблар ва улар билан боғлиқ бўлган географик, ахлоқий, даромад параметр

(хакидаги маълумот)ларини ўз ичига олади. Ушбу тадқиқотлар демографик сигментлаштиришнинг ажратиб бўлмас элементиدير. *Тўртинчи бўлим* кўп ўлчамли жадваллардан иқтисодий-демографик таҳлилда фойдаланишга бағишланган. Мазкур жадваллар аҳолини турли ҳил ҳолатларини ўрганувчи универсал усул ҳисобланади.

Иқтисодий демографиянинг тақдим этилган таркиби маълум даражада шартли хусусиятга эга. *Биринчидан*, унинг турли бўлимлари кўп ҳолларда умумий “илдиз”ларга эга. Ишлаб чиқариш функцияларига асосланган ва инсон капитали тасвирларини ўз ичига олувчи бир контурли ўсиш моделларини ишлаб чиқиш аҳоли сифати иқтисодиёти доирасидаги тадқиқотларни ривожланишини белгилаб беради. *Иккинчидан*, демографик омилнинг турли ҳил элементлари ўзаро боғланган. Бунинг натижасида қандайдир бир элемент таъсирини ўрганишни чуқурлаштириш кўпинча бошқа элементни тадқиқ этишда олинувчи натижаларга олиб келиши мумкин. *Учинчидан*, қатор замонавий иқтисодий-демографик тадқиқотлар (масалан, кўп контурли рекурсив аналитик моделлар) иқтисодиётга демографик омил ташкил этувчилари – аҳоли сони ўсиши суръатлари, унинг ёш таркиби ва сифатли хусусиятларини мажмуали таъсирини таҳлил этишга бағишланган. Шундай қилиб, юқоридаги ҳолатлар комплекс (бир ва кўп контурли) иқтисодий-демографик моделлар ишлаб чиқишга бўлган тенденцияларини кучайганлиги тўғрисида ҳулосалар қилишга имкон беради.

Иқтисодиётда Кейнс инқилоби иқтисодий-демографик тадқиқотлар объектини кенгайтириши ва назариясининг чуқурлаштиришига олиб келди. Бандлик даражаси, сармояларнинг кўпайиши ва ялпи даромад ўсиши ўртасидаги алоқаларни кўрсатиб берди [1;34]. Ж.М.Кейнс 1920 йиллардаёқ аҳоли сони ўсиш суръатлари пасайишининг негатив оқибатларини кўрсатган эди. У таянч макроиқтисодий кўрсаткич ялпи ички жамғармаларни баҳоловчи моделларни тайёрлаш учун асосий жиҳатларни шакллантирди. Кейнс истеъмолга таъсир қилувчи туғилиш ва ҳаёт фаолиятини давом эттириш учун зарур бўлган харажатларнинг кўпайишини белгилаб берувчи субъектив омилларни

аниқлади. У шу билан инсон капиталини шакллантирувчи замонавий макроиктисодий концепцияларнинг энг муҳим хусусиятларини кўрсатиб берди.

Ж.М.Кейнс тарафдорларидан бири бўлган Э.Хансен фикрига биноан АҚШда XIX асрда сармоялаш қулай имкониятларининг шаклланиши асосан техниканинг ривожланиши ва аҳоли сонининг ўсиши билан боғланган эди. [4;342]. Хансен кейинги ишларида таълимга киритилган сармояларнинг юқори даромадли инсон капиталини талқин этиш асосида ётувчи ижтимоий харажатларнинг иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтган.

1950 йиллардан бошлаб демографик жараёнларнинг иктисодий жараёнларга бўлган таъсирини тадқиқ этиш асосан академия манфаатларидан ташқарига чиқа бошлади. Иктисодиёти ривожланган мамлакатларда бундай ҳолат аҳоли сони ўзгариши билан ялпи даромадни кўпайиши ўртасидаги алоқадорликни оптимал параметрларини аниқлаш, истеъмол ва сармояларни аҳоли сони ўсишининг турли хил суръатларида прогнозлаштириш ва сармоялари инсон капиталига киритилган сармояларни (таълим) иктисодий ўсиш суръатларига бўлган таъсирини баҳолаш билан боғлиқ бўлди [8;170].

Иктисодий-демографик таҳлилнинг амалий жиҳатлари БМТнинг 1953 йилда эълон қилинган “Демографик тенденцияларнинг детерминантлари ва оқибатлари” деб номланган маърузасида кучайтирилди. Ушбу маърузада демографик динамикаларнинг қисқа ва узоқ муддатли самараларини фарқ қилиш лозимлиги уқтирилди [9;8].

Аҳоли сонининг кўпайиши ишчи кучи етишмаётган саноати ривожланган мамлакатларда ёки ресурсларидан фойдалана олмаётган, лекин улар ишлаб чиқаришга жалб қилиниши мумкин бўлган мамлакатларда жон бошига ишлаб чиқаришни ўсишига олиб келиши мумкин. Бошқа томондан, баъзи сабабларга кўра демографик динамика ва моддий ресурслар ривожланишини мутаносиб ҳолатга келтириш қийин бўлган мамлакатларда

аҳоли ўсиши жон бошига ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тўсик бўлиши мумкин. Масалан, жисмоний капитал жамғаришни қийинлаштириши мумкин.

“Демографик тенденцияларнинг детерминантлари ва оқибатлари” деб номланган ва 1973 йилда эълон қилинган маъруза демографик ва иқтисодий жараёнлар ўзаро алоқадорлигига бўлган пессимистик нуқтаи назарнинг кучайиши билан ифодаланади [10]. Бундай ҳолат аҳоли сонининг ўсиш сурати иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланмаса ҳам, аҳоли сони ўсишининг юқори суръатлари аҳолининг турмуш даражаси кўтарилишини ушлаб қолаётганлиги сезилиб қолди.

Шунингдек, 1973 йилдаги маърузада демографик тенденцияларнинг иқтисодиётга бўлган таъсирини, жумладан, унумдорлик даражасини (ишлаб чиқариш методлари, ихтисослашув, ишлаб чиқариш миқёслари, малака даражаси, технология даражаси ва ҳ.к.лар) ва аҳоли сони, унинг таълими ва иқтисодий ривожланганлиги ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодаловчи моделларнинг бўшлиқ оқибатида уларни кўплаб ўзаро боғлаб турувчи омилларнинг кўплиги туфайли тадқиқ қилиш мураккаблиги таъкидланди [10].

1970-1980 йиллардаги тадқиқотлар ичида замонавий иқтисодий-демографиянинг ривожланишини белгилаб берганлар ичида Ж.Спенглер ва Ж.Саймон ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Ж.Саймоннинг иқтисодий-демографик ва инсон ресурслари тўғрисидаги қатор монографияларни айтиш мумкин [12].

Спенглер иқтисодий-демографик таҳлил истиқболларини белгилаб, аҳоли ўсишини иқтисодиётга бўлган таъсирини қуйидаги жиҳатлар орқали кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтди [11;82]. Капитал шаклланиши; аҳоли ёш таркибининг ўзгариши; бандликнинг ўзгариши; атроф-муҳитга бўлган таъсир; аҳоли зичлигининг ўзгариши; инсон эркинликларини таъминлаш; низоларнинг келиб чиқиши; аҳоли сифатининг кўтарилиши.

Юқоридаги жиҳатларнинг алоҳида келтирилиши замонавий ўсиш моделларининг экзоген ўзгарувчиларини ажратиб олишни белгилаб берди. Аҳоли ўсишининг узоқ муддатли самараси ва ишлаб чиқариш ўсишининг

таянч омилларида бири каби аҳоли сифати ролини ўрганишнинг аҳамиятли эканлигини таъкидлаб, Спенглер аҳоли ўсишининг 0 га тенг бўлиши унинг сифатини кўп жиҳатда кўтарилишига олиб келади деб, фараз қилган [11;82].

Ж.Саймоннинг 1981 йилда чоп этган монографияси кўп жиҳатдан “ревизовен” ёндашувнинг шаклланишига таъсир кўрсатди. Ушбу ёндашув тарафдорлари нафақат аҳоли ўсишининг муддатли негатив оқибатларини, балки узоқ муддатли позитив жиҳатларини ҳам ўрганишган. Саймон табиий ресурсларга бўлган нархларнинг узоқ муддат мобайнида пасайиб туришини (аҳоли ўсиши билан боғлиқ ҳолда уларга бўлган талабнинг ўсишига карамасдан) улар ўрнини бошқа ресурс билан алмаштириш ва таклифни илдам суръатларда ривожлантириш орқали эришилганлигини тушунтириб берди. Инсон ҳаёти қийматининг ортиши сабабларини ўрганиш жараёнида, У.Фарр таълим (саводхонлик даражасини кўтариш) ва соғлиқни мустаҳкамлаш (кутилган умр давомийлигини ошириш)нинг ролини алоҳида таъкидлаган эди [7;571].

Хулоса қилиб айтганда иқтисодий-демография соҳасида тадқиқотларнинг келгусидаги ривожланиши аҳолини такрор барпо бўлиши билан иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқаси масалаларини нисбатан чуқур тадқиқ этишни таъминлаш билан ифодаланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кейнс Ж.М. История экономических учений. – Москва: ПРИОР, 1999.
2. Саградов А.А. Экономическая демография: Учеб. пособие. – Москва: Наука, 2005.
3. Урланис Б.Ц. Проблемы экономической демографии. //Проблемы демографии. Вопросы теории и практики. /Под ред. Д.Л.Бронера, И.Г.Венецкого. – Москва: Статистика, 1971.
4. Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. В кн.: Классики кейнсианства. В 2 т. Т. 1. – Москва: Экономика, 1997. – 342 с.
5. Simon J. L., and Steinmann G. Phelps's Technical Progress Model Generalized // Economic Letters, 1980, p. 177-182.

6. Schultz Th.W. Economics of Population. - Reading (Massachusetts): Addison- Wesley Publishing Company, 1981.
7. Farr W. On the Economic Value of the Population //Population and Development Review, 2001 [1877], 27(3), p. 565-571.
8. Kuznets S. Population and Economic Growth // Proceedings of the American Philosophical Society, 1967, p. 170-193.
9. United Nations, 1953. p.8.
10. United Nations, 1973.
11. Spengler J.J. Population Change, Modernization and Welfare.- Englewood Cliffs: Prentice-Hall, 1974. p.82.
12. Simon J. L., and Steinmann G. Phelps's Technical Progress Model Generalized // Economic Letters, 1980, p. 177-182.

Юридик

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ҲОЛАТИ

Содиқ Оқбаевич ЮЛДАШОВ

катта ўқитувчи

Юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори

Жамоат хавфсизлиги университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада темурийлар салтанатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал этилиши аҳволи таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, арзбеги, мажлиснавс, мухтасиб, молия девони.

СОСТОЯНИЕ РАССМОТРЕНИЯ ОБРАЩЕНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ

Садик Оқбаевич ЮЛДАШОВ

старший преподаватель

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Университет общественной безопасности

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируется состояние рассмотрения обращений физических и юридических лиц в империи темуридов.

Ключевые слова: обращения физических и юридических лиц, Арзбеги, мажлиснавс, мухтасиб, финансовая канцелярия.

Жаҳон давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасида инсоният тараққиёти тамаддунига улкан ҳисса қўшган салтанатлар талайгина, бироқ Амир Темури ва Темурийлар ҳукмронлиги даври ўзининг алоҳида жиҳатлари билан башарият ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Бу даврни холис ўрганган француз олими Алфонс де Ламартин “Европа на Искандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини қучган янги Фотих (Наполеон)да адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас” [7;120], дея таъкидлайди. Немис тарихчиси Фридрих Шлоссернинг

таъбирича, “Амир Темур ўзининг янги салтанатида давлат тузилишини ва қонунларни яратди”[1;220].

Амир Темур даври тарихнависларидан Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича, “...Асрлар мобайнида ҳали бирор талабгорнинг ақду никоҳига кирмаган икки бўй етган гўзалдек бўлмиш Эрону Турон мамлакатларини (Амир Соҳибқирон) тўла забт этиш ва адолатли сиёсат юритиш орқали шундай бошқармоқдаки, у ерларнинг донишмандлари ҳайрон қолмоқда. Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача, Бобул-Абвобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамиға ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир” [13;20-21].

Амир Темурнинг Чингизхон ясоғига ҳурмати баланд бўлиб, мазкур ясоғнинг 5-бандида назарда тутилган “Ўзининг ички оламини тозалай олган ҳар қандай киши ўз эғалигидаги ерларни ўғрилардан тозалай олади” [12;20], деган ғояни ўзига дастак қилиб, “Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим”, дея хитоб қилади ва амалда ижросини тўлиқ таъминлайди [12;103].

Унинг салтанатида қонун устуворлиги ва адолат жамият ва давлатнинг муҳим устуни ҳисобланган. “Зафарнома”да келтирилишича, Соҳибқирон шундай дейди “Менинг мақсадим давлат ишларида адолат ва тартибни, қонунчиликни тиклашдир. Фуқаролар тинч-тотув яшасинлар, дейман. Мен шарият ва қонунчиликни ўрнатай. Эндиликда менинг мақсадим мамлакатларни забт этиш эмас, қўлга киритилган давлатларни идора қилишдан иборатдир” [7;365].

Манбалардан маълум бўлишича, Амир Темур ҳукмронлиги даврининг асосий мақсади – мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришлари, уларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашдан иборат бўлган. Шу

боис, у ижтимоий табақани ҳар томонлама қўллаш ва кўмак бериш, адолат ва ҳақиқатни кундалик турмуш тарзига айлантиришни олий мақсад деб билган.

Хусусан, Темур ўз тузукларида “...Камбағалларга ҳамиша сахийлик билан хайри-эҳсон бериб келдим, ҳар бир ишни сабру қаноат билан синчиклаб текширдим, ҳамиша ҳамма ҳолатни атрофлича чуқур текширгандан сўнг адолатли ҳукм чиқардим” [6;17], деб ёзади.

Амир Темур салтанатининг интизомли, давомли ва мустаҳкам бўлишига сабаб бўлган муҳим омиллардан бири жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига доир масалалар давлат аҳамияти даражасига кўтарилганлигидир.

Соҳибқирон таъкидлайдики, “...Амр этдимки, тўрт вазир ҳузур девонида бўлсинлар. Биринчи вазир – вазири мамлакат дейилсин. У мамлакатнинг муҳим ишлари ва раиятнинг аҳволи, олди-бердиси, мамлакат кирим-чиқими, мулк ободлиги ва хароблиги, тартиб-интизоми аҳволини арзга етказсин ва уларнинг аҳволидан огоҳ бўлсинким, паришон бўлмасинлар” [2;290]. Салтанатда давлати марказий маҳкамаси икки девон (“буюк аморат девони” ва “молия девони”)дан иборат бўлиб, молия девонида қонунбузарлик ва шикоятлар кўрилган [4;117].

Энг аҳамиятлиси, маҳкамада мурожаатлар билан шуғулланувчи алоҳида лавозим ташкил этилган бўлиб, бу “*Арзбеги*” деб номлангани ҳолда даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, унинг хизмати даргоҳга арз-дод, шикоят билан келганларни ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатларини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириб туриш эди. Ундан ташқари, тушган арзлар, шикоятлар ва таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туриш ҳам арзбегининг вазифаси бўлган [14;402].

Арз-шикоятлар ва уларнинг натижалари мирзолар томонидан рўйхатга олинган, тез-тез марказий ва маҳаллий ҳокимият томонидан ўтказилган тафтиш, сўроқлар, шунингдек, чопарларнинг маълумотлари орқали марказда жойлардаги аҳвол назорат қилиб борилган [15;79]. Мамлакатда мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилган. Хусусан,

манбаларда ёзилишича, Самарқанд бозорларида қўлёзма китоблар ва ёзув қоғозини сотиб олиш мумкин эди, шу ерда тегишли ҳақ эвазига мактуб ёки ариза ёзиб берувчи мирза ҳам ўтирган [11;139]. Бундан ташқари, Темур салтанатида олий ҳукмдорнинг кенгаш ва машваратларида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда қўрилган, ечилган муҳим масалалар ва айрим ишлар тафсилотини махсус дафтарга ёзиб олиб сақловчи ходимлар *мажлиснавс* дейилган. Уларнинг зиммасига подшоҳга тушган арзлар, қабул қилинган қарор (ҳукм), мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб то шахсий гапларгача қайд этиб бориш вазифаси юклатилган [15;105].

Ўша даврда мурожаатларни ҳар томонлама, ҳолисона ва тўлиқ қўриб чиқиш ва ўрганиш, унинг қонуний ечимини топиш давлат фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган.

Тарихий солномаларда ёзилишича, Темур аскарлари Шерозга бостириб кирганда ўлиб кетган бой баззознинг дўконини кўзининг тагига олиб қўйди ва Темурнинг саркардаларига, ўша савдогар дўконидаги ҳамма мол Самарқанд учун олинган, ўз савдогарини талаш аскарларга ярашмайди деб уқтирди. Саркардалар унинг гапига ишонишмаганида, у Шерознинг тош кўчаларидан ҳассасини тўқиллатиб, катта бошлиқлар олдига бориб арз қилди. Унинг шикояти Темурнинг қўлоғига бориб етди. Ҳукмдорга бу довюрак арзгўй ёқиб қолди. Шунда Темур қатъий буйруқ берди: -Ўзимизга қарашли савдогарнинг молини талаш бизнинг аскарларимизга ярашмайди [5;104].

Француз олими Керен Люсьен Темур давлатида ўрнатилган адолат ва интизомдан ҳайратда бўлиб, "Темурбек бутун умри бўйи одил бўлган, гуноҳ қилган кишини сарой мулозимларига алоқадорлиги, мансаби ва бойлигига қарамай, қаттиққўллик билан жазолаган" [7;365], дея таърифлайди.

Муаррих айтганидек, Темур ҳақиқатни қарор топтириш учун ва адолат ўрнатиш йўлида фарзандларига ҳам шафқат қилмаганлиги манбаларда берилган. Масалан, Мироншоҳ васваса дардига мубтало бўлиб қолган вақтда хотини Хонзода яширин тарзда уйдан чиқиб кетиб, кечаю кундуз йўл босиб, Темурбек ҳузурига етиб келган ва бўлган воқеани унга сўзлаб берган эди.

Хонзода Темурбекдан ўғлининг хатти-ҳаракатларини чуқур баҳолашни сарайди, чунки Мироншоҳ отага қарши исён кўтармоқ ниятидадир, деган фикрни айтади. Оқибатда Темурбек, юқорида айтганимиздек, Мироншоҳдан ҳокимиятни тортиб олган эди [8;118].

Мамлакатда жамоавий мурожаатларни ҳал қилиш, унинг қонуний ечимини топиш муҳим аҳамият касб этган. Бу борада, Темур айтадики, “...Яна бир ҳақ жойига қарор топтирган ишим шу бўлдики, савдогарлардан бир жамоа келиб Банола ҳокими Султон Маҳмудхондан шикоят қилди. Мен унга: “Банола ҳокими билсинки, мен Ҳинд ўлкасида адолат ва инсоф билан бир қаср бино қилибдурмен ва бу қасрнинг деворини баланд этиб, томини эҳсон билан ёпибдурмен. Сен уни зулм ва жабр билан хароб этибдурсен. Мен сенинг умринг уйини хароб этармен”, деб ёздим. Менинг ёрлиғим унга етиб бориши билан таъзим бажо келтириб, қилган ишини ўта маъқул равишда ўрнини қоплади” [2;331].

Тарихий далиллар шуни кўрсатдики, Амир Темур давлати тузуми, ҳокимият бошқаруви услублари, қонун устуворлигининг таъминланиши ва адолатга йўналтирилган ғоялари Темурийлар силсиласи даврларининг ҳуқуқий асосини ташкил қилган.

Хусусан, файласуф Николо Макиавелли айтганидек, “Подшоҳ ...мамлакатга мустаҳкам ўрнашиб олса, уни амалдорлар томонидан талон-торож бўлишдан халос қилади, чунки фуқаролар подшоҳга бевосита мурожаат қилиш имконига эга бўладилар” [10;19], деган эзгу ғоя Темурийлар салтанати давомчиси Мирзо Улуғбек фаолиятининг ҳам амалий дастури ҳисобланган.

Манбаларда қайд этилишича, Шайхул ислом (Исомиддин) шаҳарликлар учун ҳаммом қурди. Бу воқеани, албатта, базм билан нишонлаш керак эди... Мухтасиб (Саид Ошиқ) ҳам таклиф этилди. Аммо ҳукмдор бу базмда йўқ эди, ҳамма базм яхши ўтади, кўнгилдагидек бўлади, деб умид қилганди. Дастлабки дақиқаларда ростдан ҳам вақтихушлик бўлди. Мухтасиб савлат тўкиб фахрли ўринда ўтирар, шайх ва савдогарлар чақчахлашар, ҳатто май ҳам ичиб

олганди. Аммо раққосалар кириб келиб, ашула товуши янграши билан у ўзини тутиб туролмади, ўрнидан сакраб туриб, кичқирди:

—Эркаклар билан аёлларнинг бир уйда ўтириб, ашула айтишига ким рухсат берди?! Сен динсиз шайхулислом! Бу ҳақоратдан каттиқ ранжиган шайхулислом Улуғбекка бориб шикоят қилди. Улуғбек бунга кўникиб қолганди. Темур уюштирган базмларда раққосалар рақсидан ташқари, ҳукмдорнинг хотинлари ҳам у билан бирга даврада бўлар, эркаклар билан бирга май ичишарди. Улуғбек бу тартибни йўқотишни лозим топмаганди. У дарғазаб бўлди, ҳаддидан ошган мухтасибнинг адабини бериб қўймоқчи бўлди. Шаҳар қозиларини йиғиб, мухтасибни суд қилмоққа фармойиш берди [3;123].

Муаррихларнинг ёзма хабарига кўра, Улуғбек ҳузурига бир ҳарбий одам арз қилиб келди. Оёғига йиқилиб деди: “Оғойим вафот топуб, хотини бева қолди. Андин икки сағир ва ўртамиёна бир ҳовли жой қолғон. Урф-одатга кўра, мен ўшал бевани хотинликка қабул қилишим, сағирларга эрса ота бўлмоғим лозим. Локин, билъакс, заифа кўнмайин турадур, бир баззозни ихтиёр қилғон эрмиш. Ҳузурингизга кўмак излаб келдим, аълоҳазрат. Қулингиздан мурувватингизни оямасангиз, олампаҳо”.

Улуғбек ясовулбошини чақиртирди: —Шул одам бирлан боруб, ўшал заифани онинг ихтиёрига олуб бер! Абулфатҳ Дайлар (мусулмон руҳонийси) шу пайт подшоҳ ҳузурида ўлтирган эди. У ҳукмга аралашди: Аълоҳазрат, ҳаял фурсат қилсунлар, бу хусусда маслаҳатлик гап бор.

—Улуғбек бош ирғитиб унинг таклифига рози бўлди, ясовулбошига “сен тошқариға чиқиб тур!” -деб имо-ишорат қилди, у чиқиб кетгач қўл қовуштирди:

—Қулоғим сизда, тақсир!

—Сипоҳийнинг хотун хусусидоғи талаби шариатга ҳилофдур. Оға ўлгач бевасини ини олишлиқ урфий бир нарса, кўчманчилардан қолган одат. Сониян, никоҳ ҳар икки тарафнинг ризолиги бирлан бўлур.

—Узр қилсинлар, тақсир. Биз бу тарафдан иштибоҳ қилубмиз. Улуғбек дарҳол ясовулбошини чақиртириб аввалги ҳукмини бекор қилганлигини айтди [6;81].

Бундан кўринадики, Мирзо Улуғбек салтанатида адолат ҳукмрон бўлганлиги, шу жумладан, мурожаатларга бўлган муносабат давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралиб, шикоятда келтирилган вазларнинг қонуний ечимини топиш бош мақсад эканлигидан далолат беради.

Бу қонунийлик темурийлар авлодининг буюк намоёндаларидан бўлган Бобурийлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Хусусан, манбаларга таянадиган бўлсак, Бобур даврида: “...Қўл остидаги аҳоли вазирлар ва бошқа маъмурият вакиллариининг ишидан норози бўлса, тўғридан-тўғри подшоҳга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин бўлди” [9;288], дея қайд этилади.

Умуман олганда, Амир Темур ва Темурийлар даврининг мурожаатларни ҳал этишга йўналтирилган фаолияти эзгулик ва одилликни амалда рўёбга чиқариб, *биринчидан*, давлат—жамият—фуқаро ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, *иккинчидан*, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, *учинчидан*, аҳолининг яшаш турмуш тарзидан бохабар бўлиб туриш, *тўртинчидан*, қонунчилик аҳволини ўрганиш, *бешинчидан*, коррупцияга қарши кураш, *олтинчидан*, маҳаллий ҳокимият вакиллариининг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишларини аниқлаш, *еттинчидан*, аҳоли хавфсизлиги, мамлакатнинг ҳудудий дахлсизлиги ва давлат томонидан ўрнатилган адолатни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилганлигига барча асослар мавжуддир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амир Темур ғарб адиблари нигоҳида /А.Саидов ва Ғ.Мирзо таҳрири остида. – Тошкент: Davr press, 2016. – 223 б.

2. Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 430 б.
3. Аҳмедов Б. Улуғбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 252 б.
4. Ака, Исмоил. Буюк Темур давлати //Таржимон Т.Қаҳҳор. –Тошкент: Чўлпон, 1996. – 158 б.
5. Бородин С. Самарқанд осмонида юлдузлар. Биринчи китоб. –Тошкент: Ёш куч, 2020. – 654 б.
6. Голубев Г. Улуғбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1962. – 180 б.
7. Керен, Люсьен, Саидов А. Амир Темур ва Франция. –Тошкент: Адолат, 2016. – 559 б.
8. Клавихо, Руи Гонзалес де. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 261 б.
9. Ламб, Ҳарольд. Бобур-Йўлбарс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 293 б.
10. Макиавелли, Никола. Ҳукмдор. – Тошкент: Davr press, 2018. –140 б.
11. Темур ва Улуғбек даври тарихи // Академик А.Асқаров таҳрири остида. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – 264 б.
12. “Чингизхон ясоғи” ва “Темур тузуклари”. – Тошкент: Info Capital Group, 2020. – 190 б.
13. Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 527 б.
14. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. 1-жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 424 б.
15. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Монография. – Тошкент: Akademnash, 2017. – 245 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Бекзод НАРИМАНОВ

Юридик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

<https://orcid.org/0000-0002-4703-3358>

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар, ташкилий-ҳуқуқий шакл, жамоат бирлашмаси, фондлар, муассасалар, “учинчи сектор”, адлия органлари, маъмурий тартиб-таомиллар.

РАЗВИТИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Бекзод НАРИМАНОВ

Доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

<https://orcid.org/0000-0002-4703-3358>

Аннотация

В данной статье анализируется развитие организационно-правовых основ некоммерческих организаций в Узбекистане.

Ключевые слова: негосударственные некоммерческие организации, организационно-правовая форма, общественное объединение, фонды, учреждения, «третий сектор», органы юстиции, административные процедуры.

Ўзбекистонда “учинчи сектор”ни инновацион ёндашувлар асосида ривожлантирмасдан туриб янги Ўзбекистонни барпо этишга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг манфаатларини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Бу борада ННТларининг демократик жараёнлардаги иштирокини ҳуқуқий таъминлаш уларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш

мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг ғоят муҳим шартин ҳисобланади.

Конституциянинг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги қайд қилинган. Мазкур конституциявий норма Асосий Қонуннинг кейинги бобларида ҳам кенгайтирилган ҳолда ўз аксини топган.

Хусусан, Конституциянинг 13-боби жамоат бирлашмалари деб номланиб, ушбу бобдаги 56-62-моддалар жамоат бирлашмалари фаолияти бўйича нормаларни ўз ичига олади.

Конституциямизда фуқаролар қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар тушунча ва атамалар қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси кенг қўлланила бошланди. Асосий қонунимизда “жамоат бирлашмаси” деб берилган тушунча Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида берилганлиги ҳам аксарият ҳолларда мутахассислар ўртасида кескин баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай жамоат бирлашмаси нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади, лекин ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат бирлашмаси бўлмайди деб ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида фақат бундай ташкилотлар ташкил этишнинг эҳтимол тутилган мақсадлари белгиланган: “Нодавлат нотижорат ташкилоти ... даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари

(аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. [1].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг 4 та ўзига хос белгисини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади;
- даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайди;
- олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайди;
- ўзини ўзи бошқарувга асосланади.

Фикримизча, бутун дунёда бугунги кунда амалдаги қонунчиликда мустақамланган нодавлат нотижорат ташкилоти институти “учинчи сектор” сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ. Бу тушунча юқорида келтирилган 4 та хусусиятни ҳам ўзида акс эттиради.

Тадқиқотчилардан бири Ш.Назаров ўз илмий ишида бу борадаги ислохотларни, амалга оширилган ишларни мустақиллик давридаги тарихий ривожланишдан келиб чиқиб, 1991-2000 йиллар, 2001-2010 йиллар ва 2011-2016 йилларни ўз ичига қамраб олган шартли равишда уч босқичга ажратади.

Ш.Якубов “учинчи сектор” фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганлигини эътироф этади [10; 206].

Фикримизча, Ҳаракатлар стратегияси доирасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ислохотларнинг асосий мақсади давлат органлари ва “нодавлат сектор” ўртасидаги муносабатларни либераллаштиришга қаратилган.

А.Жалилов ўз тадқиқотларида 2005 йилдан ННТлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида янги давр бошлаб берганини

эътироф этади [9; 264]. Муаллиф ўз фикрини ислохотларнинг мазкур босқичида олий қонунчилик органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилганлиги билан асослашга ҳаракат қилган.

М.Моховикова ўзининг тадқиқотларида Ўзбекистонда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигини Ўзбекистонда ННТлари ривожланишининг илк босқичларини Ҳукумат ижтимоий фаолликни ННТ форматидаги ижтимоий йўналтирилган фаолиятга айлантирилганлиги билан асослантиради. Шунингдек, у Ўзбекистонда ижтимоий шериклик, жамоат фонди каби механизмлар ва замонавий иш шаклларида фойдаланишга қарамай собиқ совет тажрибаси асосида давлат томонидан йирик жамоат ташкилотларини тузиш каби ўзига хос ривожланиш йўлини келтириб ўтади [5; 26].

Бизнингча, Ўзбекистонда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланиши турли йилларда қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан чамбарчас боғлиқ [6; 353].

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилган қонунчилик ислохотлари ривожланиш даври ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ва мамлакат Бош қомусининг қабул қилиниши билан “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999) қонунлари қабул қилиниб ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосининг пойдевори ўрнатилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги масалалари”

қарорига асосан жамоат бирлашмалари билан алоқаларни таъминлаш, уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказиш ва ана шу уставларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигига мазкур вазирликнинг марказий аппаратида жамоат бирлашмалари бўйича Бошқарма, Қорақалпоғистон МССЖ Адлия вазирлиги, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси адлия бошқармаларида тегишли бўлимлар тузилиб, ЎзССЖ Адлия вазирлиги бошқарув системаси аппарати ходимларининг сонини 60 кишига, шу жумладан, Вазирлик марказий аппаратининг сонини 20 кишига қўпайтиришга рухсат этилиши белгиланди [4; 206].

Демак, мазкур босқични асосий жиҳатларини таҳлил қилиб, биринчидан, ННТлари ҳуқуқий асоси конституциявий норма билан мустаҳкамланганлиги, иккинчидан, кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асоси яратилганлиги, учинчидан, давлат ва ННТлари ўртасидаги муносабат, хусусан ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни назорат қилиш механизми ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур институционал ва ҳуқуқий асослар Ўзбекистонда ННТлари давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши учун етарли эмас эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги Қарори ННТлари ташкилий ҳуқуқий асосини ривожланиши борасида янги даврни бошлаб берди. Мазкур босқичда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги (2004), “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007), “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада

демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Парламентнинг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишида илгари сурган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” [11] ҳуқуқий асос сифатида “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилинишига олиб келди.

Мазкур босқичда Ўзбекистонда ННТлари ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланиши бўйича қуйидаги муҳим масаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизми белгиланди. Бу борада жамоатчилик назорати институтига 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида конституциявий мақом берилди. Мазкур ислохотлар билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТларининг роли ва ўрнини оширди.

Иккинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ННТ фаолияти ва молиявий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасида белгиланган юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида ННТларига жорий этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Давлат

рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи миқдори 5 бараварга, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимлар миқдори 2,5 бараварга камайди, Ўзбекистон Республикасида ННТнинг алоҳида бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божи олинмаслиги, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Учинчи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, шунингдек, фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлашнинг институционал асоси белгиланишига олиб келди. Мазкур тузилмалар ННТларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлашга қаратилган.

Тўртинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ННТ фаолият кўрсатишининг қонунийлигини таъминлаш Адлия вазирлигига юклатилиши ННТ ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиш дастурларини амалга ошириш, маҳаллий, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг олиб боришнинг ҳуқуқий механизмини белгилади. Мазкур ҳужжатларга асосан адлия органлари ННТ тадбирларига эркин кириш имконини бериши ҳамда солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган низомга асосан ННТ адлия органига ҳар йили 1 февралгача – ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим

этиши ва фаолиятни молиялаштириш манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шартлиги белгиланган.

2015 йил 8 июнда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳужжатлар асосида ННТнинг адлия органлари билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми белгиланди. Масалан, ҳисобот шаклларида ННТларининг рўйхатдан ўтиши билан боғлиқ маълумотлар, банк реквизитлари, раҳбарлари ва раҳбар органлари, ходимларга оид маълумотлар, почта манзили, аъзолари, ҳамкорлари, уларнинг таъсисчилигида очилган тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари, лицензияланадиган фаолият турлари, устав доирасида амалга оширилган ишлари, шу билан бирга фаолиятини молиявий таъминлаш маблағлари ҳамда ташкилотни текшириш (мониторинг қилиш) ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш белгиланди.

Учинчи босқич. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ННТлари ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур босқичда ННТлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни қуйидаги 3 та муҳим қисмга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида амалий ва самарали мулоқот механизмларини йўлга қўйиш мақсадида қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди.

Бундан ташқари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра 2018 йил 1 июндан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган билан ННТнинг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилди. Шунингдек, худди шу санадан бошлаб, ННТга чет давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар, чет давлатларнинг фуқароларидан келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланиш имконияти берилди.

Жамоат фондлари ҳар йилги маъмурий харажатлар барча харажатлари суммасининг максимал чегараси 20 фоиздан 30 фоиз этиб деб белгиланди. Бу борада “учинчи сектор” ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишиш мажбурий тартибда амалга оширилиши белгиланди [7].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сон Қарори билан тасдиқланган амалий чора-тадбирлар режасининг 8-бандида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланди.

Мазкур кодексни қабул қилишдан асосий мақсад ННТлари соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари нормаларини ягона кодексга бирлаштириш, ННТларига давлат хизматларини очиқ, ошқора кўрсатишни таъминлаш мақсадида барча маъмурий-тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш, умуман давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан муносабатларини демократлаштириш ҳисобланади [8].

ННТларига адлия органлари билан боғлиқ барча хизмат ва алоқаларни электрон шаклда амалга ошириш имконини берувчи E-ngo.uz сайти синов режимида ишга туширилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони [2] асосан Жамоатчилик палатаси фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштириш бир қатор вазифаларни амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ва давлат ривожига қўшаётган хиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш каби муҳим мақсадларда тузилди.

4. “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 март қарори [3] нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш учун рухсат берувчи тартибларни соддалаштириш, ННТлар билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш орқали такомиллаштиришга алоҳида урғу берилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 январь 763-I-сон Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрель ПФ-5980-сон Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2020 й., 06/20/5980/0450-сон

3. Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 март ПҚ-5012 сон қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2021 й., 07/21/5012/0176-сон.

4. Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Тошкент: ART FLEX, 2012.

5. Моховикова М.Н. Взаимодействие государства и негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане: автореф. дис... канд. полит. наук. – Москва: МГИМО, 2016. – 27 с.

6. Нариманов, Б. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари: назарий-ҳуқуқий таҳлил. //Общество и инновации, 2021. – №2(12/S). – С.353-359.

7. Нариманов Б. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари: назарий-ҳуқуқий таҳлил //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №.12/S. – С. 353-359.

8. Наримонов, Бекзод. Некоторые вопросы совершенствования оказания государственных услуг негосударственным некоммерческим организациям в узбекистане. //Review of law sciences 4.Спецвыпуск, 2020.

9. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А.Жалилов, У.Муҳаммадиев, Қ.Жўраев ва бошқ. — Тошкент, 2015. — 264 б.

10. Якубов Ш. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари: Монография. – Тошкент: LESSON PRESS, 2018. – 206 б.

11. Bekov I. Constitutional and legal basics for the participation of political parties in the formation of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis //Journal of Critical Reviews. – 2020. – T. 7. – №. 11. – C. 1571-1577.

МУДДАТЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШДА ХОДИМЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Бону Давлатназаровна РАХИМБЕРГАНОВА

таянч докторант

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги таҳлил қилинган ҳолда, муддатли меҳнат шартномасини тузишнинг иш берувчи ва ходим учун ижобий ҳамда салбий жиҳатлари аниқланган. Шунингдек, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга доир илмий ва амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: меҳнат шартномаси муддатлари, муддатли меҳнат шартномаси, иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи.

ВОПРОСЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ РАБОТНИКОВ ПРИ ЗАКЛЮЧЕНИИ СРОЧНЫХ ТРУДОВЫХ ДОГОВОРОВ

Бону Давлатназаровна РАХИМБЕРГАНОВА

базовый докторант

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье на основе анализа трудового законодательства Республики Узбекистан изложены положительные и негативные аспекты заключения срочного трудового договора для работодателя и работника. Кроме того, были подготовлены научные и практические заключения, а также предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: сроки трудового договора, срочный трудовой договор, права работодателя на заключение срочного трудового договора.

Бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, фукароларнинг меҳнат қилиш, муносиб турмуш кечиришлари учун даромад манбаига эга бўлишлари билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланиб, уларга ҳуқуқий кўмак бериб келинмоқда. Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларида ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий ўринда эканлигини 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси,

2022 йилда қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўрнатилган устувор йўналишлар мазмунида кўришимиз мумкин.

1. Маълумки, меҳнат ҳуқуқи ҳамда меҳнат қонунчилигида ўрнатилган нормалар айрим ҳолларда ходим, айрим ҳолларда иш берувчи манфаатига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” (кейинги ўринларда – Меҳнат кодекси) 2-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашиши [1] назарда тутилган. Айни пайтда, меҳнат қонунчилиги юқоридаги қоидага асосланган трипартизм (*Трипартизм – касаба уюшмалари, иш берувчиларнинг вакиллари ҳамда ҳукумат томонидан келишиш мақсадида маслаҳатлаш ўтказишига асосланган принцип*) принципи асосида шаклланган.

Меҳнат муносабатларида иш берувчи билан ходим ўртасида бўйсунувнинг мавжуд эканлиги эса, ходимлар ҳуқуқларини турли воситалар орқали ҳимоя қилиниши лозимлигини англатади. “Меҳнат кодекси”да ходимларга турли кафолат ва имтиёзлар белгилаб қўйилганлиги ҳам айрим иш берувчиларнинг манфаатларига маълум даражада зид бўлиб қолиши мумкин. Айниқса, муддатли меҳнат шартномасини тузишда меҳнат қонунчилигида айрим чекловларнинг мавжуд эканлиги иш берувчилар томонидан қонунни айланиб ўтиш йўллари излашга олиб келади. Жумладан, муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун келишувини тузиши мумкин.

Барчамизга маълумки, “Меҳнат кодекси”нинг 75-моддасида меҳнат шартномалари номуайян муддатга, 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин

эканлиги, 76-моддада эса, иш берувчи фақат айрим ҳоллардагина муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Хусусан, Кодекснинг 76-моддасидаги нормага кўра, муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда; корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

2001 йил 30 декабрда қабул қилинган Россия Федерациясининг Меҳнат кодексининг ўзига хос хусусиятларидан бири – муддатли меҳнат шартномаси билан боғлиқ махсус нормаларнинг мавжудлигидир. Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 59-моддасида муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлган йигирмадан ортиқ ҳолат санаб ўтилган. Модданинг биринчи бандида муддатли меҳнат шартномаси тузилиши керак бўлган ҳолатлар кўрсатилган. Унга кўра муддатли меҳнат шартномаси:

- иш жойи сақланган ҳолда вақтинча йўқ ходимнинг вазифаларини бажарувчи шахслар билан;
- икки ойдан ортиқ бўлмаган вақтинчалик ишларда;
- мавсумий ишларда;
- хорижда ишлашга юборилаётганлар билан;
- иш берувчининг одатий фаолияти доирасидан четга чиқувчи ишларга (қурилиш, тамирлаш ва ҳ.к.), шунингдек бир йилгача олдиндан режалаштирилган иш ва хизматлар ҳажмининг ортиши билан боғлиқ ҳолатларда;
- муайян вақтга ёки маълум бир ишни бажариш муддатига ташкил этилган ташкилотларга ишга кираётганлар билан;
- маълум бир ишнинг тугалланиши аниқ сана билан белгилаб бўлмайдиган ишларни бажариш вақтига ёлланилаётганлар шахслар билан;

- стажировка шаклидаги амалиёт, касбий малакани ошириш билан боғлиқ ишларга кираётган шахслар билан тузилади;
- сайланадиган ташкилотларга сайланганлар;
- шунингдек, сайланма органларнинг фаолиятини таъминловчилар билан;
- аҳоли бандлигига кўмаклашувчи органлар томонидан муайян ишларни бажариш ёхуд жамоат ишларига жалб қилинганда;
- муқобил ҳарбий хизматни ўташга юборилганлар билан;
- қонунда назарда тутилган ҳолатларда тузилади.

Шунингдек, мазкур модданинг иккинчи қисмида тарафларнинг ўзаро келишуви асосида муддатли меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатлар белгиланган. Буларга:

- кичик тадбиркорлик субъектларига ишга кираётганлар билан;
- пенсионерлар билан;
- корхона раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва бош бухгалтерлар билан;
- ўриндошлик асосида ишловчилар ва бошқалар киради [4].

Қозоғистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 29-моддаси 1-бандига кўра, меҳнат шартномаси:

- номуайян муддатга;
- бир йилдан кам бўлмаган муайян муддатга;
- муайян ишни бажариш вақтига;
- вақтинча йўқ бўлган ходимнинг ўрнини тўлдириш мақсадида;
- мавсумий ишни бажариш вақтига тузилиши мумкин.

Қозоғистон Республикаси меҳнат қонунчилигида муддатли меҳнат шартномасининг энг кам муддати белгиланган бўлиб, унинг энг узоқ муддати эса қонунчиликда кўрсатиб ўтилмаган. Бир йилдан кам муддатга фақатгина мавсумий ишлар юзасидан меҳнат шартномаси тузилиши мумкин [5]. Мазкур давлатларда муддатли меҳнат шартномасини тузиш асослари меҳнат қонунчилигида аниқ белгиланганлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Муддатли меҳнат шартномаси тузилиши бир қарашда иш берувчилар манфаатлари учун хизмат қиладигандек кўринади, сабаби меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари аниқ белгиланганлиги ва бир мунча мушкул жараён эканлигидадир. Бундан ташқари иш берувчилар учун муддатли меҳнат шартномасини тузишнинг бошқа ижобий томонларини ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномасини тузиш ходимни синаб куриш имконини беради. Бундай вазиятда ишга қабул қилишда дастлабки синов мавжуд-ку деган фикр туғилиши табиий ҳол. Албатта мавжуд. Аммо, дастлабки синовни қўллашда меҳнат қонунчилигида ўзига хос шартлар ўрнатилганлигини унутмаслик лозим.

Биринчидан, дастлабки синов ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш мақсадида ўрнатилади.

Иккинчидан, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилар ишга қабул қилинганда, шунингдек ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Учинчидан, дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Тўртинчидан, агар дастлабки синов натижасига кўра ходим ўз меҳнат вазифасини уддалай олмаганлиги учун меҳнат шартномаси бекор қилиниши натижасида ходим судга мурожаат қилса, иш берувчи ходимнинг дастлабки синовдан ўтмаганлигини исботлаб бериши керак. Рус олими Т.Сувалованинг фикрича, дастлабки синов натижасида меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда иш берувчи томонидан чиқарилган буйруқ мазмунида дастлабки синов натижасига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлган сабабларни кўрсатиш керак [3; 222].

Шундай қилиб, агар иш берувчи муддатли меҳнат шартномаси тузадиган бўлса, у ходимнинг малакаси ва иш тажрибасини белгиланган муддатда эришган натижалари орқали баҳолай олади. Келгусида ушбу ходим билан ишлай олишига кўзи етадиган бўлса, меҳнат шартномаси муддатини узайтиради. Албатта бундан бажарилажак ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолларда тузиладиган меҳнат шартномалари мустасно.

Эътибор берадиган бўлсак, миллий меҳнат қонунчилигида муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳеч қандай огоҳлантириш муддати белгиланмаган, бундан ташқари шартномани бекор қилишнинг алоҳида тартиби ҳам мавжуд эмас. Меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат шартномада келишиб олинган муддатнинг тугаши асос бўлади. Германия Федератив Республикаси қонунчилигида ҳам муддатли меҳнат шартномасининг бекор қилинишида ҳеч қандай шарт мавжуд эмас [6].

Аслини олганда муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи шартнома муддатини тугаш вақтига сергак бўлиб туриши керак. Сабаби агар бу жараёнда муддатни ўтказиб юборадиган бўлса шартномани номуайян муддатга тузилган деб топилишига олиб келади (“Меҳнат кодекси”нинг 105-моддаси).

Шу сабабли, “Меҳнат кодекси”нинг 105-моддасига ўзгартириш киритиш ва унда шартномани муддати тугаганлиги ҳақида тарафлар бир бирини огоҳлантириши мумкин бўлган муддатни белгилаш лозим (3 кунлик муддат етарли деб ҳисоблаймиз). Агар иш берувчи номуайян муддатга тузилган шартномани бекор қилишни истаса, ундай ҳолда “Меҳнат кодекси”нинг 100-103-моддалари қоидаларига ва шу билан боғлиқ бошқа нормаларга риоя қилиши талаб этилади. Муддатли меҳнат шартномасини бекор қилинишида эса муддатнинг тугашининг ўзи етарли. Бу жараён иш берувчилар учун ижобий бўлса-да, ходимлар томонидан ҳамиша қораланади.

Шунингдек, муддатли меҳнат шартномаси бекор қилинганида иш берувчи ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўламайди. “Меҳнат кодекси”нинг 109-моддасига кўра иш берувчининг ташаббуси билан (ходим ўзининг меҳнат

вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно) меҳнат шартномаси бекор қилинадиган бўлса, иш берувчи ходимга унинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида (жамоа шартномасида кўпроқ миқдор назарда тутилиши ҳам мумкин) ишдан бўшатиш нафақаси тўлашга мажбур.

Таъкидлаш жоизки, муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар келгусида шартнома муддатини узайтириш мақсадида юқори натижалар кўрсатишга, корхонага кўпроқ фойда келтиришга ҳаракат қиладилар. Кучли рақобат шароитида ишлайдилар. Худди яшаш учун кураш жараёнини бошдан кечирадилар. Натижада ходимларнинг касбий сифати ҳам орта боради.

Муддатли меҳнат шартномаси тузишнинг ижобий томонларини яна кўп санаб бериш мумкин, бироқ унинг айрим салбий томонлари ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Қуйида уларни таҳлил қиламиз:

Биринчидан, муддатли меҳнат шартномасининг тузилиши ходимнинг ишга кирган корхонасига умрбод боғланмаслиги ва ишини виждонан бажармаслигига олиб келиши мумкин. Чунки муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходим ҳамиша кетиш тараддудида бўлади, ҳар доим захирага иш топиб қўйиш керак эканлигини ўйлаб юради, яъни ходим психологик нуқтаи-назардан кучли таъсир остида бўлади. Жанубий Кореялик олимлар Вурам Парк ва Жисун Баекларнинг таъкидлашича, ишнинг доимий характерга эга эмаслиги ходимни ҳар доим стресс ҳолатда бўлишига олиб келади, бунинг натижасида эса, ходимлар ёмон иллатларга (ичкилик) берилиб кетади [7; 158].

Иккинчидан, муддатли меҳнат шартномаси асосида ходимларни тез-тез алмаштириш “ходимлар қўнимсизлиги”ни келтириб чиқаради. Бир йиллик меҳнат шартномаси тузишга қонун рухсат берса, иш берувчи ҳар йили янги ходим ёллашга ҳақли бўлиб қолади. Бу эса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида давлатга ҳам зарар етказади. Ишсизлик тобора ортиб бораверади.

Учинчидан, муддатли меҳнат шартномаси тузилгач, иш берувчилар ходимлар устидан мутлақ ҳукмронликни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Иш берувчи ходимни таътил вақти ишга чақирса ҳам, ишдан ташқари ишларга жалб этса ҳам, лавозим вазифасига кирмайдиган топшириқлар берса ҳам ходим айнан муддатли меҳнат шартномасини узайтириш мақсадида иш берувчининг ноқонуний талабларини бажаришга мажбур бўлади. Бундай ҳолат эса, нафақат ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига, балки бугунги кунда давлатимиз кураш олиб бораётган бир пайтда мажбурий меҳнатга йўл қўйиб берилган бўлади. Натижада иш берувчиларнинг жавобгарлиги юзага келади (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддасига кўра, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади) [2].

Тўртинчидан, муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаш ходимларнинг турли устамалар ва кафолатлардан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам дахл қилиши мумкин. Масалан, айрим корхоналарнинг жамоа шартномаларида мазкур корхонада 2 йилдан ортиқ ишлаган ходимга 10 % устама ёки 5 йилдан ортиқ ишлаган ходимларга 3 кунлик қўшимча таътиллари берилиши назарда тутилиши мумкин. Агар муддатли меҳнат шартномаси 1 йиллик бўлса, уларда бундай қўшимча кафолатлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида бундай ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда иш берувчиларнинг муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини кенгайтириш жараёни кетмоқда. Янги таҳрирдаги “Меҳнат кодекси”нинг лойиҳасида ҳам муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлган ҳолатлар кенгайтирилган. Шунингдек,

ушбу лойиҳада айрим ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб муддатли меҳнат шартномаси тузиши мумкин эканлиги назарда тутилган. Албатта Кодексида бундай нормаларнинг киритилиши келгусида иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига тўлиқ риоя этишига олиб келади. Умуман олганда муддатли меҳнат шартномаси бўладими, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси бўладими, иш берувчилар қонун талабидан чиқмаган ҳолда меҳнат муносабатларини амалга оширишлари лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муддатли меҳнат шартномасини тузиш асосан ходимлар ҳуқуқларини чеклайди. Демак, бундан келиб чиқадики, иш берувчилар муддатли меҳнат шартномасини тузишдан ҳар доим манфаатдор бўлиб келганлар. Юқорида амалга оширилган таҳлил натижалари сифатида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, “Меҳнат кодекси”да муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлган қуйидаги ҳолатларни аниқ белгилаш:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартларини ҳисобга олган ҳолда муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб, ишнинг тамомланиши аниқ сана билан белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда;

ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, ходимнинг ёзма илтимосига асосланган ҳолда;

вақтинчалик йўқ бўлган, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан иш жойи ва лавозими сақланиши лозим бўлган, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш вақтига мўлжаллаб;

вақтинчалик ишларга (2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга), мавсумий ишларга жалб этилган ходимлар билан;

корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

сайланадиган лавозимга сайланган ходим билан унинг сайланиш муддатига мўлжаллаб;

масофавий меҳнат қилиш учун ёлланган ходимлар билан;

ишни табиий шароитлар сабабли фақат муайян давр (мавсум) ичида амалга оширилиши мумкин бўлганда мавсумий ишларни бажариш учун;

иш берувчининг одатдаги фаолияти доирасидан ташқарига чиқадиган ишларни (реконструкция қилиш, монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш ишлари ва бошқа ишлар), шунингдек ишлаб чиқаришни ёки кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини олдиндан маълум бўлган вақтинчалик (бир йилгача) кенгайтириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун;

ташкilotнинг таъсис ҳужжатларига биноан олдиндан белгиланган муддатга ташкил этилган ташкilotларга ишга кираётган шахслар билан;

ташкilotда ўқитиш, касб ўргатиш шартномаси билан бевосита боғлиқ бўлган ишларни бажариш, ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ёки стажировкани ўташ муддатига мўлжаллаб;

муқобил хизматни ўташ учун юборилган фуқаролар билан, муқобил хизматнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатига мўлжаллаб;

меҳнат органлари томонидан вақтинчалик хусусиятга эга бўлган ишларга ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган шахслар билан;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга “Меҳнат кодекси” ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Иккинчидан, тарафлар келишуви билан муддатли меҳнат шартномаси тузишда алоҳида қоида ўрнатиш лозим.

Ходим ва иш берувчи ўзаро келишган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузиши мумкин. Шартнома муддати ходим манфаатларини инобатга олган ҳолда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади.

Муддатли меҳнат шартномасини тузиш чоғида ва ундан кейин тарафлар ўртасида муддатни белгилаш ёки ўзгартириш билан боғлиқ низо келиб чиқадиган бўлса, шартнома муддатини белгилашда ихтиёрий келишувга эришилганлик фактини тасдиқлаш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

Иш берувчи ходимни муддатли меҳнат шартномаси тузишга мажбурлаган тақдирда жавобгарликка тортилади

Учинчидан, муддатли меҳнат шартномаси тузилганда шартномада неустойка тўлаш билан боғлиқ бўлган тарафлар жавобгарлигини кучайтириш ҳамда қатъий белгилаш масаласини кўриб чиқиш лозим. Бунда иш берувчиларнинг неустойка тўлаш билан боғлиқ мажбуриятини ошириш билан боғлиқ нормани янги таҳрирдаги “Меҳнат кодекси”га киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”нинг янги таҳририни қабул қилишда инобатга олиниши келгусида меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштиришда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд муаммоларга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этган бўлар эди. Шунингдек, муддатли меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шартномаси муддатини ўзгартириш ва муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибини мукамаллаштириш, миллий меҳнат қонунчилигининг Европа стандартларига янада мос бўлишига олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, Қонун

хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон;
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,
2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,
13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон.

3. Сувалова Т. Испытательный срок при срочном трудовом договоре. //Вестник университета, 2017. – № 2.

4. Трудовой кодекс Российской Федерации от 30.12.2001 N 197-ФЗ.
www.consultant.ru,

5. Трудовой кодекс Республики Казахстан от 23 ноября 2015 года № 414-V. www.online.zakon.kz.

6. “The Part-Time Work and Fixed-Term Employment Act” [Teilzeit- und Befristungsgesetz]. Official source: <http://www.gesetze-im-internet.de/tzbfsg>.

7. WooRam Park, Jisun Baek. The impact of employment protection on health: Evidence from fixed-term contract workers in South Korea. Social Science & Medicine 233 (2019). P. 158-170. www.sciencedirect.com.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ойбек Акрамович ХАКИМОВ

магистр

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

Университети

Тошкент, Ўзбекистон

12300oybek@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига пенсия тайинлашнинг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Қуролли Кучлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя, пенсия.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ И В УЗБЕКИСТАНЕ

Ойбек Акрамович ХАКИМОВ

магистр

Университет общественной безопасности

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

12300oybek@gmail.com

Аннотация

В статье рассматриваются значения и правовые основы пенсионного обеспечения военнослужащих Вооруженных Сил Узбекистана и зарубежных стран.

Ключевые слова: Вооруженные Силы, военнослужащие, правовые основы, социальное обеспечение, пенсия.

Мамлакатимизда Қуролли Кучларни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, шунингдек ҳарбий хизматчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган бўлиб, сўнгги 5 йилликда бу соҳага катта аҳамият берилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлаш, пул таъминоти, уй-жой билан таъминлаш, мол-мулкига хизмат вақтида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, ҳарбий хизматчилар фарзандларига олий таълим муассасалари бакалавриатига ўқишга кириш учун квоталар ажратиш каби масалалар юзасидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Айниқса, бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январь куни “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармон ва 2022 йил “Инсон кадрини улуғлаш ва маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури [2] имзоланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Янги Ўзбекистоннинг мазкур тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналишдан иборат бўлиб, 100 та мақсадни ўз ичига қамраб олган.

Стратегиянинг еттинчи йўналишидан мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш билан боғлиқ муҳим стратегик вазифалар ўрин олган бўлиб, 100 та мақсаддан 12 таси, яъни 89-100 мақсадлар шу соҳага тааллуқлидир.

Жумладан, стратегиядаги 90-мақсад “Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш” деб номланган бўлиб, қуйидаги вазифаларни белгилаб беради:

барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарларининг қўшинлар кундалик ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишини таъминлаш;

ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Қуролли Кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айланишига эришиш;

мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш.

Қуролли Кучлар ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштиришни янада такомиллаштириш;

Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техника базасини янада такомиллаштириш;

фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини янада такомиллаштириш;

Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш;

қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш.

Стратегиядаги 91-мақсад эса “Ҳарбий хизматчилар, улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш” деб номланган бўлиб, қуйидаги вазифаларни белгилаб беради:

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада ошириш;

Қуролли Кучларда ахлоқий-руҳий таъминотни ва ҳарбий психологлар институтини янада такомиллаштириш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини янада кучайтириш;

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида мавжуд хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислар иш фаолияти самарадорлигини ошириш.

Ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминотидан бири бўлган пенсия таъминоти ҳарбий хизматчилар ҳаётида муҳим ўринга эга ҳисобланади. Пенсия давлат ижтимоий таъминотининг асосий туридан бири бўлиб, “пенсия” сўзи лотинча “pensio” сўзидан олинган бўлиб “тўлов” деган маънони билдиради [10].

Дунё тарихида илк бор давлат даражасидаги пенсиялар Рим империясида Гай Юлий Цезарь томонидан ҳарбийлар учун жорий

этилганлиги, Россияда илк пенсиялар Россиянинг биринчи императори Пётр I даврида дастлаб фақатгина денгиз зобитларига берилганлиги ҳам бежизга эмас, албатта.

Ўзбек давлатчилиги тарихида буюк сохибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Темур тузуклари”да ҳарбийлар, сипоҳ ва қўшинларнинг ижтимоий муҳофазаси, таъминотига катта аҳамият қаратилганлиги, хусусан сипоҳлардан хабардор бўлиб туриш, сипоҳларни сақлаб туриш, уларга улуфа, танҳоҳ бериш ва тақсимлаш, оддий жангчига минган оти баробари миқдорида маош бериш, уларга ширин сўз ва очик юз билан мурожаат қилиш ҳақида баён қилинганлиги, бунга жавобан эса сипоҳлар мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик кўрсатишга аҳд қилганликлари тузукларда кўрсатиб ўтилганлиги ҳарбий хизматчиларга ўрта асрларда ҳам катта эътибор берилганлигидан далолат беради [9].

Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг [1] 5-моддаси ва собиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг 1990 йил 28 апрелдаги қонунига [11] асосан амалга ошириб келинмоқда ҳамда куйидаги турдаги пенсиялардан бири тўланмоқда:

хизмат йиллари учун пенсия;
ногиронлик пенсияси;
боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ, заҳирага бўшатиш ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий хизматчиларимизга бугунги кунгача хизмат йиллари учун пенсия ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги камида 20 йилни ташкил этса – пул таъминотининг 40 фоизи миқдорида тайинланади, пенсиянинг энг юқори миқдори эса 75 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга солиш соҳасида махсус қонун ҳалигача қабул қилинмаганлиги ҳамда 1993 йилдан бошлаб Россия Федерацияси ўзининг амалиётИдан чиқариб ташлаган собиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг 1990

йилдаги қонунини ҳамон қўллаб келаётганлигимиз миллий қонунчилигимиз тизимидаги “оқ доғ” ҳисобланади.

Хорижий давлатларда (масалан АҚШ, Германия, Франция, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон) ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини тартибга соладиган махсус қонунлар аллақачон қабул қилинганлигига, шунингдек, 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти бошқа давлатларникига нисбатан паст даражада эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

1-жадвал

Хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда ҳарбий хизматчилар учун хизмат йиллари бўйича пенсияни ҳисоблаш тартиби [3]

т/р	Давлатлар	Пенсия олиш ҳуқуқи учун белгиланган хизмат йили	Пенсия миқдори (пул таъминоти улушида)	Белгиланган хизмат йилидан кейинги ҳар бир йил учун қўшимча (пул таъминоти улушида)	Пенсиянинг энг юқори миқдори (пул таъминоти улушида)
1	Россия Федерацияси	20 йил	50 %	+3 %	85 %
2	АҚШ	20 йил	50 %	хизмат муддати 30 йилдан ошса 75 %, 40 йилдан ошса 100 %	100 %
3	Германия	10 йил	35 %	10 йилдан 25 йилгача 2 %, 25 йилдан кейинги ҳар бир йил учун +1 %	100 %
4	Франция	15 йил	60 %	+1 %	80 %
5	Ўзбекистон	20 йил	40 %	+3 %	75 %

Жаҳон амалиётида давлатларнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

Ю.Мгимов таъкидлашича, ҳуқуқий ҳимоя – бу ҳарбий хизматчиларнинг қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имтиёзлари қай даражада амалга оширилишини акс эттирувчи тушунча [6].

Ижтимоий ҳимоя – бу инсоннинг ҳаёти ва фаол мавжудлиги, эҳтиёжларини қондириш, ҳаёт шароитининг минимал даражасини кафолатлашга қаратилган тадбирлар ва уларни амалга оширувчи муассасалар тизимидир. Умумий маънода ижтимоий ҳимоя демократик ҳуқуқий давлат томонидан фуқаролар, турли жамоаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан чекланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлаш ва амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни англатади [6].

Ҳуқуқшунос олим В.М.Корякиннинг қайд этишича [4], ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш – бу ҳарбий тоифадаги фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳавфсизлигини ташкил этадиган, ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берадиган, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи. Бошқача айтганда, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш деганда биз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар тизимини, шунингдек, жамият томонидан уларга хизмат ва яшаш учун қулай шароитлар яратиб берадиган кафолатларни тушунамиз. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у ҳарбий хизматчилар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

А.В.Кудаевнинг таъкидлашича, ҳарбий хизматчилар учун имтиёзлар – бу фуқароларга ҳарбий хизмат мажбуриятларини ёки муайян давлат вазифаларини бажариш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган махсус (қўшимча) ҳуқуқ ва имтиёзлар [5].

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти, ҳарбий қўмондонлик ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш учун шароит яратишда, шунингдек, ҳарбий хизматнинг

хусусиятларидан келиб чиқадиган имтиёзлар, кафолатлар ва компенсацияларда намоён бўлади, деб таъкидлайди Н.А.Серебрякова [8].

А.В.Медведевнинг қайд этишича, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш доирасида кўриладиган чора-тадбирлар маълум хусусиятлар билан тавсифланади ва қуйидагиларга қаратилган: ҳаёт ва саломатликни муҳофаза қилиш; моддий ва пенсия таъминоти; уй-жой билан таъминлаш [7].

Юқоридаги олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги ҳолати долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бунинг натижасида ҳарбий хизматчилар кундалик муаммо ва қийинчиликларга чалғимасдан, давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ўзларига юклатилган вазифаларни тўла-тўқис амалга оширадилар деб ҳисоблаймиз.

Давлатлар ўзининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасида Қуролли Кучлар тузилмалари шахсий таркибини ташкил этувчи ҳарбий хизматчиларнинг (оила аъзоларининг) ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини кафолатламасдан туриб, кўзланган юқори натижаларга эришиши қийин, албатта.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳарбий пенсия бўйича махсус миллий қонунимизни қабул қилиш, шунингдек ҳарбий хизматнинг умумий давомийлиги 20 йил бўлганда ҳарбий хизматчиларга пул таъминотининг камида 50 фоизи миқдорида пенсия тайинлаш ва пенсиянинг максимал миқдорини 85 % га чиқариш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 03 сентябрь 938-ХII-сон қонуни.
<https://lex.uz/docs/112314>

2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони.<https://lex.uz/docs/5841063>

3. Икрамов А.А. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш масалалари. // Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги университети Жамоат хавфсизлиги илмий-амалий журнали. – 2021. – №2. – Б.84-91.

4. Корякин В.М. Военно-социальная политика Российской Федерации: проблемы правового регулирования. // Военная мысль. – 2003. – № 2. – 328 с.

5. Кудаев А.В. Социальная защита военнослужащих в условиях социально-экономического развития России: автореф. дис. канд. социол.наук. – Саратов, 2017. – 18 с.

6. Мгимов Ю. Социально-правовой статус военнослужащих США. // Зарубежное военное обозрение. – 1992. – № 6. – С. 11-16

7. Медведев А.В. Актуальные аспекты развития системы социальной защиты военнослужащих в современных условиях. <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-aspekty-razvitiya-sistemy-sotsialnoy-zaschity-voennosluzhaschih-v-sovremennyh-usloviyah>

8. Серебрякова Н.А. Система социальной защиты военнослужащих / Н.А.Серебрякова // Вестник Саратовского государственного технического университета. – 2008. – Т. 1. – № 1 (30). – С. 211-223.

9. Темур тузуклари / Амир Темур Кўрагон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020 йил. – 160 б.

10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 704 б.

11. Закон СССР от 28 апреля 1990 года № 1467-I «О пенсионном обеспечении военнослужащих». <https://docs.cntd.ru/document/901700136>

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

Ширин Шавкатовна ТИМИРОВА

Ўқитувчи

Қашқадарё вилояти юридик техникуми

Қарши, Ўзбекистон

dvn_shrn@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда аёлнинг ҳурмат-эътиборга эгаллиги, унинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс эканлиги асослаб берилган.

Таянч сўзлар: гендер тенглик, гендер статистикаси, стереотип, зўравонлик.

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Ширин Шавкатовна ТИМИРОВА

Преподаватель

Кашкадарьинский областной юридический техникум

Карши, Узбекистан

dvn_shrn@mail.ru

Аннотация

В этой статье обосновывается важное значение женщин в Новом Узбекистане и их уникальная роль в обществе.

Ключевые слова: гендерное равенство, гендерная статистика, стереотип, насилие.

“Гендер” тушунчасининг луғавий маъноси латинча “genus”, яъни “жинс” маъносини англатади. Агарда, биологик жинс инсонларни аёл ва эркакларга ажратадиган бўлса, гендер – бу аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини ажратишга қаратилган. Жамиятда аёл ва эркакларнинг ўз ўрнини топиши ва белгилаши учун давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунида *гендер* — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати деб

келтириб ўтилган. Мазкур қонун хотин-қизларга жамиятдаги юқори поғоналарга кўтарилиш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўз навбатида, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этиши ҳамда қарор қабул қилишда тўла қатнашиш, ўз фикрини эркин намоён эта олиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ачинарлиси шуки ҳозирги кунда маҳаллада, кўча-куйда, жамоат жойларида “Гендер тенглик нима эканлигини биласизми?” деб савол берсангиз аҳолининг кўп қисми бу ҳақида аниқ тушунчага эга эмаслигини таъкидлайди. Ушбу сўровлар асосида кўп ҳолларда эркаклар салбий фикрдалигини кузатиш мумкин. Эркакларда шундай стереотип мавжудки аёл киши бу уйда рўзғор, фарзанд тарбияси, уй юмушлари билан шуғулланишга мажбур бўлган шахс. Ваҳоланки, жамиятда аёллар, уй ишлари билан биргаликда давлат ишида ҳам фаол қатнашади.

Ҳозирги кунда шундай ҳолатлар юзасидан яъни жамиятда хотин-қизлар ўрни ва ролини ошириш, уларни давлат бошқаруви соҳаларида фаолият юритиши, уларнинг иқтисодий ва руҳий ҳолатини стабиллаштириш масаласи давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва асарларида алоҳида таъкидланмоқда. Ўзбекистонлик ва дунё олимлари қолаверса, мамлакатимизда оила ва жамият алоқаларини ўрганишга хизмат қиладиган халқчил методларини ўзида акс эттирган назарий тадқиқотлар ва етакчи олимлар – Н.Нишонов, М.Холиқова, В.Каримова, Т.Файзиев, О.Мусурмонова, Д.Ташмухамедова, ҳамда хорижлик соҳа мутахассислари – Ф.Фукуяма, Г.Турецкая, И.Фурмановларнинг фундаментал манбаларида ўз аксини топган.

Мазкур мавзуни тадқиқ этиш жараёнида хотин-қизлар ҳуқуқи ва жамиятдаги ролини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир қанча ҳуқуқшунос олимларнинг изланишлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, оиладаги ўрни борасидаги инсонлар онгида мавжуд бўлган стереотипларни ўзгартириш. XXI асрда жамиятда аёллар роли олдингига нисбатан анчагина ошди. Бунга сабаб хотин-қизлар ҳақида инсонлар онгидаги шаклланган стереотипларни ўзгартириш, уларнинг фаоллигини ошириш, гендр тенгликни таъминлаш ва тайзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи бўйича 20дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Инсон ҳаёти давомида кўпгина стереотипларни ўзида шакллантириб олади. Ана шундай стереотиплардан гендр стереотиплари ҳозирги кунга қадар инсонлар фаолиятида ўзининг салбий томонларини намоён қилса ҳам ўз кучини йўқотмади. Масалан аёлларга ҳос бўлган гендр стереотиплар – аёллар – ҳамширалар ва шифокорлар; аёллар эркакларга нисбатан кам маош топишади; аёлларга яхши таълим олишнинг ҳолати йуқ у рўзғорбоп бўлиши шарт; хотин-қизлар молияни ёмон бошқарадилар ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Айнан шу каби стереотиплар сабабли кўп ҳолларда қизлар ўзларининг орзу-истакларини, келажак учун белгилаган режаларини эркин намоён эта олмайдилар ва айнан шу стереотиплар сабабли юқори маош тўланадиган қурилиш, иқтисод, сиёсат соҳаларида аёллар кўпчилиқни ташкил этмайди. Ушбу стереотипларни одамлар онгидан чиқариб юбориш ва ўзгартириш учун давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини кузатиш мумкин.

Иккинчидан, таълим муассасаларида мавжуд барча ҳуқуқшунослик предметларида Гендер тенглик масаласини мавзу сифатида киритиш лозим. Ушбу масалани ҳал этиш ва олдини олиш борасида ҳозирги кунда таълим соҳасида ҳам гендер тушунчасини, тенглик масаласини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Албатта бу борада ишлар амалга оширилмоқда аммо ҳар бир фуқаро бефарқ бўлмаган ҳолда ўзида ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш орқали ёш авлодни гендер тенглиги руҳида тарбиялашга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Хотин-

кизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги мавқеини кучайтириш” мавзусида ўтказилган онлайн давра суҳбати, ёки USAIDнинг қонунчиликни ислоҳ қилиш доирасида “Гендер тенгликни таълим соҳасида қўллаш масалалари” мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилаётгани таҳсинга сазовор. Ушбу семинарлар орқали инсонлар ҳуқуқий маданияти янада ошиши шубҳасиз.

Ва ўз навбатида ҳар бир ўқитувчи ўзи ўтадиган фани доирасида мавзуларни гендер сезгирлиги призмаси орқали дастурини амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда демократик жамиятда яшашимизга қарамай хотин-қизлар зўравонлик ва тайзиққа ҳамда бир қанча камситилишларга учраётганини кузатиш мумкин. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар хотин-қизларнинг камситилиши, руҳий ва жисмоний тайзиққа учрашининг олдини олишга қаратилган. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг 2021 йил сарҳисобига қараганда жами 7869 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 7.103 таси аёллар ва 464 таси эркеклардан, 302 таси эса 18 ёшгача бўлган болалардан бўлган. Келиб тушган мурожаатларнинг 5043 таси турли шакллардаги зўравонлик муаммолари билан бевосита боғлиқ бўлиб, 1524 та жисмоний зўравонлик, 45 та жинсий зўравонлик, 2769 та руҳий зўравонлик, 705 та иқтисодий зуравонлик бўйича аризалар қабул қилинган. Бошқа турли масалалар юзасидан эса мурожаатлар сони 2.826 тани ташкил этган. Булар турли ижтимоий-маиший, ишсизлик, моддий етишмовчилик, уй-жой, болалар, пенсия ва нафақалар билан боғлиқ ва бошқа муаммолардир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил январь-ноябрь ойларидаги фаолият сарҳисобига эътибор қаратидиган бўлсак жисмоний зўравонлик – 12.215 та, жинсий зўравонлик – 90 та, иқтисодий зўравонлик – 208 та, тайзиқ ва таҳдид ҳолатлари – 6513 тани ташкил этган. 2021 йилнинг 11 ойи ичида республика бўйича зўравонлик ва таҳдидларга учраган 35.994 нафар хотин-қизга Ҳимоя ордери расмийлаштириб берилган.

Ушбу Ҳимоя ордерлари:

24.265 та ҳолатда хотинга эридан ҳимоя қилиш учун;

1.472 та ҳолатда келинга қайнонадан ҳимоя қилиниш учун;

1 066 та ҳолатда қайнонага келинидан ҳимоя қилиниши учун;

9 191 та ҳолатда эса бошқа шахслардан ҳимояланиш учун берилган [6].

Учинчидан, келтирилган статистик маълумотга кўра деярли барча ҳолларда ҳимоя ордери хотин-қизларга берилганлиги ва ачинарлиси эса аёл кишини аёлдан ҳимояланиши учун берилганидир. Ушбу статистик маълумотлар асосида айтиш жоизки, бўлғуси келин-куёвлар учун инновацион мактаблар, яъни ФХДЁга ариза берган ёшлар ўқитилиши йулга қўйилган эди. Аммо нимагадир ушбу лойиҳанинг самараси ва натижа тўғрисида маълумотлар йўқ. Агарда шу лойиҳа доирасида барча белгиланган шахслар сидқидилдан ёндашса ва ҳаракат қилинса, шу билан биргаликда айнан мана шу мактабда ёшларга гендер тенглиги, тазйиқ, зўравонлик ва унинг оқибатлари ҳақида тушунчалар сингдирилса, аёл киши ҳам рузғор тебратишда, оиладаги муҳим масалаларни ҳал қилишда ўзининг ўрнига эга эканлиги, унинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари борлиги ҳақида кўпроқ тарғиб этилса юқорида келтирилган статистик маълумотларни пастроқ кўрсаткичларини кузатган бўлар эдик.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга назар ташласак қанчалик кенг имкониятлар хотин-қизлар учун яратилган шароитларни таҳлил қилишимиз мумкин. Ушбу қонун инсонлар ҳаётининг барча жабҳаларини ўзида қамраб олган бўлиб, давлат хизмати соҳаси, сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, таълим, илм-фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатланганлиги ва гендер тенглигида илк қадам бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила

кўрғонининг кўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак” деган фикрлари Янги Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг яққол намоёнидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунда гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор қадамларидан бири бўлди. Янги қонун бунинг яққол далили бўлиб, келгусида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, хотин-қизларни жамиятнинг барча соҳаларида нафақат таълим, тиббиёт балки иқтисод, қурилиш, спорт, сиёсат ва бошқа юқори маош тўланадиган, ўзининг фикрини қатъиян билдириб давлат фаолиятида ўз ўрнига эга бўлган хотин-қизларни тарбиялаш, мавжуд стереотипларни ўзгартириш ёки умуман улардан воз кечиш учун асос бўладиган тарихий ҳужжатдир. Албатта буларни барчасини амалга оширишда бирдамлик ва ҳамжиҳатлик асосида ҳаракат қилинса, болани оиладан бошлаб гендер тенглик руҳида тарбиялаш йўлга қўйилса келажакда ўз меvasини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. www.LEX.UZ
2. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь ЎРҚ-562-сон Қонуни. www.LEX.UZ
3. Хотин-қизларни тайзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь ЎРҚ-562-сон Қонуни. www.LEX.UZ
4. Зўравонликка йўл йўқ! https://t.me/zoravonlikka_yol_yoq_netnasiliyu

5. Повышение общественно-политической активности женщин – важный фактор проводимых в нашей стране реформ. //Сборник статей Рес. научно-прак.конф. – Ташкент, 2019 года 26 февраля.

6. Холиқова М. Катталар таълимининг мухим императивлари
[//https://oilamarkazi.uz/scientificarticles/kattalar-ta-limining-mu-im-imperativlari](https://oilamarkazi.uz/scientificarticles/kattalar-ta-limining-mu-im-imperativlari)

7. Lex.uz

8. Gazeta.uz

9. Strategy.uz

БЕПАРВОЛИК ОРҚАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Сирожбек Баҳодирович МАШАРИФОВ

мустақил изланувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

masharifovs585gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада жиноят содир этишнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг жиноий ҳуқуқий аҳамияти, эҳтиётсизликнинг жиноий бепарволик шакли очиб берилган бўлиб, унда бепарволикнинг мезонлари ва унинг жиноят сифатида эътироф этилишининг шартлари ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жиноятнинг субъектив томони, эҳтиётсизликдан жиноят содир қилиш, жиноий бепарволик, бепарволикнинг мезонлари, бепарволикда содир қилинган жиноятлар учун жавобгарлик.

УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЁННЫХ ПО НЕОСТОРОЖНОСТИ

Сирожбек Баҳодирович МАШАРИФОВ

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический

университет

Ташкент, Узбекистан

masharifovs585gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматриваются неосторожный вид преступления и его уголовно-правовое значение. В статье в основном анализируются критерии преступной неосторожности, и условия признания ее преступлением.

Ключевые слова: субъективная сторона преступления, преступление по неосторожности, преступная неосторожность, критерии неосторожности, ответственность за преступления, совершенные по неосторожности.

Айтиш мумкинки, жиноят содир этишда аввало шахснинг ички кечинмаси ва яшаш муҳити ўзига хос ўрин тутади. Жиноят ҳуқуқ соҳасининг ривожланиши туфайли турли майиллар орқали жиноят содир этилиши ўрганилмоқда. Бизга маълумки, жиноятлар содир этилиши қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 20-моддасига кўра “Ушбу кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс

жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин” [1]. Шахс ўз қилмишини муайян қасд шакли орқали ёки ўз-ўзига ишониш ва бепарволик шаклида намоён бўлувчи эҳтиётсизлик орқали содир этилиши жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам ўз ифодасини топган. Авваломбор, жиноятчи шахси унинг қасд шаклида жиноят содир этилишини кўрсатсада, эҳтиётсизлик орқасида ҳам жиноят юз бериши мумкин. Бу тўғрисида жиноят ҳуқуқий назариётчилари турли тарифларни келтиришган, аммо уларнинг асосийси мазмунан бир бирига ўхшашдир. Эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этиш деб, ижтимоий хавфли қилмишни ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасидан содир этишга айтилади [2]. Шахснинг қилмишида айбнинг мавжуд эмаслиги унинг жиноийлигини истисно этади. Айбнинг эса муайян турлари мавжуд. Айбнинг айнан эҳтиётсизлик шакли айбдорликнинг ижтимоий хавфли бўлмаган шакли ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик қасддан фарқли равишда айбдор жиноий оқибатлари келиб чиқишини амалда истамайди ва жиноий оқибат келиб чиқишига кўзи етмайди, аммо ишнинг ҳолатига кўра кўзи етиши лозимлигини ифодалайди. Шу сабабдан ҳам жиноят қонунчилиги эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган жиноятларни ижтимоий хавфли оқибат етказилиши лозимлигини талаб қилади. Баъзи жиноятлар бундан мустасно албатта [1].

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларни умумий белгиси бу – айбдорнинг қилмишига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади, бунда шахс ўзининг қилмишида (ҳаракат ёки ҳаракатсизликда) ижтимоий хавфли хусусиятларни англамаган бўлади.

Эҳтиётсизликнинг бепарволик шаклида бундай хусусият ижтимоий хавфли оқибатни кўра билмаганлик билан, ўз-ўзига ишонишда оқибат келиб чиқишига асоссиз умид қилиши ва жамиятга зарар етказмаслигига ишонади. Эҳтиётсизликнинг бепарволик шакли ўз-ўзига ишонишдан фарқ қилади. Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи

етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик оқибатида содир этилган ҳисобланади.

Бунга давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (163-модда), ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш (249-модда) жиноятларини мисол қила оламиз. Ўз-ўзига ишониш ва бепарволик эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг алоҳида-алоҳида ўз белгиларига эга бўлган турлари бўлиши билан бирга уларнинг ўхшашлик томонлари ҳам бор. Яъни тафаккурий элементлари жихатидан анча ўхшашдир. Ҳар иккала турида ҳам айбдорнинг ижтимоий хавфли оқибатнинг аниқ келиб чиқиши мумкинлигини аниқ билмаслиги, шундай оқибат келиб чиқишига кўзи етиши мумкинлиги, уларнинг ўхшашлигидир. Ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини истамаслиги уларнинг фарқини ифодалайди.

Биз айнан эҳтиётсизликнинг бепарволик шаклини таҳлил қиламиз. Жиноят кодексининг, 22-моддаси, 3-қисми бепарволик моҳиятини очиб беради. “Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади” [1]. Яъни шахс содир этган қилмишининг оқибатини билиши лозим бўла туриб, уни англамаган бўлса аммо кўзи етиши ва англашига барча имкони ва шароитлари бўла туриб бунини тушиниб етмаса бу уни жиноят содир этганини истисно қилмайди. Юридик манбаларда бундай бепарволикни жиноий бепарволик, деб келтирилади.

Бепарволикда ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаслик оқибатга нисбатан ҳар қандай муносабат мавжуд бўлмайди деган тасаввурга олиб келмайди, балки, бундай муносабат махсус шахснинг қонун талабларига, ижтимоий хулқ-атвор қоидаларига, бошқа шахс манфаатларига бепарво муносабатда бўлишида ифодаланади. Шунинг учун бепарволикда интеллектуал ҳолат ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмасликдан ташқари, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатини англамаслиги билан ифодаланади [3].

Бепарволик кўринишидаги жиноятларни содир этишда оқибатларни кўра билмаслик, шахснинг қонун талаблари, турли қоидалар ва бошқаларга бепарволигидан далолат беради. Жиноий бепарволикда шахс ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфлилигини англамайди ва бунинг натижасида, ижтимоий хавфли оқибат юз бериши мумкин бўлади. Аммо бу вазиятда шахс ўз қилмишининг хусусиятлари орқали жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини билиши лозим бўлади. Яъни қилмишнинг хусусияти унда жиноий оқибатни тақозо қилади. Бепарволикнинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноят содир этишда айбланаётган шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни ҳақиқатдан ҳам, ҳатто абстракт ҳолда ҳам англай олмайди. Аммо келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни англамаслик, шахснинг келиб чиққан оқибатга нисбатан умуман рухий муносабати йўқ дегани эмас. Бепарволикда шахснинг ўз қилмиши ва ундан келиб чиқадиган оқибатига нисбатан муносабати алоҳида мазмунга эга бўлиб, келиб чиқадиган оқибатни англамасада, англаши шарт ва зарур бўлади. Бепарволикда шахснинг ўз қилмишининг оқибатини англамаслиги айбдорнинг қонун талабларини менсимаслиги, унинг талабларини бажармаганлиги бошқа шахсларнинг, давлат ва жамият манфаатларини менсимаслигини кўрсатади [4]. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиётида оқибатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш учун айбдорда имкон бўлганми ёки йўқми, деган масалаларни ҳал қилиш учун объектив ва субъектив мезон ишлатилади.

Бепарволикнинг объектив мезони шахснинг ёзилган ва ёзилмаган олдини олиш қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишини олдиндан кўра билиш мажбуриятини ўз ичига олади. Ўз навбатида, агар ҳақиқий юзага келган ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган шахс ушбу хавфли оқибатлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Субъектив мезон шахснинг аниқ бир вазиятда ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ижтимоий оқибатларини келиб чиқиш имкониятини

олдиндан кўра билиш қобилиятини англатади [4]. Жиноий бепарволикни ўзига хос иккита белгиси мавжуд.

Биринчидан, бепаровликда шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги ва оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини ўша вазиятга кўра билиши ёки англаши лозимлигини ифодалайди.

Иккинчидан, оқибатни олдини олишга ҳаракат қилмаганлигида ифодаланади.

Биринчи ҳолатда шахс ақл-идроки ва тафаккури орқали хатога йўл қўяди ва қилмишига нисбатан нотўғри фикрлайди. Бу эса ўз навбатида иккинчи ҳолатни нотўғри қилинган идроқ, фикр албатта унинг ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида ҳам ифодаланади ва салбий оқибат келиб чиқишини тасаввур қилмагани асносида бунинг олдини олишга ҳаракат қилмайди. Жамиятдаги турли касб соҳаларида ўз иш фаолияти давомида бундай ҳолатлар юз бериш эҳтимоли бор албатта. Шундай экан шахс ўз иши ва фаолиятига маъсулият ва эътибор билан қараши лозим бўлади. Ўз хатосини билмаслик унинг тажрибасизлиги шахснинг жиноий жавобгарлигига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Масалан, ташкилотда электрик бўлиб ишлаётган А. исмли шахс асосий электрни тўхтатиб узилган симни улаётганда Б. исмли шахс, А. исмли шахсни огоҳлантирмасдан асосий электрни ёқувчи дастакни кўтариб юборади. Бунда, Б. исмли шахс электр энергиясини асосий дастагини улашдан олдин А. исмли шахсни огоҳлантириши лозимлигини била туриб техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан А. ни ток уришига сабабчи бўлганлигини кўриш мумкин. Ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши мумкинлигини англашнинг зарурлигида эса айбдор қилмиши туфайли келиб чиқадиган оқибатни англаши зарур ва тегишли эҳтиёткорлик чораларини кўришининг зарурлигидир. Айнан ана шундай ҳолат бепарволикни жиноят-ҳуқуқий айбнинг бир тури сифатида тушунишга олиб келади.

Жиноий бепарволик шахснинг ўз қилмишига ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан руҳий муносабатининг шакли сифатида ўз-ўзига ишониш ва тасодиқий, айбсиз ҳолда зарар етказиш ўртасидаги оралик

ҳолатини эгаллайди. Жиноят қонунчилиги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра туркумлаган жиноят кодексининг 15-моддаси мазмунига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкинлигини белгилаб қўйган бўлса, оғир ва ўта оғир жиноятлар фақат қасддан содир этилишини белгилаб қўйган. Бу ҳолат жиноят содир этилишида эҳтиётсизликни қонунчилик ҳам ижтимоий хавфлилигини амалда реал баҳолашга ҳаракат қилган. Жиноят ҳукуқий назарияси ҳам буни шундай изоҳлайдики, эҳтиётсизликдан содир қилинган жиноятларнинг оқибати оғир бўлиши амри маҳол. Бунга қуйидагича изоҳ беришимиз мумкин, оғир ва ўта оғир жиноятлар хусусиятини таҳлил қилсак уларнинг келиб чиқишини албатта шахс хоҳлаши, билиши ва шунга мос ҳаракат ёки ҳаракатсизликни фаол бажариши лозим бўлади. эҳтиётсизлик аслида шахснинг пассив ҳуққ атвори ва маъсулиятсизлиги ифодаси ҳисобланиб, амалда жиноий оқибат келиб чиқишини хоҳламайди ва унга кўзи етмайди ҳолос. Бу эса аслида жиноятчи шахсини ифодаламайди. Жиноят кодексининг принципларидан бири ҳисобланган айб учун жавобгарлик принципида ҳам айнан эҳтиётсизликнинг бир шакли ҳисобланган бепарволик орқасидан содир этиладиган жиноят учун ҳам жиноий жавобгарлик мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, айб ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни руҳий муносабатини акс эттирувчи тушунча ҳисобланади.

Жавобгарлик белгиланиши учун шахснинг содир этилган қилмишни қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этган бўлиши керак ҳамда бу далиллар воситасида исботланмоғи лозим. Ушбу принцип жиноят содир этилишида қонун билан белгиланган ёшга етган, ақли расо, ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг хавфлилик даражасини англаган, хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра олган ва онгли равишда унинг келиб чиқишини истаган ёки йўл қўйган шахсларга нисбатан жавобгарлик қўлланилишини ифодалайди. Шунингдек, мазкур принцип бепарволик ва ўз-ўзига ишониш

оқибатида жиноят содир этилишига сабабчи бўлган шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. [Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 йил 24 сентябрь. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2021-й., 03/21/726/1001-сон](#)
2. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. Жиноят ҳуқуқи: умумий қисм. Ўқув қўлланма – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 171 б.
3. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқий курси. Том 1. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти, 2018. – 442 б.
4. Рустамбоев М.Ҳ., Аҳроров Б.Ж. Жиноят ҳуқуқи: умумий қисм. – Тошкент: ИЛМ ЗИЁ, 2006. – 564 б.
5. Усмоналиев М.Э. Жиноят ҳуқуқи: умумий қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2010. – 664 б.

ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНИНГ ХУДУДИЙ ВАКИЛЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШИГА ОИД ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Алишер Ярашович ОЛЛАМОВ

Мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси

Тошкент, Ўзбекистон

a.ollamov@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада икки палатали парламент шароитида юқори палатанинг ҳудудий вакиллик функцияси илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Мақолада хорижий мамлакатларнинг парламент юқори палатасининг ҳудудий вакилликни таъминлаш вазифаси очиб берилган бўлиб, ушбу масала юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Парламент юқори палатаси, Сенат, ҳудудий вакиллик функцияси, Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи сифатида давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, сенатор.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ПО РЕАЛИЗАЦИЮ ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВА ВЕРХНЕЙ ПАЛАТЫ ПАРЛАМЕНТА

Алишер Ярашович ОЛЛАМОВ

Независимый исследователь

Академия государственного управления при

Президенте Республики Узбекистан

a.ollamov@mail.ru

Аннотация

В данной статье научно и теоретически исследована функция территориального представительства верхней палаты в условиях двухпалатного парламента. В статье раскрывается задача обеспечения территориального представительства Верхней палаты парламента зарубежных стран, и проведен правовой анализ мнений ученых-юристов по этому вопросу.

Ключевые слова: Верхняя палата парламента, Сенат, функция территориального представительства, взаимодействие Сената с местными представительными органами государственной власти как территориального представительного органа, сенатор.

Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентнинг таркиб топиши қабул қилинадиган қонунлар сифатининг ошишида ва ҳудудий мутаносибликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бунда, бизнингча,

профессионал парламент (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси)ни шакллантиришдан асосий мақсад қонунларни қабул қилишда шошма-шошарликнинг олдини олиш, сифатли қонунлар қабул қилишга қаратилгандир. Қонунчилигимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир [16].

Мазкур масала хусусида ҳозирги кунда турлича ёндашувлар мавжуд, яъни ушбу ҳолатда айрим ҳуқуқшунос олимлар икки палатали парламентда асосий эътибор федерация субъектлари манфаатлари ифода этилишига урғу берадилар (губернья, штатлар, кантонлар, ўлкалар). Ушбу ҳолатни улар унитар давлатларда ҳудудий манфаатлар эҳтиёжи йўқлигида, деб белгилайдилар. Юридик фанлар доктори, профессор Э.Ҳ.Халилов таъкидлаганидек, “... икки палатали тизимни танлашнинг асосий сабаби — давлатнинг федератив тузилишидадир, дейиш тўғри бўлмайди. Икки палатали тизим федератив давлатлар пайдо бўлишидан бирмунча аввал юзага келган ва унинг илдизлари узоқ тарихга эга” [14;150]. У XIII асрнинг иккинчи ярмида Англияда Лордлар палатаси таъсис этилганлигини тарихий мисол сифатида келтириб ўтган.

Ҳозирда икки палатали парламентлар фақат федератив давлатларга хос хусусиятдир, деб фикр билдирувчилар ҳам мавжуд. Бу ҳақда россиялик ҳуқуқшунос олим М.В.Баглай фикрича, Федератив давлатларда икки палатали тизим демократик ва функционал принцип белгиси деб эътироф этилган [5;430]. Э.Ҳ.Халиловнинг фикрича, “Икки палатали парламент федератив давлатлар учун, шунингдек, қонун чиқарувчи органнинг тутган ўрни мустаҳкам бўлган ва парламент анъаналари ривожланган унитар давлатлар учун кўпроқ қўл келади” [14;153].

Икки палатали парламентлар бир қатор унитар давлатларда ҳам мавжудлиги мазкур фикрни тасдиқлайди. У ерда ҳам икки палатали парламентлар минтақавий (ҳудудий) вакиллик органи ҳисобланади (Боливия, Италия, Испания, Франция) [13;520]. Шунингдек, баъзи федератив давлатларда (Танзания, БАА) икки палатали парламент мавжуд эмас.

Бунда қонунчилик ҳокимияти юқори палатасининг асосий фаолият мазмуни (ёки йўналиши) ҳақида фанда турлича баҳслар мавжуд.

Л.В.Смирнягин фикрича, юқори палата асло федерация субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун пайдо бўлмаган [12;9]. Олим юқори палата қуйи палатага хос бўлган кескинлик ва шошма-шошарликни юмшатишга қаратилган аристократик палата ёки мажлис эканлигига эътибор қаратади. Шунингдек, Л.В.Смирнягиннинг фикрига кўра [12], қонунчилик жараёнидаги юмшатиш юқори палатанинг бош вазифасидир, ҳудудий вакилликни таъминлаш эса, шаклланиши асоси бўйича ҳам, аҳамияти жиҳатидан ҳам иккиламчи вазифадир.

1993 йилда қабул қилинган РФ Конституцияси 95-моддасининг мазмунига кўра, федерация субъектларидан тенг миқдорда иккитадан вакил юбориш орқали шакллантирилиб, унинг биттаси давлат ҳокимияти вакиллик органидан, яна биттаси ҳокимиятнинг ижроия органи вакиллари дир [8;29]. Мазкур ҳуқуқий норма юқори палатанинг ижроия ҳокимияти билан қонунчилик ҳокимияти ўртасидаги ўзаро мувозанат мавжудлигини билдиради. Шунингдек, бу ерда энг асосийси, юқори палатанинг ҳудудий манфаатлар ифодачиси эканлигига урғу берилган.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Азизхўжаев ушбу ҳолатга ўзининг фикрини билдириб, юқори палатанинг асосий вазифаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилишдан иборат, деб ҳисоблайди. Бунга хориж тажрибасини мисол сифатида келтириб, Сенат мажлисларида вице-президент раислик қиладиган АҚШни, Лордлар палатасига ҳукумат томонидан тайинланадиган лорд-канцлер бошчилик қиладиган Буюк Британияни мисол қилиб кўрсатади [4].

Икки палатали парламентларда юқори палата фаолиятининг устувор вазифаси қуйи палата томонидан қабул қилинган қонунларни “қайта муҳокамадан ўтказиш” ва “юмшатиш” ёки ҳудудий вакилликни (ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар вакиллиги) инкор этганда шу нарсага алоҳида эътибор бериш лозимки, юқори палата дастлаб аристократик хусусият касб этган

бўлса, кейинчалик парламентаризм тажрибаси такомиллашиб бориши натижасида демократик жараёнлар таъсири остида мазкур тушунчанинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Шунингдек, икки палатали парламентлар фақат федерализм учун хос деган фикрлар ҳам мазмунан янгиланди. Ўз навбатида, консерватив хусусиятлардан воз кечиш ва икки палатали парламент тизимидан бир палатали парламент тизимига ўтиш ҳоллари кўзга ташлана бошлади. Мисол учун, 1953 йил Дания ва Янги Зеландия, 1970 йил Швеция, 1991 йил Исландия каби давлатлар бир палатали тизимни афзал билдилар [7;44].

Бундан шу нарса аниқ бўладики, икки палатали парламент тизимини (юқори палата фаолияти орқали) қонунлар сифатининг ошириш кафолати деб қараш нотўғри бўлар эди. Чунки, бир палатали профессионал парламентда ҳам қонун мукамал муҳокама қилиниши, қонун ижодкорлиги жараёни ҳам самарали йўлга қўйилиши, шовша-шовшарликларга барҳам берилиши, ўз навбатида, юқоридаги “юмшатиш”га ҳам эришилиши мумкин.

Баъзи давлатларда (Швеция, Дания) муайян қонун лойиҳаларига қарши фикр билдириш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида *озчилик ҳуқуқлари институти* назарда тутилган [10;201].

Шунингдек, айрим бир палатали парламентга асосланадиган давлатларда парламент билан ҳукумат мувозанати ва ҳукуматнинг ҳисобдорлик фаолияти белгилаб қўйилган (Греция, Португалия), икки палатали парламентга асосланадиган Японияда ҳукуматнинг фақат қуйи палата олдида жавобгарлиги белгиланган [9]. Яъни бунда ҳукумат ҳисобдорлик фаолияти ва бошқалар орқали ўзаро уйғун алоқададир.

В.Е.Чиркин икки палатали парламентлар юқори палатаси фаолиятини таҳлил қилиб, юқори палатанинг қонунчилик ҳокимиятидаги ўрни маҳаллий манфаатларни инобатга олишдир [16], деб фикр билдирган.

Юқоридаги ҳолат парламент юқори палаталарининг асосий фаолият йўналиши — қонунчилик жараёнининг сифатини ошириш, кескинликнинг олдини олиш воситаси, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари

ўртасида кўприк сифатидаги фикрларга ойдинлик киритади (шу билан бирга, мазкур ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат икки палатали парламентда ҳам мавжудлиги инкор этилмайди).

Одатда, ҳозирги кунда давлатларнинг тузилиши яхлит ҳолда муайян ҳудудий бирликлардан иборат (кантон, ер, штат, губернья, вилоят, ўлка, ва провинция) бўлиб, мазкур ҳудудий бирликлар хоҳ икки палатали парламентар давлатларда, хоҳ бир палатали парламентар давлатларда қонунчилик ҳокимиятини шакллантиришда алоҳида ўрин тутати. Федерал тузилишдаги давлатларда ҳам, унитар тузилишдаги давлатларда ҳам ҳудудий (минтақавий) муаммоларни олий вакиллик органи орқали ҳал қилиш эҳтиёжи доимо мавжуд бўлади. Мазкур ҳолатда ҳудудий (минтақавий) манфаатларни ҳимоя қилишнинг алоҳида ҳудудий вакиллик органи замирида амалга оширилиши энг самарали воситадир. Бу ерда миллий қонунчилик ҳокимияти юқори палатасининг асосий белгиси ойдинлашади, яъни “Аъзолари асосан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайланадиган ҳамда вакиллик функцияларини бажарадиган Сенат фаолияти мамлакат ривожланишида муҳим аҳамият касб этадиган қарорларни қабул қилишда умумдават ва ҳудудлар манфаатларни мувозанатини таъминлайди” [6].

Мазкур ҳолатда В.Е.Чиркиннинг фикрича, унитар давлатларда ҳудудий бирликларнинг алоҳида ҳокимият вакиллик ва қонунчилик органи мавжудлиги ҳудудларнинг алоҳида ҳуқуқларини инобатга олиб, миллий таркиби, маҳаллий шарт-шароитлари, сўзлашадиган тили, турмуши, машғулоти ва аҳолининг иш билан бандлиги ҳолати ҳар хиллиги билан боғлиқдир. Айнан шунинг учун ҳам, унитар давлатларда олий қонунчилик органи билан маъмурий-ҳудудий бирликларнинг қонунчилик ҳокимияти ўртасида ўзаро мувозанатни таъминлаш мақсадида доимий вертикал муносабатлар амалда бўлади [16].

2000 йилнинг 14 мартида Парижда бўлиб ўтган Жаҳон Сенатларининг махсус анжумани қонун чиқарувчи органлар икки палатали механизмнинг таҳлилига, унинг демократик ҳамда ҳуқуқий давлат таркиб топишидаги

ўрнига бағишланди. Анжуманда бўлиб ўтган барча баҳсларнинг хулосаси шундан иборатки, икки палатали парламент минтақаларнинг, кичик тузилмаларнинг, мамлакатнинг узоқда жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади [14;152].

Сенатнинг ҳудудий мутаносибликни таъминлаш вазифасига Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида урғу берилди. Давлатимиз раҳбари ушбу нутқида “... ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, фармон ва қарорлар ижросини, уларнинг самарадорлигини доимий равишда ўрганиб, бу борада давлат органлари масъулиятини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқадиган тизимни шакллантиришимиз лозим” [2;118] лигига эътибор қаратди.

Ушбу маърузасида парламентнинг ҳудудий вакиллик функциясидан самарали фойдаланиш масаласига ҳам урғу берилган, Давлатимиз раҳбари таъкидланганидек: “Фурсатдан фойдаланиб, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарияти, депутатлар ва сенаторларга бир тақлиф билан мурожаат қилмоқчиман. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда” [2;118-119].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Шу асосда ҳурматли Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий кенгашларда ана шундай

муҳокамалар ўтказиш тизими жорий этилса, бу ишлар эртага албатта ўзининг самарасини беришини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ушбу нутқида “Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборатлигини билдириб ўтди [2;161].

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги таклифларидан кейин 2017 йилдан Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи сифатида давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органилари билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятида янги механизм жорий қилинди: яъни, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари билан ҳамкорликда ҳар ой тегишли шаҳар ва туманлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлими раҳбарларининг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартиби жорий этилди.

Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, унинг депутатлари ҳудудий вакиллик органи ҳисобланадиган Сенатда ҳудудий масалаларни ечишда алоҳида ўрин тутди ҳамда маҳаллий муаммоларни ечишда кўприк вазифасини ўташи керак.

Амалиётда ҳозирги кунда Парламентнинг юқори палатасидаги аъзолар вилоят халқ депутатлари Кенгашлари депутатларидан иборат бўлади. Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориев ва И.Т.Тультеевларнинг таъкидлашича, ушбу вакиллар ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни яхши билиб, келажакда ўзларининг парламент фаолиятидаги иштирокида уларни тегишлича бартараф эта оладилар, мухтасар қилиб айтганда, ўз вилояти аҳолисининг манфаатларини парламентдан туриб ҳимоя қиладилар [11;14].

Мазкур ҳолатда айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан сенаторларни бевосита халқ томонидан, сайловчилар томонидан сайланишини назарда тутувчи фикрлар билдирилмоқда [15;99]. Лекин, бизнингча, ҳудудий вакиллик функциясидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун Сенат энг аввало, маҳаллий Кенгашлар билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирда Сенатнинг поғонама-поғона сайловлар орқали шакллантирилиши идеал вариант бўлиб, у, биринчидан, ҳудудий вакилликни таъминлаш воситаси, иккинчидан, унинг билвосита шакллантирилиши қўйи палата ишининг “ўзига хос давоми” бўлишининг олдини олади.

Баъзи давлатларда парламентнинг юқори палатаси тўғридан-тўғри сайловлар асосида шакллантирилади. Бу эса, ҳудудий вакиллик функциясига путур етказиши мумкин. Ҳ.Т.Одилқориев ва И.Т.Тулътеевлар бевосита сайловлар орқали шаклланадиган Япония парламентини мисол сифатида кўрсатадилар. “Юқори палата қўйи палата ишини такрорлайди, шу боис уни сақлаб қолишнинг эҳтиёжи йўқ, деган фикрлар тез-тез айтилмоқда” [11;32].

Юқоридаги илмий-назарий фикрлар мазмунидан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, парламентнинг юқори палатаси – Сенат, энг аввало, ҳудудий вакилликни амалга оширувчи органдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // www.lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. // Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 226 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // www.uza.uz

4. Азизхўжаев А.А. Халқ-ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи. //Халқ сўзи. 2002 йил 19 январ.

5. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – Москва: Норма, 1997. – 784 с.

6. Иванова А. Парламентаризмнинг ривожланиши – демократия омили. //Халқ сўзи, 2009 йил 4 июл.

7. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Т.1. // Отв. Ред. БЕТ.А. Страшун. – Москва: БЕК, 1993. – 246 с.

8. Конституция Российской Федерации. Konstitutsiia.ru.

9. Конституция зарубежных государств: учебное пособие. Сос. Про. В.В.Маклаков. 2-е изд., ис-прав. И доп. – Москва: БЕК, 1999. – 584 с.

10. Могунова М.А. Скандинавский парламентаризм. Теория и практика. – Москва: Российск. Гос. Гуман. Ун-т, 2001. – 348 с.

11. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: Академия. 2005. – 79 б.

12. Совет Федерации: эволюция статуса и функции// Отв. Ред. Л.В.Смирнягин. – Москва: Институт права и публичной политики, 2003. – 454 с.

13. Сравнительное Конституционное право (Отв. Ред. В.Е. Чиркин). – Москва: Манускрипт, 1996. – 520 с.

14. Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 198 б.

15. Хотамов У.Ж. “Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 99.

16. Чиркин В.Е. Законодательная власть. 4&. Соотношение законодательной власти государства, субъекта федерации, территориальной политической автономии. – Москва: Норма. 2008. – 336 с.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002. – №.12. – 213-м.

ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Хусан Элмуродович ЭЛМУРАДОВ

бош юрисконсулт

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий

тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги

Тошкент, Ўзбекистон

Husan.elmurodov@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада ишдан четлаштириш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати, ишдан четлаштиришга олиб келадиган асослар ва уларнинг умумий тавсифи, ишдан четлаштиришни расмийлаштириш тартибига оид асосий қоидалар, шунингдек меҳнат шартномасини тўхтатиб туриш билан боғлиқ назарий қоидалар ва ички меҳнат тартиб қоидалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ишдан четлаштириш, юридик фактлар, меҳнат функцияси, лавозим, вақтинча, меҳнат шартномасини тўхтатиб туриш.

ОТСТРАНЕНИЕ ОТ РАБОТЫ И ЕГО ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

Хусан Элмуродович ЭЛМУРАДОВ

Главный юрисконсулт

Агентство по популяризации изучения

иностранных языков при Кабинете

Министров Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Husan.elmurodov@mail.ru

Аннотация

В данной статье анализируется понятие увольнения и его правовая природа, основания увольнения и их общее описание, Основные правила процедуры оформления увольнения, а также теоретические правила с приостановлением действия трудового договора и правила внутреннего трудового распорядка.

Ключевые слова: отстранение от работы, юридические факты, трудовая функция, должность, временное, приостановление действия трудового договора.

Меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардаги содир бўлаётган ўзгаришлар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бир вақтнинг ўзида ҳам ходимлар, ҳам иш берувчилар манфаатларини уйғун ҳисобга оладиган ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш бозор иқтисодиёти

самарадорлигини белгилайдиган объектив заруратдир. Меҳнат муносабатларида ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари бирдай муҳофазаланишини таъминлашга эришиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, ишдан четлаштириш масаласи иқтисодий йўқотиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли (ушбу давр учун меҳнатга ҳақ тўлманмаслиги ёки иш берувчи томонидан иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг қисқариши) ушбу механизмни бозор иқтисодиёти қоидалари эътиборга олинган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда. Шунингдек, ишдан четлаштириш турли мамлакатлар меҳнат ҳуқуқида турли мақсадларни кўзлаб амалга оширилиши мазкур тушунчани, унинг асослари ва вазифаларига янги қарашларни шакллантиришга ҳам туртки бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасида ишдан четлаштириш асослари мустаҳкамланган. Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди. Фикримизча, мазкур қоида бизга бир нечта хулоса қилиш имконини беради. Биринчиси, бу меҳнат муносабатларида “ишдан четлаштириш” деган тушунчанинг мавжудлигидир. Иккинчиси, ишдан четлаштириш учун қонуний асосларининг бўлишидир. Учинчиси, иш берувчи ишдан четлаштириш қонунда белгиланган асослардан ташқари бундай чорани қўллашга ҳақли эмаслиги ва бундай асослар меҳнат шартномасига киритилиши ходимнинг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, меҳнат қонунчилигида ишдан четлаштиришга легал таъриф берилмаган. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Тожикистон меҳнат қонунчилигида ҳам мазкур тушунчага қонуний таъриф берилмаган. Лекин, илмий адабиётларда ушбу тушунчага олимлар томонидан таърифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Й.Турсуновнинг қайд этишича, ишдан четлаштириш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимни ўз хизмат вазифаларидан, лавозимидан четлатиш, вақтинча ишга қўймасликдан иборат [5;380].

Ҳуқуқшунос олим Е.Ю.Агафонованинг тадқиқот ишларида ишдан четлаштириш тушунчаси назарий жиҳатдан ўрганилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур олимнинг қайд этишича, меҳнат ҳуқуқида ишдан четлаштириш деганда индивидуал меҳнат ҳуқуқий муносабатлар ҳаракатининг тўхталиши тушунилади, албатта бу мутлақ тушунча эмас, меҳнат шартномасининг асосий шартларидан бири бўлган меҳнат функциясини бажарилмаслигини билдиради. Бунда ишдан четлаштириш меҳнат ҳуқуқий муносабатлар тугатилганлигини англатмайди, фақат ходимнинг меҳнат функцияларини бажаришни, ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсуннишни, ходимнинг бир қатор ҳуқуқларни амалга оширилишини тўхтатилишини англатади [2;19-20].

Ҳуқуқшунос С.Мухторалиевнинг қайд этишича, Ишдан четлаштириш – бу иш берувчининг шундай ташаббусли ҳаракатики, меҳнат фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қиладиган сабаблар туфайли ўша сабаблар бартараф этилмагунча, ходимни ишга қўймайди. Ишдан бўшатиш эса ходим билан узил-кесил алоқани узиш, уни ишлаб турган ишидан тўлақонли маҳрум қилиш ҳисобланади [4].

Ишдан четлаштириш асослари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 113-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди. Ходимнинг маст ҳолда эканлиги тиббий гувоҳлантириш ҳужжатлари асосида, унинг иложи бўлмаган тақдирда эса, гувоҳлар иштирокида тузилган далолатномага кўра исботланиши мумкин.

Ишдан четлаштиришнинг иккинчи асоси сифатида “ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда

белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

Мажбурий тиббий кўрикка оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасида ўз аксини топган. Мазкур моддага асосан иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

ногиронлар;

меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Ушбу модданинг учинчи қисмига асосан мазкур ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир. Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддаси ва 214-моддаси ишдан четлаштириш масаласида умумийликка эга, ҳар икки модданинг қоидаларида тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаш ходимни ишдан четлаштириш асоси сифатида қайд этилган.

Шу ўринда меҳнат қонунчилигига, хусусан, ишдан четлаштириш асосларига оид қўшимчалар киритилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, 2021 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

хужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ меҳнат қонунчилигига киритилган ўзгаришлардан бири бу Меҳнат кодексининг 113-моддаси “ишдан четлаштириш” нормасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасида иш берувчи учун ходимни ишдан четлаштириш учун назарда тутилган асослар доираси шу нуқтаи назардан кенгайтирилди. Ушбу моддага киритилган қоидаларга мувофиқ, карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

Ҳуқуқшунос олима Х.Бурханходжаева томонидан карантин сабабли ишдан четлаштириш тартибига оид қоидалар тушунтириб берилган. Унга кўра, ишдан четлаштириш бўйича буйруқ чиқаришдан аввал ходимдан эмлашни рад этиш бўйича ёзма ариза олинади. Агар ходим ёзма ариза беришдан бош тортса, ходимнинг эмланишни рад этганлик ва бу бўйича ариза беришдан бош тортганлиги юзасидан далолатнома тузилади. Ишдан четлаштириш тўғрисидаги буйруқ билан ходим таништирилиши ва у ўз имзоси билан танишганлигини тасдиқлаши лозим. Ходимнинг ишдан четлаштирилиши меҳнат шартномасини бекор қилмайди, яъни меҳнат муносабатлари давом этади, аммо Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган эпидемиологик давр давомида ходим ишга қўйилмайди. Бу давр унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади, бироқ бу давр учун унга иш ҳақи ҳисобланмайди. Агар тегишли тартибда тиббиёт муассасаси томонидан ходимнинг соғлиғи туфайли унга профилактик эмлашга қарши кўрсатмаларни тасдиқловчи ҳужжат берилган бўлса, иш берувчи ходим билан келишган ҳолда, уни масофавий иш режимига ўтказиши мумкин [3].

Бундан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ишдан четлаштириш асослари келтириб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 255-моддасида процессуал мажбурлов чораси сифатида лавозимдан четлаштириш қўлланилиши ҳақидаги қоидалар аксини топган. Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра, башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, улар лавозимидан четлаштирилиши мумкин [1]. Шу ўринда қайд этиш лозимки, меҳнат қонунчилиги ва жиноят процессуал қонунчилигида ушбу термин икки хил қўлланилади, яъни “ишдан четлаштириш” ва “лавозимдан четлаштириш” шаклида. Ишдан четлаштириш лавозимдан четлаштиришга нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан жиноят процессуал қонунчилиқни ҳам ишдан четлаштириш терминидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат муносабатларида ишдан четлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида қуйидаги ҳулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига “ишдан четлаштириш”нинг ҳуқуқий тушунча сифатида киритилиши ва унинг таърифи ишлаб чиқилиши лозим. Ишдан четлаштиришга ходимни меҳнат мажбуриятларини, қоида тариқасида, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бажаришга вақтинча йўл қўймаслик ҳисобланиши ҳақидаги қоидалар эканлиги нуқтаи назаридан ёндашиш лозим.

2. Ишдан четлаштириш асослари сифатида қуйидагилар ҳисобига кенгайтирилиши лозим:

- қонунчиликка мувофиқ ваколатли давлат органларининг талабига кўра;
- ходим меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқувдан ҳамда билим ва кўникмалари текширувдан ўтмаганда;

- ходим меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ фойдаланилиши шарт бўлган шахсий ва (ёки) жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланмаганда;

- ходим томонидан меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажариш учун тиббий хулосага мувофиқ қарши кўрсатмалар аниқланганда.

3. Меҳнат ҳуқуқида ишдан четлаштириш ва меҳнат шартномасини тўхтатиб туриш тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб бериш керак. Бундай алоқадорликнинг ишлаб чиқилиши меҳнат шартномаси институтини янги қоидалар билан бойитишга сабаб бўлади. Меҳнат ҳуқуқининг превентив функцияси ўзини янада яққол намоён этади ва меҳнат шартномасининг ҳар икки тарафи учун салбий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

4. Ходимни ишдан четлаштиришнинг ҳуқуқий оқибатларига оид қоидалар ишлаб чиқилиши лозим. Хусусан, ўзини қонунга ҳилоф равишда ишдан четлаштирилган деб ҳисобловчи ходим ўзининг ишдан четлаштирилиши устидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин. Қонунга ҳилоф равишда ишдан четлаштирилган ходимнинг унга аввалги ишини тақдим этиш ҳамда ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи (агар қонунга ҳилоф равишда ишдан четлаштириш сабабли ходимга маънавий ёки жисмоний азоблар етказилган бўлса) компенсация қилиш тўғрисидаги талаблари қаноатлантирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 951 б.

2. Агафонова Е.Ю. Отстранение от работы: проблемы правового регулирования: Дисс.к.ю.н. – Москва, 2015. – 173 с.

3. Бурхонходжаева Х. Вакцина олмаган ходимлар ишдан четлатилиши қонунийми https://uza.uz/uz/posts/vakcina-olmagan-xodimlar-ishdan-chetlatilishi-qonuniymi_341877

4. Мухторалиев С. Ишдан четлаштириш бўшатиш дегани эмас
[/https://kun.uz/news/2021/08/29/ishdan-boshatish-boshqa-narsa-chetlashtirish-boshqa-narsa-vaksina-olmaganlik-uchun-ishdan-chetlashtirish-xususida-mutaxassis-bilan-suhbat](https://kun.uz/news/2021/08/29/ishdan-boshatish-boshqa-narsa-chetlashtirish-boshqa-narsa-vaksina-olmaganlik-uchun-ishdan-chetlashtirish-xususida-mutaxassis-bilan-suhbat)

5. Турсунов Й. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 2018. – 501 б.

Филология

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ҒОЯВИЙ
РАҲНОМАСИ СИФАТИДА**

Зебо ҚОБИЛОВА

филология фанлари доктори
Қўқон давлат педагогика институти
Қўқон, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг Амирийга таъсири масаласи ўрганилган. Амирий шеърлятидаги навоиёна оҳанглар, татаббу ғазаллар ва уларнинг бадиияти текширилиб, шоҳ-шоирнинг Навоийга муносиб шогирд эканлиги исботланган.

Таянч сўзлар: адабий таъсир, ғазал, татаббу, тимсол, бадий санъатлар.

**АЛИШЕР НАВОИ КАК ИДЕЙНЫЙ ПРЕДВОДИТЕЛЬ КОКАНДСКОЙ
ЛИТЕРАТУРНОЙ СРЕДЫ**

Зебо КОБИЛОВА

доктор филологических наук
Кокандский государственный педагогический институт
Коканд, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается вопрос о влиянии Алишера Навои на Амири. Исследуются присущие Навои мотивы в творчестве Амири, газели татаббу и их художественные особенности, и делается вывод о том, что шах-поэт является достойным учеником великого Навои.

Ключевые слова: литературное влияние, газель, татаббу, образ, художественные методы.

Алишер Навоийни ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ҳодиса бўлган Қўқон адабий муҳитининг том маънодаги ғоявий раҳнамаси десак, сира муболаға қилмаган бўламиз. Чунки шоҳ-шоир Амирий бошчилигидаги бу муҳитнинг юзга яқин намояндаларидан бирортасининг ижодини Алишер Навоийнинг бой ва серқирра меросининг самарали таъсиридан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Адабиётшунос Абдурауф Фитратнинг қайд этишича “Қўқон хони Умархон теграсида йиғилган шоирларнинг ҳаммалари Навоийнинг содиқ шогирдлари бўлиб қолдилар” [9;175]. Шоира Дилшод ҳам “Тарихи муҳожирон” (“Муҳожирлар тарихи”) асарида Қўқон адабий муҳити

намоянлари хусусида фикр юритар экан, “Ижод йўлида аксар табъ эгалари буюк амир ва адабиёт шоҳи Навоий ғазалларини ўргандилар” [2;85], деб маълумот берган эди. Таниқли рус шарқшуноси А.Н.Самойлович таъкидлашича, Навоий билан янги давр ижодкорлари, Хива ва Қўқон адабий муҳити вакиллари орасида унинг замондошлари Бобур ва Ҳусайнийга нисбатан ҳамоҳанглик кучлилигини англадим [8;872]. Айти жиҳатдан, “Алишер Навоий ва Қўқон адабий муҳити” ўзбек адабиётшунослигининг ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганилишини кутиб турган муҳим ва йирик мавзуларидан бири ҳисобланади. Навоий шахсияти ва шеърятининг Амирий ижодида таъсири ана шу катта мавзунинг асосий бир қисмидир.

Бир шоирнинг иккинчи шоир ғазалига муҳаммасини аниқлаш қийин эмас — чунки кўпинча муҳаммас бошланишига унинг қайси шоир ғазалига боғлангани кўрсатиб қўйилади. Кўрсатилмаган тақдирда ҳам таҳаллусидан билиб олса бўлади.

Татаббуни аниқлаш учун эса ҳар икки шоир ижодидан етарли даражада хабардор бўлиш тақозо қилинади. Ўшанда бир шоирнинг қайси ғазали иккинчисига татаббу эканлигини аниқлаш осон кечади.

Лекин бир шоирнинг иккинчи шоирга таъсири баъзан билвосита кечадики, уни ойдинлаштириш тадқиқотчидан анча-мунча тер тўкиб, заҳмат чекишини талаб этади. Албатта, у ёки бу шоир таъсирида яратилган шеърлар, байту мисралар, бир шоир қўллаган тимсолу ташбеҳларнинг бошқа шоир ижодида янги қирралари билан намоён бўлиши гоҳ ярқ этиб кўзга ташланса, гоҳида яширин кўринишда бўлади.

Амирий Алишер Навоий ғазалларига татаббулар қилиб, таҳмислар боғлабгина қолмай, истеъдодли шогирд сифатида устоз сўз санъаткори асарларидан таъсирланиб, унинг йўлида қатор ғазал ва байтлар яратган, кўнглида акс садо бериб илҳомлантирган фикрларини давом эттирган ва ривожлантирган, у қўллаган тимсолу ташбеҳларнинг янгидан-янги қирраларини очган. Айтайлик, Алишер Навоий машҳур бир байтида

маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигига азбаройи ширинлигидан унинг лаблари бир-бирига ёпишиб қолганлигини сабаб қилиб кўрсатади:

*Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб [4;50].*

Мазкур байт ҳусни таълил санъати асосида яратилган. Бу санъат бирор нарса ёки ҳодисага ғайривоқеий, лекин шоирона сабаб келтиришдан иборат [7;59]. Байтда маъшуқанинг ошиқ аҳволини сўрамаслигининг асосий сабаби лабларининг ширинлигидан бир бирига ёпишиб қолганлигидир, деган мазмун англашилади.

Амирий ижодида айти шу мазмундаги учта байт мавжудлигини кўрамиз:

*Сўз демак чоғида бир-бирга ёпишса, бок эмас –
Ким, чучуклик айламиш лаъли шакарборингни банд [1; 173].*

Мазмуни: “Шакар лабинг ширинлигидан сўзга оғиз очганида бир-бирига ёпишиб қолса, ажаб эмас”.

*Сўрамассан зор ҳолимким, чучуклик айлади
Бир-бирига ул икки лаъли шакарборингни банд [1; 174].*

Мазмуни: “Менинг зор ҳолимни сўрамаслигининг сабаби шакарга йўғрилган икки лабинг ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолган”.

*Не учун бир-бирга ёпушмуш такаллум чоғида,
Сўзидек гар бўлмаса лаъли шакарбори чучук [1; 159].*

Мазмуни: “Агарда шакар лабинг сўзинг каби ширин бўлмаса, нега гапирган чоғингда бир-бирига ёпишиб қолади?”

Маълум бўладиги, устоз шоирнинг мазкур байти шогирд ижодкорга ниҳоятда маъқул келган ва айти мазмунда бир неча байт ижод қилиб, ушбу гўзал ва бетакрор ташбеҳни изохлаш, унинг янгидан-янги қирраларини очишга ҳаракат қилган.

“Адабиёт – сўз санъати. Шоир – санъаткор. Санъат ва санъаткордан, аввало, нима талаб қилинади? Образли тасвир маҳорати. Поэтик тасвирда ўзига хослик ва янгиликка эришилмаса, шеърхоннинг кўнглига йўл очиш,

фикр-туйғуларини янгилаш қуруқ даъволигича қолаверади. Сўз ва тасвир гўзаллигининг биринчи шарти руҳни завқлантириш, маъно ва моҳиятни руҳоний идрок объектига айлантира боришдир” [10; 287].

Навоийнинг инсоннинг туғма табиатини минг бир тарбия билан ҳам ўзгартириб бўлмаслиги ҳақидаги машҳур қитъаси бор. “Нокас киши бўлмасликда ва ножинс киши жинси бўлмасликда” деб номланган мазкур қитъасида кўпни кўрган донишманд шоир “Нокасу ножинс қавмини одам бўлсин деб беҳуда заҳмат чекмаки, касофат олами сира покиза бўлиб қолмайди. Зеро, кучук билан хўтикка ҳар қанча тарбия бергани билан улғайиб уларнинг бири ит бўлади-ю, бошқаси эшак” дейди:

*Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами –
Ким, кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами* [4; 698].

Бу теран ҳаётий ҳақиқатга асосланган ҳикмат даражасидаги қитъа кўплаб қалам аҳлига таъсир кўрсатган. Жумладан, Амирийнинг мана бу байтида эса ушбу мавзунинг мутлақо янги талқинини кўрамиз:

*Тарбият қилгон била ноасл бўлмас одамий,
Ипни юз алвон била ранг этса, бўлмасдур ипак* [1; 202].

“Тарбия қилган билан ноасл кимса сира одам бўлмайди, чунки ипни юз рангга бўяган билан у ипакка айланиб қолмайди”.

Маълумки, адабиётнинг асосида образлилик ётади. Образлиликка асосланмаган матннинг оддий гапдан фарқи йўқ. Бадий матн ўзининг образлилиги билан гўзаллик ва таъсирчанлик касб этади. Таниқли шоир Абдулла Орипов образлиликни содда қилиб, мана бундай тушунтирган эди: “Масалан, бир нарсани оддий қилиб баён қилсангиз, дарров эсдан чиқиб кетади. Нимагадир ўхшатиб, қиёс қилиб гапирилганда эса эсда қолади” [6;159].

Диққат қилинса, тубан табиатни тарбия ўзгартиролмайди деган фикр ҳар бир шоирда ўзига хос образли тарзда ўзининг бетакрор ифодасини топган.

Навоий нокас ва ножинс кимсанинг тарбия қилган билан одам бўлмаслигини кучук билан ҳўтикни ҳар қанча тарбия қилса, охир-оқибат ит ва эшак бўлиши ҳақидаги ҳақиқат билан далиллайди. Амирий эса ноаслнинг тарбия билан одам бўлмаслигини минг бир хил рангга бўяган билан ип ипакка айланиб қолмаганлиги билан қиёслайди.

Кўриниб турганидек, бу шоирларнинг ўз фикрларини тасдиқлаш мақсадида келтирган қиёс ва далиллари шеърӣ матнларнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун хизмат қилган.

Алишер Навоӣ бир байтида муболаға санъатини ҳадди аълосига етказиб, ҳасдек жисмим билан ғам тоғини кўтаришга бел боғладим, лекин девор орасидаги сомон каби унинг остида қолдим дейди.

*Кўҳи ғам тортарға ҳасдек жисм ила бел боғладим,
Остига қолмишмен андоғким самон девор аро* [5; 43].

Амирий эса бу ташбеҳга ҳам янгилик қўшади: тоғ остида қолган шиша каби кўнглим дард тоғи остида беҳуда сабр қилиб ётибди.

*Шишае тоғ остида қолгон – бу янглиғ беасар
Бўлди кўнглум кўҳи дардинг остида сабромзо* [1; 42].

Навоӣ ғазалларида ошиқнинг маъшуқа ҳуснини бир кўриб, “сурати девор”, “нақши девор” бўлиб қолганлиги ҳақидаги тасвирлар кўп учрайди. Қуйидаги байт бу мавзудаги байтларнинг энг машҳури ҳисобланади:

*Келди Чин наққоши ул юз нақшини қилмоққа тарҳ,
Чеҳра очиб, нақши девор айладинг наққошни* [4; 604].

Таниқли адабиётшунос олим Нуриддин Шукуров ҳақли равишда лутф этганидек: “Бу байт асосида шундай бир ҳикоя тузиш мумкин: Навоӣ яшайдиган Ҳирот шаҳрида бир гўзал маҳбуба бор экан. Унинг гўзаллиги ҳақидаги овозалар бутун Хуросон мамлакатига ва қўшни мамлакатларга ҳам тарқалибди. Жумладан, Чин мамлакатига ҳам етиб борибди. Чин азалдан гўзал манзаралар ва гўзал одамларнинг суратини чизишга моҳир бўлган рассомлари билан машҳур. Ана шундай рассомлардан бири лавҳу лавнини, яъни ёзув тахтаси, бўёқлари, мўйқаламларини қўлтиқлаб йўлга тушибди. Қайсидир

карвонларга эргашиб Ҳиротга етиб келиб ва ўша гўзалнинг манзилини аниқлаб, уйига борибди. Рухсат олиб уйга кирса, бурчакда бир маҳбуба юзида пардаси билан турган экан. Наққош (рассом) унга ўз муддаосини баён этибди. Гўзал маҳбуба, марҳамат, расмимни чизсангиз чиза қолинг деб, юзидан пардани кўтарибди. Гўзалнинг суратини чизаман, деган наққош гўзаллик кучидан беҳуш деворга ёпишганича ўзи “нақши девор” бўлиб қолибди” [11;86].

Амирийнинг айна мазмундаги бир неча байтлари мавжуд. Айтайлик, қуйидаги байтда “Бу шаклу бу шамойил билан ноз базми аро кириб, саврқоматларнинг барчасини сояи деворга айлантирдинг деса:

*Бу шаклу бу шамойил бирла базми ноз аро кирдинг,
Сихи қадларни қилдинг сояи девор, хуш келдинг [1; 193].*

Мана бу байтда “Ул ой каби гўзалнинг зебо суратини кўриб, унинг олдида ўзимни сурати деворга ўхшатдим” деб лутф этади.

*Кўруб ул ойнинг зебо сувратини, қолмади ҳушим,
Ўзумни бу жиҳатдин суврати девора ўхшаттим [1; 229].*

Бошқа байтда эса “Ишқ ичра бир пари ҳижронида ҳайрат майини симириб, мендай сурати деворга айланган яна бир киши борми?” деб муболаға қилади:

*Кимдурур ишқ ичра мендек бир пари ҳижронида
Суврати девор янглиз соғари ҳайрат чекан [1;279].*

Аслида муайян тимсолу ташбеҳлар Амирий ижодида қайта-қайта қўлланиб, ҳар гал унинг янги бир қирраси очилади ёки ривожлантирилиб, муайян бадиий мақсадга хизмат қилдирилади.

Навоий шеъриятида мени жондан жудо қилгунча жонондан жудо қил мазмунидаги қатор байтлар учрайди. Жумладан,

*Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо [1;59].*

Амирийнинг қуйидаги байтида салафининг айна мазмундаги байтлари акс садосини кўрамыз:

*Ҳажр ўлмакдин батардур, ошиқу бехонумон
Жондин айрилсун, аммо ёридин айрилмасун! [1;274].*

Маълумки, шеъриятда баъзи нарса-ҳодисалар, ҳайвон ва ўсимликлар ўз табиатига кўра истиора тарзида инсон, унинг ҳолати, хатти-ҳаракатининг тимсолига айланиб кетган. Навоий ижодида ҳам бундай тимсолларнинг бутун бир силсиласини кўрамиз: шам, парвона, қуюн, синған сафол, сипанд ва ҳоказо. Чунончи, қуюн образи шоир ижодида ҳадди аълосида қўлланган – у сарсон-саргардон, далли-девона, бесабру тоқат ошиқ тимсоли бўлиб келади. Чунончи, қуйидаги байтида у “Ўзлигим қафасини бузиб чиқиш учун ўзимни хар ёнга ураман, зеро, дард водийсида саргардон қуюн каби бир аҳволдаман”, деб муболаға қилади.

*Тўлғанурмен ўзлугумдин чиқғали буким эрур,
Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим [5;414].*

Мана бу байтида эса “Эй дўст, мабодо Мажнун ишқ даштида мени сўраб қолгудек бўлса, у бу водийда қуюндек саргардон бўлиб йўқолиб кетди деб айт” деб лутф этади.

*Сўрса Мажнун ишқ даштида мени, айт, эй рафиқ –
Ким, қуюндек итти бу водийда саргардон бўлуб [5; 81].*

Амирий ижодида ҳам айна тимсолнинг фаоллигини кўрамиз. Мисол учун қуйидаги байтда “Ишқ даштида менга дуч келган Мажнун: “Бу водий ичра чарх урган қуюнми ёки ишқ йўлида тупроққа айланган жисмининг губорими?” деб сўради”, деб муболаға қиладики, у салафининг юқоридаги байтдаги фикрни ривожлантириб, тўлдириб келади дейиш мумкин.

*Мани саргашта кўргач, ишқ даштида деди Мажнун:
“Қуюнмудур бу водий ичра саргардон губорингму?” [1;290].*

Навоийнинг лирик қаҳрамони “Агар ишқ даштида Мажнун сени кўриб қолиб, менинг аҳволимни суриштирса, бу водийда қуюн каби йўқолиб кетди деб айт”, дея дўстидан илтимос қилса, Амирий байтида ошиқи саргаштани Мажнуннинг ўзи кўриб, ундан: “Бу водий ичра кезиб юрган қуюнми ёки

сенинг ишқ кўйида тупроққа айланган вужудингнинг ғуборими?” деб муболаға билан сўрайди.

Навоий байтида ошиқнинг ишқ водийсида йўқолиб кетгани ҳақида сўз борса, Амирий байтида унинг тупроққа айланган вужуди ғуборининг қуюнга айланиб чарх уриб юргани тасвирланадики, Амирий Навоий қўллаган ташбеҳни ривожлантириб, авж нуктага кўтарганини кўрсатади.

Маълумки, муболағанинг “уч тури фарқланади. “Ҳам ақлан, ҳам одатан номумкин, яъни тасаввур қилиш ҳам қийин, бўлиши эса мутлақо мумкин бўлмаган муболаға турига ғулув дейилади” [3;96]. Агар Навоий байти муболағанинг таблиғ турига кирса, Амирий байти ғулувга тўғри келади.

Қуйидаги байтида эса Амирий “Бу ошиқи бечора хижрон даштида қуюндек зору саргардон бўлиб васлинг ҳавас қилади” деб маъшуқа сўроғида қаёққа боришни билмай ўзини ҳар ёққа урадиган ошиқни саҳрода чарх уриб эсган қуюнга нисбат берса, кейингисида шундай ёзади:

*Ҳажр даштида қуюндек зору саргардон юруб,
Васлинг айлар ошиқи бесабру бесомон ҳавас [1;130].*

Амирий баъзида байтларини навоиёна шакллантиради:

*Ошноларга десангким қилмайин бегоналик,
Бўлмагил, эй маҳжабин, бегоналарга ошно [1; 42].*

Бу байт Навоийнинг қуйидаги мисраларини эсга солади:

*Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонага ошно бўлуптур [5;161].*

Лекин бу салаф байтининг айнан такрори эмас. Навоий байтида ошиқ маъшуқадан шикоят қилади: “Ошнодан бегона бўлиб, бегонага ошно бўлибди”. Амирий байти эса панд-насихат мазмунида: “Эй ой юзли гўзал, дўстларга бегоналик қилмай десанг, бегоналар билан дўст бўлма!” Бу ерда маъно кенгайтириши ҳодисасини кўради.

Амирийнинг мана бу байти Навоийнинг шикоят оҳангида қайта-қайта шеърларида таъкидлаган кимга вафо қилган бўлсам, эвазига жафо кўрдим мазмунидаги байтларига ҳамоҳанг:

*Ҳар кишигаким вафо қилдим, манго қилди жафо,
Олам аҳлини саросар имтиҳон эттим, Амир [1; 81].*

Исириқ донаси Навоий шеъриятида кўпинча кўз ва хол тимсоли бўлиб келади. Чунончи, қуйидаги байтида “бу қизарган кўзим ичра қора нукта қорачиқ эмас, балки ҳуснингга кўз тегмасин деб, ўт узра исириқ солибман”, деб бетакрор бир ташбеҳ қўлласа,

*Бу қизарган кўз аро мардум эмаским, эл кўзи
Тегмасун ҳуснунгга деб, ўт узра солибмен сипанд [1;142],*

мана бу байтида “Исириқ эмас, лолазор офатдир ўтдай юзи узра ҳар тараф холи билан” деб лутф этади:

*Сипанд офат эмас, лолазор офат эрур,
Юзинда ҳар сари хол оташин узори била [5; 574] .*

Бу ерда гўзаллиги жиҳатидан юзнинг лолазорга, ўз навбатида, ял-ял ёнишига кўра лолазорнинг гулханга, холнинг эса қоралиги туфайли гулханга ташланган исириққа нисбати бор.

*Ё сипанд эт юз ўтига кўзларимнинг мардумин,
Ё юзунгни ётиб, айла эл кўзидин эҳтироз [4;205].*

Амирий ғазалларида эса сипанд асосан хол тимсоли бўлиб келади. Чунончи, қуйидаги байтида “У оқбадан шўх чиройига ёмон кўз тегмаслиги учун ҳусн ўти узра хушбўй холини исириқ қилди” деб лутф этади.

*Жамолига ямон дафъи учун ул шўхи симинбар,
Муанбар холини ҳусн оташи узра сипанд этти [5;313].*

Мана бу байтида эса “Бугун ҳуснинг оташи май ҳароратидан гул-гул очилди. Холнинг исириғи куйиб, зулфинг у ўтга тутун бўлди” деб муболаға қилади:

*Бу кун май тобидин гул-гул очилди оташин ҳуснунг,
Куюб холинг сипанди, зулфунг ул ўтга тутун бўлди [1;317].*

“Ҳазойин ул-маоний” девонлар мажмуасининг биринчиси бўлмиш “Ғаройиб ус-сиғар”нинг илк ғазалидаёқ “синған сафол” истилоҳига дуч келамиз.

*Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичкан гадо [5; 22].*

Мазмуни: “Идиши синган сопол бўлган май ойинаи жаҳоннамога айланиб, ундан ичган гадо Жамшиддай шоҳи жаҳон бўлади”.

Амирий эса қуйидаги байтида “Эй соқий, майхона ичра қисматим синган сопол бўлса, Жамшид жоми билан Искандар кўзгусини бошимга ураманми?!” деб ёзади:

*Нетай гар жоми Жам бирла Сикандар кўзгуси бўлса,
Бу кун дайр ичра, соқий, қисматим синган сафол этмиш.*

Жам – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид номининг қисқарган шакли. Искандар кўзгуси ҳам ойинаи жаҳоннамонинг синоними сифатида қўлланади.

Таҳлиллардан маълум бўладики, Амирий туркий адабиётнинг Алишер Навоийдек забардаст сўз санъаткори асарларини севиб мутолаа қилган, ижодхонасидан маҳорат сабоғини олган, ўзига кучли таъсир кўрсатиб, жўшқин илҳом бағишланган ғазалларига татаббулар қилган, тахмислар боғлаган, улар таъсирида байту мисралар тузган. Устоз сўз санъаткори яратган образларнинг янги қирраларини намоён этган, бадиий санъатларни авж нуқтага қўтарган, матлани гўзал тарзда шакллантириш сабоғини ўзлаштирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амирий. Девон. Икки жилдлик. 1-жилд. Ўзбекча шеърлар. – Тошкент: Tamaddun, 2017. – 452 б.
2. Дилшод. Тарихи муҳожирон / Дилшод. Анбар отин. Ўзбек шоиралари баёзи (Тузувчи М.Қодирова). – Тошкент: Фан, 1994. – 85 б.
3. Исҳоқов. Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 226 б.
4. Навоий, Алишер. Наводир уш-шабоб. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 2 жилд. / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, И.Ҳаққул; Масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – 772 б.

5. Навоий, Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 1 жилд. / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, И. Ҳаққул; Масъул муҳаррир С.Рафиддинов. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – 804 б.
6. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 4-жилд (Киносценарий, мақолалар, суҳбатлар, хотиралар, қайдлар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 384 б.
7. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
8. Самойлович А.Н. Турецкие этюды. – РНБ.,Ф. 671, ед.хр.100. – 872 л.
9. Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар. II жилд (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). – Тошкент: Маънавият, 2006. – 112 б.
10. Ҳаққул, Иброҳим. Такдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 287 б.
11. Шукуров Н. Бу олам сахнида... (Адабий-танқидий мақолалар). – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1982.

АХМАД ТАБИБИЙНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА БОҒЛАГАН МУСАДДАСЛАРИ ҲАҚИДА

Шермухаммад Нормуротович АМОНОВ

филология фанлари номзоди

доцент

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Аҳмад Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонидаги мусаддас шеърлари ҳақида мулоҳазалар баён қилинган. Девоннинг қўлёзма ва тошбосма вариантлари қиёси асосида илк бор Аҳмад Табибийнинг мазкур девонидаги Алишер Навоий ғазалларига ёзган мусаддаслари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, Аҳмад Табибий, девон, қўлёзма, тошбосма, фонд, манба, матн, шоир, ғазал, мусаддас, мусаддас.

О МУСАДДАСАХ АХМАДА ТАБИБИ К ГАЗЕЛЯМ АЛИШЕРА НАВОИ

Шермухаммад Нормуротович АМОНОВ

кандидат филологических наук

доцент

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навоий

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В этой статье излагаются мнения о стихах-мусаддасах Ахмада Табиби в диване “Ҳайрату-л-ушшоқ”. На основе сопоставления рукописных и литографических вариантов дивана приводятся подробные сведения о мусаддасах Ахмада Табиби в этом диване к газелям Алишера Навои.

Ключевые слова: Алишер Навои, Ахмад Табиби, дивон, рукопись, литография, фонд, источник, текст, поэт, газель, мусаддас, мусаддас.

Туркий адабиёт султони Алишер Навоий наср ва назмда барабар ижод қилиб, лирикага янгича ифода усулини, поэтик қўламдор мавзулар ва тимсоллар оламини олиб кирди. Ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа жанрларни мазмуний жиҳатдан такомилга етказди. Навоийнинг асарлари ўз замондошлари томонидан юқори эътироф этилгани, мухлислари томонидан завқ билан ўқилгани яхши маълум. Бу адабий мерос ўз давридан кейинги

барча асрларда ижод аҳли учун ибрат, илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Китобхон катта маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик завқ олиши баробарида Навоийнинг қаламида сўз санъати даражасига кўтарилган ижод намуналари ижод аҳли учун андоза вазифасини бажарди. Ҳар бир адабий муҳит вакиллари Навоий анъаналарини давом эттирди, ғазалларига тахмислар боғлади. Шу маънода ўзбек адабиёти тарихида катта ўрин тутувчи Хоразм адабий муҳити ижодкорларига ҳам Навоийнинг таъсири катта. Ижодда Навоийни том маънода ўзига устоз деб билган ва ижодида анъаналарни такомилга етказган шоирлардан бири – Аҳмад Табибийдир. Аҳмад Табибий форс ва ўзбек тилида сермахсул ижод қилган. Лирик мероси кўламининг кенглиги, бадиий мукамаллигига кўра Табибий ижоди ўз замондошларига нисбатан савия жиҳатидан анча баланд туради. Табибий ижоди аксарият қўлёзмада бўлгани сабабли бугунги китобхонга тўлиқ маълум эмас. Шоир асарларини анъана ва издошлик асосида текшириш Навоий ижодининг Хоразм адабий муҳитига таъсири ва ўзбек адабиёти ривожигаги ўрнини белгилашга хизмат қилади.

Табибий қўлёзмалари Республиканинг турли фондларида сақланади. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №3460 инвентар рақами билан сақланаётган қўлёзма манбада Аҳмад Табибий ижодига мансуб лирик асарлар жамланган. Ушбу қўлёзма манба тўрт қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида шоирнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонига кирган лирик асарлар кўчирилган. Қўлёзманинг 1^б-саҳифаси ўртасида *“Иккиланчи девони Табибий туркий мусаммо баҳайрату-л-ошиқин”* деб қизил сиёҳда ёзилган. Сўнг қора сиёҳда *“Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим”* деб ёзилиб, Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонидаги лирик асарлари кўчирилган.

Агар Аҳмад Табибий лирик мероси жанрига кўра тасниф этилса, шоир ижодида ғазал, фард, рубоий, қитъа, туюқ, чистон, таърих, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар, қасида, таржеъбанд, мустазод, даҳрнома, соқийнома, ширу шакар, варсоқи (бармоқ вазнидаги тўртликлар), баҳри тавил каби намуналар борлиги аён бўлади. Бу

эса шоир ижоди кенг кўламли тадқиқотлар учун объект бўла олишини кўрсатади.

Ушбу кўлёзма (№3460 рақамли) девонда Табибийнинг кўплаб ижодкорлар ғазалларига боғлаган мухаммас ва мусаддас шеърлари киритилган.

Табибий ижодий меросини кузатар эканмиз, шоирнинг буюк Навоий ижодига ихлосманд бўлгани яққол намоён бўлади. Бу ҳол, айниқса, Табибий девонларининг тузилишида, ўхшаш жанрлардаги лирик асарларнинг ижод этилишида ёрқин намоён бўлади. Девон тузиш анъанасини Алишер Навоий мукамал девон тузиш принциплари билан асослаб берди. Туркий адабиётда кейинги давр шоирлари девон тузишда Навоий анъанасига таяндилар. Лирик жанрлар кетма-кетлиги, шакли, мазмуни, бадиий бўёқдорлиги каби меъёрларни кунт билан давом эттирдилар.

Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонида ҳам шоирнинг Навоий ғазалларига боғлаган иккита мусаддаси кўчирилган.

Маълумки, мусаддас мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган шеър шакллариандир. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асарида мусаммат жанри ҳақида (*Ал-навъул-собеъ фил-баёнул-мусаммат – Еттинчи тур – мусаммат баёнида*) қуйидагича маълумот берилади:

“Мусаммат беи турлук бўлур: мусаммати мураббаъ, мусаммати мусаддас ва мусаммати мухаммас, (мусаммати мусамман– нашрдан тушиб қолган) мусаммати муашшар ... Мусаммати мусаддас ул бўлурким, беи мисрада сажъ сақлаб, олтинчи мисрада қофия аслига янорлар” [7;54-56].

Адабиётшунослик луғатида эса мусаддасга қуйидагича таъриф берилган: “Мусаддас (ар. *مستدس* – олтилик) – 1) мусаммат турларидан бири, олти мисрали бандлардан таркиб топувчи шеър шакли; олти мисрали банд. Мусаммат шеър шаклида дастлабки банд мисралари ўзаро қофияланади (а-а-а-а-а), кейинги бандларининг аввалги беи мисраси ўзаро, охирги мисраси эса биринчи банд билан (б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а ва ҳ.) қофияланади. Шеъриятимизда мусаддаснинг биринчи бандидаги охирги икки мисра кейинги

бандлар сўнгида таржеъ сифатида такрорланувчи хили ҳам учрайди, унинг қофияланиши а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а кўринишида бўлади. Ўзбек мумтоз адабиётида мусаддас ёзиш, асосан, Навоий ижодидан бошланган [11; 191-192].

Маълумки, мумтоз ижодкорлар ушбу шеърӣй шаклда сермахсул ижод этишган. Дарҳақиқат, мусаддаснинг бетакрор намуналари Ҳазрат Алишер Навоий ижодида учрайди. Жумладан, “*Ҳазойин ул-маоний*”га мусаддас (“олтилик”) жанри ҳам киритилган бўлиб, куллийтдан 5 та мусаддас ўрин олган. Мусаддас ҳам мухаммас сингари икки турга бўлинади:

1) *табъи худ (мустақил):*

2) *тасдис (ғазални олтилантириш асосида яратилган).*

Куллийтдаги 5 та мусаддасдан 2 таси Лутфийга, биттаси Ҳусайнийга тасдис бўлса, биттаси шоирнинг ўз ғазалига тасдис ва биттаси шоирнинг ўз табъидан яратилган мусаддасдир [12; 50].

Аҳмад Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонида шоирнинг ўн битта мусаддаси киритилган, қуйидаги тартибда келади. Уларнинг биринчиси Огаҳийнинг “*суратинг*” радифли ғазалига ёзилган. Кейинги мусаддаслар эса Гуломийнинг ҳам “*суратинг*” радифли, Рожийнинг “*айлаб*” радифли ғазалига, Навоийнинг “*бўлмаса*” радифли ва “*Шўх икки гизолингни ноз уйқусидин уйғат*” мисраси билан бошланувчи ғазалларига, Муниснинг “*Жонбахи лабинг узра чиқмиш хатти райҳоний*” деб бошланувчи ғазалига, Ферузнинг “*бу кун*” радифли ғазалига, ўзининг “*суратинг*”, “*қилали*”, “*кўрдинг*” радифли ғазаллари ва “*Найлайинким манга зулм айлагувчи жонондур*” мисраси билан бошланувчи ғазалларга боғланган. Демак, шоир ижодида юқорида таъкидланган мусаддаснинг иккита (*табъи худ* ва *тасдис*) тури ҳам учрайди.

Таъкидланганидек, Аҳмад Табибийнинг мазкур девонида Алишер Навоий ғазалларига ёзилган иккита мусаддас мавжуд. Жумладан, девондаги Табибий мусаддасининг биринчиси Навоийнинг:

Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,

Найлайин саҳбони, бир гул мажлисаро бўлмаса

матлаъси билан бошланадиган ғазалига ёзилган бўлиб, унинг биринчи банди қуйидагича бошланади:

*Одам эрмас ул киши ишқ ичра шайдо бўлмаса,
Бош эмас ул бошга гар помоли савдо бўлмаса,
Зиндагонлиг бўлғаму гар онда завго бўлмаса,
Манки ором этмагум соқийи май то бўлмаса,
Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайин саҳбони, бир гул мажлисаро бўлмаса*

тарзида бошланади. Навоийнинг бу ғазали арузнинг *рамали мусаммани маҳзуф* (*фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун*) вазнида ёзилган. Алишер Навоийнинг мазкур ғазали “Ғаройиб ус-сиғар” девонига (24 ғазал) киритилган бўлиб, 9 байтдан иборат. Ғазалнинг матлаъси шоҳбайтлардан бири сифатида бадий баркамоллиги билан китобхон эътиборини жалб этади. Табибийнинг ушбу ғазалга боғлаган мусаддаси ҳам тўққиз банд бўлиб, Навоий ғазали вазнида битилган. Ушбу мусаддас қуйидаги банд билан якунланади:

*Гар Табибийдек муродинг бўлса ишрат айламак,
Дўст ҳажри ранжи етса сабрдин иста кўмак,
Не сивойи дўст бўлса силк боридин этак,
Жисми афгоринг бўлуб ўқ касратидин чун ҳалок,
Эй Навоий, гарнасибингдурабадумре, керак,
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.*

Навоий ғазалига ёзилган иккинчи мусаддас ҳажажи мусаммани аҳраб вазнида ёзилган бўлиб, у қуйидаги банд билан бошланади:

*Ушишоқга рухсоринг, эй маҳлиқо кўрсат,
Сунбул киби зулфингни гулдек юзинга тарқат,
Шатти нигаҳинг бирла ноз уйқуни ҳар дам тот,
Ишқ аҳлини жонини шавқ ўти аро ўртат,
Шўх икки гизолингни ноз уйқусидин уйгат,
То уйқулари қочсун, гулзор ичида уйнат.*

Табибий мусаддаси таркибидаги Навоийга тегишли “қочсун” сўзи Навоий ғазалининг нашр вариантыда “кетсун” тарзида берилган. Етти байтли ушбу ғазалга боғланган мусаддас:

*Токим майи лутфингни бўлдум баса муштоқи,
Кўзумга ҳубоб осо илмас бу фалак тоқи,
Манзурим эмас, жоно бир ҳусн эли беҳроқи,
Лутф ила карам айлаб ошоми қадаҳ чоқи
Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элткучи доруни жомига онинг чайқат*

тарзида якунланади. Бунда ҳам Табибий мухаммаси таркибидаги Навоийга тегишли “**доруни**” сўзи Навоий ғазалининг нашр вариантыда “*дору*” тарзида берилган. Демак, ушбу мусаддас “Наводир уш-шабоб” таркибидаги “*Шўх икки гизолингни ноз уйқусидин уйғат, То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнат*” матлаъси билан бошланувчи ғазалга боғланган. Табибий ҳам ғазалнинг барча байтларига мослаб етти банддан иборат мусаддас боғлаган.

Таъкидлаш керакки, Аҳмад Табибийнинг ижодкор сифатида шаклланишида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий мероси кучли таъсир кўрсатган. Табибийнинг кўплаб туркум асарлари айнан Алишер Навоий асарларига ўхшатмалар тарзида ёзилган. Аҳмад Табибий ижодини махсус тадқиқ этган адабиётшунос олим Ф.Ғанихўжаевнинг таъкидлашича, Табибий Навоийнинг 20 дан ортиқ ғазалига мухаммас боғлаган [12; 31]

“Мунису-л-ушшоқ” девонида Навоий ғазалларига ёзилган 5 та мухаммас кўчирилган. Табибийнинг “Хайрату-л-ушшоқ” девонида эса Навоий ғазалларига боғланган 10 та мухаммас кўчирилган. Умуман, XV асрдан XX асргача бўлган даврдаги кўплаб ижодкорлар Ҳазрат Навоийни ўзларининг маънавий устози деб билганлар. Аҳмад Табибий ҳам кўплаб ўз ижод намуналарини аввало, улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий, сўнг Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳийларга ўхшатмалар тарзида битган. Аҳмад Табибий ҳам Алишер Навоий ижоди билан яқиндан танишиб, буюк мутафаккир шоирни ўзининг маънавий устози деб билган.

Хулоса сифатида айтганда, Алишер Навоий ижоди ўз даври ва ўзидан кейинги давр шоирларига таъсир кўрсатиб, адабий жараёни ҳаракатга келтиришда етакчи куч бўлиб хизмат қилди. Натижада, ўзбек адабиёти бадиий савия жиҳатидан етук асарлар билан бойиди. Лирик турнинг жанрлари кенгайди, ифода имкониятлари ортди. Сўзда кўплаб маъноларни ифодалаш, санъат даражасида сайқал бериш бадиий диднинг ўсишига олиб келди. Аҳмад Табибий ижоди билан танишиш ҳам унинг ижодда буюк Навоийга муҳаббат билан тақлид қилиб, ўз ижоди йўлини белгилаб олишида таянч бўлганини кўрсатади. Бу ҳол, шоир ижодида Навоийнинг кўплаб ғазалларига ёзилган ўхшашмалар, мухаммаслар, мусаддаслар ва бошқа жанрдаги лирик асарлардаги ўхшашликларда ёрқин намоён бўлади. Уларни таҳлил қилиш Табибийнинг бадиий маҳоратини очишга хизмат қилади. Тарихимизда катта мавқеъда бўлган Табибий сингари шоирлар ижодини анъана ва издошлик, ўзига хослик мисолида текшириш адабиётшунослик олдида турган муҳим вазифалардандир. Шунингдек, Аҳмад Табибий ижодий мероси ҳалигача тўлиқ илмий тадқиқ этилгани йўқ. Шоирнинг саноқли шеърларигина ҳамда “Вомиқ ва Азро” достони қисқартирилиб нашр этилган. Табибийнинг бутун бошли девонларини нашрга тайёрлаш, шу асосда, шоир ижодининг миллий адабиётимиз тарихида тутган ўрнини белгилаш ечимини кутаётган илмий муаммо саналади. Бунинг учун, аввало, шоир асарларининг республикамиз ва хорижий фондларда сақланаётган манбаларини аниқлаб, уларни тўлиқ тўплаш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1 жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – 723 б.
2. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 2 жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – 620 б.
3. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3 жилд. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.

4. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4 жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – 557 б.
5. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5 жилд. – Тошкент: Фан, 1990. – 541 б.
6. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6 жилд. – Тошкент: Фан, 1990. – 568 б.
7. Тарозий, Шайх Аҳмад Ибн Худойдод. Фунуну-л-балоға /Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов). – Тошкент: Хази́на, 1996. – 212 б.
8. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи: Алишер Навоий даври. Тошкент: Akademnashr, 2013. – 272 б.
9. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 3460, 3461, 2662 - рақамли қўлёзмалар.
10. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 8989 - рақамли тошбосма.
11. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.
12. Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. – Тошкент: Фан, 1978. – 80 б.

ЭРКИН ВОҲИДОВ ҲАЖВИЯЛАРИДА САТИРИК ТИП ВА ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Абдурахмон Эшонкулович ПИРИМҚУЛОВ

филология фанлари номзоди

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника

университети Олмалиқ филиали

Олмалиқ, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг сатирик тип ва образ яратиш маҳорати илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: синтез, сатира, сюжет, аллегория, мотив, поэтика, образ, қаҳрамон, миллий калорит, пафос.

МАСТЕРСТВО СОЗДАНИЯ САТИРИЧЕСКИХ ТИПОВ И ОБРАЗОВ В САТИРЕ ЭРКИНА ВАХИДОВА

Абдурахмон Эшонкулович ПИРИМКУЛОВ

кандидат филологических наук

Алмалыкский филиал Ташкентского государственного

технического университета имени Ислама Каримова

Алмалык, Узбекистан

Аннотация

В этой статье анализируются сатирический тип и мастерство создания образа, героя, национального калорита, пафоса Народным поэтом Узбекистана Эркином Вахидовым.

Ключевые слова: синтез, сатира, сюжет, аллегория, мотив, поэтика, образ, герой, национальный калорит, пафос.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳажвий лирикаси ўзига хос миллий нафосати, китобхон диди, дунёқарашига мос ҳаётий эпизодларнинг кулгили талқини билан ўқувчи диққатини жалб қилади. У хоҳ ёшлар, хоҳ ўрта ёшлар, хоҳ кекса одамлар ҳақида ёзмасин, кўз ўнгимизда қўшни кўп қаватли уйда ё маҳалланинг қуйи томонида яшаётган яқин қариндошимиз ё бирор танишимиз ҳақида ёзган бўлиб чиқади. Сиртдан қараганда, шоир ўша қаҳрамоннинг ҳажвий қиёфасини, характерини тасвирлаш орқали унинг турмушга анқовларча муносабати ва ландавурлигига кулаётгандай таассурот пайдо қилади. Жиддий ўйлаб кўрилса, муаллифнинг нияти мутлақо бўлак экани аён бўлади. У энди сиз ва бизга “таниш”, “қариндош” бўлган ўша қаҳрамон воситасида бизни эҳтиёткорликка, тежамкорликка, ҳар бир ишни

дид, фаросат билан қилишга чорлайди. Бошқача айтганда, шоир ним табассум ёки аччиқ киноя орқали замондошларининг ёғ босган кўзларини тозалаб қўйишга бел боғлайди.

Эркин Воҳидов давримиз ғазалнавислигининг ўзига хос мактаб яратган чинакам устоз вакили. Шоирнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари, айниқса, улуғ Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий тажрибаларидан баҳрамандлиги натижасида қоғозга тушган ғазаллари ҳақида адабиётшуносликда ижобий фикрлар айтилган. Э.Воҳидовнинг ғазалларида ишқий саргузашлар кўпроқ тараннум этилиши ҳам ҳақиқат. Шунга қарамай, шоирни фақат ишқ куйчиси дейиш етарли эмас. Э.Воҳидов ижодида шундай ғазал туркумлари борки, улар мумтоз шоирлар ижодига оҳанг жиҳатдан боғланади, холос. Уларнинг аксарияти мазмун ва ғоя эътибори билан бутунлай ўзгача йўналиш касб этади. Аниқроғи, шоир бир неча ғазалларида донишмандлик, зукколик ва насихатгўйликнинг олий намунасини кўрсатган.

Эркин Воҳидов “Кулгу мушоиралари” туркумида бир неча ғазал яратган. Шоирнинг сатира ёки юмор ҳисси билан тўйинтирилган талай асарлари ушбу туркум мундарижасига кирмаган. Шоирнинг мазкур туркумга тегишли:

*Ўн сакиз минг олам ошуби падар бошиндадир,
Не ажаб, чун ўғли онинг ўн саккиз ёшиндадур [1;199]*

матлаъли ғазали улуғ Навоийнинг машҳур:

*Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадир,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур,*

матлаъли ғазали таъсирида ёзилган. Навоий ғазалда ўн саккиз ёшли сарвинознинг ўн саккиз минг оламини мафтун этувчи беҳад гўзаллиги ва маънавий камолотидан баҳс этса, Эркин Воҳидов ўн саккиз ёшли йигитнинг тантиқ, ишёқмас, бадфеъл ва бефаросатлигини юмор тили билан фош этади. Ўн саккиз минг олам ташвишлари ҳозир бир отахоннинг елкасида. Чунки унинг ўғли ўн саккизга кирган. У шунча ёшга кирганига қарамай ақл бобида анча оқсоқ, боз устига жуда бевош, тантиқ ва худбин. Бир пайтлар отанинг ўзи

атрофдагиларни менсимаган, устидан кулган, изза қилган. Энди эса:

*Ўзгалардан кулгай эрди кўча кўйда бир замон,
Ақлга юз ҳайрат эмди бул унинг қошиндадир [1;199].*

Дарвоқе, биринчи байтдаги “ўн сакиз минг олам ошуби” билан мазкур байтдаги “ақлга юз ҳайрат” Навоий ғазали таркибидан ўзлаштирилган ва кўриб ўтганимиздек тамомила янги ғояни юзага чиқаришга сафарбар этилган. Бу ҳодиса шеършуносликда иқтибос санъати дейилади. Бир вақтлар улуғ шоир ўн саккиз ёшли сарвинознинг ноз-ишвасидан юз бор ҳайрат туйган бўлса, энди Э.Воҳидов баттол отанинг тарбияда ночорлигидан, энди ўз қилмишлари ўз бошига кулфат келтираётганидан юз бор ҳайратга тушади. Шакл бир, маъно тамом ўзгача. Бу ҳодиса шоир маҳоратининг бир учқуни сифатида яхши таассурот пайдо қилади. Ғазал хотимасида маълум бўладики, отанинг бу каби кўргиликларга дучор бўлиши бежиз эмас экан. У боласини ҳаддан ташқари эркалайвериб “ўз бошига чиқарган“. Энди ўғил бу жойдан тушишни истамайди. Ўътибор қилсангиз, шоир халқ тилидаги “бошига чиқармоқ” иборасини шеър бағрига маҳорат ила жойлаштирган:

*Йўқ ажаб, ёшликда ўглин ота ардоқлаб, суюб,
Эркалаб бошига қўйди, ул ҳамон бошиндадир [1;199].*

Шоирнинг “Қўлни ишга моҳир этма, тилни гапга уста қил” сатри билан бошланадиган ғазалини ўқисангиз, ҳажвчининг ишёқмас, такасалтанг, эзма, хушомадгўй ва бошқа хислатлари билан жамият тараққиётига ғов бўладиган кимсалар устидан беозор кулгисига гувоҳ бўласиз. Муаллиф шу йўл билан бу каби фиску фасод эгаларини инсоф ва диёнатга чорламоқда. Асарда шоир гапга уста, бироқ қўлидан тайинли иш келмайдиган, шунга қарамай, бошлиқнинг пинжига кириб олгани, шу важдан пичоғи доим мой устида турганига пичинг қилади. Асарда лаганбардор, худбин, ишёқмас кимсага бир неча “маслаҳатлар” берилган. Гапга, бинобарин, хушомадга усталик, бошлиқ олдида секин ва майин сўзлаш, ҳеч қачон унинг камчилигини сўзламаслик, уни меҳмонга тез-тез таклиф қилиб туриш, мустақил равишда бирор юмуш қилмаслик ва ҳоказо. Кўринадикки, шоир қўлидан тайинли бир юмуш

келмайдиган, бироқ бошлиғи олдида тавозеъ ва хушомадни ҳамиша қойил киладиган устаси фарангларга киноя йўли билан насихат ўқийди. Асл мақсад эса шу каби лаганбардорларни ҳамда уларнинг бурнидан нарини кўролмайдиган раҳбарларини инсоф ва диёнатга чорлашдан иборат.

Шоирнинг “Кулгу мушоиралари” ҳамда “Донишқишлоқ латифалари” туркумига кирмаган, бироқ моҳиятан жуда муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган бир неча ҳажвиялари борки, улар ўзига хос мазмуни, ғоявий кўлами ва бадиий назокати билан зийрак китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уларни ўқиганда, кўпроқ собиқ тузум маддоҳлари ва лаганбардорларининг худбинлик, ялқовлик ва тилёғламаликларидан, айниқса, бу иллат собиқ иттифоқ бўйлаб кенг қанот ёзганидан огоҳ бўласиз.

Эркин Воҳидовнинг “Нега япон юз йил яшайди?” номли шеърида японларнинг узоқ умр кўриш сабабларидан бири уларнинг кам харжлигига олиб бориб тақалади. Ўзбекнинг шу ёшга бормаслигининг сабаби эса унинг кўп харжлигида экан. Бироқ асардан кузатилган мақсад бу эмас. Бу ўқувчи диққатини жалб этишнинг бир усули, холос:

–Нега япон юз йил яшару

Ўзбек бунча ёшга бормайди?

–Чунки япон биздек қоронгу

Саҳар туриб ошга бормайди [3;267].

Шунингдек японлар азада кетма кет зиёфат қилмаслиги, байрамда меҳмонлар келади деб, уч кун қотиб кўчада турмаслиги уларнинг яхши ва фаровон яшашининг бош омили экан. Шундан сўнг шоир асл муддаога кўчади:

Гарчи биздан юз бор фаровон,

Гарчи биздан юз карра тўқдир.

Тўй харжида юзта бой япон

Бир камбагал ўзбекча йўқдир [3;267].

Шеърнинг мана шу учинчи бандида асл муддао ҳажвия либосига ўралган. Унда ўзбекка хос мардлик, олижаноблик, бағрикенглик,

кўлиочиклик, меҳмондўстлик, айникса, тўйсеварлик хусусияти муаллиф томонидан ифтихор билан ифодаланган. Шоирнинг бу туйғулари бир шахс илҳомининг меваси бўлса-да, у аслида миллий ғурур туйғуси бўлиб жаранглайди. Эркин Воҳидов ушбу ғояни бор-йўғи бир тўртлик воситасида ҳам ифодалаши мумкин эди. Аммо у ўқувчи билан кўпроқ мулоқот қилмоқчи. Дастлабки икки бандда киноя, пичинг оҳанги устивор. Юқоридаги учинчи бандда асл ғоя ифодаланган. Шоир шу билан шеърни яқунлаши мумкин. Бироқ икки банд билан ўқувчини "ҳозирлаган" шоир энди шеър завқидан сармаст китобхонни ўз "ҳол"ига, ўз "дунё"сига қайтаради. Охирги тўртинчи банд унча муҳим туюлмаслиги мумкин. Жиддий эътибор берилса, у шеърни хулосалаш билан бирга японларда ҳам ор ва ифтихор туйғуси борлигини, уларники бошқаларникидан, дейлик, бизникидан фарқланишини маълум қилиш билан ҳажвияга нукта қўяди:

Бу сўзимни японга айтсам,

Деди баттар қисиб кўзини:

“Япон бундоқ яшолмас ҳеч ҳам,

Харакири қилар ўзини” [3;267].

Шеърда бадий компонентларнинг завола билмас ифода воситаси сифатида қўлланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Биринчи бандда “юз”нинг уч бор такрорланиши, шунингдек ўзбекдаги “ўз”нинг "юз"га мос шамойил топиши шеърга ички ритмика, жарангдорлик бағишлаган. Шакл жиҳатдан айниятлик касб этган бу сўзлар тўрт хил маъно ифодасини намоён қила олади. Шу билан бирга “*тўқдир-йўқдир*”, “*япон-ўзбек*”, “*юз-бир*” каби ифода бирликларида тазодий муносабат мавжуд.

Шеърдаги “харакири”ни англаган бўлсангиз керак. Бу ўзимиздаги жонига қасд қилганга ўхшаш жуда хунук ҳолатдир. Японларда ор-ифтихор туйғуси бошқаларга нисбатан анча баланд. Уларнинг қорни ҳам тўқ, кўзи ҳам. Бунга улар тинимсиз меҳнат ва ақл имкониятлари оқибатида эришганлар. Уларда уят, андиша биринчи ўринда туради. Япон халқ томонидан кечириб бўлмас хатога, дейлик, жинойтга қўл урса, ўзини ўзи қурбон қилиши мумкин.

Харакири қилиш – ўткир пичоқни бўғизга уриб, қорингача тортиш дегани. Шу билан шахс миллий ифтихор ғурурини топтамаган бўлади. Уларда фалончи юрибди ё қўшилиб қочибди, деган гап йўқ. Бизда-чи?! Бизда ҳам “тиғ”га эҳтиёж бор. Бироқ бу тиғ мутлақо бошқа мақсадларга йўналтирилган.

Эркин Воҳидовнинг “Ҳазрат Хизр ва замон аёли” шеърида аёлнинг, ўзбек аёлининг кийим-кечакка ўчлиги, у топганини ўзининг устига сарфлаши ҳақидаги ҳаётий ҳақиқат ҳажвия майдонига тортилган. Шоир айтмоқчики, бундай аёлларга ўзбек эркаклари чидаб юрибди, улар билан яшаса, Ҳазрати Хизр ҳатто “хизр”ликдан ҳам воз кечиши мумкин экан. Алқисса, ўзбек аёлларидан бири тасодифан Хизрга дуч келади. Табиийки, Хизр “тила тилагингни”, деб сўрайди. Кейин шундай деганига, ҳатто фарёд чекиб Хизр бўлганига афсусланади. Шеър бир томоша кўрган қадар ўқувчига кучли завқ бағишлайди. Чунки аёл бояги саволдан хурсанд бўлиб, рўйхат туза бошлайди. У хоҳлаган нарсалар шеърда акс этмаса-да, ҳар бир ўқувчи ўша рўйхатда тахминан нималар бўлишини, хусусан, рўйхатнинг саксон фоизини мато ёки тилла тақинчоқлар ташкил этишини тасаввур қилиб туради. Ҳажвия сўнггида муаллиф Хизрнинг яратганга мурожаати унинг чидамсизлигини эмас, балки баднафс аёлга йўлиққанидан ниҳоятда афсусдалигини ғоят гўзал ифодалайди:

*Жувон лол қолмади, арз қила кетди,
Рўйхат айта кетди беҳаду поён.
Ҳазрат чарчаб, ўлар ҳолатга етди,
Хизр бўлганидан юз минг пушаймон.
Шўрлик, кўкка қараб ҳасратда, доғда
Деди: “Ишингни ол ё парвардигор!
Йўқ эса, эй тангрим, ёруғ дунёда
Мени аёлларга дуч қилма зинҳор” [3;268].*

Шоирнинг мана бу тўртлигида инсонни бадном қиладиган ҳасад туйғуси мулоқот шаклида қораланади:

–Мен яхшилик қилдим-ку сенга

Нега урдинг, недир гуноҳим?

–Сендаги бу ҳимматни нега

Бергани йўқ менга Оллоҳим? [3;24]

Махфий бўлмасинким, Э.Воҳидов 2013 йилда мухлисларга навбатдаги ҳажвий китобини тортиқ қилган эди. “Табассум” номли мазкур салмоқдор китобни бемалол муаллифнинг навбатдаги сайланмаси дейиш мумкин. Чунки унда шоирнинг деярли умри давомида битган барча сатирик ва юмористик асарлари чоп этилган. “Табассум” китобида кулгусевар мухлислар кутмаган бир янгилик ҳам бор. Унда шоирнинг машҳур қаҳрамони Матмуса энди иқтидорли шоир сифатида иштирок этади. Ўзгача айтганда, Эркин Воҳидов баъзи бир мутойибаларни ўз номидан айтмай, бу юмушни бош қаҳрамони зиммасига ағдаради. Бироқ зукко китобхон янги шоирни ҳам, унинг шеърини ҳам аслида Э.Воҳидовнинг ўзи яратганлигини жуда яхши ҳис этиб туради. Дарвоқе, Э.Воҳидов бир пайтлар “Қизиқувчан Матмуса” орқали қаҳрамонида шоирлик иқтидори ҳам мавжудлигига ишора қилган эди. Эсингизда бўлса, Матмуса жуда қизиқувчанлиги сабабли симёғочга чиққан, унинг тепасидаги қоғоздан эса симёғочнинг бўялганини билиб қолган ва уйга келиб тўрт қатор шеър ёзган, шеърда эса замондошларига мурожаат қилиб, қизиқувчан бўлсангиз, янги куйлак киймангиз, деган тўпори насиҳат бор эди. “Табассум” тўпламида эса Матмуса тамомила янги фикр ва ғоялар тарғиботчиси, шу билан бирга маҳоратли шоир сифатида кўзга ташланади. Тўпланда Матмусанинг асарлари алоҳида бўлимда зикр этилган. Уларнинг ҳаммаси ўн бешта, ўн бештадан эса ўн биттаси тўртлик шаклида. Матмуса ҳам негадир катта шоирларга ўхшаб оз ва соз сўзлашни жуда хуш кўради. Мана, унинг “Насиҳат” номли шеърини ўқиб кўрайлик:

Бахт аршига чиққаннинг

Оёғидан ушлама.

Худо ерга тиққаннинг

Калласига муштлама [3;224].

Бу ерда гап бахтли одамнинг ғийбатга нишон бўлиши, у бечора бу

кулфатдан ўлса ҳам қутулолмаслиги ҳақида кетяпти. Шу боис Матмуса дунёдан ўтиб кетган одамни ғийбат қилиш гуноҳ эканига эътиборимизни қаратган. Бу ибора бироз қўпол, бироқ жуда самимий ифодаланган. Ана шу ўқувчига қўпол гапирибди деган андиша юзасидан бўлса керак Эркин Воҳидов бутун жавобгарликни Матмуса зиммасига юклаган. Умуман, Матмуса шеърларида ҳам турмушнинг у ё бу иллатлари енгилгина юмор тили билан фош этилади.

Аччиқ ҳақиқатларни шеърга, боз устига ҳажвияга солиш оддий санъат эмас. Назаримизда, XX асрнинг иккинчи ярмида етишган ўзбек шоирларининг кўпчилиги, айниқса, ҳажвчилар Эркин Воҳидов шеърятининг майин шабадалари таъсирида ижод боғига кириб келганлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 409 б.
2. Воҳидов Э. Куй авжида узилмасин тор. Шеърлар ва достон. – Тошкент: Гафур Гулом, 1991. – 336 б.
3. Воҳидов В. Табассум. Шеърӣ мутойиба, лутфу латифалар. – Тошкент: Алшер Навоӣ номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013. – 282 б.
4. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 352 б.
5. Гафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 462 б.

ТИЛШУНОСЛИКДА МЕТАФОРАЛАРНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Гулшан НАСРУЛЛАЕВА

доцент

Тошкент ахборот технологиялари

университети Қарши филиали

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада антропоморфик метафораларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши, тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари, метафора тадқиқида қўлланилган ёндашувларнинг ижтимоий аҳамияти, нутқий зарурати, ифодаланиш имкониятлари, ҳосил бўлиш сабаблари ҳақида мулоҳаза юритилди.

Таянч сўзлар: метафора, тилшунослик, илмий матнларда метафора, антропоморфик метафора, ижтимоий аҳамият, матн, тана аъзолари, инсон ва тил.

ИССЛЕДОВАНИЕ МЕТАФОР В ЯЗЫКОЗНАНИЕ

Гульшан НАСРУЛЛАЕВА

доцент

Каршинский филиал Ташкентского университета информационных

технологий

Карши, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается изучение антропоморфных метафор в узбекской лингвистике, особенности исследований, социальная значимость подходов, используемых при изучении метафор, потребность в речи, возможности выражения, причины формирования.

Ключевые слова: метафора, узбекская лингвистика, метафора в научных текстах, антропоморфная метафора, социальная значимость, текст, части тела, человек и язык.

Метафорага бўлган назарий қизиқишнинг ўсиши унинг турли типдаги матнларда, шеърӣ нутқ ва журналистикадан тортиб, илмӣ билимларнинг турли соҳаларидаги тилларгача мавжудлигининг ортиши билан рағбатлантирилди. Табиӣки, метафорани турли хил нутқларга кенгайтириш эътиборга олинмади. Санъат тарихчилари, файласуф ва психологлар, олим ва тилшуносларнинг метафора муаммосига қизиқиши ортиб бормоқда.

Масалан, жаҳон тилшунослигида бадий матнлар таҳлиliga доир кўплаб тадқиқотларни таъкидлаш мумкин. Жумладан, тадқиқотчилар Ж.Даррел асарларида метафорани таҳлил қилиш асосида, у яратилган кенг кўламли тасвирларга дуч келади [1;57-62]. Даррелнинг антропоморфик метафоралари одатда вазият, ҳис-туйғулар, тажрибалар ва фантазияларни ифодалашда муаллифнинг борлиққа муносабатига асосланади. Айрим тадқиқотчилар ҳайвонларни маълум касб эгалари билан таққослаш асосида яратилган инсон ҳаётининг касбий ва ижтимоий хусусиятларини акс эттирувчи антропоморфик метафораларни ўрганган. Таққослаш ҳайвоннинг табиий рангига асосланган бўлиб, у бир хил ёки иш қийимига ёки ҳар қандай касб ёки ижтимоий мақомдаги одамларнинг одатий ҳаракатларига мос одатларга ўхшайди.

И.А.Арзханова [17] ўз мақоласида инглиз тилидаги иқтисодий нутқда антропоморфик метафоранинг вазифаларига тўхталади. Когнитив тилшуносликнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотлари шуни кўрсатдики, қадим замонлардан бери инсон лисоний манзараси сўз билан қайта яратилди.

Ушбу тадқиқот жамиятнинг маданий маконини англаш жараёнида ички ва ташқи омиллар таъсири остида ижтимоий онгни ўзгартириш шароитида доминант маъноларнинг ҳаракати ва уларнинг лингвистик объектификациясининг табиатини акс эттирувчи тушунчага қаратилган.

Баку давлат университети профессори Севинч Магеррамова фикрича, метафора қиёслашга асосланади. Инсон номаълумни маълум билан таққослаши мумкин ва бу унинг объектив ҳақиқатга муносабатини кўрсатади. Азал-азалдан метафоризация, аввало, инсоннинг бевосита муҳитидан энг таниқли тушунча ва предметларни ифодаловчи сўзларга нисбатан қўлланилган [20].

Инсон томонидан яратилган дунёнинг метафорик манзараси, асосан, антропоцентриkdir. Худо одамни ўз қиёфасида яратганидек, инсон ўз танасининг ва унинг таркибий органларининг муайян ўхшашлиги, унинг физиологик ва бошқа жисмоний эҳтиёжлари, ўз қариндошлари билан генетик

ва бошқа алоқалари шаклида ҳақиқатни метафорик равишда яратади [13;77]. Айрим адабиётларда “физиологик метафора” атамаси ҳам қўлланилади. А.В.Мясникова [21], Е.В.Аликина метафора, энг кенг тарқалган троплардан бири бўлиб, қадим замонлардан бери олимлар ва маданият арбобларининг эътиборини тортди. Метафорани ўрганишнинг бошланиши Аристотель томонидан қўйилган, унинг асарлари издошлари туфайли умумлаштирилган [3;830]. А.Ричардс, М. Блек, Н. Д. Арутюнова, М.Жонсон, Ж.Лакофф ва бошқалар каби машҳур тилшунослар метафорани ўрганиш ва унинг тилдаги ўрни ва ролини аниқлашга катта таъсир кўрсатди.

Ҳозирги замон тилшунослигида тилга антропоцентрик ёндашувнинг доминант роли туфайли фаннинг турли соҳалари тизимлари атамасида антропоморф метафораларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бир томондан, биз ўзгармас хусусиятлари бирёқламалик, тўлақонлик, ёндошлик, стилистик бетарафлик ва контекстда мустақил бўлган атама билан шуғулланамиз, метафора эса ёрқинлик, образлилик, экспрессивлик ва эмоционаллик мавжудлигини назарда тутди.

Н.Д.Арутюнова [4;5-32], С.Г.Дудецкая, И.В.Пашкова, Е.Е.Пименова ва Н.О.Самаркина каби кўплаб тилшунослар антропоморфик метафора инсон концептуал ва оғзаки тизимларини куришда, атроф-муҳитни таснифлашда шунингдек, фикрлаш ва идрок жараёнларида муҳим рол ўйнашини таъкидлайди.

Табиат ҳодисалари ва предметларининг инсонга ўхшаши бадиий жумлани характерлайди, бу эса метафорик кўчиш хусусиятларини аниқлаш ва изоҳлашга имкон беради. Замонавий тадқиқотларда метафора ўз салоҳиятини фақат маълум контекстда очиб беради деб ҳисобланади; контекст “метафоранинг семантик моддаси”, яъни бутун атрофдаги сўзлар метафорани тушунтиради [11;35].

Ҳайвонлар, умуман, инсоннинг табиатга муносабатини ҳам шоирлар образли тарзда ўзига хос ифодалайди. Масалан, қуйидаги шеърда бўри сўзи инсонга нисбатан қўлланилган:

Қалин шохлар аро ялтираб / кун нурлари оқаётган дам, / елкасида қўшоғиз милтиқ — / кириб келди ўрмонга одам.../ Фарқ қилади қалин шохларни / куннинг қонга ўхшаган нури / елкасида қўшоғиз милтиқ, чиқиб кетар ўрмондан бўри... (Ш.Раҳмон)

Шоир шеър бошида одам ўрмонга кириб келди деб воқеани ҳикоя қила бошлайди, аммо сўнгги мисрада “...елкасида қўшоғиз милтиқ, чиқиб кетар ўрмондан бўри”.

Ўзбек тилшунослигида ҳам оламни теранроқ англаш воситаси бўлган метафораларни ўрганишга доир бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, У.С.Қобулова метафорани адабий истилоҳ деб ҳисоблайди, ҳамда уни ўхшатиш (ташбеҳ)нинг ўхшатиш воситалари тушиб қолиши билан фарқлайди. Метафорани истиорага вариант сифатида қўйиш илмий-адабий меросда мавжуд бўлиб келган қарашлар натижаси ҳисобланади [14]. Бошқа тилларда бўлгани каби, метафораларни текшириш ўзбек тилшунослигида ҳам XX асрнинг сўнгги ўн йилликларига келиб ўзининг жиддий илмий-тадқиқий ривожини топди.

Ўзбек лексикологиясига доир кўп қиррали тадқиқотларни олиб борган олим М.Миртожиев метафораларни нутқ ва тил ҳодисаларига ажратади. Немис тилшунослигидаги метафораларнинг: персонификация, символизация, аллегория, синестезия деб номланган кўринишларига: “Нутқ ҳодисасига оид метафораларнинг бу кўринишларини баъзи ўзгаришлар билан тил ҳодисасига оид метафораларга татбиқ этса бўлади. Бунда нутқнинг соф ўз хусусиятидан келиб чиққан символизация ва аллегорияларни чиқариб ташлашга тўғри келади. Чунки символизация нутқ кечимидаги эллипсис билан боғлиқ содир бўлувчи метафорадир. Аллегория эса нутқ кечимидаги қочирим ва интонация билан боғлиқ ҳолатда юзага чиқади. Шундан келиб чиқиб, тил ҳодисаси бўлган метафоралар оддий метафора, персонификация ва синестезия каби кўринишларга бўлинади” [10;97] деб муносабат билдиради.

М.Миртожиевнинг таърифича, *оддий метафорани* деярли қисқарган ўхшатиш деб бўлмайди. Оддий метафора референтларнинг оддий қиёси,

ўхшашлигига асосланса, персонификация жонсиз референтнинг жонли референтга ўхшателишига; синтестезия бир сезгида ҳис қилинган референтнинг бошқа сезги билан ҳис қилинган референтга белгиларини онгда умумлаштириб қиёсланишига, ўхшателишига асосланади [9].

Таъкидлаб ўтилган метафораларнинг барчаси, асосан, одатий метафоралардир [5]. Тилшунос Р.Қўнғуров метафорани яширин ўхшатиш деб атаб, уни оддий қиёсдан фарқлайди: оддий қиёс ҳам доим асосий икки аъзодан ташкил топади, метафорада эса, фақат иккинчи аъзо – ўхшатилган нарсга қолади, ўхшаган нарсга туширилади, лекин у матндан очик сезилиб туради. Демак, метафорада тасвирланаётган предмет ана шу иккинчи аъзо орқали идрок қилинади [16]. М.Йўлдошев эса, тилшуносликда мазмун жиҳатдан метафораларнинг уч тури, яъни одатий метафоралар, синэстетик ва жонлантириш метафоралари фарқланишини айтади [6;73].

Н.Маҳмудов эса метафоралар орасида синэстетик метафораларни ажратади ва “синэстетик метафоралар таркибидаги сўзлар ўзаро зид, бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Бундай ғайриодатий бирикмалар “оксюмарон бирикмалар” ҳам деб юритилади (мас. *Яхшидур аччиқ ҳақиқат лек ширин ёлгон ёмон.* - Э.В.) деб таъкидлайди [7;80].

Айниқса, Д.Худойберганова метафоралар тадқиқига янгича, замонавий ёндашади. Олим метафораларни матнда муҳим когнитив-семантик аҳамият касб этиш билан бирга, тил эгаларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни намоён этувчи ҳодиса сифатида баҳолайди ва ўхшатиш ҳамда метафоралар асосига қурилган матнларнинг муайян тилда қолиплашган матн шакллари аниқлаш имкониятини беришини айтади, метафораларни уларни матннинг прецедент шакллари сифатида баҳолайди [12;18].

Ўзбек тилшунослигида бир гуруҳ олимлар ва тадқиқотчилар жонлантиришни метафора қуршовида, унинг махсус тури сифатида изоҳлайдилар. Бундан фарқли, М.Миртожиев жонлантиришни метафоранинг

мазмуний бир тури сифатида кўрсатади. Бизнингча ҳам ушбу фикр илмий ҳақиқатни ифода этади.

Ўзбек тилида метафорик кўчимларни компонент таҳлил усулида текширган Г.Қобулжонова метафорани ҳамма луғавий семантик гуруҳ (ЛСГ)лар учун бир деб бўлмаслигини таъкидлайди. Ном кўчиришда муайян қонуниятлар ҳам мавжуд: турли ЛСГлар турлича ҳолатлардаги кўчимлар учун ҳосланган. Масалан, ҳайвон номлари кўпроқ инсон табиатини, ўсимлик номлари ташқи кўринишини ифодалаш учун кўчади. Олима метафорани ўрганишнинг фалсафий асосларини қуйидагича белгилайди:

1.Объективлик (ҳар бир нарса уни ўргана бошлагунимизга қадар ҳам, кейин ҳам ўз ҳолича мавжуд).

2.Субстанциаллик (ҳар қандай ўрганиш объекти, жумладан тил бирлиги ўз сифатларининг жамул жами бўлмиш борлиқ - материя).

3.Зиддиятли ҳодисалар орасида оралиқ ҳолатларнинг мавжуд бўла олиш имконини ҳисобга олиш [15;55].

Г.Қобулжонова метафора табиати ва унга нисбатан қарашларни уч гуруҳда жамлайди. Булар: 1.Метафора ном кўчишнинг (деярли) ҳар қандай усули (Арасту, Э.Кассирер); 2. Метафора қисқарган ўхшатиш (А.А.Потебня ва унинг издошлари); 3.Метафора ном кўчишнинг алоҳида бир тури (А.Вежбицкая, Н.Д.Арутюнова ва ўзбек тилшунослари).

Тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигида антропоцентриқ тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, метафораларнинг антропоморфик тури махсус ўрганилаётгани йўқ. Антропоморфик метафораларни турли дискурслар билан боғлаб ўрганиш муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Александрова Ю.М., Горшунов Ю.В. Концептуальная метафора «человек - животное» в произведениях Джеральда Даррелла. – Новосибирск, 2014. – 562 с.

2. Аристотель. Поэтика. Т.4 . – Москва: Мысль, 1983. – 830 с.
3. Арутюнова, Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры / – Москва: Прогресс, 1990. – 532 с.
4. Badiiy matnning lisoniy tahlili: Metodik qo‘llanma/ M. Yoldoshev, Z. Isaqov, Sh. Haydarov. – Тошкент: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – 120 б.
5. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 80 б.
6. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. — 188 б.
7. Миртожиев. М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. – 288 б.
8. Складовская Г.Н. Метафора в системе языка: учебное пособие. – Санкт-Петербург: Наука, 1993. – 152 с.
9. Худайберганава Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2015. – 72 б.
10. Чудинов А.П. Политическая лингвистика: учебное пособие. – Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-та, 2003. – 180 с.
11. Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): фил.фан.ном. илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2007. – 140 б.
12. Қобулжонава Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: фил. фан. номзоди дисс. автореферати. – Тошкент, 2000. – 25 б.
13. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 2012. – 154 б.
14. Ҳасанов А.А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида жонлантиришлар лингвопоэтикаси // Научный мир Казахстана, 2010. – №4 (32). –232 б.
15. <https://cyberleninka.ru/article/n/funksii-antropomorfnoy-metafory-v->

angloyazychnom-ekonomicheskom-diskurse/viewer

16. <http://www.rusnauka.com/https://gisap.eu/ru/node/7709>
17. <https://lektsii.org/12-47199.html>

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕК УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ОНА ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИНИ СИФАТЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИДА

Шахло НАРАЛИЕВА

доцент

Жанубий Қозоғистон давлат
педагогика университети
Чимкент, Қозоғистон

Аннотация

Мақолада Жанубий Қозоғистондаги ўзбек умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарсларини сифатли ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинади.

Таянч сўзлар: тил таълими, ижодий тафаккур, кўникма, малака, лойиҳа, билимлар тизими.

О КАЧЕСТВЕННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ЗАНЯТИЙ РОДНОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКСКИХ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ В КАЗАХСТАНЕ

Шахло НАРАЛИЕВА

Доцент

Южно-Казахстанского государственного
педагогического университета
Чимкент, Казахстан

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы качественной организации уроков узбекского языка в узбекских общеобразовательных школах Южного Казахстана.

Ключевые слова: языковое образование, творческое мышление, навыки, умения, проект, система знаний.

Болалар ўз она тилини, одатда, табиий ижтимоий шароитда шу тилда сўзлашувчи оила аъзолари, маҳалла, бир тилли жамоатчилик орасида ўрганиб борадилар. Йиллар ўтгани сайин она тили инсон учун нафақат ахборот етказиш ва ахборот қабул қилиш воситаси, балки унинг миллий ўзлигини шакллантирувчи бирламчи омилга айланиб бораверади. Дарҳақиқат, она тили киши тафаккурини шакллантирувчи, инсонни инсон сифатида ривожлантириб боровчи, унинг маънавий камолоти, комиллигини таъминлаб берадиган асосий манба ҳисобланиши ҳеч биримиз учун сир эмас. Шунинг учун ҳам дунё

тамаддунида ўзини, ўзлигини таниган ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, аввало, ўз она тили қадрини юксалтиришга, унинг таълими самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади. Зеро, XX асрнинг маърифатпарвар алломаси Алихонтўра Соғуний ёзганидек: “Қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳолатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламаёқ инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар” [5].

Демак, инсоннинг ўз она тилига эътиборсиз қараши уни истеъмолдан чиқиб кетишига, бу эса кишининг миллий ҳиссиётларидан мосуво бўлишига, миллий туйғудан айрилмоқ эса манқуртликка олиб келади. Шундай экан, инсон қаердаки яшамасин, бошланғич ва ўрта умумий таълимни имкони етгунича ўз она тилида олгани маъқул. Ўзбекистон Республикасида таълим саккиз тилда олиб борилиши [7] мамлакатда бошқа миллат вакиллариининг ўз тилларида таълим олишлари учун шароит яратилганлигининг ёрқин исботидир.

Маълумки, қардош давлатларда бошқа миллатлар қаторида ўзбеклар жуда кўпчилиқни ташкил қилади. Расмий маълумотларга кўра, Тожикистонда 1,2 миллион, Қирғизистонда 964 минг, Туркманистонда 500 минг, Қозоғистонда 511 минг, Афғонистонда 3 миллион (балки, бундан ҳам кўпдир) ўзбек яшар экан [1]. Шу ўринда Қозоғистоннинг айнан жанубий ҳудудида истиқомат қилувчи ўзбек фарзандлари учун 137 та умумий ўрта таълим муассасалари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Айтиш зарурки, ўзбек ва қозоқ тиллари орасидаги бир тил оиласига мансублик, ҳудудий чегара нуқтаи назаридан Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги кўни-қўшничилик; қондошлик ришталари, ижтимоий турмуш тарзининг яқинлиги, ўзбек тили, адабиёти, санъати, маданиятининг қозоқ тили, қозоқ адабиёти, қозоқ санъати ва маданиятининг

Ўзбекларга таъсири умумтуркий маънавиятнинг ўзига хос қирраларидан бири ҳисобланади, десак муболаға бўлмайди.

Дунёда таълим олувчиларнинг, жумладан, мактаб ўқувчиларининг сифатли ўқитилиши, уларнинг интеллектуал қобилятлари, ижодий тафаккурлари, креатив фикрлашларини шакллантириш ва такомиллаштириш мамлакатларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шартлардан бири сифатида тан олинди [8]. Зеро, она тили дарсларида ўқувчиларнинг луғат хазинасини бойитиш, бу борада таълимнинг самарадорлиги юқори бўлган методларини такомиллаштириш, таълимнинг дидактик таъминотини бойитиш, ўқитиш жараёнида замонавий талабларга жавоб берадиган инновацион шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш, шунингдек, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши ҳам бежиз эмас. Ҳозирги замон методикасининг ижодий фаолиятни кучайтиришга йўналтирилган ёндашувида ҳам бунга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Барча замонларда ҳам таълимнинг мақсадини белгилаш давлат сиёсатининг устувор соҳаси ҳисобланган. Таълимнинг мақсади жамият амалий фаолиятининг аввалдан фикран ўйланган натижаси бўлиб, таълимнинг умумий мақсади жамиятнинг мактаб олдида қўйган ижтимоий буюртмасига кўра белгиланади. Таълим мақсади ўқув-билув жараёни, унинг моҳияти, мазмуни, усул ва воситалари, ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари, бу тизимнинг самарадорлиги қандай шахс ёки мутахассисни шакллантиришини лойиҳалайди [2;146].

Олима Д.Юлдашеванинг илмий тадқиқотида она тили таълими мақсади диалектик категориялар асосида умумий ҳамда хусусий мақсадларга ажратилади ҳамда она тили таълимининг умумий мақсади замон ва маконлар ёки ҳукмрон мафкуралар билан бевосита боғлиқ бўлмайди. У барча замонларда ҳам таълим олувчига хат-савод ўргатилишини, фикрини ёзма/оғзаки шаклларда баён этиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилишни назарда тутди. Таълим она тилида амалга оширилганда бу мақсад, албатта, воқеланади. Она тили таълимининг хусусий мақсади ижтимоий тараққиёт

билан узвий боғланишда босқичлилик ва давомийликда – кейинги мақсад олдингисини ўз ичига олган ҳолда тадрижий равишда ўсиб боради.

Маълумки, таълимнинг умумий мақсади таълим турлари ва босқичлари мақсади билан, улар эса ҳар бир муайян дарс мақсади, шунингдек, мақсадга мувофиқ мазмун ва усул билан узвий боғлиқликда белгилангандагина кўзлаган самарани беради [6;35].

Мактабда она тили таълимининг умумий логиқаси, яъни мазмуни шу ўқув предмети таълимнинг мақсадига мувофиқ тарзда идрок этилиши керак, сабаби, она тили таълими мазмуни унинг мақсадига мос тарзда ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари давлат, жамият, фан, техника, ишлаб чиқариш талаблари, санъат, маданият ривожини ҳисобга олган ҳолда таъминланиши керак.

Методист олима Д.Юлдашева таълим мазмуни таркибига қуйидагиларни киритади: 1) ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар тизими; 2) илмий-назарий билимларга мувофиқ келадиган кўникма ва малакалар тизими; 3) ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчига тегишли бўлган ижодий фаолият усуллари; 4) ўқувчи-ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар тизими [7;20].

Қозоғистондаги ўзбек мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишда ҳам ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билимлар муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилишига жиддий эътибор берилади. Амалиётда татбиқ этилиши мумкин бўлмаган, яъни кундалик мустақил ижодий татбиқ билан боғланмаган ёки ўқувчига бир хил савиядаги билимларни сингдиришга ҳаракат қилмоқ ҳам тўғри эмас, аслида. Зеро, умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчи учун мўлжалланган билимлар амалийлиги, прагматик қийматлилиги билан характерланади. Бу ўқитишнинг макон ва замонидан қатъи назар, исталган ўрта умумий таълим мактабларининг барча она тили машғулотларига бир хил тегишлидир. Қозоғистондаги ўзбек мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш ўқитувчидан ҳар бир соатлик дарс жараёнини

олдиндан лойиҳалашни талаб этадики, бу она тили ўқув предмети таълимининг усули билан боғланади.

Она тилидан ҳар бир соатлик дарс лойиҳасида машғулоти жараёнида кетма-кет амалга оширилувчи таълимий воқеликнинг белгиланиши; уларнинг прагматик қиймати; белгиланган ахборот базасини ўқувчиларга тез ва осон сингдириш йўллари излаб топиш; таҳлилий-танқидий изох; натижани олдиндан кўра билиш ва режалаштириш каби ижодий фаолият турлари намоён бўлади. Маълумки, лойиҳаланаётган дарс жараёнига педагогик ташхис қўя олиш, ижобий натижани олдиндан кўра билиш ва шу асосда дарс жараёнини лойиҳалаш исталган педагогик вазифани амалга оширишнинг асосий компоненти ҳисобланади.

Она тили дарсларини олдиндан лойиҳалашда ўқитувчи ниҳоятда зийрак бўлиши зарур. Негаки, у ўқув фаолиятининг шунчаки тахминий вариантларини белгилаб қўйиши мумкин эмас. Айниқса, ўзга тилли ижтимоий турмуш шароитидаги ўзбек мактабларида она тили машғулотларини ташкил этиш лойиҳалаштирилаётганда унинг натижаларини ташхислаш ҳам ниҳоятда муҳим. Мазкур фаолиятда, асосан, лойиҳалаш ғоялари ва унинг ечимларини генерациялаш, ишлаш ва интеграциялаш жараёни лойиҳалашнинг ижобий натижаларидан бири саналади [7;30].

Бу борада рус методист олимаси Г.Е.Муравьева аниқ таъкидлаганидек, аввало, фан ўқитувчиси ўзи таълим берадиган ўқув предмети мавзуларини пухта лойиҳалай олиш кўникмаларига эга бўлиши зарурки, бунда дидактик жараён ривожининг натижасини олдиндан кўра билиш сифатида ташхислай олиш; лойиҳани амалга оширишни аниқ режалаштириш; моддий воситаларни яратишга доир технологик жараённи конструкциялаш; объект ҳақида янги ахборот олишни моделлаштириш каби сифатлар мазкур кўникманинг асосини ташкил этади [3;18]. Инсонда тафаккур тили, одатда, она тили бўлади. Киши она тилида ўйлайди, она тилида фикрлайди, она тилида дилидагини тилига, нутқига кўчиради. Илк сўзи ҳам, сўнгги каломи ҳам она тили билан боғлиқ. Демак, тил миллат билан вобаста. Таъкидлаш жоизки, инсон учун, одатда,

сўзлашаётган тили унинг тафаккур тилига айланиб боради, шу тил фойдаланувчисининг ижтимоий онгини шакллантирувчи муҳим омил саналади, инсон қайси тилда сўзласа ва фикрласа, ўша тилдаги мафкурага мойил бўлиши ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Яна айтиш жоизки, мактабда таълим қайси тилда олиб борилса, ўша тил ўрта умумтаълим таркибига киритилган барча ўқув предметларини ўргатиш ва ўрганиш воситасига айланади.

Қозоғистондаги ўзбек мактабларининг она тили ва адабиёт ўқув предметлари таълими учун Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2012 йил 23 августдаги 1080-тартиб сонли қарорига биноан тасдиқланган Ўрта таълимнинг (бошланғич, асосий ўрта, умумтаълим) Давлат умуммажбурий таълим стандарти асосида тузилган ўқув дастуридан фойдаланилади. Мазкур ўқув дастури 2013 йилнинг 3 апрелида Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирининг 115-сон буйруғи асосида маъқулланган [4]. Унинг биринчи боби “Тушунтириш хати”да дастур тузилишининг мақсад ва вазифалари қуйидагича белгиланган: “Умумий ўрта таълим берувчи муассасаларнинг ўзбек тилида таълим бериладиган мактабларида ўқитиладиган ўзбек тили фани ўқувчиларга ўзбек тили ва унинг бойликларидан баҳраманд бўлишларига ёрдам кўрсатиш, болаларда оғзаки ва ёзма нутқдан фаол фойдаланиш кўникмаларини тараққий эттиришдан иборат” [4].

Мамлакатда мавжуд ўзбек мактабларида она тили ўқитилиши учун мўлжалланган ўқув дастурида ўзбек тили таълими олдидаги асосий мақсад шундай белгиланган:

1) ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда (тинглаш, сўзлаш ўқиш ва ёзиш) саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантириш;

2) билим даражаси юқори, ўй-фикрлари теран, ўз фикр-мулоҳазасини эркин баён эта оладиган, юзага келган муаммоларни бартараф этишга қодир, ҳамда ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган янги авлодни камол топтириш;

3) ушбу ўқув материали умумий таълим мазмунининг ички алоқадорликларидан юзага келиб, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари билан биргаликда қўшиб амалга оширилади.

Бугунги кун мактаблари ўқувчиларимизга нафақат Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга жавоб берадиган билимларни, балки XXI аср талабларига мос кўникмаларни ҳам сингдириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, замонавий таълим муассасаси озода, ораста, обод бўлиб, сифатли таълим бериши шарт. Таълимнинг долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кун ўқитувчисининг асосий вазифаси нафақат билим бериш, балки янги билимларни қандай излашни ўргатиш, ўқувчи ёшларга тез ўзгарувчан ҳаётга мослашиш кўникмаларини беришдан, ўз касб фаолиятидаги вазифаларнигина (дарс режасини тузиш, тақдимотлар яратиш, интернет тармоғидан ўз соҳасига оид материалларни тўплаш) бажариш учун эмас, балки мактабда ўқитадиган ўқув предмети юзасидан дидактик материаллар яратиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишда АКТ воситаларидан фойдаланиш (компьютер тармоғи орқали турли вазифалар бериш, интернет ресурсларини яратиш ва уларда таълим материалларини жойлаштириш) учун ҳам хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, умумий таълим берадиган асосий ўрта мактаблардаги “Ўзбек тили” фанини ўқитиш орқали ўқитувчилар таълимда ижтимоий жиҳатдан мукамал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданиятини эгаллаган саводхон шахсни камол топтиришни мақсад этиши зарурлиги таъкидланган. Ўқитувчилар ўқувчиларда шундай хислатларни шакллантиришда ва камол топтиришда турли педагогик усулларни қўллашлари лозим:

1) ўқувчининг ижодий-мантиқий ўйлаш-фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини, матн тузишда тилнинг аҳамиятини тушуниб етишга, алоқа-муносабат малакаларини шакллантиришга, ўз фикрини эркин ифодалай олиш;

2) берилган матн мазмунини шарҳлаб, жанрини аниқлай олиш;

3) бадий адабиёт тилини, мазмунини изоҳлай олиш, фикр-мулоҳазаларини баён эта олиш;

4) маълум шароитда юзага келган муаммоларни таҳлил қила олишига, унинг пайдо бўлиш сабабларини кўрсата олиш;

5) муаммони ҳал этиш давомида мақсадли ҳаракат қилиш, ҳаракатини режалаштириш, уни баҳолай олиш;

6) ўқилган матнларнинг бадий хусусиятларини изоҳлаб, унга баҳо бериб, таянч далиллар билан исботлай олиш;

7) ўқувчиларнинг таълим олишларини “ўқитиш учун баҳолаш” орқали қўллаб-қувватлаш;

8) ўқувчиларни тадқиқот ва изланиш ишларини олиб боришларига ва изланиш усулларига асосланган фаол билим олишларини ташкил этиш;

9) ўқувчиларда таҳлилий фикрлаш малакаларини шакллантириш;

10) ўқувчиларнинг якка ҳолда, гуруҳлардаги ва тўлиқ синфдаги иш турларини ташкил этиш.

Шунингдек, берилган таълимий мақсадлар ўқитувчига ўз ишини тизимли равишда нутқий фаолиятнинг тўрт кўникмаси (тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзиш) бўйича режалаштириш, ўқувчиларнинг ютуқларини мезонли баҳолаш тизими орқали баҳолаш имкониятини беради. Қозоғистондаги ўзбек мактабларида она тили машғулотлари таълимини ижодий ташкил этиш йўли ёшларни ҳаётий мулоқотларга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларга тайёрлаш сифатини оширишни назарда тутди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Азимов И. “Бундан ўзимиз манфаатдормиз”.

<https://kun.uz/news/2021/10/13/bundan-ozimiz-manfaatdormiz-inomjon-azimov-qoshni-davlatlarda-ozbek-tilining-organilishi-borasida-hukumatni-faollikka-chaqirdi>

2. Лернер И.Я. Педагогическая литература о проблемном обучении. – Москва: Наука, 1983. – 142 с.

3.Муравьева, Г. Е. Проектирование технологий обучения: учеб. пособие. – Иваново, 2001. – 123 с. <https://search.rsl.ru/ru/record/01000744463>

4.Негізгі орта білім беру деңгейінің 5-9-сыныптарына арналған «Өзбек тілі» пәнінен жаңартылған мазмұндағы үлгілік оқу бағдарламасы (оқыту өзбек тілінде)/ Қазақстан Республикасы Білім және ғылым министрінің 2013 жылғы 3 сәуірдегі №115 бұйрығына 215-қосымша. <https://ziatker.kz> › docx › жаңартылған мазмұндағы үлгілік оқу бағдарламасы (оқыту өзбек тілінде)/ Қазақстан Республикасы Білім және ғылым министрінің 2013 жылғы 3 сәуірдегі №115 бұйрығына 215-қосымша. <https://ziatker.kz> › docx ›

5.Соғуний, Алихонтўра. Тил ҳақида - ziyouz.uz Кун ҳикмати 53: Алихонтўра Соғуний тил ҳақида - www.ziyouz.uz

6.Yuldasheva D.N. Ona tili ta’limi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti. – Toshkent: O`zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2019. – 168 b.

7.Юлдашева Д.Н. “Кадрлар тайёрлаш миллий дасури” талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари: пед. фан. ном. дисс... – Тошкент, 2007. – 146 б.

8.<https://lex.uz/docs/5013007>

ДЕТЕКТИВ АСАРЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИГА АЛОҚАДОР ҲОДИСАЛАР

Гулнорахон НИЯЗОВА

катта ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги

ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

niyazova@navoiy-uni.uz

Аннотация

Мақола жаҳон тилшунослигида детектив асарларнинг лингвистик хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилиш масаласининг долзарблиги, бадиий матнларнинг лингвистик таҳлили ҳақида.

Таянч сўзлар: тилшунослик, детектив асарлар, лингвистик воситалар, лингвистик таҳлил, когнитив вазифа, бадиий матнлар, контент-таҳлил.

СЛУЧАИ, СВЯЗАННЫЕ С ЛИНГВИСТИЧЕСКИМ ИССЛЕДОВАНИЕМ ДЕТЕКТИВНЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ

Гулнорахон НИЯЗОВА

старший преподаватель

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

niyazova@navoiy-uni.uz

Аннотация

В статье обсуждается значение изучения лингвистических особенностей детективных произведений в мировом языкознании, а также необходимость лингвистического анализа художественных текстов.

Ключевые слова: лингвистика, детективные произведения, языковые единицы, лингвистический анализ, когнитивная задача, художественные тексты, контент-анализ.

Жаҳон тилшунослигида детектив асарларнинг лингвистик хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилиш тенденциялари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзининг янги босқичига кўтарилди, қамрови ва илмийлик нуқтаи назаридан кенгайди.

Эдгар Аллан По инглиз адабиётида детектив фантастиканинг отаси ҳисобланади. Чунки у биринчилардан бўлиб фантастик детектив асарлар яратди. Понинг "Морг кўчасидаги қотиллик" (1841), "Мари Роженинг сири" (1842-43) ва "Ўғирланган мактуб" (1844) каби асарларидаги бош қаҳрамон

изкувар Огюст Дюпен ақл-заковатини ҳайратланарли сюжет билан моҳирона уйғунлаштириши жозибали детектив ҳикояни қуриш учун асосий талаблар режасини очиб беради. Понинг ўша даврнинг сентименталистик ёки дидактик ҳаск адабиётига муқобиллигини Артур Конан Дойл давом эттиради. Дойл ўзининг энг зўр, ҳаваскор детективи Шерлок Холмсни ҳикоя иқтисодига кўпроқ қонуний ажратмалар учун аҳамиятсиз элементларга кўпроқ эътибор берадиган ҳикояларда жойлаштиради. Холмс шу қадар машҳурки, Дойл уни “Баскервилларнинг ити” (1901–02) ретроспектив ҳикоясида тирилтиришга ва ҳатто “Бўш уйнинг саргузаштлари” (1901-02) фильмида уни жонлантиришга қарор қилади, бу эса ўқувчиларни мамнун этади. Бадиий матн жуда серқирра эканлиги сабабли уни турлича тадқиқ этиш мумкин. Яъни, насрий асарлар матни “қайта-қайта кодланган” (Винокур Г.О.), ўта мураккаб тузилишга эга бўлгани ҳолда ҳар хил лингвистик воситаларни ўз ичига олади. Мазкур ҳолатларни инобатга олиб, исталган тилни хорижликларга ўқитишда, ўргатишда дастлабки босқич сифатида ўқитувчи томонидан асарларнинг кўп қиррали таҳлилига лингвистик, услубий, маданий, адабий характердаги индивидуалликларга кўра ёндашиш бўйича жиддий изланиш ва тадқиқотлар амалга оширилган. Г.О.Винокур фикрича, адабий ва бадиий асарнинг маъноси у ёзилган сўзларнинг тўғридан-тўғри маъноси ва мазмунининг ўзи, унинг мавзуси ўртасидаги яхши маълум бўлган муносабатдир. Бадиий дизайн мавзуси ва ғояси, яъни, бадиий матн мураккаб тузилишга эга мажмуа сифатида мазмун ва шакл, ғоявий, мавзуий ва лингвистик элементларнинг уйғунлиги эканлигини ҳисобга олиб, ўқитувчи дарсда у ёки бу иш услубини танлайди. Бу тадқиқотлар битта аниқ мақсадга бўйсунди ва уларнинг ҳар бири билан ўқитувчи (ва, албатта, талабалар) турли қийинчиликларга дуч келган. Шундай муаммолардан бири ўқувчиларнинг бадиий матнни на фонетик, на лексик, на морфологик, на синтактик даражада лингвистик таҳлил қилиш кўникма ва малакаларига эга эмаслиги масаласидир. Аммо бундай таҳлил элементлари дарсда бўлиши лозим. Ҳаддан ташқари мослашишга йўл қўймасдан, тилдаги қийинчиликларни бартараф этиш, луғат билан ишлаш кўникмаларини

шакллантириш, ўқувчиларнинг луғат бойлигини бойитиш, сўзларни лексик таҳлил қилиш, лексик birlikларни семантиклаштириш, уларнинг мослигини кўрсатиш учун зарур бўлган матннинг лексикограмматик изоҳи тилнинг грамматик тизимининг маълум бир матни ёрдамида ўрганиш, стилистик тузилмалар билан танишиш, матннинг синтактик ва тиниш белгиларини таҳлил қилиш – буларнинг барчаси ва бошқалар рус тили дарсларида бадиий матндан фойдаланганда мумкин бўлади. А.И.Новиков матн муаллифи коммуникатив, адресат эса когнитив вазифани ҳал қилади, деб ҳисоблаб, муаллифнинг нутқ таъсирига йўналтирилган коммуникатив вазифаси тил воситаларини энг яхши тарзда танлаш ва тақсимлашдан иборатлигини таъкидлайди. Адекват йўл, муаллиф нуқтаи назаридан, унинг нутқ ниятини етказишдир. Матн ҳақидаги маълумотлар ўқувчи олдида шундай "тил тўплами"да пайдо бўлади, бу эса адресат когнитив вазифани ҳал қилганда матннинг маълум ўзгаришларини ва ўзгартиришларни талаб қилади, унинг мақсади матннинг умумий маъносини тушунишдир. Адабий асар мазмуни тилшунослик фанининг предмети эмас, деб ҳисоблаган В.В.Виноградов таъкидлашича, тилшуносни бу мазмунни ифодалаш усуллари ёки ифода воситаларининг ифодаланган мазмунга муносабати кўпроқ қизиқтиради [2]. Аммо бундай тадқиқот нуқтаи назаридан мазмун бадиий адабиёт тилини ўрганишдан ташқарида қола олмайди. Дарҳақиқат, бадиий асарда очилган воқелик унинг нутқ қобиғида гавдаланади. Бу ерда номлари қўйилган ва такрорланган объектлар, шахслар, ҳаракатлар турли функционал муносабатларга қўйилади. Буларнинг барчаси адабий асарнинг ички композицион-семантик бирлигида сўз, ибора ва конструкцияларнинг алоқа қилиш усуллари, қўлланилиши ва динамик ўзаро таъсирга таъсир қилади ва ўз аксини топади. Адабий асарнинг тузилишидаги нутқ воситаларининг таркиби унинг “мазмун”и билан узвий боғлиқ бўлиб, муаллиф томонидан унга бўлган муносабатнинг табиатига боғлиқ. Шунингдек, ўқишни ўргатишнинг асосий босқичида турли хил функционал услублар орасидан бадиий наср услубини танлаш таклиф этилади. Чунки адабий ва минтақавий ёндашув

тарафдорлари (Л.С.Виготский, О.И.Никифорова ва бошқалар) далилларига асосланиб, 16-18 ёшда ўқувчиларда турли жанрдаги бадиий адабиётларни ўқишга қизиқиш кучаяди. Бадиий матннинг ўзига хос хусусияти унинг мутлак антропоцентриклиги (И.Я.Чернухина, А.И.Домашнев ва бошқалар), яъни бадиий адабиёт инсонни тушунишга қаратилган бўлиб, у кўпчилик талабаларнинг билим ва интилишларига мос келади, деб эътироф этишган.

Адабий матнни идрок этишни пухта ўрганиш керак. Шу мақсадда нутқнинг бу тури учун мавжуд бўлган мазмун ифодасининг умумий қонуниятлари билан танишиш лозим. Шунинг унутмаслик керакки, адабий матн мазмунининг уч турига маълум даражада мос келадиган матнни идрок этишнинг уч даражаси мавжуд. Биринчи даражада аниқ мазмун идрок қилинади (бевосита ифодаланади), иккинчисида – имплицит (чуқур, бевосита ифодаланмайди; субтекст), учинчисида – эстетик (барча санъат асарларига хос бўлиб, гўзаллик туйғусига таъсир қилади). Матннинг бу идрокини ўрганиш учун матнни ташкил этадиган барча бирликларга эътибор қаратадиган лингвистик таҳлил алоҳида аҳамиятга эга, бу шубҳасиз эстетик мазмунни етказишга ёрдам беради. Имплицит ва эстетик мазмунни ифодалашга ёрдам берувчи барча тил воситалари тасодифий эмас, балки тизимлидир. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) тил бирликларининг сифат хусусиятларига оид;
- 2) уларнинг матндаги миқдорий муносабатлари билан боғлиқ.

Сифат хусусиятларига кўра, бир бирликни бошқа бир қатор бир хил бирликлардан танлаш, яъни тил тизимининг парадигматик муносабатларидан фойдаланишни назарда тутадиганларни эътиборга олиш лозим. Бу хусусиятлар уч ҳолатда содир бўлади. Биринчидан, бир бирлик нейтрал тил меъёрига нисбатан бирор жиҳатдан белгиланиши мумкин, яъни функционал-стилистик ёки эмоционал-экспрессив рангга эга бўлиши, фойдаланиш доираси билан чекланиши ёки пассив фондга мансуб бўлиши ва ҳоказо. Ҳозиргача адабиёт социологлари чекланган материаллар, одатда анкеталарга жавоблар учун сифатли контент таҳлилидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан,

маълумотларни бошқариш осон. Бундан фарқли ўлароқ, Доросилдан олинган материаллар минглаб саҳифаларни ҳисоблайди.

Бадиий асар тили бўйича ўзбек тилшунослигида ҳам қатор ишлар қилинган бўлиб, З.Холманова, Б.Холиқов, Б.Умурқулов томонидан бадиий асар тили, унинг лексик сатҳи ҳамда бадиийлик жиҳатлари таҳлилга тортилган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сифатли контент-таҳлил тадқиқотининг асослилиги тегишли категория шаклланишига ва назарияга умумлаштирилиши мумкин бўлган ҳақиқий натижаларга боғлиқ. Холсти таъкидлаганидек, "умумийлик тамойили бўлиши керак", яъни "мазмун таҳлили назарий аҳамиятга эга бўлиши лозим". Бошқача қилиб айтганда, "матнли маълумотлардан алоқа моделидаги компонентларнинг бошқа маълумотларига умумлаштириш мумкин". Тўлиқ тугатилмаган маълумотларнинг мувофиқлиги билан аниқланган тоифаларнинг ҳақиқийлиги турли таснифлагичларни қўллаш орқали амалга оширилади. Бир нечта таснифлагичлардан фойдаланган ҳолда, ҳар бир концепция тоифаси синонимларни ўз ичига олиши учун кенгайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда, бир атама аниқ ўзгарувчи, бошқа(лар) эса яширин ўзгарувчи сифатида қабул қилиниши мумкин. "Контентни таҳлил қилиш муайян муаммо учун энг мазмунли тоифаларни қўллаш керак, нисбатан ўзига хос ва аниқ тоифалар кўпинча энг мазмунли бўлади".

Доросилда сифатли контент таҳлилини амалга ошириш учун ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммо шунчаки "интуитив таркиб" эмас, балки "семантиканинг муҳим жараёни" учун жавоб берадиган параметрларни яратиш зарурати эканлиги аён бўлади. Криппендорф фикрича, матннинг интуитив талқинидан фарқли ўлароқ, хабар мазмунини илмий таҳлил қилиш аналитик жараёнларнинг аниқ бўлишини ва расмий тилда ифодаланишини талаб қилади. Шундай қилиб, "ҳақиқат билан идентификация қилинган" адекватлик, объективлик, ишончлилик мезонларини ва "мувофиқлик билан аниқланган" ҳақиқийлик муаммоларини қондириш учун тадқиқот жараёнининг ҳар бир босқичи аниқ белгиланган қоидаларга асосланиши керак.

Адабий асарнинг таъсир кучи ва муаллиф маҳоратини поэтиканинг энг асосий унсури бўлган бадиий нутққа ва услубга боғлиқ равишда тадқиқ этиш ўзининг яхши самараларини беради. Чунки ижодкор сўз воситасида образ яратади, эпик тасвир ва бадиий ифоданинг аниқлиги адиб қўллаган оригинал сўз ҳамда ибораларга тегишли бўлади. Зеро, адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов жуда ўринли таъкидлаганидек, “воқеаларни тасвирлашга, қаҳрамонларнинг табиатига мос келадиган бадиий нутқ шакли чинакам санъат асарининг гўзаллигини таъминловчи кўзгу ҳисобланади. Уни тўғри танлай билиш эса ёзувчининг маҳоратига боғлиқ”. Шу маънода ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган “Чўқинтирган ота” романининг тили равон ва воқеалар ривожигаги темп-шиддат ўқувчи эътиборини ўзига тортиб туради. “Шайтанат” тили ва услуби жиҳатидан ранг-баранг, унда бошқа адабий тур ва жанрларга хос унсурлар қоришиқ ҳолда келади. Бу ўринда асарда учраб турадиган шеърий матнлар, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган ҳикоят ва ривоятлар назарда тутилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар воқеликнинг бадиий талқини бўлиб қолмасдан ҳаётнинг ўзига хос фалсафий қонуниятларини акс эттирувчи залворли фикрларни ҳам ўртага ташлаши билан муваффақият қозонади. Бу борада ҳар икки муаллифнинг ўз услуби ва таянувчи омиллари бор. Пьюзо “Чўқинтирган ота”да кўплаб ҳикматли сўзларни асарда гоҳ қаҳрамонлар тили, гоҳ ўз тилидан баён этган. Жумладан, Дон Корлеоне “Дўстлик ҳамма нарсадан улуғдир. Дўстлик истеъдоддан юқори туради. Дўстлик ҳар қандай ҳукуматдан кучлидир. Дўстлик оиладан сал пастрокда туради” (Friendship is everything. Friendship is more than talent. It is more than government. It is almost the equal of family”) дейди. Бу ҳикматли гап улуғ алломалардан ёки жавонмардлардан бирига эмас, мафия сардорига тегишли. Унинг ўзи ана шунга амал қилиб яшайди, ҳузурига ёрдам сўраб келган кишиларни сира ҳам ноумид қайтармайди ва унга дўстликни таклиф этади. Албатта, муаллиф айтганидек, бу дўстликни беғараз, деб бўлмайди. Лекин одамлар ҳеч бўлмаса, Чўқинтирган ота айтгани каби, дўст бўла олганида ҳам ҳозиргидан анча яхши яшаётган

бўлар эди. “Менинг билишимча, ўзини катта одам қилиб кўрсатадиган кичик одамлар билан тез-тез учрашиб туришингизга тўғри келади, шекилли” (I understand you have to deal with a lot of people who try to seem more important than they are. In my case the reverse is true) дейди Том Хейген ўзига нисбатан беписанд муносабатда бўлган, Чўқинтирган отанинг қудратини ҳис қилолмаётган Вольцга. Унинг бу гапини икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчиси, Вольцга турли юмушлар билан мурожаат қиладиган одамларнинг баъзилари унга гапини ўтказиш учун ўзини катта одам қилиб кўрсатишга уриниши мумкин; иккинчи маъноси, ҳисобсиз бойлик, шон-шуҳрат, юлдузли онлар, катта амалдорлар билан ошначилик кишига ҳар қандай катта одамни ҳам кичкина қилиб кўрсатиб қўйиши мумкин. Вольц биринчи маъно доирасида фикрлаётган эди, Том эса иккинчи маънога ишора қиладди. Бу гап аниқ мўлжалга тегади ва Вольц жазаваси қўзиган вақтида ҳам Доннинг номига бир оғиз ёмон гап айта олмайди. Дон муомалага киришаётган инсонларнинг қандай одам эканини билмоқчи бўлса, Томдан “у сицилиялик” ёки “сицилиялик эмас”, деган жавобни кутади. Сўралган одам ҳақидаги фикрнинг қатъийлашувига шу гапнинг ўзи кифоя. Хулоса сифатида жаҳон тилшунослигида бадий асар тилини тадқиқи орқали тил ўргатиш, лингвомаданий, социолингвистик жиҳатларга кўра ўрганиш, бадий асар тилининг мураккаблигидан келиб чиқиб уни когнитив тадқиқ қилиш борасида жиддий тадқиқотлар амалга оширилганлигини, аммо соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини алоҳида этироф этишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Винокур Г.О. Об изучении языка литературных произведений. – Москва: Наука, 1959. – 247 с.
2. Виноградов В. В. О языке художественной литературы. – Москва: Изд-во Академии наук СССР, 1959. – 91 с.
3. Умурқулов Б. Ўзбек бадий насрининг лингво-услубий шаклланиш асослари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2020.

4. Филимонова Н.Ю. Изучение художественного текста иностранцами-нефилологами: монография. // LAP LAMBERT Academic Publishing: Saarbrucken, Germany, 2012. – 115 с.
5. Филимонова Н.Ю. Лингвистический подход к художественному тексту в иностранной аудитории. – Волгоград: Волгоградский государственный технический университет, 2017. – 234 с.
6. Холиков Б. Детектив романларда вокеликнинг бадий талқини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг “The Godfather” ва Тохир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида): Филол.фалсафа.фан.д (PhD) автореф. – Термиз: ТерДУ, 2017. – 32 б.
7. Holsti, Ole R. Content Analysis for the Social Sciences and Humanities. Reading: AddisonWesley, 1969. Print. P. 56
8. Lindkvist, Kent. “Approaches to Textual Analysis.” Ed. Rosengren, Advances in Content Analysis 23-41. Print.
9. Berelson, Bernard. Content Analysis in Communication Research. 1952. New York: Hafner Press, 1971. Print. P. 148
10. Lindkvist, Kent. “Approaches to Textual Analysis.” Ed. Rosengren, Advances in Content Analysis 23-41. Print. P. 147
11. Greimas, Algirdas Julien. Structural Semantics: An Attempt at a Method. 1966. Lincoln, London: University of Nebraska Press, 1983. Print
12. Mario Puzo. The Godfather, p.41-68
13. <https://urok.1sept.ru/articles/579908>

АСОСИЙ ТЕРМИНОЛОГИК ТУШУНЧАЛАР

Клара Худжаяровна АВИЛОВА

катта ўқитувчи

Тошкент Тиббий Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

avilovaklara1960@gmail.com

Аннотация

Бу мақолада атамаларнинг мураккаб ва кўп қиррали табиати, унинг таърифи ва термин сўзининг пайдо бўлиш тарихи ҳамда терминларнинг турларига алоҳида тўхталинади.

Таянч сўзлар: тилшунослик, терминология, атамалар, прототерминлар, предтерминлар, номенклатура, терминоидлар, профессионализм, тиббий атамашунослик, детерминологизация.

ОСНОВНЫЕ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ

Клара Худжаяровна АВИЛОВА

Старший преподаватель

Ташкентская Медицинская Академия

Ташкент, Узбекистан

avilovaklara1960@gmail.com

Аннотация

В данной статье основное внимание уделяется сложному и многогранному характеру терминов, делению и истории происхождения понятия «термин», а также видам терминов.

Ключевые слова: языкознание, терминология, термины, прототермы, предтермины, номенклатура, терминоиды, профессионализм, медицинская терминология, детерминология.

XX аср давомида атамаларнинг мураккаб ва кўп қиррали табиатини ўрганиш мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам (улар орасида Австрия-Германия, Чехия, Канада, Англия, Америка, Полша, Финляндия ва бошқалар) турли тил мактаблари олимлари томонидан олиб борилган кенг кўламли тадқиқотларга олиб келди. Айни пайтда терминология муаммоларига бағишланган кўплаб маҳаллий ва хорижий ишлар мавжуд. Бироқ, шунга қарамай, тадқиқотчилар орасида бир қатор масалалар (атамаларни аниқлаш, атамалар табиати ва

статуси, атамалар ва ноатамаларни ажратиш, атамаларга бўлган талаблар ва бошқалар) бўйича қарама қаршиликлар мавжуд.

Маълумки, ҳозирги вақтда 3 000дан ошиқ атама тушунчаси ҳақида қоидалар мавжуд, аммо шунга қарамай, унинг мазмуни тўлиқ аниқланмаган. Атаманинг умумий қабул қилинган таърифи йўқлиги ҳақидаги саволга ҳар хил жавобларни кузатамиз. Бу бир томондан, атамаларнинг назарий асослари ҳали ишлаб чиқилмаганлиги, унинг асосий тушунчалари фарқланмаганлиги ҳамда илмий ва технологик атама нималиги ҳақида умумий фикр йўқлиги билан изоҳланади. Бошқа томондан, адабиётда мавжуд бўлган турли хил таърифлар ҳар доим ҳам аниқланаётган ҳодисанинг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Турли фанларнинг вакиллари А.Б.Суперанская, Н.В.Подольская ва Н.В.Васильеваларнинг фикрича, атамалар ўзларининг махсус тушунчалари ва ғоялари билан боғлиқ бўлиб, тенг бўлмаган таркибга эга ва ҳар хил аниқланади [16;11].

Термин сўзнинг пайдо бўлишининг қисқача тарихига мурожаат қилайлик. Қадим замонларда бу сўз (лот. терминус-чегара, охири, тугаш) "чегара қўриқчиси, муқаддас жойнинг қўриқчиси, қўриқладиган чегара ичидаги ҳамма нарсанинг қўриқчиси, маданият чегараси" деган маънони англатади. Юнон тилида термин сўзига опос сўзи мос келади, яъни соқол, чегара деган маънони англатади. Хусусан, терминнинг фалсафий маъносининг келиб чиқиши Аристотелга бориб тақалади. У атамаларга алоҳида оғзаки бирликлар сифатида эътибор қаратган ва кўплаб фанларга яъни тиббиёт, илоҳиёт, фалсафа ва бошқаларга атама тушунчасини киритганлардан бири эди [4;9].

Бугунги кунда атаманинг энг кенг тарқалган таърифлари қуйидагилар:

1. эмпирик ёки мавҳум объектларни ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси, унинг мазмуни илмий назария доирасида аниқланади;

2. расмий равишда қабул қилинган ва қонунлаштирилган илм-фан, технология ва санъатда қандайдир тушунчани ифодаловчи сўз (ёки сўз бирикмаси);

3. табиий тилнинг энг инфор­мацион бирлиги, илмий тушунча ҳақида аниқ маълумот берувчи.

4. илмий ёки касбий соҳа тушунчаси.

Сўзнинг сўз билан нисбати ҳақида савол туғилади. Сўзнинг асосий белгилари қуйидагича ифодаланиши мумкин: бутун шаклланиш, идиоматиклик, лексик ва тизимли таркибнинг барқарорлиги. Бундан ташқари, лексик даражадаги бир бирлик сифатида, сўз ўзининг ноёб функцияси билан белгиланади – номинатив воситаси бўлиши керак, чунки сўзлар, биринчи навбатда, ҳақиқатнинг турли ҳодисалари номлари сифатида мавжуд бўлиб, уларнинг маънолари бу ҳодисаларнинг умумлаштирилган тасвирлари ҳақида маълумот беради. Бу белгилар атама учун ҳам хосдир. Бироқ, терминда номинатив функция нафақат воқеликнинг турли ҳодисаларини аташ билан эмас, балки махсус тушунчаларни ифодалаш билан ҳам амалга оширилади.

Т.А.Трафименкованинг фикрига кўра, ҳар бир оғзаки майдон бошқа юқори даражадаги майдонга киритилиши мумкин. Бу терминологик майдон учун ҳам амал қилади, чунки атамалар анъанавий равишда тушуни­лган семантик майдонни эмас, балки объектив гуруҳларни, концептуал майдонларни ҳосил қилади, яъни тилда нафақат умумий маънога эга, балки объектив соҳанинг умумийлигига эга бўлган сўз бирикмалари ҳам мавжуд.

Атама фақат терминологик майдон ичида асосий хусусиятларга эга, аммо унинг ташқарисида ўз дефинитив ва тизимли хусусиятларини йўқотади [19; 7].

Муаммо бўйича бир неча таҳлил қилинган назарий манбалар асосида атаманинг асосий талабларини ажратамиз: 1) нисбатан аниқлик; 2) номинативлик; 3) қисқартириш; 4) максимал аниқлик; 5) умумий эътироф; 6)

бир тизим ичида бошқа терминлар билан мослашиш; 7) контекстуал барқарорлик; 8) услубий бетарафлик; 9) махсус тилга тегишлилик; 10) деривативлик; 11) интернационал; 12) соҳанинг замонавий ҳолатига мувофиқлиги; 13) мотивация; 14) тизимлилик.

Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу талаблар идеал ва фақат "замонавий" терминларга тақдим этилиши мумкин. Бир томондан, бу талаблар терминологик ва нотерминологик лексикалар ўртасидаги чегарани аниқлаш учун зарур. Бироқ, дунёдаги ҳеч бир тил унинг терминларига қўйиладиган талабларни қондира олмайди. Бу, биринчи навбатда, махсус тил, умуман олганда, муайян қоидалар ва қонунларга бўйсуниб нуктаи назаридан идеал эмас, чунки у тилнинг энг фаол ривожланаётган қатлами ҳисобланади. Ҳар қандай атамашунослик тизимида доимий ҳаракат ва унинг таркиби ва таркибий қисмларида ўзгариш мавжуд – баъзи атамалар пайдо бўлади, бошқалари фойдаланишдан чиқади ёки ўрнини янада қулай шакллар билан алмаштиради. Шунинг учун, баъзи талаблар бир атамалар тизимида нисбатан жуда зиддиятли ёки қисман қўлланилиши табиийдир.

Атамани аниқлашда тилшунослик фани терминологиянинг лингвистик хусусиятларини аниқлаш ва таърифлашга интилади – шунинг учун қайси лексик бирликлар атамалар деб ҳисобланиши мумкинлиги ҳақида савол туғилади. Классик позиция О.С.Ахманова томонидан ифодаланади, у терминологик бирликнинг асосий белгиси унинг субстантив хусусиятидир деб ҳисоблайди [2;11].

Бу жуда кенг тарқалган фикр, инсониятнинг когнитив фаолияти ҳар доим ҳақиқат объектларини номлаш орқали ўтган ва ўтади, уларнинг ўзига хос хусусиятларини луғавий таърифлар ёрдамида аниқлайди. Шу сабабли, Европа тилларида отларнинг тизими жуда ривожланган, феъллардан отларни шакллантириш учун жуда чексиз имкониятлар мавжуд ва сифатларнинг асосларидан ташкил топган мавҳум отлар ясашиб, бу тиллар учун атамашунослик рўйхатининг асосий таркиби отлар билан тўлдирилиши

мумкин [2; 11]. Шунингдек, Д.С.Лотте фикрича, қуйидаги асосий тушунчалар тоифалари терминлашади: жараёнлар (ҳодисалар), объектлар, хусусиятлар, ўлчов бирликлари, яъни асосан атоқли отлар [10;28].

Кўп сонли атамалар мавжудлиги атаманинг маъносини тушунишга тўққинлик қилмайди. Кўпгина тилшунослар, ёндашув ва мактабдан қатъи назар, бу атама, биринчи навбатда, профессионал семантик юкни кўтарадиган тилнинг бирлиги эканлигига қўшиладилар. Бироқ, билим соҳасига қараб, атамалар фақат сўз ёки сўз бирикмалари билан ифодаланиши мумкин. Мисол учун, физика, математика, кимё каби илм-фан соҳалари ўз соҳасида нафақат атамалар, сўзлар ёки атамалар-иборалар, балки атамалар-белгилар, атамалар-рамзлар ва атамалар-формулар терминологик юкламани ташкил этади. Шундай қилиб, атамалар мавжуд фанларнинг "моҳиятини" белгилайди, уларнинг ҳар бири ўз нуқтаи назаридан атамани тавсифлашга интилади.

Махсус сўз бирикмаларининг турли соҳаларини ўрганиш натижасида атамалар билан бир қаторда умумий хусусиятларга эга бўлган, лекин баъзи фарқларга эга бошқа махсус лексик бирликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун, асосий муаммолардан бири махсус лексик бирликлардан терминларнинг фарқини ажратишдир. Бундай бирликларнинг хилма-хиллиги Г.О.Винокур (1939), Н.П.Кузмин (1970), Л.Скворцов (1972), А.Д.Хаютин (1972), Н.М.Гладкая (1977), В.М.Лейчик (1981), С.В.Гринев (1990, 1993) каби бир қатор олимлар томонидан аниқланган ва таърифланган.

С.В.Гринев терминларга бўлган семантиканинг изчиллиги, ўзига хослиги, тўлиқлиги, тил нормаларига мувофиқлиги, лексик ва расмий қисқартириш, деривацион қобиляти, систематик, умумий қабул, истеъмол, байналминаллик, замонавийлик, мойиллик каби асосий талабларнинг схематик тизимини яратди. Ушбу талаблар асосий турдаги атамаларни тартибга солиш ва ажратишда кенг қўлланилади. Шунга қарамасдан, С.В.Гриневнинг таъкидлашича, айрим терминологияларда ёки алоҳида атамаларда ушбу талаблардан катта ёки кичик фарқлар ҳам бўлиши мумкин.

Бу атама сунъий белги эмас, балки махсус концепцияни ифодалашнинг махсус функциясидаги сўз ёки иборадир, чунки терминологияда умумий адабий тилнинг лексикасида бўлгани каби бир хил лексик-семантик жараёнлар содир бўлади [4;5].

Терминологиядан номенклатурани ажратиш керак. Номенклатура (лотин. номенклатура "рўйхат, тартиб") – терминологиядан кўра анча янги категория. Махсус лексик синф сифатида у фақат XVIII асрда пайдо бўлган, дастлаб фақат табиий фанлар учун қўлланилган. Номенлар ягона тушунчалар номлари, шунингдек, маълум бир масса маҳсулоти бўлиб, бир хил намунада бир неча марта такрорланган [8]. Винокурнинг таъкидлашича, номенклатура деганда, атамашуносликдан фарқли ўлароқ, бутунлай мавҳум ва шартли рамзлар тизимини тушуниш керак, унинг ягона мақсади бу нарсалар билан ишлайдиган назарий фикр эҳтиёжларига бевосита алоқаси бўлмаган нарсаларни белгилаш учун амалий жихатдан энг қулай усулларни беришдир [18].

Ҳар бир фаннинг терминологияси ҳисоблаб чиқилади, чунки у ўз тушунчалари тизимини акс эттиради. Номенклатура тушунчалар билан заиф боғланган, у кўпроқ номинативдир. Масалан, С-шаклидаги ва В-шаклидаги кувурлар каби ташқи ўхшашликларга асосланиб, номланган нарсаларнинг моҳиятини акс эттира олмайди. Термин учун терминологик майдон ёки терминологик контекст муҳим аҳамиятга эга. Номенлар контекстан ташқарида эркин фойдаланилади, чунки номланган нарсаларнинг хусусиятлари илмий ёки маиший алоқа соҳасида фойдаланишда ўзгармайди. Номенклатурадан ташқаридаги номенлар (хатто турли тиллардан ҳам) кундалик сўзларга осонлик билан кириб, ўзининг мазмуни ёки объективлигини сақлаб қолади, масалан, капрон (ингл. каргон, нем. Каргоп), нейлон (ингл. nylon, нем. Nylon), саржа (инг. serge, нем. Serge) букле(ингл. ratine. нем.Bukle) деб аталади.

Кўпинча номенклатуралар иқтисодий ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилиб, улар маҳсулот маркалари, материаллар, машина моделлари ва бошқаларни номлашда қўлланилади. Номларни ягона тушунчалар номи сифатида аниқлаш бўйича турли фикрлар мавжуд. Мисол учун, Т.Л.Канделаки, О.С.Ахманова. Д.С.Лотте индивидуал тушунчалар номлари номенларга [8; 2; 10] тегишли бўлиши керак, деб ҳисоблашади. В.М.Лейчик фикрича, қарама қарши нуқтаи назарни ифода этади ва ягона тушунчаларни ўз номлари билан белгилаш вазифасини илгари суради [9]. Т.Л.Канделаки номенларнинг мисоллари сифатида-ягона тушунчалар Меркурий, Урал, ДнепроГЭС ва бошқаларни келтиради [8].

Бизнинг тадқиқотимиз мавзуси тиббиёт атамашунослиги сабабли биз ушбу соҳа номенклатура белгилари мисолларини келтирамиз. М.Н.Чернявскийнинг фикрига кўра, тиббиётда анатомик объектларнинг юнон-лотин белгилари эталон номенлар бўлиб уларни *termini technici* деб аташади [23;448]

Терминлар ва терминоидларни чегаралаш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Терминоид аниқ чегарага эга бўлмаган ва шунинг учун аниқ таърифларга эга бўлмаган етарлича яхши ва ноаниқ тушунилган тушунчалар учун ишлатиладиган махсус белгидир. Терминоид ва терминнинг фарқи шундаки улар терминологиянинг энг паст даражасида туради. Бу, кўпинча, уларнинг камроқ қайта ишланиши туфайли тушунчалар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ ёки кам қайта ишланганлиги билан ифодаланади. В.А.Татаринов терминоидларни ноаниқ мақомга эга бўлган терминга ўхшаш махсус лексик бирликлар деб ҳисоблайди [17;60]. Терминоидлар тушунчалар деб аталсада аниқ маъно контекстуал мустақиллик ва барқарор характер каби терминологик хусусиятларга эга эмас.

Шундай қилиб, замонавий илмий тиббий адабиётларда терминоид реабилитация, хусусан, реабилитация чора-тадбирлари муддати ва жойи ва

реабилитация каби тиббий муолажалар қаторига кириши ҳақида доимий мунозаралар бор.

Предтермин этимологик ва морфологик хусусиятлари ҳали маълум бўлмаган ҳолда уларни ўрганишнинг дастлабки босқичларида илмий объектлар ёки ҳодисаларни олган махсус деноминациялардир. Предтерминлар терминларга қўйиладиган талабларга жавоб бермайди. Махсус лексикадаги тавсифловчи иборалар-сифатдош ёки равишдош билан бириккан қўшма сўз бирикмалардир. Предтерминлар вақтинчалик характерга эга, шаклнинг беқарорлиги, қисқартириш ва умуман қабул қилиниш талаблари билан ажралиб туради. Баъзи претерминларда бетарафлик йўқ. Масалан, рус тилидаги театрға оид лексика "актёрлик қарамлиги", "рол ўйнаш", "вақт ва жой ҳавоси", "абадийликка эришиш истиқболларини қабул қилиш" каби предтерминларни ўз ичига олади.

Тиббий терминологияда предтерминларга топологик (сибирская язва - куйдирги) ёки юзаки визуал белгиларни (мраморная болезнь - мрамар касаллиги) ўз ичига олган касалликлар номлари киради. Илмий маълумотлар тўпланганлиги сабабли, предтерминлар кам ишлатиладиган синонимларга айланади ёки илмий фойдаланишдан бутунлай чиқиб кетади, масалан: болезнь студентов - талабалар касаллиги (оғзаки) - моноклеоз инфекционный - юқумли моноклеоз (замонавий.).

Прототерминлар илм-фан пайдо бўлишидан олдин пайдо бўлган ва ишлатиладиган махсус лексемалардир ва шунинг учун улар (илм-фаннинг пайдо бўлиши билан юзага келадиган) тушунчани эмас, балки махсус кўринишларни номлайди. Ҳозирги вақтда прототерминлар илмий-назарий асосларни ҳали шакллантирмаган ёки илмий атамалар билан параллел равишда ишлатиладиган "халқ" атамаларида, аммо концептуал тизим билан боғлиқ бўлмаган мавзу майдонларининг лексик бирликлари шаклида мавжуд [5]. Прототерминнинг махсус сўз бирикмаларининг бирлиги сифатида ўзига хослиги шундаки, у махсус соҳада ишлатилади ва махсус ваколатларни

билдиради, прототермин аниқ эмас, ҳеч қандай нокулайлик йўқ, кўпинча умумий рангга эга. Замонавий рус тилида замонавий иқтисодий терминлар тизимида марказий бўлган пошлина - бож, налог - солиқ каби прототерминлар сақланиб қолган.

Прототерминларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланмаганлик, тасодифий белгилар билан рағбатлантирилганлик ва кўпинча махсус этимологик тадқиқотларсиз номлаш сабабини аниқлай олмасликдир. Тиббиёт терминологиясидан мисол сифатида Ўрта аср олими Парацелснинг "тартарик касалликлар" прототерминини келтирамиз. Парацелснинг фикрига кўра, инсон танасида Архей (ҳаётий бошланиши) бўлиши мумкин ва у нормал кимёвий жараёнларни қўллаб қувватламайди ҳамда танадан кераксиз моддаларни олиб ташлай олмайди: улар тартарусга ўхшаб (тартарус), бочкалардаги шароб тошларига айланади ва тартарик касалликларни келтириб чиқаради.

Прототерминларнинг баъзилари тилларнинг асосий сўз бирикмаларининг бир қисми бўлиб, терминологизация қилинган, яъни, махсус луғатларда ва илмий асарларда ўз ўрнини эгаллаган, мазмунли аниқликка эга бўлган ёки семантик таркибини ўзгартирган ва илмий тушунчалар тизимига киритилган. Мисол учун, ревматизм атамаси Гиппократнинг ҳуморал назариясига тўғри келади, қадимги тиббиётда унинг асосий маъноси "суяқликнинг тугаши" эди. Тиббиётнинг ҳозирги босқичида бу атама А гуруҳ стрептококклари билан этиологик жиҳатдан боғлиқ бўлган юқумли ва аллергия касаллиқни англатади.

Шундай қилиб, сўзнинг қатъий маъносида атамалар, предтерминлар ва прототерминлар терминологияга тааллуқли эмаслигини таъкидлаш мумкин. Бу лексик бирликлар атама талабларига жавоб бермайди, лекин улар ишлаб чиқариш ва фаннинг барча соҳаларида кенг қўлланилади ва махсус сўз бирикмаларининг ажралмас қисмини ташкил қилади.

Бундан ташқари, терминологияда ҳозирги кунга қадар етарлича аниқ белгиланмаган касбийлик муаммосини кўриб чиқиш керак. Шундай қилиб, баъзи тадқиқотчилар профессионализмни умумий қабул қилинган атамаларнинг вариант бирликлари ёки "умумий атамалар" деб ҳисоблашади ва уларни терминологияга киритадилар, бошқалари эса терминологик тизимдан профессионализмни олиб ташлаш ва уларни алоҳида ёпиқ тизимга ёки бири бири билан бирлаштирилмаган ҳолда баъзи бир тасвир ва образга эга бўлган бирликларни ажратишни талаб қилади. О.С.Ахманова фикрича, профессионализм бу профессионал гуруҳнинг нутқига хос бўлган сўз ёки ифода [2; 371] .

Ю.М.Скребневнинг таъкидлашича, профессионализм - бу умумий манфаатларга эга бўлган одамлар томонидан маълум бир касбий соҳада қўлланиладиган моносемантик сўзлардир. Профессионализм ва терминлар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, терминлар асосан, илм-фан ва техниканинг турли соҳаларида янги объектлар ва тушунчалар учун ишлатилади, профессионализм яъни касбий терминлар эса мавжуд объектларга, тушунчаларга, объектларга ва воситаларга янги ном беради. Бундай мисоллар кўп тилларда мавжуд:

инглиз тили tin-fish - торпеда (submarine – “сув ости кемаси”), outer "нокаут" (a knock-out blow - "оёқдан зарба берувчи");

рус тилида ляп (газетчиларнинг нутқида матн териш), каструля (физиклар нутқида синхо-фазатрон), баранка (хайдовчи нутқида рул)",

немис тилида - Zweisitzer "икки ўринли" (zweisitziges Flugzeug "икки ўринли самолёт"),

француз тилида: Bagnole "колымага" (la vieille voiture"эски автомобил").

Ю.М.Скребневнинг фикрига кўра, профессионализмнинг пайдо бўлиши расмий атамалар ва умумий сўз бирикмаларига қарши эмфатик норозилик натижасидир [17; 35].

С.П.Хижняк профессионализмни алоҳида турдаги махсус сўз бирикмаларига ажратади ва атамалар ва профессионализм ўртасидаги фарқни асосан функционал ва услубий хусусиятларга кўра ажратади. Касбийлик ўртасидаги асосий фарқ улардан фойдаланишнинг чекланганлиги бўлиб, у норасмий шароитда мутахассисларнинг оғзаки нутқида ишлатилади. Детерминологик сўз бирикмаларидан кам фойдаланиш оғзаки нутқ билан чамбарчас боғлиқ ва бу турдаги лексика ўзининг ҳиссий ранглар ва экспрессив коннотация мавжудлиги билан тавсифланади [22; 29-32].

Рус тилида тиббий атамашуносликда кўплаб профессионаллик мавжуд. Масалан, ҳаракатсиз ётган объект (кўпинча комада ётган бемор); телевизор-рентгеноскопия; ленивий глаз - дангаса кўз - кўз, ғилай кўз ва ҳоказо.

Фалсафий, санъатшунослик, адабиётшунос, тиббий, жисмоний, кимёвий, ишлаб чиқариш-техник ва бошқа кўплаб атамалар ва терминологик ибораларни тез-тез ишлатиш уларни умумий лексик бирликлар – халқаро лексик бирликларга айлантирди. Бундай атамалар кўпинча турли тилларда учрайди, масалан, аргумент (инглизча argument, немис Argument), драма (инглизча drama, немис Drama), концерт (инглиз. concert, нем. Konzert), контакт - алоқа (инглизча. contact, нем. Kontakt), стиль - услуб (Ингл. style, нем.Stil), синтез (ингл. synthesis,, нем. Synthese), қайнаш нуқтаси (ингл.boiling-point - қайнаш нуқтаси, нем. Kochpunkt), тортишиш маркази (ингл. centre of gravity - тортишиш маркази, нем. Schwerpunkt) ва бошқалар. Бунда атамалар илмий аниқлигини йўқотади, ўзининг фойдаланиш доирасини кенгайтиради. Детерминологизация яъни атамани умумий сўз бирикмаларига ўтиш жараёни содир бўлади [3; 508]. Умумий адабий фойдаланишда ушбу сўзлар ва бирикмаларнинг аксарияти турли хил, кўпинча мажозий-метафорик, лексик ёки фразеологик маънога эга, масалан, рус тилида – катализатор - атама

(кимёвий реакцияни тезлаштирадиган, сусайтирадиган ёки ўзгартирадиган модда) ва катализатор - трансен, умумий қўлланиладиган (огоҳлантирувчи нарса); контакт - атама (электр симларининг алоқаси) ва контакт - қалам, умумий қўлланиладиган (алоқа, бизнес соҳасидаги одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги). Инглиз тилида қуйидаги мисол келтириш мумкин: take in a reef - термин (рифни олмоқ) ва take in a reef - умумий қўлланиладиган (харажатларни камайтириш, оддий турмуш тарзини бошлаш), high-water mark – термин - юқори сув белгиси (тўлиқ сув сатҳининг белгиси, оқим даражаси) ва high-water mark-юқори сув белгиси, умумий қўлланиладиган (кулминацион нуқта); ва a bill of health - соғлиқни сақлаш - термин (санитар гувоҳнома) ва a bill of health - умумий қўлланиладиган (қандайдир касалликнинг йўқлиги).

Илмий техник атамашуносликни умумбашарий сўз бирикмаларига киритиш жараёни барча оммавий коммуникация воситалари (газеталар, журналлар, радио ва телевидение) томонидан илмий ва техник билимларни кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ.

Детерминологиялаштиришга бир қанча сабаблар ёрдам беради, улар орасида аҳолининг умумий таълим даражасининг ошиши, фаннинг у ёки бу соҳаси билимлари, айти пайтда иқтисодиётнинг маълум бир тармоғининг аҳамияти муҳим рол ўйнайди. Терминнинг маъносини тушуниш ва унинг умумий қўлланиладиган сўзлар тоифасига ўтиши термин тузилиши билан боғлиқ, маъноси жуда аниқ бўлган элементлардан ташкил топган сўзларни одатда ўзлаштириш осон, масалан, рус тилида: бесшовный - чоксиз, клеобетон - ёпиштирувчи бетон, малометражный - кичик ўлчамли, ракетодром - ракета отувчи ва бошқалар. Сўзларни қайта кўриб чиқиш натижасида пайдо бўлган атамалар осон тушунилади ва ассимиляция қилинади. Мисол сифатида ташқи кўриниши ёки функцияси бўйича уй рўзгор буюмларига ўхшаш механизмларнинг кўп қисмлари номлари: вилка, фаррош, слайд ва бошқалар.

Детерминологизация жараёнида умумий адабий лексика тизимида кирган терминларда функционал ва семантик чекловлар бўлмайди. Улар замонавий сўзларга айланади, стилистик имкониятларга, ҳиссиётга эга бўлади. Детерминологизация билан атамалар қатъий концептуаллигини, изчиллигини ва аниқлигини йўқотади, улардаги тушунчани соддалаштириш содир бўлади, олдинги атамалар кундалик тилда тушунишга мослашади. Аммо шу билан бирга, улар ўз терминологиясида терминлар бўлиб қоладилар .

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Абдуллаева З.А. Ўзбекистонда спортнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи: тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 32 б.

2.Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1990. – 509 с.

3.Большой энциклопедический словарь. //Автор гл.ред. Л.М.Прохоров – Москва: Наука, 1998. – 508 с.

4.Гринев-Гриневиц С.В. Основы лексикографического описания терминосистем. – Москва: МГПУ, 1990. – 43 с.

5.Гринев-Гриневиц С.В. Введение в терминоведение. – Москва: Московский лицей, 1993. – 309 с.

6.Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 185 с.

7.Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2011.

8.Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – Москва: Наука, 1977. – 166 с.

9.Лейчик В.М. Теоретические и прикладные проблемы унификации терминов на современном этапе. Научно-техническая терминология. – Москва: Комкнига, 2002. – 284 с.

10. Лотте Д.С. Образование и правописание трехэлементных научно технических терминов. – Москва: Наука, 1969. – 119 с.

11. Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. – Москва: Восток-Запад, 2007. – 317 с.

12.Нурмонов А. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 301 с.

13.Омарова С.И. Проблемы терминологии в дагестанских языках (лингвистическая терминология): дисс. док.филол. наук. – Дагистан: Дагестанский гос.пед.уни., 1998. – 335 с.

14.Панжиева М.А. Особенности функционирования лингвистических терминов в профессиональной речи. – Ставрополь, 2005. – 36 с.

15.Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. – Москва: ИнфраМ, 2012. – 640 с.

16.Суперанская А.В., М.Либроком. Общая терминология. – Москва: УРСС, 2003. – 248 с.

17.Скребнев Ю.М. Основы стилистики английского языка. – Москва: АСТ, 2003. – 260 с.

18.Татаринов В.Л. История отечественного терминоведения. Теория термина. История и современные состояния. – Москва: Московский лицей, 1996. – 311 с.

19.Трафименкова Т.А. Терминология болезней как объект ономаσιологического семантика- парадигматического лексикографического исследования. – Брянск, 2008. – 401 с.

20.Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида) автореф.филол. фан.бўйича фалс. док. дисс. – Тошкент, 2018. – 26 б.

21.Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: Фан, 1996. – 509 б.

22. Хижняк С.П. Формирование и развитие терминологичности в языковой системе: Автореф. канд. филол. наук. – Саратов, 1998. – 26 с.

23.Черняевский М.Н. Латинский язык и основы медицинской терминологии. – Москва: ШИКО, 2007. – 448 с.

ЎЗБЕК ЭССЕ МАТНЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Моҳинабону Абдухамид қизи РАХИМОВА

Ўқитувчи

Самарқанд вилояти халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий марказ

Самарқанд, Ўзбекистон

mohinabonu1992@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигида эссе матнларининг лексик-стилистик хусусиятлари таҳлил қилинган. Вақтли матбуот тили ва услуби бўйича олиб борилган ишларнинг мазмун-моҳияти атрофлича ёритиб берилган. Эссе жанрида қўлланилган сўзларнинг стилистикаси, антоним, синоним сўзларнинг таъсирчанлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: публицистика, услуб, вақтли матбуот тили, публицистик услуб жанрлари, антоним, синоним сўзлар, газета тилининг ўзига хослиги, ўзбек тилшунослигида публицистик услубнинг ўрганилиши.

ЛЕКСИКО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКИХ ТЕКСТОВ ЭССЕ

Моҳинабону Абдухамид қизи РАХИМОВА

Преподаватель

Самаркандский областной региональный центр
переподготовки работников народного образования
и повышения их квалификации

Самарканд, Узбекистан

mohinabonu1992@mail.ru

Аннотация

В настоящей статье анализируются лексическо-стилистические особенности узбекских текстов эссе. Подробно освещается суть и содержание работ, проведенных по языку и стилю периодической печати. Приводятся сведения о действенности стилистики, антонимов и синонимов, используемых в жанре эссе.

Ключевые слова: публицистика, стиль, язык периодической печати, жанры публицистического стиля, антонимы, синонимы, особенности языка газеты, изучение публицистического стиля в узбекском языкознании.

Эссе – бирор бир мавзуни олиб талқин қилувчи, унга алоқадор шахсий таассуротлар ва мулоҳазаларни баён этиш, тасвирлашга интилувчи, унча катта бўлмаган, эркин композицияли насрий асардир.

Бадиий тафаккур енгил ва эркин кўрингани билан эссенинг энг яхши намуналари бадиий образ, фикр тараққиётининг ички мантикига бўйсунди. Эссенинг табиати ҳурфикрлашни, тасвир, баёнда эркинликни тақозо этади.

Эссе жанрининг тили ва услуби ўрганиш, унинг бошқа бадиий-публицистик жанрлар орасида тутган ўрнини тадқиқ қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро, ҳар бир жанрнинг ўзига хослиги ва тилдан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Эссе жанрини лингвостилистик нуқтаи назардан ўрганиш, тил бирликларидан фойдаланиш даражасини тадқиқ қилиш ушбу жанрнинг шаклланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Эссе жанрининг лексик - стилистик хусусиятлари ҳақида тилшуносликда алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бироқ тилшунос олимлар М.Худойқулов, А.Абдусаидов, О.Тоғайевларнинг тадқиқотларида, шунингдек, адабиётшунослар И.Султонов, Д.Худойберганов, Н.Шукуров, Ҳ.Умуновларнинг китобларида ушбу жанр ҳақида маълумотлар ўрин олган. Ана шу тадқиқотлардаги таҳлилларга асосланиб, газеталарда эълон қилинган эсселар тилини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, тилимизда лексик қатламни антонимлар, синонимлар, паронимлар, омонимлар, архаизмлар, историзмлар, диалектал лексика ва бошқалар ташкил қилади. Эссе жанрида ана шундай лексиканинг қўлланилишида ҳам ўзига хосликлар мавжуд.

Эссе жанрининг лексик-стилистик хусусиятларини ўрганишда антонимларнинг алоҳида ўрни бор. Зид маъноли сўзлар, яъни антонимларни ўрганиш масаласи бўйича ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқотлар яратилган. Антонимларнинг таърифи ҳамда турлари ҳақида бир қанча қарашлар ҳам билдирилган, бироқ улар бир-биридан кескин фарқ қилмайди.

Антонимлар А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да “ўзаро зид, қарама-қарши маъноли тил бирликлари: лексик

антонимлар: катта-кичик, баланд-паст, узоқ-яқин; антоним аффикслар: -ли, -сиз: кумли-қумсиз; фразеологик антонимлар: эсига келмоқ-ёдидан кўтарилмоқ, кўнгли очик, кўнгли қора” [5;7] тарзида, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса “Антонимлар юнонча сўз бўлиб, қарама-қарши, зид маъноли тил (нутқ) бирликлари” [4;103], деб таъриф берилади.

Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати”да ҳам қарама-қарши, зид маъно билдирадиган сўзлар бири иккинчисига нисбатан антоним [2;15] дейилади. Демак, антоним сўзларга берилган таърифларнинг ҳаммаси моҳиятан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди.

Эссе жанрида антонимларнинг қўлланилиши ва лексик-стилистик хусусиятларини ўрганишда Ш.Рахматуллаев, Н.Маматов ва Р.Шукуровларнинг тадқиқотларига асосланамиз.

Антонимлар публицистик матнларда, хусусан, эссе жанрида муҳим стилистик восита ролини бажаради. Улар экспрессивликни, таъсирчанликни таъминлаш, ижобий ва салбий ҳолатларни очиш, турли муносабатларни ифодалашда муҳим рол ўйнайди. Антоним сўзларнинг ҳар бири ўз семантик-стилистик маъносига эга бўлиб, уларнинг маънолари контекстда аниқ бўлади. Уларни ўз ўрнида маъно нозиклигига қараб қўллаш нутқни равон, аниқ ва мазмунли қилиб ифодалашга ёрдам беради.

Эссе жанрида антонимларнинг қўлланилиши жуда ранг-барангдир. Уларни қўллашда муаллифнинг моҳирлиги, топқирлиги сезилиб туради. Қуйида ана шундай матнларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, ҳар қандай матнда макон ва замон руҳи сезилиб туради. Мустақиллик йилларида чоп этилган эсселарда кўпроқ эрк ва эрксизлик, озодлик ва қарамлик, бахт ва бахтсизлик, тенг ва тенгсизлик каби антоним сўзлардан кенг фойдаланилганлигини гувоҳи бўламиз.

Масалан, “Зарафшон” газетасининг 2013 йил 9 октябр сонида эълон қилинган М.Пардаевнинг “Мустақил яшаш маъсулияти” номли эссесида ҳам ана шундай зид маъноли сўзлар кўплаб учрайди:

“Озодлик – тириклик неъмат. Бунга нафақат инсонлар балки барча жонзотлар интилиб, ҳаракат қилиб, унга эришиш иштиёқи билан яшайди”.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса “Озодлик – ўз эркига, ҳақ-ҳуқуқига эга, эрк, ихтиёри ўз қўлида бўлган” деб таъриф берилади. Озодлик сўзига қарамлик сўзи антоним бўла олади ва бу сўз от сўз туркумига хос антонимдир.

Мустақилликни ҳам асраб-авайлашимиз ва уни мустаҳкамлаб боришимиз, келгуси авлодга озод ва обод Ватанни эркин ва фаровон қолдиришимиз лозим.

Мустақилликни орзу қилмаган, унга эришмаган халқ боқиманда, қарам ҳисобланади.

Ушбу матндаги авлод сўзига аждод сўзи ўзаро антоним бўла олади.

Авлод – бир ота-онанинг фарзандлари, келажак бўғин кишилари [4;21].

Аждод – ҳозирги авлоднинг ота-онаси, ота-боболари, олдинги бўғин кишилари [4;21].

Муаллиф ўтмиш ва бугунни, бугун ва келажакни, яъни тинч тотув ҳаётимизни, эркин турмушимизни қарамлик даври билан солиштириш, ана шу фаровонликни келажакка тўлақонли етказиб беришимиз лозимлигини уқтириш мақсадида авлод-аждод, эркин-қарам сўзларидан ўринли фойдаланган. Эркин сўзига қарам сўзи ўзаро антоним ҳисобланади.

Эркин – бошқа давлатларга тобе бўлмаган, ихтиёри ўзида бўлган, ўз ерки билан иш тутадиган [4;200].

Қарам – бошқа давлат томонидан босиб олинган, эксплуатация қилинадиган, ўз ерки билан иш тута олмайдиган [4;200]. Айнан ушбу антоним сўзлар матннинг таъсирчанлигини, экспрессивлигини оширишга хизмат қилган.

“... озод бўлмаган инсоннинг бор-йўқлигига, очлик ва тўқлигига, бахтли ва бебахтлигига кимдир маъсул, кимдир қайғуриши керакдек, гўё. Ушбу гапда қуйидаги сўзлар ўзаро антоним ҳисобланади.

1. Бор-воқе ҳолатда, нақд ҳолатда бўлган, мавжуд

Йўқ-воқе ҳолатда, нақд ҳолатда бўлмаган [4;54].

2.Бахтли-ҳаётидан ўта мамнун, беармон ва шоду хуррам яшайдиган
Бебахт-ҳаётида ўта норози ва қайғу ҳасрат билан яшайдиган [4;41].

3.Очлик-овқат ейишга эҳтиёж сезиш, овқат талаб бўлиш

Тўқлик-овқат еб тўйганлик, овқат талаб бўлмаслик [4;150].

Муаллиф бор-йўқлик, оч-тўқлик, бахтли ва бебахтлик каби антоним сўзлардан мустақиллик қандай буюк неъмат эканлигини, уни асраб-авайлашимиз, кадрига етишимиз лозимлигини уқтириш мақсадида ўринли фойдаланган. Зид маъноли сўзлар орқали ҳар қандай ҳолатнинг яхши ва ёмон томонини, ижобий ва салбий маъноларини аниқ очиб бериш мумкин. Шунинг учун ҳам антоним сўзларда ўзаро зид қўйиш, карама-қарши маъноларни келтириш орқали фикрни тўғри, аниқ етказиш ва кучли таъсир ўтказиш мумкин.

Синонимларни ўрганиш масаласи бўйича ҳам ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқотлар олиб борилган. Синонимлар кўриниши жиҳатидан ҳар хил, лекин маъноси жиҳатидан бир хил ёки бир-бирига яқин сўзлардир. Эссе жанрида синонимларнинг қўлланиши ва услубий хусусиятларини ўрганишда А.Ҳожиев [6;308]нинг тадқиқотларига асосланамиз. Ҳақиқатан ҳам, лексик ва грамматик синонимлар контекста ўзининг стилистик имкониятларини тўла намоён қилади.

Бош сўзи катта синонимик қаторни кўздан кечирайлик. Улуғ, буюк, зўр, азим, улкан, йирик кабилардан иборат синоним қатордаги ҳар бир сўз ўз семантис-тилистик маъносига эга. Эссе жанрида катта, буюк, улуғ, йирик кабилар фаол қўлланади. Масалан, “Катта Корш комедия театрида ўзбекча "Дилхирож" ва "Ёрим уйғонсин" қўшиқлари янгради”.

“Дунёнинг энг оғир юки ҳам, энг буюк бахти ҳам аёлларнинг зиммасида.

Шоира Э.Охунованинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2009 йил 3 апрель сонида эълон қилинган “Аёл мафтунангман” эссесида “Халқимизнинг улуғ фарзандлари, фозил кишилари тамал тошини қўйиб кетган умумбашарий маънавият ва маърифатнинг нурамас иморатини асрамоққа қодир бўлсин улар”, дейилади.

Келтирилган мисолларда синоним сўзлардан ўринли фойдаланилган. Биринчи гапда катта сўзини буюк сўзига алмаштириш мумкин, лекин муаллиф ушбу сўзни қўллашда унинг матн мазмунига мослигига аҳамият берган. Улуғ ва буюк сўзларининг маъноси деярли бир хиллиги, ҳар иккаласининг ҳам кучли оттенкага эгаллиги уларни ўзаро алмаштириш имконини беради.

Эссе жанрида қийин синонимик қаторининг қўлланилиши ҳам характерлидир. Бу қаторда мушкул, маҳол, оғир, машаққатли, амри маҳол, душвор кабилар мавжуд бўлиб, эссе матнида кўпинча қийин, мушкул ва оғир сўзлари ишлатилган.

Шоир Муҳаммад Исмоилнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2009 йил 10 апрел сониде эълон қилинган “Шаҳодат дафтари” эссесиде “Унга қанчалар қийинлигини тушунаман”, дейилади. “Мен бу китобларни варақлаб, бир-биридан чиройли шаҳарларнинг суратига ҳавасим келиб боқардим”, дейди шоир. Ушбу гапдаги чиройли сўзини ажойиб, кўркем, гўзал сўзлари билан алмаштириш мумкин. “Бобомнинг боғидаги осмонга қараб тикка ўсган кўксултон дарахтини яхши кўрардим”, таъкидлайди у.

Эссе жанрида услубий жиҳатдан нейтрал бўлган чиройли сўзи кўп ишлатилади. У одамга ва бошқа жонли жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланган.

Осмон, кўк, само, фалак, гардун синонимик қаторидан газета тили учун, асосан осмон баъзан эса кўк сўзларининг қўлланилиши характерлидир. Эссе матнида эса осмон, кўк ва само сўзларидан кенг фойдаланилган.

Санжар Турсуновнинг “Ўзбекистон адабиёти санъати” газетасининг 2013 йил 29 март сониде эълон қилинган “Қайтмас йиллар баҳори” эссесиде “Мен етти-саккиз ёшли ерга урса кўкка сапчийдиган, ўйиндан бошқа ўйи бўлмаган болакай эдим” дейди.

Эсселарда гоҳи осмон, само ва коинот сўзларининг бирга қўлланилган ҳолатлари ҳам учрайди. Шоира Ётибор Охунованинг биз юқорида таъкидлаган эссесиде “Худди тўлқинсиз дарё, юлдузсиз осмон, ҳилолсиз само,

куёшсиз коинот, муҳаббатсиз дунё, рашксиз, оташсиз юрак, нураган кошона, бекасиз уй янглиғ зерикарли, бўм-бўш, сим-сиёҳ, бўлур эди” дейилади.

Синоним сўзлардан кетма-кет фойдаланиш фикрнинг жозибадорлигини ва таъсирчанлигини оширади. Демак, синоним сўзлар ҳам эссе жанрининг ўзига хос стилистик имкониятларини очишга ёрдам беради.

Эсседа тадқиқотнинг субъекти, унинг объектига айланади. Унинг матнини тайёрловчи муаллифнинг муҳим сифатларидан бири ҳам ўзининг шахсий кайғуришларини очик баён қилишдир. Эссенинг фалсафий-эстетик, бадиий ҳулосаларида инсон ва жамият руҳиятини шакллантирувчи фикрлар ифодаланади. Шунинг учун эссе жанрининг барча шаклий кўринишларида ижодкор шахси, унинг тафаккур олами, дунёқараши ва маданияти бош қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Эссе жанрининг лингвистик хусусиятлари бошқа бадиий-публицистик жанрлардан ҳам фарқланади. Бадиий публицистикадаги жанрлар орасидан фақат эсседа воқеликка ёки шахсга оид субъектив фикрлар эркин баён қилинади. Эссе услуби образлилиги, афористиклиги, жонли тилга яқинлиги билан ажралиб туради. Ушбу жанрда тил услубларининг барчасига тегишли бирликлар, жумладан, ижтимоий-сиёсий лексика, расмий-идоравий, публицистик услублар имкониятларидан ўрни билан фойдаланилганлигини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ўзбек эссе матнларининг лингвостилистик тадқиқи, ушбу жанрдаги матнларнинг тил хусусиятлари ўрганиш жанрнинг ўзбек публицистикасида ўзига хос ўрнини аниқлашга хизмат қилади. Тадқиқотларимиз давомида ушбу жанрнинг тил хусусиятларини ўрганишда давом этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фан. докт...дис. автореферати. – Тошкент, 2005. – 27 б.

2. Рахматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 231 б.
3. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси: дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 220 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.
5. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 158 б.
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

ЛИНГВОКРИМИНАЛИСТИКА ЛИНГВИСТИКАНИНГ МУҲИМ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Жуманазар Норқизилович ЎРОЗОВ

ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада лингвокриминалистика тилшунослик фанининг муҳим бир тармоғи сифатида шаклланиши, бу йўналишнинг пайдо бўлишига сабаб ва эҳтиёж ҳақида сўз юритилади. Шу билан бир қаторда Жаҳон олимлари томонидан лингвокриминалистиканинг юридик ва тилшунослик нуқтаи назаридан турлича талқин қилиниши юзасидан сўз боради.

Таянч сўзлар: лингвокриминалистика, юридик тилшунослик, лингвокриминалистик экспертиза, лингвокриминалистик матнлар, инвективлик градациясини акс эттирувчи лексикографик белгилар, лингвистик экспертизасида графология.

ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛИНГВОКРИМИНАЛИСТИКИ КАК ОДНОГО ИЗ ВАЖНЫХ НАУЧНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ЛИНГВИСТИКИ

Жуманазар Норқизилович УРОЗОВ

Преподаватель

Университет Узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Данная статья иллюстрирует становление лингвокриминалистики как значимой отрасли языкознания, причины этой тенденции и необходимость в ней. В то же время речь идет о различной интерпретации лингвокриминалистики мировыми учеными с юридической и лингвистической точки зрения.

Ключевые слова: лингвокриминалистика, юридическая лингвистика, лингвокриминалистическая экспертиза, лингвокриминалистические тексты, лексикографические символы, отражающие серьезность инвективы, графология в лингвистической экспертизе.

Фанлараро жадал интеграция ўзаро ҳамкорлик ва муаммоларнинг амалий ечим топишига кўмак беради. Жаҳон тилшунослигида юридик тил, унинг лексикаси ва терминологияси муаммоларини ўрганишга, юридик тилни

система сифатида такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Дунё илм-фанида социолингвистика, этнолингвистика, когнитив лингвистика, нейролингвистика, компьютер лингвистикаси каби бошқа соҳаларга интеграциялашган лингвистик йўналишлар юзага келди. Бу жараёнда лингвистик ва ҳуқуқий билимлар бирдай аҳамият касб этади. Улар қаторида ҳуқуқ ва тилшунослик ўртасидаги туташувчи йўналишлар: юрислингвистика, лингвистик экспертиза, суд нотиклиги, қонунлар тили ва шунга яқин соҳаларнинг пайдо бўлиши криминалистиканинг лингвистик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганишни тақозо қилмоқда. Дунё тилшунослигида илм-фаннинг фанлараро интеграцияси доирасида ривожланаётганлигидан келиб чиққан ҳолда юридик тилни такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, юридик тил, қонунчилик услубияти, юридик терминларни илмий жиҳатдан ўрганишга эътибор ортиб бормоқда. Бу ҳам айнан лингвокриминалистика – уни ташкил қилувчи бирликларнинг табиати, маъно гуруҳлари ва улар орасидаги семантик муносабатларни мукамал ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбек тилшунослигида лингвокрималистик тадқиқотлар ва уларнинг лингвопрагматик хусусиятларидан хулосалар бериш, юридик фикрни талқин этишда концепт масаласидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Жумаладан, муаллифлик ҳуқуқи, плагиат ва қалбаки босма материалларга қарши курашиш, ҳақорат ва тухмат, инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий обрўсини ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўплаб даъволар пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида лингвокриминалистика соҳасига бўлган эҳтиёжимизга сабаб бўлмоқда.

Лингвокриминалистика тилдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноят изларини ўрганиш ҳақидаги фандир. Муаллифликни аниқлаш, имзоларни аниқлаш ва плагиатни ўрнатиш учун ёзма матнларни таҳлил қилиш бутун XX аср давомида ривожланган бўлса-да, у XX асрнинг охиридагина

криминалистикада махсус тенденция сифатида пайдо бўлди. Бу йўналишда К.И.Бриневнинг “Теоретическая лингвистика и судебная лингвистическая экспертиза”, Е.И.Галяшинанинг “Основы судебного речеведения”, “Правовой статус судебной лингвистической экспертизы”, М.А.Грачёвнинг “Проблемы становления и формирования лингвокриминалистики как науки”, “Лингвокриминалистика: учебник”, Е.В.Голубеванинг “проблемы лингвокриминалистики в аспекте современности”, И.А.Стерниннинг “Принципы лингвокриминалистического анализа текста” каби илмий тадқиқот ишларини мисол келтириш мумкин. Ўзбек тилишунослигида ҳам лингвокриминалистика бўйича бир неча илмий мақолалар эълон қилинган. Жумладан, Г.С.Хотамованинг “Лингвистик экспертизада графологиянинг роли”, К.Х.Мусулмонованинг “Ўзбек ёзма матнларида лингвистик экспертиза ўтказиш мақсади ва асослари” кабиларни санаб ўтишимиз мумкин.

Лингвокриминалистика тилшунослик фанининг янги йўналишидир. Бугунги кунда унга талаб ҳар доимгидан ҳам юқори. Жиноят, маъмурий ва фуқаролик протсессидида кўп ҳолларда лингвистик экспертиза ўтказилади. Бу атама учта маънога эга: у ҳуқуқий мақсадларда матнни ўрганадиган тил фанининг бир тармоғи; тилшунослик фанининг суд-лингвистик экспертизаларни тайёрлашни ўргатувчи бўлими; жиноий субмаданиятнинг социолингвистик жиҳатларини ўрганадиган тилшунослик фанининг бўлими.

Масалан, арго, гиббериш ва анъанавий тиллар, тахаллуслар, татуировкалар, махфий имо-ишоралар ва бошқалар. Лингвокриминалистнинг асосий вазифаси суд-лингвистик экспертизаларни ўтказиш ёки шахсни унинг лисоний хусусиятларига кўра аниқлашдан иборат. Бироқ вазифалар доираси бу билан чекланмайди. Лингвокриминалистнинг фаолият соҳаси тил билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Кенг маънода бу матнни ўрганиш, тор маънода – лингвистик эксперт хулосаларини тайёрлашдан иборатдир.

Бу йўналиш тилшунослик фанида XX асрнинг охирида пайдо бўлди. Бундан келиб чиқиб, лингвокриминалистика тушунчаси билан танишиш,

ушбу йўналишда иш олиб борган тадқиқотчиларнинг ишларига асосланиб, унинг вазифалари ва асосий усуллари аниқлаш, унинг замонавий тилшуносликдаги ролини аниқлаш мумкин.

Лингвокриминалистиканинг вазифа ва мақсадларини тушунишга оид турли талқинлар мавжуд. Рус олими М.А.Грачёвнинг фикрича, лингвокриминалистика атамасининг учта маъноси бор: 1) тилшунослик фанининг юридик мақсадларда матнни ўрганадиган бўлими; 2) тилшунослик фанининг суд-лингвистик экспертизаларни тайёрлашни ўргатувчи бўлими; 3) тилшунослик фанининг жиноий субмаданиятнинг социоллингвистик жиҳатларини ўрганувчи бўлими [2]. Бундан ташқари, яна бир атама мавжуд – юрислингвистика. Е.И.Галяшина, Н.Д.Голев дастлабки биринчи ва иккинчи таърифни акс эттиради. Бироқ М.А.Грачев фикрича, лингвокриминалист субмаданиятнинг лингвистик элементлари ҳақидаги билимларидан амалий мақсадларда фойдаланиши мумкин: шахсни аниқлаш, тезкор-қидирув тадбирлари, суд-тиббиёт экспертизаси ўтказишда ва ҳ.к. [3]. Амалда эса, лингвистик экспертизаларни ўтказишда қўлланилади, яъни ёзма ва босма матнларни, оғзаки баёлотларни ўрганишга қаратилган синовлар. Лингвокриминалистиканинг асосий вазифаси фақат суд-лингвистик экспертизадан ёки шахсни унинг лингвистик хусусиятларига кўра аниқлашдан иборат деган фикр мавжуд. Бироқ, экспертиза маълумотлари доираси бу билан чекланган деб ҳисоблаш хато бўлади. Тил билан боғлиқ деярли барча мунозарали масалалар мутахассис тилшуноснинг мавзуси бўлиши мумкин. Лингвокриминалистика кенг маънода тил фанининг бир тармоғи сифатида матнни ўрганиш, тор маънода – лингвистик экспертизаларни йиғиш мақсадини кўзлайди. Е.И.Галяшина таърифича, лингвокриминалистик экспертиза – бу далиллар қийматига эга бўлган нутқ маълумотларини (ҳар қандай моддий воситада қайд этилган) лингвистик тадқиқ қилиш бўйича самарали процессуал фаолият [4].

XX асрнинг 90-йиллари бошларида лингвистик экспертиза ўтказишга қизиқиш кучайди, чунки шаъни, қадр-қиммати ва касбий обрўсини ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўплаб даъволар пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситаларига қарши суд жараёнлари ҳам кўпайган.

Ҳозирги вақтда лингвистик экспертиза қуйидаги масалалар билан шуғулланади:

– мунозарали матн, баёнот ёки тил белгисини (масалан, ҳужжат, газета мақоласи, телекўрсатув, фирма номи, товар белгиси ва бошқалар) унинг семантик мазмунини аниқлаш мақсадида ўрганиш;

– мунозарали матн, баёнот ёки лисоний белгини жанр, композицион ёки лексикограмматик ифода шакли нуқтаи назаридан ўрганиш;

– тижорат номларини (фирма номлари, товар белгилари, домен номлари) ўзига хослиги, индивидуаллиги, янгилиги, чалкашлик даражасини аниқлаш мақсадида тадқиқ этиш;

– баҳсли матннинг функционал ва услубий мансублигини ҳисобга олган ҳолда, замонавий тилшуносликнинг нормаларини қўллаш қоидаларини профессионал лингвистик билимларга асосланиб тушунтириш;

– идентификация таҳлиллари ва диагностика (матн муаллифининг белгилари) [6].

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, суд-лингвистик экспертизасида графологиянинг (ижрочининг жинсини, ёшини, қўлда ёзилган матнни ёзиш пайтидаги психофизиологик ҳолатни, атайлаб бузилишларни ва бошқаларни аниқлаш) роли алоҳида ўринни эгаллайди. Тилшунос-мутахассис ёзувнинг мос ёзув нормалари ва умумий ёзиш қоидаларига асосланиб, матнда турли хил аномалияларни қидиради. Инсоннинг қўл ёзуви ўзига хосдир, бу эса мутахассисга меъёрдан четга чиқишлар асосида шахснинг индивидуаллигини аниқлаш имконини беради. Ёзув сингари, босма нутқ ҳам шахснинг шахсий

хусусиятларига (бўш жойдан нотўғри фойдаланиш, параграфларга махсус бўлиниш, шрифт танлаш ва бошқалар) эга бўлиши мумкин.

Аудио ва видео матнларни таҳрирлаш ва қалбакилаштириш техникасининг такомиллашуви муносабати билан эксперт роли ҳам ортиб бормоқда – кўпинча қалбакилаштириш шундай бўладик, фақат тилшунос матнни қуриш, нутқни ривожлантириш тамойиллари бузилганлигини айтиши мумкин, интонациянинг бузилиши ва бошқалар матннинг сохталаштирилганлигидан далолат беради.

Тилшунос-мутахассис олдида ҳал қилинмаган кўплаб саволлар турибди. Ҳақоратнинг ҳуқуқий ҳолатларида энг муҳим нарса ҳақоратли сўзларнинг рўйхати ва табиати, уларнинг таркибига қандай лексемалар киради, қайси ҳолларда улар ҳақоратли бўлиши мумкин, қайсиларида эса йўқ, тилшунос олим маълум ижтимоий гуруҳлар нуқтаи назаридан *жаргон-арго сўз-инвектив*ларга қандай муносабатда бўлади – буларга лингвокриминалист олим жавоб бериши керак бўлган саволлардир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ишлаш амалиёти шунини кўрсатадики, охиригилар оғзаки ҳақоратни аниқлаш, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш бўйича услубий тавсияларга жуда муҳтож. Уларга аниқ мисоллар керак. Баъзи лингвистик тадқиқотчилар луғат тузишни таклиф қилишади, унда “инвективлик градациясини акс эттирувчи лексикографик белгиларнинг янги тизими (масалан, ҳақоратли, одобсиз, салбий баҳо ва бошқалар) ишлаб чиқиши керак” [1]. Шубҳасиз, бундай луғатни тузиш мумкин. Лекин бу лексемашаклларнинг контекст ва нутқий вазиятда бажарилиши ҳақида дарҳол савол туғилади. Бу луғат ҳам тилшунослар, ҳам ҳуқуқшунослар учун зарур. Қийинчилик ҳар бир инвективга кўп сонли мисоллар келтиришда, яъни бир ҳолатда сўз ҳақорат бўлиши мумкин бўлган ва бошқа бир вазифани бажариши мумкин бўлган аниқ расмлар керак бўлади.

Лингвокриминалист тадқиқотининг асосий объекти матндир. Одатда семантик алоқа билан бирлаштирилган белги бирликларининг кетма-кетлиги,

уларнинг асосий хусусиятлари боғланиш ва яхлитлик [5], деб тушунилади. Таърифдан кўриниб турибдики, расмлар ва турли хил йўл белгилари, денгизчиларнинг одатий белгилари ва бошқаларни матн деб ҳисоблаш мумкин. Яъни, тизимга эга бўлган ҳар қандай маълумот, ҳар қандай матн маълум бир ижтимоий-маданий маконда пайдо бўлади. Айнан шу нарса маълумотни яратади ва уни талқин қилиш механизмларини белгилайди. Вақт параметри улар учун асосий эканлигини унутмаслик керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ҳозирги ахборот урушлари шароитида оммавий ахборот воситаларида тухмат ва сўз эркинлигини суиистеъмол қилишга қарши кураш зарур бўлиб қолмоқда, бу эса ўз навбатида кўпинча ҳукумат ва адолат вакиллариининг обрўси ва нуфузини пасайтиришга олиб келади. Аммо баъзида эксперт тилшуноснинг хулосасисиз айбни қонуний равишда исботлаш имконсиз бўлиб қолади. Бу ушбу йўналишнинг долзарблигини ва кейинги ривожланиш истиқболларини келтириб чиқаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Голубева Е.В. Проблемы лингвокриминалистики в аспекте современности // Международный студенческий научный вестник. – 2016. – № 5-3.

2. Грачёв М.А. Лингвокриминалистика: учебник. 1-е изд. – Нижний Новгород: Нижегородский государственный лингвистический университет им. Н.А. Добролюбова, 2009. – 280 с.

3. Грачёв М.А. Проблемы становления и формирования лингвокриминалистики как науки/ М.А. Грачёв // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. – 2010. – №4. -С. 497-500.

4. Галяшина Е.И. Основы судебного речеведения / Под ред. М.В. Горбаневского. – Москва: СТЭНСИ, 2003. – 236 с.

5. Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В.Н.Ярцевой.

– Москва, 1990. – 507 с.

6. Институт судебных экспертиз (ИСЭ) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [хтп://исемгуа.ру/инфо/линг_эх/](http://исемгуа.ру/инфо/линг_эх/). – Судебная лингвистическая экспертиза. – (Дата обращения: 28.02.16).

ТАҲРИР — МУҲАРРИР ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ АСПЕКТИ СИФАТИДА

Вазира Хусан қизи АБДЮЖАНОВА

Таянч докторант

Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

blaugranas_04@mail.ru

Аннотация

Мақолада таҳрир тушунчаси, унинг назарий-тарихий ҳамда илмий аспектларда ўрганилиши, ўзбек журналистикасида таҳрир амалиётининг вужудга келиши ҳамда муҳаррир фаолиятида таҳрирнинг ўрни каби масалаларга эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: таҳрир, қўлёзма, шакл ва мазмун, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, ижодий ҳамкорлик.

РЕДАКТИРОВАНИЕ – КАК ВАЖНЫЙ АСПЕКТ В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РЕДАКТОРА

Вазира Хусан қизи АБДЮЖАНОВА

базовый докторант

Университет журналистики и массовых
коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

blaugranas_04@mail.ru

Аннотация

Статья посвящена понятию и работе редактирования, изучению стуктуры редактирования в теоретическом, историческом и научном плане, возникновению практики редактирования в узбекской журналистике и роли редактирования в работе автора.

Ключевые слова: редактирование, рукопись, форма и содержание, Алишер Навои, Хусейн Бойқаро, творческое сотрудничество.

Ахборот технологиялари асри бугун барча соҳалар каби оммавий ахборот воситалари олдида ҳам иш фаолиятини янги йўналиш ва форматда олиб бориш талабини қўймоқда. Онлайн форматга кўча бошлаган журналистика тартиб-қоидалари йиллар давомида анъанавий оммавий ахборот воситаларида шаклланган қонун-қоидалардан сезиларли фарқ қила бошлади. Бугунги кун журналистикаси соҳа ходимидан бир вақтнинг ўзида бир неча малака ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилмоқда. Айтиш жоизки,

ахборот узатишнинг электронлашиши уни тайёрлаш ва тарқатишни осонлаштирди. Шу билан бирга маълумот тўплаш, янгиликни тезкорлик билан тайёрлаш ва бу орқали аудиторияни биринчи бўлиб ахборот билан таъминлаш принципи айрим вақтларда журналистларнинг матн билан ишлаш кўникмаларини оширишга, материалнинг услубий, мантиқий, стилистик хатоликлардан ҳоли бўлишига тўсқинлик қила бошлади.

Босма нашрдан тортиб рақамли журналистика ҳам, аввало, сўз билан ишлайди. Журналист ОАВнинг қайси соҳасида фаолият юритишидан қатъий назар журналистик материални тайёрлашда долзарб ва муҳим мавзу танлай билиш билан бир қаторда сўз билан ишлаш, яъни матнни таҳрир қилиш малакасига ҳам эга бўлиши лозим. Негаки, оммавий ахборот воситаларининг электронлашиши, ахборот тайёрлаш ва тарқатишнинг барча йўналишларидаги техник тараққиёт нафақат таҳрир жараёнини осонлаштирди, балки журналистнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талабларни ҳам оширди.

Жамиятни ахборот билан таъминлаш функциясини амалга ошираётган оммавий ахборот воситалари материаллари аҳолининг барча қатламларига мўлжаллангани сабаб тушунарли, оммабоп усулда тақдим этилиши керак. Шу сабабдан ҳам материал изчил, мантиқий баён қилиниши, келтирилган фактлар аниқ ва ишонарли, текширилган ҳолда тақдим этилиши зарур. Таҳрир айти шу жараёнда материални тушунишни ва барча кераксиз элементларни олиб ташлашни осонлаштиради.

Бугунги ўзбек журналистикасида ҳам таҳрир масаласига алоҳида эҳтиёж бор. Нафақат, босма ва электрон кўринишдаги оммавий ахборот воситалари, балки китоб нашри билан шуғулланувчи ноширлик ва матбаа соҳасида ҳам таҳрир иши аҳамиятга молик фаолият саналади. Айниқса, “бугунги матбуотимизнинг оғриқли нуқталаридан бири – таҳрирнинг сифатсизлиги. Тажриба шуни кўрсатадики, таҳрир санъатини эгаллаш осон иш эмас. Бундай малакага йиллар давомидаги узлуксиз иш мобайнида эга бўлиш мумкин. Бирор бир мақолани нашрга тайёрлаётганда муаллифнинг ҳафсаласизлиги, матн кўчирувчининг эътиборсизлиги туфайли ўтиб кетган

орфографик хатолар, нотўғри олинган иқтибослар, рақам ва кўрсаткичлар, жой, ташкилот номларидан ташқари фикрлашдаги мантиқ бузилишларини ҳам тўғрилаш зарур бўлади” [5;95].

Таҳрир мураккаб ва кўп қиррали тушунчадир. Матбуот, радио, телевидение, электрон ОАВда таҳрирлаш материални нашрга тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий адабий фаолият соҳасини англатади. Энг асосий жиҳати материалдаги камчиликларни бартараф этиш учун унга танқидий қарашда намоён бўлади. Материалнинг таъсирини максимал даражада ошириш ҳам бу жараённинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Таҳрир иши қўлёзмани мазмуни ва шакли бўйича нашрга тайёрлаш бўлиб, у бир неча босқичларда амалга оширилади. Умуман олганда, ҳар бир матн таҳрирга муҳтож. Бу ҳолатга муаллифнинг ўзи тўғри, осон ўқилиши мумкин бўлган асар ярата олмагани учун эмас, балки у ўз ижодидаги хатоларни фарқлай олиши қийинлиги сабабидан деб баҳо бериш мумкин. Журналистик матнлар махсус маълумотга эга бўлмаган муаллифлар томонидан ёзилгани сабаб аксарият ҳолларда таҳрир қилишни талаб этади.

Журналистика соҳасига кириб келган ўқувчида биринчи навбатда таҳрир нима, бу жараён нимадан бошланади, деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида таҳрир тушунчасига шундай таъриф берилади: “Таҳрир — матбуотда босиш, радио, телевидениедан ўқиш, кўрсатиш ва б. мақсадлар учун мўлжалланган матннинг таҳририят ходими (муҳаррир, адабий ходим ва б.) томонидан ишлаш жараёни” [21;317]. Яъни журналистик материални аудитория эътиборига тақдим этишдан олдин уни мазмун ва шакл жиҳатдан мукаммал ҳолатга келтириш ҳамда нашрга тайёрлаш жараёни таҳрир деб аталади. “Таҳрир” атамасининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги назариялар турлича эканини рус олимларининг адабий таҳрирга доир қўлланмаларида кўриш мумкин. Жумладан, К.М.Накарякова адабий таҳрир атамаси XX аср ўрталаригача қатъий мазмунга эга бўлмагани, бу атама “матнга ишлов бериш” [11;7] деган тушунчани ифодалаш учун қўлланилгани, ўтган асрнинг 40-йилларидан сўнг К.И.Былинскийнинг

“Адабий таҳрир ва газета материалларини таҳрир қилиш асослари” китоби нашрдан чиққандан сўнг бу терминнинг маъноси янада аниқ маънога эга бўлганини ёзади. Негаки, К.И.Былинский биринчи бўлиб таҳрир жараёнининг моҳиятини матндаги хатоларни оддий тузатиш сифатида эмас, балки амалий жиҳатдан асослаб берган. Олим таҳрирни мазмунан таҳлил қилишни ўз ичига олган ягона жараён сифатида кўриб чиққан. Кейинчалик К.И.Былинский ва Д.Э.Розенталнинг «Литературное редактирование» («Адабий таҳрир») дарслигида ушбу нуқтаи назарлар янада ривожлантирилган.

Таҳрирнинг фан сифатида ривожланишига Москва полиграфия институти профессори Н.М.Сикорский [15], А.Э.Мильчин [6]нинг дарсликлари, М.П.Сенкевич [16], К.М.Накарякова [11]нинг китоблари катта ҳисса қўшган. Уларда таҳрир иши бўйича умумий назарий база ишлаб чиқилган.

Бу мавзуда ғарблик S.Norton, R.Browne, D.King, S.Bell, P.Ginna, S.Brian Brooks, L. James Pinson, W.Jean Gaddy [22] ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар ҳам изланиш олиб борган.

А.Э.Мильчин таҳрир атамасига муаллифнинг фактик, мантиқий, лингвистик ва стилистик хатоларини тузатиш [7;320], деган қисқа ва аниқ таърифни келтиради. Муаллиф ўз ўрнида ушбу фикрини уч жилдлик «Энциклопедик луғат»да келтирилган «Таҳрир — муаллиф қўлёзмасини нашрга тайёрлаш, муҳаррир томонидан амалга ошириладиган, асар мазмуни, қурилиши ва услубидаги камчиликларни бартараф этишдан иборат» деган изоҳ билан асослайди. Бироқ олим таҳрир иши фақат нуқсон ва хатоларни бартараф этишдан иборат эмаслигини, таҳрирда мазмун ва моҳият биринчи ўринда туриши лозимлиги таъкидлайди. Филология фанлари номзоди, профессор И.Б.Голуб таҳрирлаш атамасини латинча “redactus” — тартибга солиш сўзидан келиб чиққанини ёзиб, таҳрир ишига матнни ижодий ва техник жиҳатдан хато-камчиликлардан бартараф этиш дея изоҳ берса [2;14], А.А.Сбитнева ҳам таҳрир сўзи латинча тартибга солиш деган маънони англатишини таъкидлаб, матнни текшириш ва тузатиш билан боғлиқ илмий ва

амалий фаолият, ҳар қандай фикр, тушунчанинг аниқ шакллантирилиши дея таъриф беради [14;3]. Олима таҳрирни энг ёш филологик фанлардан бири деб ҳисоблайди. Рус олимларининг ушбу фикрлари таҳрир жараёнининг умумий характеристикасини очиб беради. Қисқа қилиб айтганда, таҳрир матнни тил ва услубдаги ноаниқлик ва хатоликлардан ҳоли этиш. Кенг маънода эса таҳрир қўлёзма устида ишлашнинг барча жиҳатларини ўз ичига олади, бу муаллифнинг асари мавзусини ишлаб чиқиш сифатини баҳолашни, материални мазмун жиҳатидан текшириш ва тузатишни, бир сўз билан айтганда, матнни қайта ишлаш — қўлёзманинг композицион тузилишини бир меъёрга солишни ифода этади.

Таҳрир муаллифнинг фикрини қайчилаш эмас, таҳрир – муаллиф айтмоқчи бўлган, лекин ўхшатиб ифодалай олмаган фикрларига йўл очиш демакдир. Сўзга, жумлага сайқал бериш, сўз сеҳри ва жозибасини ҳис қилиш, мулоҳазаларни изчил равишда баён этиш, ортиқча ва ўқувчи эътиборини муҳимдан чалғитадиган номуҳимлардан воз кечиш деганидир. Рақамларни, исм-шарифларни, истилоҳларни тўғри, хатосиз ёзиш демакдир! [23].

Таҳрир иши нафақат матн билан ишлашни ўз ичига олувчи ижодий фаолият, балки матн тузатиш методикаси ва техникасини ҳам қамраб олувчи техник ишлардан иборат жараён ҳамдир.

Академик фан сифатида адабий таҳрир биринчи марта 1940 йилларнинг охири ва 1950 йилларнинг бошларида Москва полиграфия институти (ҳозирги Москва давлат матбаа санъати университети)да ўқитила бошланган [3].

Ўзбек журналистикасида ҳам таҳрирни илмий асосларда ўрганиш ишлари бошланган бўлса-да, таҳрир назарияси ва амалиётига доир кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилганича йўқ.

Адабий таҳрирнинг илмий асослари баён этилган З.Т.Тоҳировнинг “Таҳрир мантиқи” китобида: “Таҳрир — (арабча — ҳаррара: қутқармоқ, озод қилмоқ маъно ифодасини беради) — фаолият тури, маданий-ижтимоий ишлар ва адабий-ижодий амалиёт соҳаси сифатида ҳозирги замон ноширлик иши ва публицистикада кенг қўлланилади” [17;3], дейилади. Олим таҳрир ишини

турли хужжатларни тайёрлаш деб ёзади. Бу атаманинг маъносини ҳам араб тилидан олинган дейди. Муаллифнинг “Адабий таҳрир” [18] дарслигида ҳам айнан шу фикрлар такрор келтирилади. З.Т.Тоҳировнинг таҳрир қутқармоқ, озод қилмоқ маъноларини англатиши ҳақидаги фикрлари биров баҳсталаб бўлгани сабаб бошқа манбаларда бу сўзга қандай таъриф берилгани билан кизиқдик. “Таҳрир” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам араб тилидан кириб келганлиги, “озод қилиш; тузатиш, муҳаррирлик қилиш; асар ёзиш” [20;42] маъноларини ифода этиши, кенг маънода ёзма ишни, асарни тузатишлар киритиб яхшилаш, тузатиш дея изоҳланган.

Бу ўринда рус олимларининг таҳрирга берган таърифлари бу сўзнинг моҳиятини кенгроқ очиб беришга хизмат қилади, назаримизда. З.Т.Тоҳировнинг ҳар икки китобида ҳам таҳрир сўзининг маъно-мазмунига кенг тўхталиб ўтилмаган. Таҳрир ишига ижтимоий-адабий ва мафкуравий фаолият тури сифатида умумий таъриф берилган [17;3].

З.Т.Тоҳировнинг айтиши шу фикрларини “Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. III жилд”ида ҳам кўриш мумкин. Ушбу нашрда ҳам таҳрир сўзи “қутқармоқ”, “озод қилмоқ” маъноларини бериши, адабий таҳрир қисқача ғоялар, тушунчалар, муаллиф фикрларини асословчи ишонарли далилларни янада аниқроқ сўзлар, ифодалар орқали етказиш учун олиб бориладиган изланиш жараёни экани келтирилади [19;445].

Журналистикамизда ўзига хос таҳрир мактабига асос солган Маҳмуд Саъдий таҳрир иши нималардан иборат эканига унинг умумий моҳиятидан келиб чиқиб «таҳрир санъати адабиётнинг гуллаб-яшнаши учун, матбуот фикрининг халқ қалбидан жой олиши учун ғоятда зарур санъатдир» [13], дейди. Олим таҳрирда муаллифнинг кўртак фикрларини ривожлантиришга эътибор бериш кераклигини, матн билан ишлашда журналист ўзи фаолият олиб бораётган таҳририят йўналишидан келиб чиқиши лозимлигини, таҳрирга тортилган ҳар қандай матнда мавзу эски бўлса-да, янгилик бўлиши шартлигини таъкидлайди. Айниқса, қадимда ўзбек классик шоирлари бир-бирининг асарларини ўқиб таҳрир қилгани, айниқса, Алишер Навоий билан

Абдурахмон Жомийнинг, улуғ мутафаккир билан Ҳусайн Бойқаронинг ўзлари ёзган асарларни ўзаро ўқиб, таҳрирга тортганликлари, ўзбек маданиятида таҳрир санъати қадимги даврлардан ривож топгани ҳақидаги фикрлари таҳрирни тарихий аспектларда ўрганиш учун асос беради.

Маҳмуд Саъдий таъкидлаганидек, таҳрир масаласига Алишер Навоий яшаган даврларданок катта эътибор қаратилган. Улуғ шоирнинг айрим асарларида бу масала қаламга олиниб, шоир билан ҳамнафас яшаган устозлари, дўстлари, замондошлари ўзаро ижодий ҳамкорликни йўлга қўйгани, асарларини бир-бирларига тақдим қилиб фикр алмашгани, айрим сўзларни таҳрир этгани баён этилган. Хусусан, «Ҳазойин ул-маоний»нинг биринчи девони «Ғаройиб ус-сиғар»нинг кириш қисми, яъни дебочасида шоир мазкур китобига Ҳусайн Бойқаро муҳаррирлик қилганини келтириб ўтади: *«Ва ул ҳазрат иноят кўзи била ул раъноларни кўруб ва илтифот назарин ҳар бирига еткуруб, қайси бирининг ҳариру ҳулласида қусуре кўрунса ё ул ҳуллаву ҳарирни мурасса қилган жавоҳирда адами муносабат сабабидин футуре зоҳир бўлса, ул либосларни чиқариб, хизонайи хосдин муносиб ранглиг хазу деб либослар барча қийматий гавҳарлар била тарси қилгон келтуруб ул шўхларга кийдурур эрди ва ҳар қайсини ўз муносабатиға кўра тартиб била ўз олий мажлисида ўлтуртур эди..., ҳар газални тартиб юзидин ўз ўрниға рақам қилур эрди...»* [8;16-17].

Яна мутафаккир шоир «Бадойиъ ул-бидоя»га ёзган «Дебоча»сида ҳам *«Баъзи байтимдин бирор номуносиб лафзни чиқориб, бир даста субҳа ичра бир қасри зарнигор ясагондек, бирор байтқа хат уруб, бир бузуг дашт ичра бир қасри зарнигор ясагондек, бирор байтға дахл берур эрди [9;17]»* дея таъкидлаб ўтган. Шоир наздида, Султон Ҳусайн Бойқаро таҳриридан сўнг *«чун бу байтлар айвони ул ислоҳлар нақшу нигоридин рашки нигорхонайи Чин ва бу газаллар бўстони ул ихтимомлар баҳоридин гайрати хулди барин бўла бўлади»* [9;18].

Ҳусайн Бойқаро «Ҳазойин ул-маоний»даги шеърларни ҳам шоҳ сифатида, ҳам шоир сифатида кўздан кечириб, уларнинг айримларига

ислоҳлар киритган, яъни ғазалларнинг маъно томонидан ёки бадиий санъатларнинг қўлланишида шоир ўзи ёзганидек «бетакаллуфлук» ва «номуносиблиғ» кўрса, уларни бартараф этган [4]. Алишер Навоий «Муншаот» асарининг айрим мактубларида ҳам Хусайн Бойқарога ғазалларини юбориб, уларнинг ислоҳи устида ишлаганини келтирган [10].

Демак, Хусайн Бойқаро улугъ шоир девонларининг яратилишида, уларнинг таркибига кирган ғазалларни ўқибгина қолмасдан, уларни мунтазам тарзда таҳрир ҳам қилиб борган. Навоийдек буюк шоирнинг шеърларига жузъий бўлса-да, тузатишлар киритиш, ислоҳ қилиш учун катта иқтидорга эга бўлиш ва шеърининг энг нозик томонларини чуқур билиш зарур эди. Хусайн Бойқарода ана шу сифатлар мавжуд эди... [10;577]. Шоҳнинг шеър илми борасидаги юксак салоҳиятини Алишер Навоий ўз ғазалларида ҳам эътироф этгани бу фикрларни асослайди.

Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубидаги танбеҳи ҳам шоҳ ва шоирнинг ёзувга, матндаги хатоликларга эътиборли бўлганидан далолат беради: *«Бундин нари бетакалуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқугучига»* [1;321]. Бобур ўғлига ўз ёзган хатини қайта ўқиб кўрганида ҳеч нарсани тушунмаслигини, хатни қийинчилик билан ўқиш мумкинлигини, ундаги хатоликларни кўрсатиб, равшан ва пок алфозда хат ёзса, ўзига ҳам, уни ўқиганга ҳам ташвиш оз бўлишини ёзади.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадик, Алишер Навоий яшаган давр ва ижодий муҳитда ҳам ўзаро фикр алмашиш, асарларидаги сўзларни ислоҳ этиш, ғализликларни бартараф қилиш мақсадида ижодий ҳамкорлик анъаналари йўлга қўйилгани, ёзув ва имлога эътиборлилик Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаб ижод этган XV-XVI асрларданоқ аҳамиятга эга жиҳатлардан саналгани ўзбек мумтоз адабий муҳитида таҳрир амалиётининг қадимдан йўлга қўйилганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.
2. Голуб И.Б. Литературное редактирование: учебник и практикум для академического бакалавриата. – Москва: Юрайт, 2017. – 432 б.
3. Голуб И.Б. Литературное редактирование: учеб. Пособие. – Москва: Логос, 2010. Электрон манба. Мурожаат вақти: 15.01.2022
4. Каримова Ф. Алишер Навоий ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг дўстона ва ижодий ҳамкорлиги. // Тил ва адабиёт таълими. 2016. – №1. – Б. 40.
5. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – 208 б.
6. Мильчин А.Э. Методика редактирования текста. – Москва: Книга, 1980. – 524 с.
7. Мильчин А.Э. Методика и техника редактирования текста. – Москва: Книга, 1972. – 320 с.
8. Навоий А. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Биринчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – 804 б.
9. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами: 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 724 б.
10. Навоий А. Тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик. 9-жилд. Муншаот. 32-мактуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – 768 б.
11. Накарякова К.М. Справочник по литературному редактированию для работников средств массовой информации. – Москва: Флинта: Наука, 2010. – 200 с.
12. Накарякова К.М. Литературное редактирование материалов массовой информации. – Москва, МГУ, 1994. – 189 с.
13. Саъдий М. Фикр кудрати. – Тошкент: Таълим-медиа, 2020. – 240 б.
14. Сбитнева А.А. Основы литературного редактирования: история, теория, практика: учебное пособие. – М.-Берлин: Директ-Медиа, 2015. С.3. – 268 с.

15. Сикорский Н.М. Теория и практика редактирования. – Москва: МПИ, 1980. – 384 с.
16. Сенкевич М.П. Стилистика научной речи и литературное редактирование научных произведений. – Москва: Высшая школа, 1976. – 263 с.
17. Тоҳиров З.Т. Таҳрир мантиқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 240 б.
18. Тоҳиров З.Т. Адабий таҳрир: дарслик. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012. – 320 б.
19. Тешабоева Д.М. ва бошқ. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. III жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 522 б.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.IV .Тартибот – Шукр /Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – 608 б.
21. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 704 б.
22. Norton S. Developmental editing: A Handbook for Freelancers, Authors and Publishers. Published by the University of Chicago Press, 2009.
23. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/mahmud-sadi-haqida.html>.
Мурожаат вақти: 20.01.2022.

“ЁР-ЁР”ЛАР ИККИ БУЮК ШОИР ЭЪТИРОФИДА

Феруза Эшқобиловна АБДУРАҲМОНОВА

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Тошкент, Ўзбекистон

feruzaxon8484@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада туркий халқлар фольклорининг гўзал намунаси сифатида узок даврлардан бери яшаб келаётган “Ёр-ёр”лар, ҳамда уларнинг икки буюк шоир – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур эътиборига тушганлиги ҳақидаги қимматли маълумотлар илмий таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: кўшиқ, суруд, ўлан, чинга, тўй, никоҳ, маросим, анъана.

«ЁР-ЁР» ПО ПРИЗНАНИЮ ДВУХ ВЕЛИКИХ ПОЭТОВ

Феруза Эшкабиловна АБДУРАХМАНОВА

Базовый докторант

Институт узбекского языка, литературы и фольклора

Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье приводится научный анализ образца фольклора тюркских народов «Ёр-ёр», существующего с древних времен и ценные данные о внимании к этому жанру двух великих поэтов – Алишера Навои и Захириддина Мухаммада Бобура.

Ключевые слова: песня, суруд, улан, чинга, свадьба, брак, церемония, традиция.

Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг анъанавий жанри бўлмиш “Ёр-ёр”лар – никоҳ тўйи маросимлари жараёнида айтиладиган халқ кўшиғидир. Туркий халқлар фольклорининг гўзал намунаси сифатида узок даврлардан бери яшаб келаётган “Ёр-ёр”ларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир хулосага келинмаган бўлса-да, унинг тарихи икки минг йилдан кам эмаслигини тахмин қилиш мумкин. Тўғри, балки у дастлаб “Ёр-ёр” радифи билан қуйланмагандир, аммо қизларни кузатиш, узатиш вазифасини бажарувчи маросим кўшиқлари қадимдан мавжуд бўлганлиги аниқдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архивида бошқа жанрларга мансуб фольклор асарлари

билан бир қаторда қарийб юз йиллик фольклористик изланишлар – экспедициялар жараёнида ёзиб олинган “Ёр-ёр”ларнинг бадиий жиҳатдан энг мукамал нодир намуналари сақланиб келинади. “Ёр-ёр” намуналари “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдлиги рукнида чоп этилган “Гулёр”, “Оқ олма, кизил олма”, “Халқ кўшиқлари” тўпламларида, шунингдек, “Келиной кўшиқлари”, “Халқ дурдоналари”, “Остонаси тиллодан”, “Тафаккур чечаклари”, “Алла айтай, жоним болам”, “Ўзбек халқ кўшиқлари”, “Тўй муборак, ёр-ёр”, “Ой олдида бир юлдуз”, “Ўзбегим ёр-ёрлари”, “Ёр-ёрлар” ва бошқа тўпламларга киритилган.

“Ёр-ёр” тўғрисидаги илк ёзма маълумотлар улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоблари бўлган Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каламига мансубдир. Ҳар иккиси ҳам қиз узатиш маросимида куйланган кўшиқлар ҳақида асарларида тўхталиб ўтадилар. “Ёр-ёр”лар ўз жозибаси билан бу икки буюк инсонни ўзига тортгани бежиз эмас, улар Навоий ва Бобур эътирофи билан айтганда замонаси учун рабоянда (тортадиган, жозибали, жозибадор [2;517]. Улар таърифу тавсиф этган гўзал кўшиқ “Ёр-ёр”лар, бадиий жиҳатдан мукамаллиги, бетакрор ва ранг-баранг ижроси, мунгли ноласи, гўзал урф-одатлар билан боғлиқлиги, инсон ҳаётидаги муҳим мезонлардан эканлиги, юрагининг бир парчаси, жону-жаҳонингни ўзга уйга кузатиш кўшиғи ҳамдир.

“Навоий асарлари луғати”да “аёлғу” атамасига таъриф берилар экан, уни мусиқа асбобларидан бирининг номи, ҳамда, “ўлан, ашула, ялла, куй, оҳанг, таъсирли кўшиқ” [2;31] маъноларида ҳам ишлатилганлиги қайд этилади. Бунга эътибор қаратадиган жиҳатимиз шундан иборатки, “Алла” ва “Ёр-ёр” кўшиқларинигина биз таъсирли кўшиқлар сирасига киритамиз. Навоий ва Бобур асарларида “Ёр-ёр”нинг “Ўлан” деб номланиши биринчидан, унинг айтишув кўшиқларига нисбатан эмас, балки қиз узатиш маросимида келин учун куйланган кўшиқлар эканлигини билдирса, иккинчидан, мунгли, таъсирли кўшиқ айтишув бўлмаслигини билдиради. “Ёр-ёр”нинг “ўланг” деб ҳам айтилишини ҳисобга олсак, икки жанр ўртасида бир ном билан яшаш

ва жанрлараро муносабат кўзга ташланади. “Ёр-ёр”нинг мунгли кўшиқ эканлигини қуйида Навоийнинг сатрларининг ўзи ҳам тасдиқлаб туради.

Аёлгунг неча ёр-ёр ўлгуси,

Менинг йиғларим зор-зор ўлгуси[7;452].

Фольклор асарлари ўртасида жанрларлараро муносабатлар кузатилганидек, “Ўлан айтишув” ва “Ёр-ёр” кўшиқларининг келиб чиқиши, бадиияти, тузилиши кабиларида уларнинг аниқ ўхшашлик ва жанрлараро муносабатлар яққол сезилади. Албатта, бу уларнинг айнанлигини билдирмайди, чунки “Ёр-ёр” билан “Ўлан айтишув”ининг аниқ фарқланадиган хусусиятлари талайгина. Хусусан, “Ўлан”нинг тўлиқ айтишув хусусиятига эгалигини таъкидлаган ҳолда, бу “Ёр-ёр”ларда жуда кам учрайди. “Ёр-ёрчи”нинг келин ва куёв тилидан баъзи айтишувлари, икки қуда томоннинг галма-галдан “Ёр-ёр айтишуви, “Ўлан”, ёр-ёр радифисиз ҳам куйланиши, “Ўлан”нинг матнида кетма-кетлик, сўзларни танлаб ишлатиш, қувноқлик ва ҳажвий ҳолатлар, айтувчиларининг жинсий фарқланиши (гарчи “Ёр-ёр”ни йигитлар ҳам айтсаларда, буни улар алоҳида ҳолда куйлайди)ни кузатиш мумкин. “Ўлан”да ўткир сўз ва иборалар танлаб олинади, чунки мақсад ютишдир. “Ёр-ёр”ларда кўпинча, алқов ва тилаклар устувордир. “Ўлан”нинг ўткир сўзлар билан мот қиладиган чечан ўланчилари бўлгани ҳолда, “Ёр-ёр”ни ҳамма ҳам куйлай олиши мумкин. Аммо бир вақтлар, кўшиқларни махсус куйлайдиган айтувчилар бўлган. Ҳамда улар Навоий ва Бобур айтганидек, ўз исмларидан ташқари, аёлғу, навоғў, гўянда, туркий, тархоний каби унвонлар билан аталган.

Навоий “Мезон ул-авзон” асарида “Ёр-ёр” ҳақида шундай ёзади: “Яна чингадурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсарихи матвийи мавқуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар”, андоқким, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,

Ким, дамидин тушти ўтжоним аро, ёр-ёр?

Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон [6;93].

Навоий асарларида шу каби бир қанча халқ кўшиқларидан намуналар келтиради. Чинга шеърини шаклининг баъзи намуналари Навоийнинг “Мезон ул-авзон”га қадар ёзган асарларида ҳам учрайди. 1484 йилда яратилган “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг Доройи даврон қизи Равшанаққа уйланишини тасвирланганда чинга намуналаридан келтиради:

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,

Наво чекки ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг,

Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр!

Мен айтайки: мунглуз бошим ёр-ёр!

Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,

Сурудунг доғи сур аро чингадур.

Аёлгунг неча ёр-ёр ўлгуси,

Менинг йиғларим зор-зор ўлгуси [7;452].

Шоир ўланни икки жонни бирлаштирувчи кўшиқ дея таърифлаб, уларнинг ҳақиқий ҳаёти “сарманзили” “Ёр-ёр” билан бошланаётганини таъкидлайди. “Ёр-ёр”лар ўлан, чинга, чинка номлари билан аталгани ва қиз узатув тўйларида қўйланганини ҳам алоҳида қайд этади.

Навоий ижодини ўрганган навоийшунос олимларнинг деярли барчаси Навоийнинг халқ кўшиқлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини алоҳида эътироф этишади. Жумладан, устоз, филолог олима Мавжуда Ҳамидова достоннинг мукамал илмий-танқидий матнини тузиб чиқади. Илмий комментарияли изоҳларни эса филолог Тошпўлат Аҳмедов тузган ва Навоийнинг юқорида келтирилган тажнис (бир шаклдаги сўзларни турли маънода ишлатиш) санъати ишлатилган байтининг мазмунини қуйидагича изоҳлайди: “Навоий, турган манзилнинг Чинда бўлгач, тўй тугагунча “Чинга” (ёр-ёр) вазнида қўйлайвер” [7;710]. “Ёр-ёр” кўшиғига ишора қилиш “Хазойин ул-маоний”даги ғазалларда ҳам бор:

Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар

Икки-икки чунки киргайлар, отошиб ёр-ёр [5;121].

Бундан кўринадикки, турк улуси орасида XIV асрларда халқ орасида маросим кўшиқлари қатъий анъана сифатида кенг тарқалган ва обрў топган. Махсус тайёргарлик кўрган, устоз-шогирд анъанасига риоя қилувчи аёлғу ва муғаннийлар томонидан куйланаётган машхур кўшиқлар бўлган.

М.Алавиянинг ҳам гувоҳлик беришларича, Навоий тилга олган “чинга” номли қиз узатишда куйланадиган кўшиқлар, XX асрнинг бошларида ҳам халқ орасида “чинка” номи билан етиб келган. Қиз чиқарар тўйига таклиф этилганда “чинга айтишга боринг”, “чинга айтамыз” иборалари учраб турган. Навоий чингани икки хил, деб айтади. Биринчи хили, юқорида кўрсатилганидек, аруз вазнида бўлиб, ёзма адабиётдан ҳам ўрин олган. Навоий чинганинг бошқа бир турини “ҳеч вазн била рост келмас”, деб таърифлайди ва унга намуналар келтирмайди. Шубҳасиз, чинганинг бу хили халқ оғзаки ижодида қадим замонлардан буён бармоқ вазнида яратилиб келаётган ўлан – ёр-ёрлардир.

Навоий ва Бобур “Ёр-ёр”нинг аруз вазнида яратилган хилларини алоҳида қайд этади. Маросим кўшиқларининг илк тадқиқотчиларидан бўлмиш М.Алавия “ҳозир ҳам халқ ўртасида айтиладиган “Ёр-ёр”нинг аруз вазнига тааллуқли экани бизга маълум” [1;43], дейди.

Навоийдан кейин кўшиқ турлари ҳақида энг эътиборли ва қимматли манба, подшоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муҳташам илмий асари “Мухтасар” ёхуд “Аруз рисоласи”да ҳам баён қилинган. Бу ҳақдаги маълумотни устоз филолог олим Саидбек Ҳасанов ҳам маълум маънода сўз бошисида алоҳида қайд этади.

Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи 1561 йил Ҳожи Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган нодир қўлёзма нусхаси асосида, биринчи бор Саидбек Ҳасанов томонидан нашрга тайёрланган. Рисолада ўзбек арузи араб, форс-тожик арузи системаси билан қиёсий баён қилинган. Китоб Саидбек Ҳасанов томонидан сўз боши, рисоланинг ҳозирги ўзбек

графикасидаги транслитерацияси, факсимил нашри, изоҳ ва кўрсаткичлар билан таъминланган.

С.Ҳасанов “Мухтасар”га ёзган кириш қисмида тўй қўшиқлари бўлган “Ўлан” ва “Ёр-ёр” қўшиқлари Бобурнинг асарида алоҳида таъкидланганини айтиб ўтади. Бобур ўзининг мана шу катта илмий асарида халқ қўшиқларига алоҳида эътибор қаратганлигининг ўзиёқ, ўша даврдаги халқ қўшиқларининг ижтимоий ҳаётда нақадар аҳамиятли бўлганлигини исботлайди. “Ёр-ёр”лар, “Ўлан”лар, умуман халқ қўшиқлари ҳақидаги маълумотга Бобур ўзининг ушбу илмий асарининг бешинчи фаслида қўшиқнинг шеърӣ матни ҳамда қўшиқ билан боғлиқ назарӣ маълумотни насрда беради. Шунинг учун биз бемалол Бобур ёзган маълумотларни ҳам шеърӣ, ҳам насрӣ маълумот деб баҳолашимиз мумкин. У бизга фольклор, ҳам этнографик маълумот сифатида қимматли бўлиб, Ҳусайн Бойқаро даврида халқ маросимларида тўй қўшиқлари анча тараққӣ этганлигини билдиради.

Бобур қўшиқнинг *ўланг* тури ҳақида тўхталиб, қуйидагини баён қилади: Атрок аросида бир суруд борким *ўланг* дерлар аксар тўйларда айтурлар. Бу вазн анга махсусдир. Аввал сурудға тақсим қилурда ҳар мисраъдан сўнг ёр-ёр лафзин келтурурлар. Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида чиққан *туркийнинг* аёлғу даврининг ўзига бу *ўланг* тартиб берилди, хейли рабоянда ва яхши келди” [3;172].

Устоз Саидбек Ҳасанов бу турдаги қўшиқни Навоӣ чинка, чанги деб атаган “Ёр-ёр”га тўғри келади деб ҳисоблайди: “Алишер Навоӣнинг “*Мезон ул-авзон*”ида қўшиқнинг бу навъи мунсариҳи мавқуф баҳрида келиб, *чанги* деб ҳам аталган. Бобир келтирган мазкур мисол *мунсариҳ баҳринингмакфуф вазнида* айтилади” [8;12].

Ўзбек халқ қўшиқларини ўрганишга бутун умрини бахшида этган фольклоршунос олима М.Алавия бу ўринда тўй қўшиғи “ўлан” билан “ёр-ёр” бир нарса бўлиб, “Бобур ёзган “ўлан”га Навоӣнинг “чинга” ёки “чинка” тўғрисидаги маълумоти тўғри келади” [1;45], деб ҳисоблайди. Қашқадарё тўй

воҳаси маросимларини тадқиқ этган олим С.Давлатов ҳам “Ёр-ёр” кўшиқларини “ўланг” [4;65] деб номланишини кузатади. “Ёр-ёр” кўшиқларини Бойсун туманидаги Авлод қишлоғида яшовчи Зулфизар Хуррамовадан этнограф А.Аширов ёзиб олган маълумотга кўра, бу қишлоқда “Ёр-ёр” жанрига оид матнлар “ўланг” деб аталишини фольклоршунос олима Л.Худойкулова мақолаларида алоҳида қайд этади [9;60].

Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятининг “Ёр-ёр”лари ўзига хос хусусиятларга эга. Куйлари мунгли, жозибали, ўйноқи, мазмуни лирик, ҳажв, мадҳия ҳам бўлиши мумкин. “Ёр-ёр”лар халқ оғзаки ижодидан шоир ва ёзувчилар ижодига ҳам кўчган жанрлардан биридир. У турли фольклор-этнографик жамоалар репертуаридан, ўзбек бастакор ва композиторлари ижодидан ҳам ўрин олган. Одатда, “Ёр-ёр”лар доира жўрлигида, келинни кузатаётган аёллар томонидан, Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасида келинникига кетаётган йигитлар томонидан ҳам ижро этилади. “Ёр-ёр”да келиннинг хусусиятлари, унинг ҳаёти, орзу-истаклари, яхши тилак ва қутловлар куйланади. “Ёр-ёр”ларнинг фавқулодда таъсирчанлиги уларда бир вақтнинг ўзида ҳам мунгли йиғи, ҳам байрамона шодиёналик кайфиятлари мужассам этилганлигидадир.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, келин келди, ёр-ёр.

Келин билан қўшилиб давлат келди, ёр-ёр.

Келиннинг келиши доим яхшиликка йўйилган, унинг шу хонадонга давлат, бахт олиб келиши ният қилинган. Халқимизда “Яхши ният ярим мол”, “Яхши ният ярим давлат” каби мақоллар “Ёр-ёр” матнларининг кўплаб вариантларида яширин мисраларда намоиш бўлади. Келин у қадар яъни таърифдагидек гўзал бўлмаса-да, у ойларга қиёс қилинади, хушфеъл, хушбичим, қоматлари расо, юзлари гулгун, кўзлари чарос, қошлари қора ва қийғоч тасвир этилади.

Халқ эртагими, достоними ёки маросим кўшиғими уларни ибтидода ким

ва қачон яратгани аниқ эмас. Ҳар бир асар авлоддан-авлодга ўтар экан, вақт ва замон талабларига кўра маълум ўзгаришларга учраши мумкин, лекин унинг асоси, анъаналари ўзгаришсиз келаверади. Фольклорда бирор бир асарни дастлаб кимдир яратган бўлиши мумкин, лекин бу асар сюжети, тасвир воситалари, оҳанг йўллари халқ оғзаки ижоди анъаналарига таянилиб ижод этилса, у фольклор асари бўлиб қолади. Вақтлар ўтиши давомида халқ ижрочилари томонидан янада ишлов берилиб, чинаккам фольклор санъати намунасига айланади. “Ёр-ёр”лар ҳам аввалига “чинка”, “чинга” деб аталиб келинган. Вақтлар ўтиши билан радиф кўшиқ номи сифатида айтила бошлаган. Чинка эса, унутилган. Бунга халқ оғзаки ижоди ижросидаги табиий ҳолат деб қараш керак.

“Ёр-ёр” ижроси ўта мураккаб бўлиб, айтувчилар махсус тайёргарликка, тажрибага эга бўлган, яъни, устоз кўрган, маҳоратга эга, бадиҳагўй аёл ёки қиз томонидан айтилади. Улар кишиларнинг кайфияти, давранинг ҳолати ва вазиятга қараб куйлашган. Халқ орасида, халқ тили билан айтганда, бахши характериға эга бўлган кайвони айтувчилар учраган.

Тогдан кийик тушади, сув ичгали ёр-ёр,

Богда булбул сайрайди, гул очгали ёр-ёр.

Булбул очган гуллари, тарам-тарам ёр-ёр,

Келин ойим қошлари, қийғоч қалам, ёр-ёр [8;8].

Бу ерда ажойиб паралеллизм қўлланган. Инсон ҳар доим табиатга тақлид қилади. Ёрнинг мақоми энг юксакда. Энг азиз нарсани бошига кўтариш инсонга хос хусусият. Шундай экан қийғоч қалам ёрни эъзозлаш лозим. Бу мисралардан англашилаётган дастлабки маъно. Байт янада теранроқ, ботиний мазмунни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Унда кийик ва булбул, сув ва гул паралел қўйилади. Яъни булар шаклан икки кўринишда бўлса-да, моҳиятан ягона хилқат. Улар ҳодиса ва моҳият сифатида ягоналикка, бирликка эга.

Халқнинг “Ёр-ёр”лар билан боғлиқ урф-одатлар ва ҳодисаларга

ёндашиши, талқин этиши ўзига хос. Жумладан, баъзи тўртликларда лирик қаҳрамон васлга эришган аммо, баъзи намуналар борки, уларда отанинг мажбурлаши оқибатида ҳоҳламаган кишисига узатилаётган келинчакни кўрамиз. У шодмонликда ғамгиндир. “Ёр-ёр” сўзлари танланганда ёр-ёрчи томонидан халқона, содда ва ўша тўй эгалари сифатлари ва сийратига мос сўзлар танлаб олинади. “Ёр-ёр”чининг бадихағўйлиги, топқирлиги сабаб, турли образлар, тимсоллар ва иборалар киритилади. Тўй маросими иштирокчилари келин-куёв, уларнинг яқинлари ва тўйхонадаги кишиларнинг калби мўлжалга олинади. “Ёр-ёр”лардаги ҳар бир сўз лирик образнинг рухий ҳолатини ифода этади.

“Ёр-ёр”ларда барча ҳаётий воқеалар инсонни огоҳликка чақириш бўлиб, барчасининг умумий ғояси инсонни қадрлаш, уни саломат сақлаш, яхшилиқни тарғиб қилиш аслида. Содда сатрлар ила яралган халқ кўшиқлари ҳар бир кишига таъсир этиб, кўпчиликнинг ички кечинмаларини ифодалаб, юрагидан жой олади. Айни бугунги кунда бундай кўшиқлар тўй маросимларимиз учун жуда кераклидир. Инсонга ҳам эстетик завқ ҳам қадим ва анъаналарни эслатиш миллат ўзлигини англашдаги асосий воситадир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – 224 б.
2. Алишер Навоий асарлари луғати. //Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1972. – 784 б.
3. Бобур, Захриддин Муҳаммад. Мухтасар. //Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – 240 б.
4. Давлатов С. Анъана ва маросим. (Қашқадарё воҳаси мисолида): ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: Фан, 2009. – 120 б.
5. Навоий, Алишер. Ҳазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. – Тошкент: Фан. 1990. – 526 б.

6. Навоий, Алишер. Мезон ул-авзон. Мукаммал асарлар тўплами. 20-томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 1993. – 329 б.

7. Навоий, Алишер. Ҳамса. Садди Искандарий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. – Тошкент: Фан, 2000. – 727 б.

8. Собиров О. А.Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи шоир ва ёзувчилар архивида сақланаётган, фольклоршунос олим Охунжон Собировнинг архивдаги хужжатларидан № 55-папка. “Ёр-ёр” 139-варақ дейилган. Қўлёзмада. 8-варақ. Машинка ёзувида яна бир нусха 22 б папкада.

9. Худойқулова Л. Алишер Навоий ижоди ва ўзбек тўй маросим фольклорида “Ёр-ёр” жанри. // “Алишер Навоий маънавий меросида комил инсон тарбияси” мавзусидаги А.Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган 5-анъанавий республика илмий-амалий конференция материаллари. – Навоий, 2014. – Б. 58-61

ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ГЕНДЕР ТАДҚИҚОТЛАР

Орифа ХУДАЙБЕРДИЕВА

таянч докторант

Алишер Навоий номидаги

Ўзбектили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

orifa.xudayberdiyeva@mail.ru

Аннотация

Мақолада жаҳон тилшунослигида жинсинг қисқача тарихи келтирилган. Шунингдек, жаҳон тилшунослигида гендер соҳасида тадқиқот олиб борган гендер тилшунослари ҳақида маълумотлар берилган. Улар тилшуносликнинг турли соҳаларида жинсни ўрганишган. Тадқиқотчилар ушбу мавзу бўйича жуда кўп амалий ва назарий изланишларни амалга оширган.

Таянч сўзлар: гендер, феминизм, гендер фарқланиш, биологик жинс, сотциолингвистика, гендер концепт, дефитцит назария, доминант назария, дифференциал назария.

ГЕНДЕРНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В МИРОВОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Орифа ХУДАЙБЕРДИЕВА

базовый докторант

Университет языка и литературы

имени Алишер Навои

Ташкент, Узбекистан

orifa.xudayberdiyeva@mail.ru

Аннотация

В статье представлена краткая история гендера в мировой лингвистике. Также представлена информация о гендерных лингвистах, проводивших исследования в области гендера в мировой лингвистике. Они изучали гендерные аспекты в различных областях языкознания.

Ключевые слова. Гендер, феминизм, гендерная дифференциация, биологический пол, социолингвистика, гендерная концепция, теория дефицита, доминантная теория, дифференциальная теория.

Инсоният тарихида чуқур из қолдирган коммунистик мафкура барҳам топгач, жамиятдаги бўшлиқни миллий қадриятлар, урф-одатлар эгаллай бошлади. Қадимги маданият сарқитлари натижасида аёллар ҳуқуқсизлиги, камситилиши каби зиддиятларга барҳам бериш йўлидаги сай-ҳаракатлар, аёлларни янги демократик фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантириш йўлида Ғарб аёллари ҳаракати натижасида гендер тушунчаси

майдонга келди. Гендер назариясининг турли соҳаларга кириб боришида феминизм назриётчиларининг ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Жинсийлик концепциясига қарши кураш барча соҳаларда амалга оширилди ҳамда гендер барча фанларга хос бўлган умумий тушунчага айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида” конвенция ишлаб чиқилди. Ушбу Конвенция VI қисм 30 моддадан иборат бўлиб, ҳар бир банднинг тенглик ва адолатга асосланганлиги эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигига ишончни қайта тасдиқлади.

Жинс ва гендер тушунчаларини фарқлаш борасидаги биринчи қарашлар 1968 йили Калифорния университети профессори Роберт Столлер томонидан амалга оширилди.

Психология фанида гендер тарихи беш босқичга ажратилади. 1) Фалсафа фанида гендерга хос фикрларнинг шаклланиши (антик даврдан XIX аср охиригача) 2. Гендер психологияси предмети ва бўлимларининг ажратилиши (XIX аср бошлари XX аср охири) 3. “Фрейд даври” яъни, 3.Фрейд ва психоанализ даври (XX аср бошлари – 1930 йиллар) 4. Кенг экспериментал тадқиқотларнинг бошланиши ва илк назарияларнинг пайдо бўлиши 5.Гендер назариясининг барқ уриб ривожланиш даври (1990 йиллардан ҳозирга қадар). Бу антик давр файласуфлари Аристотел, Афлотун, Сукротларнинг асарларида ўз аксини топган. Илм-фан ривожининг илк давларида ҳам эркак ва аёлларга хос хусусиятлар акс этган асарлар яратилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу қарашлар, кейинчалик, Томас Мор, Томаззо Кампанелла, Жан Жак Руссо, Иммануэл Кант, Мари Уоллстоункрафт, Фридрих Шлегел, Артур Шопенгауер каби ижодкорлар томонидан давом эттирилди. Гендер психологиясининг иккинчи даври Ғарб мамалакатларида аёллар эркинлиги учун ҳаракатлар авж олган даврга тўғри келади. Бу даврда авж олган феминистик ҳаракатлар ҳар бир жамият учун турлича мақсадларни мўлжаллаган ҳолда олиб борилган. Учинчи босқич 3.Фрейднинг “Аёллар психологияси” асари билан боғиқ қарашларни ўз ичига олади. Гендер психологиясининг тўртинчи босқичида

Эмонор Маккоби ва Керол Жаклиннинг “Психология половых различий” асари энг йирик ишлардан бири бўлди. Сўнгги босқичда эса, гендер термини кенг маънода қўлланила бошлади.

Гендер масаласи лингвистика соҳасида кенг кўламда ўрганила бошланди. Жаҳон тилшунослигида бу соҳада салмоқли ишларни айтиб ўтиш мумкин. Рус тилшунослигида Г.А.Вильданова, А.А.Денисова, Л.Е.Пак, И.Б.Косицина, О.Г.Троицкая, Е.А.Земская, М.А.Китайгородская, Н.Н.Розанова, А.В.Кирилина, Н.Л.Пушкарёва, Э.Горошко, В.П.Белянин, Д.А.Кочетова, В.Д. Нарожная, К.Т.Тамбиева, С.В.Былкова, А.В. Поплевко, К.В.Киуру, И.Е.Герасименко, Е.С.Зиновьева, Ф.Б.Мухутдинова, В.В.Васюк, Л.В.Адошина, Е.В.Белик, Ю.В.Нарышкина, М.Томская, Р.К.Потапов, В.В.Потапова, И.И.Халеева, Г.А.Вильданова, М.Д.Городникова, Д.О.Добровольский, И.В.Зыково, В.А.Никольская, В.Н.Телия, С.А.Коновалова, Е.Здравомислова, С.С.Асирян, Е.А.Чернишова, О.А.Васькова каби тилшуносларнинг илмий тадқиқотларида эркак ва аёллар ўртасида тафовутдан кўра ўхшашлик кўп эканини [3], гендер тилшунослигининг социологиядан фарқли томонлари, лексик бирликлар, эфемизмларнинг гендер хусусиятларини [2], фонетик тадқиқотларнинг гендер аспекти [4], эркак ва аёллар нутқининг ўзига хос хусусиятлари, лингвистик матнларда гендер тадқиқотлар, гендер тадқиқотларининг шаклланиши, гендернинг шаклланишида тил сатҳларининг ўрни, гендер хусусиятли сўзларнинг прагматик асослари, соф гендер муносабатларининг фольклоршунослик, педагогика, тилшунослик, социология ва лингводидактикада акс этиши масалалари чуқур таҳлил қилинган.

XX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий фан изланишлари, хусусан, лингвистик изланишлар диққат марказига жинслараро фарқланишлар, тилдаги жинсий фарқлар ҳақидаги қарашлар етакчилик қилиб келди. 1960 йиллар бошида Волфрам, Трудгилл, Лабов каби социолингвист-диалектологлар аёллар ва эркаклар нутқини фарқлаш бўйича айтилган барча фикрларнинг тавсифини бера бошладилар. 1973 йилда Робин Лакоффнинг “Language and

Woman's Place" номли классик асари "аёллар ва тил" ҳақидаги тадқиқотлар манзарасини ўзгартирди ва шу йўналишда янги эрани бошлаб берди. Лакоффнинг тадқиқоти нутқдаги фарқланишларни ўрганишни тўхтата олмади, аксинча солиштириш ва таққослаш давом этди. Баъзи муҳим истиснолар билан 1990 йилнинг бошларида тадқиқотчилар тил, биологик жинс ва гендернинг ўзаро боғлиқлиги бўйича изланишлар учун бошланғич нукта сифатида биологик жинс ва гендер фарқларни ўрганиш қанчалик ҳақиқатга яқин эканини жиддий ўйлай бошлашди. Шу йилларда социолингвистлар аёллар ва эркаклар лингвистик амалиётидаги сезиларли гетерогенликни текширишни ва ҳисобот беришни бошладилар. Шу билан бирга, кўплаб аёллар ва эркаклар нутқидаги ўхшашликлар ҳақида ҳам гапира бошладилар. 1973 йилдан то XX асрнинг охиригача тил ва гендер тадқиқотларида урта асосий назария устунлик қилди. "Аёллар нутқи" ҳақида дастлабки замонавий назария кўпроқ Робин Лакофф билан боғлиқ бўлиб, одатда *дефитцит назария (deficit theory)* деб аталади. Унга кўра аёллар нутқи эркакларникига нисбатан самарасиз деб тасвирланади ва аёлларнинг ишончсизлиги ва жамиятда кучсиз ўринга эга эканлиги орқали уларнинг сўзлашув услубини тушунтириб берди. Тил ва гендернинг *доминант назарияси (dominance theory)* биринчи марта 1975 йилда Barrie Torne ва Nancy Henleyлар томонидан тақдим этилиб, унда патриархия – эркак куч-қуввати ва ҳукмронлигига эътибор қаратилди. Тадқиқотчиларнинг тавсифлашича, ижтимоий ва сиёсий келишувларда аёллар ва эркаклар тенг эмас деб қаралади ва шундай муносабатда бўлди, чунки жамиятдаги қоидалар том маънода эркаклар томонидан ишлаб чиқилган. *Дифференциал назарияси (difference theory)* ni Daniel Maltz va Ruth Borker, Deborah Tannenlar ўз изланишлари орқали тақдим этган. Улар эркаклар ва аёлларнинг куч жиҳатдан фарқига эмас, нутқий фарқланишига эътибор қаратдилар.

2003 йилда Шотландиянинг Эдинбург университети тилшуноси Miriam Meerhoff ва Янги Зеландиянинг Веллингтон университети тилшуноси Жанет Холмеслар ҳаммуаллифликда "The Handbook of Language and Gender" деб

номланган мақолалар тўпламини тақдим этдилар. Тўпламнинг мақсади шу соҳадаги энг замонавий, чуқур илмий аҳамиятга эга, дунё таниган тилшунос олимларнинг илмий ишларини оммага тақдим этишдир. Ҳозирги кунда, тил ва гендер масаласи жамият ва тилшунослик соҳасини ривожлантиришдаги тадқиқот ҳамда назарияларнинг аниқ вибрацияси ҳисобланади. Қуйида шу соҳага ўз изланишлари билан катта ҳисса қўшган тилшунос-гендерологлар билан танишиб ўтамиз:

Niko Besnier (Янги Зеландиядаги Веллингтон шаҳри Виктория университетида антропология фани бўйича профессор)нинг тадқиқотлари Полонезиядаги Тувалу ва Тонга ҳудудларининг ижтимоий ва лингвистик антропологияси тадқиқига бағишланган.

Mary Bucholtz (Санта Барбара шаҳридаги Калифорния университети доценти) Кира Ҳалл (*Gender Articulated: Language and the Socially Constructed Self*), Анита С.Лианг ва Лаурел А.Суттон (*Reinventing Identities: The Gendered Self in Discourse*) каби йирик гендерологлар билан ҳаммуаллифликда тилшунослик ва гендерга бағишланган асарлар яратди. Унинг “*Дискурс назариялари гендер назариялари сифатида: дискурс анализ тилшунослик ва гендер тадқиқотларида*” [5;43-68] (*Theories of Discourse as Theories of Gender: Discourse Analysis in Language and Gender Studies*) номли мақоласида дискурсни аниқлаш, дискурс маданият сифатида, коммуникация этнографияси орқали гендер фарқларни аниқлаш, гендернинг интерактив социолингвистик тадқиқи каби масалалар юзасидан фикр билдирган. Ушбу мақолада таҳлил қилинган дискурс анализига ёндашувлар тўртта фарқли, лекин ўзаро боғланган тадқиқот анъаналаридан келиб чиқади: антропологик, социологик, танқидий ва тарихий траекториялар билан боғлиқ антропологик анъана. Унинг таъкидлашича, тилшунослик ва гендерга оид тадқиқотларнинг аксарияти дискурсга ягона ёндашув асосида таянмайди.

Канаданинг Торонто университети доценти *Bonnie McElhinny*нинг изланиш объекти тил, гендер ва сиёсий экономика бўлиб, “*Gender and Discourse*” (1997), “*Sociolinguistics and Language Teaching*” (Cambridge

University Press, 1996) ва “Dislocating Masculinity” (Routledge, 1994) каби йирик журналларада Ruth Wodak, Sandra McKay, Nancy Hornbergerлар билан ҳаммуаллифликда мақола ҳамда тезислар эълон қилди. “*Лингвистик антропология ва социолингвистикада гендер назарияси*” (*Theorizing Gender in Sociolinguistics and Linguistic Anthropology*) номли тадқиқотида жинс ва гендер биологик ҳамда маданий фактлар тўпламини солиштирганда фойдали аналитик мақсадга хизмат қилади деган фикрни тақдим этди. Социобиологик карашларга кўра, жинс йўқ, чунки инсон ҳаётининг маданий детерминантлари йўқ дея таъкидлади. Жинснинг табиий равишда белгиланадиган хулқ-атвор ва жамиятдаги ижтимоий вазифалари инсон ижтимоий ҳаётининг функционал моделини таъминлайди деган хулосаларни бериб ўтади [5;21]. Унинг соҳага яна бир йирик ҳиссаси “*Policing Language and Gender*” номли китоби бўлди.

Нью Йоркдаги Корнелл университети профессори Sally McConnell-Ginetнинг изланишлари номлаш, атоқли от ва оломшларнинг гендер хусусиятлари ҳақида бўлиб, бу мавзуда мақолалар эълон қилишни 1975 йилдан бошлаган. Муаллифнинг “*What is in a Name? Social Labeling and Gender Practices*” номли тадқиқоти “номнинг ичида нима бор?” саволи орқали ижтимоий мақом ва гендер амалиётларига тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, инсонларни тасъвирловчи предикатив белгилар одамларни тавсифлайди ва тасвирлайди. Масалан, *he is real dork. She is a total airhead*. Ушбу икки гап салбий характерга эга, лекин жинсга эга ва бир-биридан фарқли. Биринчиси эркакларнинг ижтимоий қобилиятсизлигини ифодалайди, иккинчиси аёлларнинг ақлсизлигини тавсифлайди. Шу каби мисоллар орқали у ижтимоий мақомнинг жамият билан алоқасини изоҳлаб беради.

Станфорд университети профессори, Калифорния ва шу университетдаги Феминист тадқиқотлар Дастури раҳбари Penelope Eckert ўспиринлик давридаги тил ва гендер масаласи юзасидан тадқиқотлар олиб борган. У илмий изланишлари давомида Ўспиринликнинг идеология сифатидаги моҳияти, лингвистик ўзгаришда ўспиринларнинг лидер сифатида

намоён бўлиши, ўспирин нутқини тартибга солиш бўйича ўзининг илмий хулосаларини бериб ўтган.

Американинг Вашингтон университети профессори *William L. Leap* университетда тил ва маданият, лесбиан/гай, маданий география, таълим антропологияси каби фанлардан маърузалар ўқийди. У “*Word’s out: Gay Men’s English*” (1996), “*Public of Sex/Gay Space*”, “*Out in the Field*”, “*Out in Theory*” каби тилшуносликка оид китобларнинг муаллифи ва муҳаррири ҳисобланади. Шунингдек, у йиллик анъанавий *Lavender Languages and Linguistics* конференцияси координаторидир.

Лондон шаҳридаги Уедусатион университети профессори *Deborah Cameron* “*Feminism and Linguistic Theory*” (Масмиллан, 1992), “*The Feminist Critique of Language*” (Routledge, 1998) va “*Women in Their Speech Communities*” (Jennifer Coates; Longman, 1988) каби гендер тилшуносликка оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган. Унинг “*Гендер ва тилшунослик идеологияси*” [5; 447-466] (Gender and Language Ideologies) номли мақоласида маданият ичидаги тил белгилари, шу маданиятга мансуб аъзоларнинг актуал лингвистик хатти-ҳаракатлари ва тил идеологиялари ўртасида қандай алоқа мавжуд деган саволга жавоб беради.

Чикаго шаҳридаги Калифорния университети инглиз тили кафедраси доценти *Sara Trechter*нинг изланишлари Сиоуан тилларида гендер дейктикасида фойдаланиш бўлиб, этник гендерни аниқлаш, гендерда конфликтли услублар, моделлардан фойдаланиш ва яратиш каби масалаларга тўхталиб ўтади. У лингвистик ва семиотик фарқлаш моделлари тил, гендер ва миллатни тадқиқ қилишда учта сабабга кўра муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди.

Англиянинг Сундерланд университети тадқиқотчиси *Mary Talbot*нинг гендер масалаларига оид йирик тадқиқотлари “*Тил ва Гендер: Қирғиш*” (Language and Gender: An introduction. Polity 1998), “*All the world and her husband: Women 20th century consumer culture*” мавжуд. Бундан ташқари унинг бир қатор ижтимоий ҳаётда тил, гендер ва қобилият мавзусида мақолаларида

нуфузли журналларда эълон қилинган. “Гендер стереотиплари” мавзусида ёзилган илмий мақоласида кўпроқ феминин стереотипларига тўхталиб ўтади. Ушбу мақолада йирик тилшуносларнинг гендер тадқиқотларига бағишланган асарларидан ҳаволалар келтирилади. Хусусан, Жасперсеннинг гендерга бағишланган асарининг “The Women” бўлимида аёллар сўзловчи сифатида “салбий” стереотип яратади. Робин Лакофф еса “Language and Women’s Place” асарида аёлларни фойдасиз, нуқсонли сўзловчилар сифатида стереотипини яратганини таъкидлайди. Камероннинг ибораларига ҳам тўхталиб ўтади, унга кўра “ *Gender is a problem, not a solution* ” яъни гендер бу – муаммодир, аммо ечим эмас.

Канаданинг Торонто шаҳридаги Йорк университети тилшунослик, адабиёт ва лингвистика кафедраси профессори *Susan Ehrlich*нинг илмий мақолалари дикурс анализ, адабиётшуносликка лингвистик ёндашув, иккинчи тилни эгаллаш каби мавзулар билан бир қаторда гендер масалаларига ҳам бағишланган. Унинг энг сўнгги китоби “*Representing Rape: Language and Sexual Consent*” деб номланиб, жинсий тажовуз ва унинг тилга муносабати ҳақида сўз юритилади. *Susan Ehrlich*нинг “*Language in Sexual Assault Adjudication Processes*” [5; 645-668] мақоласида таҳлил қилинган маълумотлар иккита манбадан олинган. Биринчиси, Канада Йорк университетининг жинсий тажовуз масалалари билан шуғулланувчи интизомий суди аудио ёзувларидан олинган. Иккинчиси, Канада жиной судининг стенограммасидан ёзиб олинган бўлиб, жинойтчи жинсий зўравонликнинг икки хил тури бўйича айбланган. Тадқиқотда суд жараёнидаги жинойтчилар нутқи гендер тамойилларга асосан чуқур таҳлил қилинган.

Нью Жерсе шаҳри Монтклаир университети аёллар тадқиқотлари факультети аъзоси, лингвистика профессори *Alice F.Freed*нинг тадқиқот ишлари гендер масалаларини ўз ичига олган дикурс анализ ва социолонгвистика йўналиши бўлиб, шулар юзасидан илмий изланишлар олиб борган. Тилшунос Викториа Бергвелл ва Жанет Бинглар билан

хаммуаллифликда “*Rethinking Language and Gender Research: Theory and Practice*” (Лонгман, 1996) қўлланмасини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, рус ва инглиз тилшунослигидаги гендер тадқиқотлар тилшуносликнинг турли соҳалари доирасида тадқиқ қилинган. Хусусан, социолингвистика, прагматингвистика, антропология, этнография, психолингвистик ва бошқа замонавий йўналишларни ўз ичига олган ҳолда кенг қўламли амалий тадқиқотлар яратилган. Юқорида келтириб ўтилган муаллифларнинг ҳар бир тадқиқоти ўзининг назарий, амалий ҳамда замонавий хулосасига эга бўлиб, тилшуносликда янги изланишларга йўл очади. Тилшуносларнинг битта соҳа орқали тилнинг турли хусусиятларини кашф этишини уларнинг илмий йўналишларида билишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. БМТнинг “Хотин қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенсия”си [Электрон ресурс] URL: <https://lex.uz/docs/-2685528>.

2. Вильданова Г.А. Эвфемия и принцип вежливости в современном английском языке: гендерный аспект. – Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2015. – 162 с.

3. Денисова А.А. (ред.) Словарь гендерных терминов. М.: Информация ХХИ век, 2002. –Стр.5.

4. Троицкая О.Г. Гендерный аспект фонетических исследований [электрон ресурс]. lex.uz

5. Holmes J., Meerhoff M. The Handbook of Language and Gender. – UK, 2003. – p. 760.

КАМЮНИНГ “БЕГОНА” АСАРИДА “ЁЛҒИЗЛИК” МОТИВИНИНГ ЭКЗИСТЕНЦИАЛ ТАЛҚИНИ

Махмадиёр Тураевич АСАДОВ

таянч докторант
Алишер Навоий номидаги
ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон
diyorbek.asadov@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада француз адабиётининг ёрқин вакили, ёзувчи Альберт Камюнинг “Бегона” романи қаҳрамони Мерсо образига турли ракурслардан муносабат билдирилиб, унинг характеридаги ёлғизлик ҳисси, ўзгалардан айро табиати шарқ маънавий тафаккури билан қиёсан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: жамият, инсон, шахс, ижтимоий бегоналашув, бегона, ёлғиз кимса, ёлғизлик, лоқайдлик, расмиятчилик, норасмий турмуш.

ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МОТИВА “ОДИНОЧЕСТВА” В ПРОИЗВЕДЕНИИ КАМЮ “ЧУЖОЙ”

Махмадиёр Тураевич АСАДОВ

базовый докторант
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
diyorbek.asadov@gmail.com

Аннотация

В настоящей статье освещается подход из различных ракурсов к образу Марсо – героя произведения яркого представителя французской литературы, писателя Альберта Камю “Чужой”, а также присущее его характеру чувство одиночества, отчужденности анализируется при сопоставлении с восточным духовным мышлением.

Ключевые слова: общество, человек, личность, социальная отчужденность, чужой, одинокий, одиночество, безразличие, официальный, не официальная жизнь.

XX аср модерн адабиёти ҳам ифода услуби, ҳам тасвир объекти жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Модернизм, асосан, Ғарб адабиёти ва санъатида пайдо бўлишига ҳам асосий сабаблардан бири шундаки, ушбу заминда юксак идеалларнинг қадрсизланиши, инсоннинг ҳузур-ҳаловатсиз,

бир зайлдаги маъносиз ҳаёти, руҳиятидаги тартибсизликлардир. Яна шуни айтиш мумкинки, инсон моддий жиҳатдан бойиса-да, унинг руҳан қашшоқлашган манфаатпарастлик кайфияти ижтимоий бегоналашув фалсафий тамойилларига қараб муқаррар равишда ўзгарди.

“Модернизм тарафдорлари ўзлари яшаётган жамиятнинг ибтидоий бетартиблиги, бугунги куннинг чалқаш ва мазмунсизлиги, замоннинг ўта тартибсизлиги, кишилар онгидаги алғов-далғов фикр-хаёллар инсоннинг ёлғизлик ҳис-туйғуси кучайишига, кескинлашувига олиб келди” [7; 31-32] профессор Муҳаммаджон Холбеков ўзининг “XX аср жаҳон прозасининг тадрижий талқинлари” мақоласида. Профессор Узоқ Жўракулов “одам ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари томонидан маҳв этилади. Бир сўз билан айтганда, инсоннинг идеал дунёси билан реал дунё, орзулари билан вужуд эҳтиёжлари кесишган нуқтада фожиа – Ҳазрати Инсон фожиаси майдонга келади. Шунда одам олдида икки йўл – ё орзуларини қурбон қилиб жамият ичра бахтиёр турмуш кечириш ёки орзулари билан ёлғиз қолиб, шафқатсиз ҳаёт сахнасида трагик образга айланиш қолади. Улкан қувват соҳиби бўлган хавф кўпинча бу курашда ғолиб келади. Шу боис, аксарият одамлар юксак эзгу идеаллар билан эмас, вужуд истакларига қул бўлиб яшашга маҳкум” [2; 309] эканлигини таъкидлайди. Адабий жараён ва адабиётшунослик масалаларига бу каби илмий-фалсафий, социологик жиҳатдан ёндашув бежис эмас, албатта. Юқорида таъкидланган маҳкумият, мажбурият фожией вазиятнинг ечимсизлиги кўплаб модернист ёзувчилар асарлари қаҳрамони қисматида ўзининг бадий ифодасини топган.

XX аср салафлари бўлмиш Ф.Достоевский, М.Пруст, Ж.Жойс, Ф.Кафка, Х.Борхес, У.Фолкнер, В.Вульф, А.Камю сингари кўплаб модернист адиблар ўз асарларида инсонни янгича, ҳар тарафлама тасвирлашга уриндилар, турли ракурсада туриб кузатдилар. Асосан, бу муаллифларнинг бадий яратикларида, рус олими Михаил Бахтин таъбири билан айтганда, “инсонни расман акс эттиришдаги парчаланишлар ёлғизликда ўзини англаётган норасмий одам ва унинг норасмий турмушида кўзга ташланадиган

ўринларга дахл қилиш... инсон ва унинг ҳаётини хусусийлаштиришнинг антик замин романларидаги каби жараёни кузатамиз. Чунки бу ерда ёлғизликда ўзини англашнинг мавжуд расмий-риторик шаклларнинг махсус модификацияси майдонга келган эди... Расмий-риторик шакллар инсон образи бутунлигини ўлдирди, расмий-шартлилик шаклига кирди, қаҳрамон яшаш ва шарафлаш (хусусан, ўзни шарафлаш) сийқа, ясама тус олди. Бундан ташқари, мавжуд расмий-риторик жанрлар моҳиятан ҳам энига, ҳам бўйига қараб тўхтовсиз ўсиб бораётган, бунга сари ўз-ўзига ўралашиб қолаётган норасмий турмуш ифодасига ўрин беради. Бундай шароитга маҳдуд-риторик шакл касб эта бошлайди. Ошиқона-дўстлик вазиятларида (шартли равишда, албатта) инсоннинг янгича, норасмий-маҳдуд тарзда ўзини англаши кўзга ташланади. Омад, бахт, мукофотга лойиқ иш кўрсатиш сингари биографик ҳаётнинг ўзини англашга доир қатор категориялари ва шакллари ўзининг расмий-давлатчилик аҳамиятини йўқотиб, норасмий-хусусий планга ўтади. Ушбу расмий-хусусий дунёга жалб қилиш табиати моҳиятан ўзгара бошлайди. Мутлақ норасмий, ёлғиз ва ҳаракатсиз одамнинг “пейзаж”и, яъни табиатни кўриш (кўриш предмети), қамровлаш (фон, шарт-шароит) доираси майдонга келади... Табиат норасмий одамнинг маҳдуд дунёсига тасвир бўлаклари ўлароқ киради. Сайр соатлари, дам олиш кунлари табиат манзараси тасодифий нигоҳ ташлаш асносида очилади” [1; 115-116]. Демак, бадиий асар мазмуни ва унинг асосий концепциясини ифодалашда ёзувчи томонидан турли шакл элементларини матнда қўллашига М.Бахтиннинг юқорида келтирилган фикрлари назарий асос беради. Бадиий ифодадаги бу ҳолатларни француз адиби Альбер Камюнинг “Бегона” қиссаси сюжети ва композициясида ҳам кўришимиз мумкин.

“Адабиёт инсонни ҳар хил кўринишда, турли алфозда тасвирлайди. Ҳар бир яратилган образга манзара ёки ҳолатга муаллиф муносабати сезилади, бу муносабат уларнинг муайян талқини ҳам. Лекин инсоният яратган буюк бадиий обидаларда тасвир ва ифода этилган ҳолатлар инсоний қиёфалар шунчалик кўз ва ақл илғамас мавж ва тўлқинларга эгаки, уларни бирдан, узил-

кесил тушуниш, талқин қилиш мутлақо имконсиз” [5; 13-14] деб эътироф этади адабиётшунос ва мунаққид Севон Мели.

Дарҳақиқат, Камюнинг Мерсо образи ўта мураккаб, ғайритабиий ва ўзига хос мавжудот сифатида намоён бўлади. Кўринишдан Мерсо ҳам оддий инсонлар каби ҳаёт кечиради, у ҳам бошқалардек давлат ишида ишлайди, кундалик юмушлар билан банд инсон. Бироқ унинг характери ўта самимий, иккиюзламачиликдан йироқ, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари аҳамиятсиз, бу тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Уни бошқалардан ажратиб турадиган нарсa, жамиятнинг барча вакиллари қабул қилган, амал қиладиган расмий ҳаётни қабул қила олмайди. Шу хислати билан Мерсо жамиятга, унинг бутун тартиботларига, ҳатто ўқувчига бегона.

Қиссанинг конструктив ноаниқлиги ва ўқувчини ҳаяжонга соладиган ҳавотирли нуқта, ҳатто ғазаблантирадиган ҳолат Мерсо характеридаги лоқайдлик, безътиборлик ҳамда зоҳир билан ботиннинг бирлашиш нуқтасидир. Яъни, асарда учратганимиз каби Мерсо жамият қонунларини менсимайди, уларнинг бирортасига ҳам амал қилмайди, ҳатто энг юксак қоида – ўз онаси ўлими учун ҳам мотам тутмайди. Дафн маросимида ҳам у ўзини изтироб чекаётган, онасидан жудо бўлгани учун куйинаётган қилиб кўрсатмайди, у қалбида кечаётган – тунни бедор ўтказиб, жуда чарчагани, кўнгли сайр тусаётгани, қуёшнинг жазирама иссиғида онасини дафн қилиш учун узоқ туриб қолганидан қийналаётгани ҳақида ўйлайди. Ҳа, дафн маросига келганларнинг сохта йиғи-сиғиларидан, расмиятчилик сифатида қилаётган ишларидан кўра Мерсонинг қалбини ўртантираётган кечинмалари ҳаққонийроқ кўринади. Шунингдек, у кишилиқ жамияти учун хоҳ мумкин, хоҳ мумкин бўлмасин миясига келган ҳар қандай иш-юмушни тўғри деб ҳисоблайди ва ўйлаб ўтирмасдан бажаради. Мерсодаги бошқалардан фарқли характер ва номутаносиблик ёки шахсиятидаги ўзига хосликни шундай ифодалаш мумкин: модомики инсон ўз ҳаётига ўзи мазмун ҳам, йўналиш ҳам бера олмас экан, у борлиқнинг абсурдлигини бошидан кечиради, аммо уни

онгли равишда, бемалол ўйланмасдан амалга оширади. Шу жиҳатдан ҳам у бошқаларга кескин “бегона”дир.

Мерсо асарда ўзини эътиборсиз қолдирадиган одам сифатида гавдалантирилган, чунки у ўзини намоён қилиш учун етарлича куч, барқарор манба тополмайди. Масалан, шарқ одами (мусулмон кишиси) учун ўзини англаш, маънавий етукликка эришиш, комил инсон бўлиш Оллоҳга ишониш ва ўзини Унинг бандаси деб билиш ҳисси улуғвор. Мерсо эса бу ҳисдан, бу эътиқоддан мосуво. Профессор Умарали Норматов ва Шоира Норматоваларнинг Мерсо табиати тўғрисидаги фикрларини қаҳрамон характери очиш учун ҳолисона ва энг мақбул таърифлардан дейишимиз мумкин. Уларга кўра, онасини севиш-севмаслиги, азада расмиятчилик учун дод солиб йиғламаслиги, Мерсонинг ўзигагина ҳавола. Уни судда Худога ишонмаганлиги учун ҳам айблайдилар. Қаҳрамон бу масалада ҳам ўзига содиқ, у фақат мавжуд, кўриш, ҳис қилиш мумкин бўлган нарсаларгагина ишонади, бошқа нарсалар унинг учун ўз маъносини йўқотган. Инсон қисматига охир-оқибат ўлим ёзилган экан, у эҳтирос ва эътиқод қўйган барча нарсалар бемаъни юпанч, алдовга айланади [6; 74]. Бу таъкид Мерсонинг ҳаёт ҳақидаги субъектив қараши, шахсий ҳулосасини исботлайди. У жамиятда рўй бераётган ҳодисалар, инсонларнинг бир-бири билан муносабатлари, унинг бу жамият билан иттифоқ тузолмаётгани, унинг бошқалардан бегоналиги, бошқалар уни тушунмаслиги, фикру хаёлидаги жамики номутаносибликлар унинг шу ҳулосасини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, А.Камю инсонга табиатдан, коинотдан узилган мавжудот сифатида қарайди. Унинг назарида коинот жонсиз, мавҳум нарса. У ҳеч қачон инсонни тушунмайди, Инсон ҳам у билан боғлиқ эмас. Натижада инсон яккаланиб, ёлғизланиб қолади ва ҳаёт унинг учун аянчли, зерикарли манзарага айланади. Лекин инсон зарурат ва мажбурият юзасидан ана шу бемаъни ҳаётни яшаб ўтиши шарт. Камю фалсафасига хос бўлган бу концепцияни кенг ёйиш унинг қаҳрамони бўлган Мерсо зиммасига юкланади. Ва бу образ асарнинг аввал-охири шу моҳият учун хизмат қилади.

Ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам “Суд Мерсонинг онаси жасади устида йиғлаб-йиғламаганини эмас, балки айти мана шундай ҳолатларини ҳисобга олиб қотиллиги учун ҳукм чиқариши лозим эди” [9; 32], деб ҳисоблайди ва суд, унинг иштирокчилари Мерсони ўзига, жамиятга бегона деб тоғанини таъкидлайди. Бу билан У.Ҳамдам Мерсога биров ёнбосган бўлса-да, аслида жамиятдаги айрим иллатларни қоралайди. “Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз-ўзига, ўз табиийлигига, болалигига, самимиятига бегона бўлиб бормаяптими?... Асл бегоналар ўз виждонига ҳилоф иш тутувчи кишилар, дили бошқа-ю, тили бошқалар эмасми?..” қабилдаги аччиқ саволлар билан муносабат билдиради. Шунингдек, У.Ҳамдам “Мерсо турланмайди, у нимани ўйласа ва ҳис қилса, шуни гапирди, кўзбўямачиликни ўзига – инсонга эп кўрмайди. Бироқ бу дунёда самимий бўлиш беҳад таҳликали бўлиб чиқади. Мерсо ўз самимияти учун дорга ошишга ҳукм этилади. Самимияти учун жамият ичра бегона деб топилади” [9; 32], дея ҳисоблаб асар сюжетидаги воқеликка ва Мерсо ҳолатига тўғри баҳо беради.

Шунинг учун ҳам Мерсога атрофдагилар билан бирга бўлиш, улардек расмий турмуш кечириш жуда қийин. Мерсо кундалик ҳаётнинг механикасига тушиб қолганга, яъни механик одамга ўхшайди. Унинг назарида “турмушда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, ҳаммаси доим бирдай” [4; 49]. Йирик рус назариётчиси М.Бахтин айтганидек, “бундаги одам ҳам худди юнон романидаги сингари ғайрирасмий ва ёлғиз. Шу боис, гуноҳкорлик, покланиш ва ҳаловат топиш жараёнлари ғайрирасмий-индивидуал моҳият касб этади. Бу ягона одамнинг шахсий кечмиши. Бу одам фаол ижодкорлик ҳуқуқидан маҳрум. Фаолият хато ва гуноҳ томон ўйламай босилган қадам оқибатида пайдо бўлади. Шунинг учун ушбу йўл моҳияти инсон ва унинг қисмати билан чегараланади. Ушбу замон йўли худди юнон романларидагидек атроф оламга бирор из қолдирмайди. Шунга мос равишда инсон тақдири ва дунё ўртасида муносабат зоҳирий моҳият касб этади” [1; 86].

Камю Мерсо образини биринчи одам сифатида, бетараф услубда яратиб, “ташқи фокализация” (кузатув) остида ўзининг экзистенциал шаффофлигини

бирлаштиради ва уни жамиятдан айро ҳолатдаги абсурд муҳитда жойлаштиради. Бу билан адиб инсоннинг барча “кишан”лардан озод, мутлақ эркинликдаги ҳолатини, норасмий фаолиятини кўрсатмоқчи бўлади. Инсон космос тартиботлари, жамият қонуниятлари, эътиқод ва амаллар, жамики инсониятга хос ижтимоий-ахлоқий қоидаларни бир четга суриб, уларга итоат қилмай яшаса, бундай инсон жамият учун бегона ва жамият уни ажратиб ташлаган Мерсога қисматдош бўлишини адиб кўрсатмоқчи бўлади.

Табиатан олганда Мерсо ғарб одамидир. У ҳаётда фақат ўзи учун яшайди. Бошқача айтганда, у европача индивидуализм ва эгоизмнинг типик вакилидир. Марҳум Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари таъбири билан айтганда, “ғарбликлар яхшилик қилиш ва эзгуликка бўлган рағбатларини йўқотган, соғлом принциплар ва асосларни зое қилган, қалблари тўғри йўлдан оғган, табиатлари бузилиб кетган...” [8; 317]. Дарҳақиқат, улкан иккита жаҳон уруши ва турли хунрезликлар оқибатида дунё халқлари, айниқса, Европа ҳудудларида истиқомат қиладиган инсонларда антифашистик кайфият ҳукм сурган. Халқнинг силласи куриб, оғир турмуш тарзини бошдан кечирган, инсоният муаммолар гирдобидида тушиб қолган. Алалоқибат, инсон маънавиятига, руҳиятига путур етиб, шахс танҳоликка, ёлғизликка маҳкум этилади. Ғарбда Шарқдан фарқли ўлароқ шахс асосан ўз муаммолари билан индивидуал (якка ўзи) курашади ва аксарият ҳолатларда ютқазади. Натижада тушқунликка тушиб, жамиятдан кўнгли қолади, нигилистик ҳолатга тушади ва абсурдни бошидан кечирилади. Шарқда эса жамоавийликка кучли аҳамият қаратилади. Ҳар бир муаммога маслаҳатлар, машваратлар билан ечим топилади. Шахснинг яккаланишига шарқона маънавият, қадрият, эътиқод, ҳатто исломий таълимот йўл қўймайди. “Ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби мусулмон халқларининг чиройли яшаш санъати бўйича эришган муваффақиятларининг асосий сабаби ҳам уларнинг динлари, яъни Исломдир. Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал дини, қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятни икки дунё саодатига элтувчи дини – Ислом таълимотлари ўзига эътиқод қилувчи ва ихлос билан амал қилувчи

инсонларни бу дунё ҳаётида чиройли яшаш санъатидан баҳраманд бўлишларининг асосий омилидир” [8; 150].

Агар инсон ғарб одами бўлган Мерсодан фарқли ўлароқ расмий (одатдаги, барча кўниккан) турмуш-тарзини танласа, ҳаёти гўзал ва янада мазмунли бўлади. Шайх ҳазратларининг гапига ҳамоҳанг фикрни М.Бахтин кашфиётларида ҳам учратишимиз мумкин. “Расмий одам доимо ҳаёт қозонида кайнайди, фаолият кўрсатади. Унинг турмушидаги ҳар лаҳза моҳиятига кўра расмийлашувга имкон беради. Расмий одам ўз табиатига кўра очик-ойдин, кўриладиган, эшитиладигандир. Расмий ҳаёт ўз-ўзини турли-туман шаклларида намоён қилиш ва ўз-ўзига ҳисоб бериш имкониятига эга бўлади” [2; 91]. Мерсо эса аксинча ғайрирасмий ҳаёт вакилидир. У яшайдиган маиший ҳаёт тамомила хусусий, мутлақ норасмийдир. Унинг ҳаёт кечмишига моҳиятан қарагандан, расмий нарсанинг ўзи йўқ. Ундаги бор воқеалар, Бахтин тилидан айтганда, “махдуд одамларнинг хусусийлашишлари”дир. Бундай одамлар жамоавий ҳолатда бирлашиб, ўзларини намоён эта олмайдилар. Улар жамиятнинг фаол аъзоси сифатида оммага кўрина олмайдилар. Расмийлик хусусиятини, дейди Бахтин, улар фақат бир ўринда, жиноятчига айланганларидагина оладилар. Жинояткорлик – бу ғайрирасмий турмушнинг мажбуран расмийлашувидир [1; 90].

Ўқувчи сингари, асар ҳикоячисининг муносабатларини бузадиган нарса бу Мерсо ўз ҳаёти ҳақидаги қарашлари ва ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатиб, бошқалар билан бирлаштирадиган ҳар қандай “бошланғич нуқтани” дарҳол йўққа чиқарадиган ва одамларга ёки табиатнинг бирор ҳодисасига бўлган муносабатида эса доимий лоқайдлик мавжуд. Асар бошланишидаги Мерсонинг шундай гапини эслайлик: “Бугун онам ўлди. Ё кечамикан, билмайман. Ғарибхонадан “онанг вафот қилди. Кўмилиши эртага. Чуқур ҳамдардлик билдирамиз” деган телеграмма олдим. Тушунмайсан. Балки кеча ўлгандир” [4; 16].

Бу ерда адиб қисқа, узук-юлуқ жумлалар орқали энг улуг сиймо – онадан фойдаланади. Дунёда энг қадрли бўлган ўз онасининг ўлими орқали адиб

абсурд қаҳрамон Мерсони ижтимоий яқинликка таклиф этади ва жамият “аъзо”лигига киритмоқчи бўлади. Мерсони бутун кўз ўнгида қоралайдиган нарсa – келтирилган парчадаги она ўлимига фарзанднинг бепарволигидир. Буни ижтимоий ахлоқда оқлаб бўладими? Мерсо асар бошиданоқ энг юксак, энг асосий ахлоқий қоидаларни, ижтимоий битимни бузади ва номутаносиб контурларини ўта лоқайдлик билан баён қилади. Ушбу парчада у аллақачон “ёмон ўғил” сифатида намоён бўлади, ва айнан мана шу ҳолат қачондир даҳшатли ижтимоий фактга айланади. Унинг суд жараёнидаги суруштирув-тергов ишлари ва ўлим жазосига маҳкум этилишининг ҳақиқий сабаби ҳам айнан шу ижтимоий келишувни бузганлигига қаратилган бўлади. Буни прокурор тилидан айтилган асардаги шундай сатрларда ҳам кўришимиз мумкин: “Муҳтарам маслаҳатчилар, бу одам бир кун олдин онасини кўмиб, эртаси куни қўмлоққа чўмилишга борган, у ерда ўйнаш орттирган ва шод-хуррам томошага тушган. Сизга бундан ортиқча гап айтолмайман” [4; 94].

Шу ўринда бадий асарларда суд-жиноят категорияларидан фойдаланишнинг турли усул ва йўллари ғайрирасмий ҳаётни расмийлаштиришдаги махсус шакл сифатида роман тарихига хос қизиқарли, шу билан бирга, энг муҳим омилдир. Бахтиннинг роман тарихига оид назарияларида, “расмий турмуш тарзидан фарқли ўлароқ, роман таркибига кирган бу хароба норасмий ҳаёт, табиатан сирлироқдир. Уни моҳиятан фақат томоша қилиш ва тинглаш мумкин. Норасмий турмушни тасвирловчи адабиёт мазмунига кўра “ким қандай яшаётганини” кузатиш ва тинглаш адабиётидир. Бундай турмуш тарзини фақат фаол суд жараёнлари тарзида тасвирлаш ёки романга бевосита суд жараёни (қидирув ва тергов шакллари)ни олиб кириш, норасмий турмушга эса жинойт ҳаракатларни боғлаш билангина фош этиш мумкин” [1; 91].

Бундан ташқари, Мерсонинг табиатида, у яшайдиган “дунё”да ҳатто жамоат тартибини бузадиган энг хавфли хатти-ҳаракатлар, жумладан, қотиллик ҳам жамият томонидан қабул қилиниши, кечирилиши мумкин. Асарда Мерсо ва дўсти Раймоннинг арабларга рўбарў келгандаги мана бу

гапини эслайлик, “Шунда мен отиб ташласа ҳам, аксинча, отмаса ҳам бўлаверади, нима фарқи бор, деб ўйладим” [4; 62]. У арабга қарата ўқ узади, араб йиқилади ва яна тўрт марта кетма-кет ўқ отади. “Дастакнинг бўртиқлари силлиқланган, текис эди ва шунда тепки жуда енгил кўзгалди – қуруқ, лекин қумлоқни батанг қилгудай гумбурлаб кетди – ҳаммаси бошланди... Бундан сал олдин шундай яхши турган куннинг мувозанатини, қумлоқ қирғоқнинг ғайриоддий сокинлигини бузиб юборганимни англадим. Ўшанда ястаниб ётган гавдага қарата яна тўртда ўқ уздим, ўқлар унга из қодирмай кириб кетди. Ва бу тўртта кескин зарб шундай товуш бердики, мен мисоли фалокат эшигини қоқиб тургандек бўлиб қолдим” [4; 65]. Асарда Мерсонинг жинойт содир этиш саҳнасини ва бунга сабаб бўлган омилларни кузатар эканмиз, қаҳрамон Жазоир қуёшининг ҳаддан ташқари жазирама эканлиги, бунга чидаб бўлмаслигидан шикоят қилади. Ҳатто унинг жинойт содир этишида ҳам қуёш “айбдор”. Агар бу ўринда қуёшга мажоз деб қаралса, унда у ниманинг рамзи? Бу масалага ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “инсоннинг коинот жисмлари таъсирида юрганими?” [9; 32] деган тахминий ёндашуви ўзини оқлаши мумкин. Зеро, юқорида келтирганимиз Камюнинг инсон коинотнинг таркиби эмас, аксинча у “табиатдан, коинотдан узилган мавжудот сифатида қараши” У.Ҳамдамнинг гипотезасига илмий асос берадигандек, кўринади. У араб билан рўпара келганида араб пичоғини чиқаради ва қуёшга тутаяди. Қуёш пўлатнинг юзида аксланади, натижада бу нур Мерсонинг кўзига тушади. Унинг назарида, чақноқ тиғ унинг пешонасига санчилгандай бўлади, ҳатто шу дақиқада қошига йиғилиб қолган тер ҳам унга ҳалақит беради. Мана бор сабаб. Арабга қарата отилган биринчи ўқ “*яхши турган куннинг мувозанатини, қумлоқ қирғоқнинг ғайриоддий сокинлигини бузиб юборганини*” – ўзининг сокин, бир зайлдаги осойишта ҳаётини барбод қилганини англашига менгзалса, ўлик мурдага яна тўртта кескин отилган ўқ “*мисоли фалокат эшигини қоқиб тургандек*” – унинг бундан кейинги ҳаётида катта фожиа кутаётгани таъкидлаши билан бирга юқоридаги айтилган “нима фарқи бор” сўзини асосласа, ажабмас.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Камюнинг “Бегона” қиссаси қаҳрамони ўртача аудитория учун оддий бўлиб туюлиши мумкин, аммо катта аудитория учун Мерсо ҳикояси бу тор талқиндан ҳоли. Аслида, Мерсо юқорида таъкидлаганимиз каби, XX аср ғарб фуқаросининг қиёфаси бўлиб, ўз абсурд дунёсига жавобан, хатти-ҳаракатларида ғайрирасмийлик ва ғайриоддийлик бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. // Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 288 б.
2. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2015. – 356 б.
3. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Kamalak, 2016. – 464 б.
4. Камю А. Бегона. Вабо. Ён дафтарчалар. Ҳикматлар / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: профессор А.Саидов; Тўпловчи: Л.Исоқов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 476 б.
5. Мели С. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020. – 528 б.
6. Normatova Sh. Jahon adabiyoti. /Oliy o‘quv yurtlari uchun o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Cho‘lpon, 2008. – 96 b.
7. Холбеков М. XX аср жаҳон адабиёти манзаралари. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2020. – 700 б.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2021. – 440 б.
9. Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernism va postmodernizm / o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – 288 b.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ: ЯНГИ ЁНДАШУВЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МЕДИАЛАНДШАФТГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

Мукаррам ОТАМУРОВОДА

докторант

Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон

mrs.mukarramotamurodova@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада жаҳон медиаландшафтида сўз эркинлигининг янги ёндашувлари сифатида ривожланаётган медиа эркинлик, плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги), медиа мустақиллик ва журналистлар хавфсизлиги тушунчаларининг назарий асослари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: медиаландшафт, сўз эркинлиги, медиа плюрализм, интеграциялашув, ахборот сиёсати.

СВОБОДА СЛОВА: ИНТЕГРАЦИЯ НОВЫХ ТЕНДЕНЦИЙ В НАЦИОНАЛЬНОМ МЕДИА ЛАНДШАФТЕ

Мукаррам ОТАМУРОВОДА

докторант

Университет журналистики и массовых
коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

mrs.mukarramotamurodova@gmail.com

Аннотация

В данной статье анализируются теоретические основы формирующихся концепций свободы, плюрализма, независимости СМИ и безопасности журналистов как новых тенденций свободы слова в глобальном медиа ландшафте.

Ключевые слова: медиаландшафт, свобода слова, медиаплюрализм, интеграция, информационная политика.

Рақамлашган жамиятларда “access to information” яъни “ахборот очиклиги” тушунчаси кўпинча “access to the internet”, яъни “Интернет очиклиги” деган тушунчанинг синоними сифатида қўлланмоқда. Чунки сўнгги ўн йилликда қайсидир маънода анъанавий ОАВнинг молиявий инқирозига сабаб бўлган Интернет ва унинг замонавий имкониятлари замирида шаклланган янги медиалар ахборот олиш мақсадида аудиториянинг энг кўп мурожаат қиладиган манбасига айланиб улгурди. “Халқаро

телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра, 2019 йилда Ер шарининг 53 фоиз аҳолиси интернетдан фойдаланиш имкониятига эга. Бу рақам, бир томондан, янги аср бошидаги кўрсаткичга нисбатан 15 марта кўп бўлса, иккинчи томондан, у ахборот-коммуникация технологиялари жамият ривожига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири эканидан далолат беради” [3;3] Мазкур омил нафақат жамият ривожини белгиловчи, балки глобал ва локал медиаландшафтларнинг компонентлари, парадигмалари ва ундаги ахборот ҳаракатини ўзгартираётган воситага айланди. Юқоридаги ўзгаришлар эса ахборот тарқатувчилар ва истеъмол қилувчиларнинг сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминланишидаги жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Зеро, сўз эркинлиги ҳуқуқи ахборот майдонидаги янгилашларга мутаносиб равишда кенгайиб бораверади.

Ҳар йили ЮНЕСКО томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган “Жаҳонда сўз эркинлиги ва медиа тараққиёти” мавзусидаги глобал тадқиқотда демократия ва шаффофликнинг муҳим белгиси бўлган сўз эркинлиги билан боғлиқ янги тушунчалар ва уларнинг дунё медиаландшафтида намоён бўлиши таҳлил қилинади. Оммавий ахборот воситалари сўз эркинлигининг ҳаётий тармоғи [12;34] сифатида фаолият юритар экан бу жараёнда матбуот эркинлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Матбуот эркинлиги (Press freedom) тушунчасига мос тарзда Медиа эркинлиги (Media freedom) ҳам янги ёндашув сифатида шаклланиб бормоқда. Аксарият ҳолларда бир хил тушунча сифатида қўлланиладиган икки парадигма қамрови ва ифодавийлигига кўра бири-биридан фарқ қилади. Масалан, Калифорния университети профессори Дженнифер Иган бу атамага қуйидагича таъриф беради: “Медиа эркинлик (Media freedom) – турли оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятида сиёсий фаолият юритиши ҳамда ахборот манбаларининг эркинлигидир. Медиа эркинлик атамаси матбуот эркинлиги ҳақидаги анъанавий ғояни радио, телевидение ва Интернет каби электрон оммавий ахборот воситаларига нисбатан татбиқ этади. Бу атама замонавий жамиятда

ОАВнинг матбуотдан ташқари бошқа турларини ҳам ўз ичига олишини англатади.

Демократик жамиятлар учун медиа эркинлиги ҳаётий зарурат ҳисобланади. Одатда одамлар, жамиятдаги муҳим масалалар бўйича асосли қарорлар қабул қилиш учун ўзларига керакли маълумотни тегишли идоралардан ололмайдилар. Шунинг учун ҳозирги пайтда анъанавий ОАВдан ҳам кўра электрон ва онлайн медиага таянадилар. Бундан ташқари, замонавий медиа жамоатчилик муҳокамаси ва фикри учун восита бўлиб, ҳақиқатни излаш, жамоатчиликни тарбиялаш ва ҳукумат устидан назоратчи куч сифатида хизмат қилиш функцияларини бажаради [13;27]. Профессор Дженнифер Иганнинг талқинига кўра, медиа эркинлик тушунчаси матбуот эркинлигининг муқобили бўлиб, ОАВнинг турлари бойиб бориши натижасида шаклланган. Аммо ЮНЕСКОнинг бир гуруҳ тадқиқотчилари “press freedom” – матбуот эркинлиги тушунчаси “media freedom”га нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини исботлашга ҳаракат қиладилар. “Media freedom” – турли медиа платформаларида ўз фикрини эркин билдириш ва сўровлар, яъни ижтимоий тармоқлар орқали турли ташкилот ва мутасаддиларга мурожаат қилиш ёки ўзи хоҳлаган бошқа бир медиамаҳсулотни улашиш каби ҳаракатларни эркин амалга оширишни ифодалайди. Бу каби эркинликдан ҳар бир “digital citizen” (“рақамли фуқаро” – жамият, сиёсат ва ҳукумат ҳаётида иштирок этиш учун ахборот технологияларидан фойдаланадиган шахс) [6;18] фойдаланишга ҳақли. Матбуот эркинлиги эса мамлакат медиа экотизимидаги барча компонентларни: ОАВда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм), унинг мустақиллиги учун яратилган инфратузилма, журналистлар хавфсизлиги ва соҳада гендер тенглиги каби масалаларни ўзида мужассам этади. Ҳар қандай давлатда матбуот эркинлиги фақат ёзиш ва чоп этиш ёки тасвирга олиш ва намойиш этиш билан чекланмайди. Мазкур ҳуқуқ медиа ижодкорларининг бутун фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ қатор масалаларни ҳам қамраб олади.


Янги медиалар манба сифатида матбуот ва сўз эркинлиги учун катта имкониятларга эга бўлиб, улар ўзаро мулоқотда географик чегараларни тан олмайди ва ахборот тарқатишдаги инновацион ёндашувларга кенг имкон беради. Булар матбуот эркинлиги учун муҳим омиллар ҳисобланади [10;23]. Тадқиқотчи олим Могенс Шмидтнинг бу фикрлари ҳам медиа эркинлиги фақатгина матбуот эркинлигининг таркибий қисми эканлигини тасдиқлайди. Чунки демократик жамиятда матбуот эркинлиги таъминланмас экан, медиа эркинлиги ҳам қадрсиз тушунчага айланиб қолади. Шу маънода жамиятда матбуот ва сўз эркинлигини белгиловчи янги ёндашув сифатида медиа эркинликнинг ролини ҳам инобатга олиш зарур, чунки “2016 йилда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони 2,3 миллиардни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 4,2 миллиард” [11;8] га ўсган. Мазкур ҳолат жамиятда интернет очиклигини таъминлаш – кун сайин ортиб бораётган тармоқ фойдаланувчиларининг сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилаётганидан дарак беради.

Жаҳон медиаландшафтида сўз эркинлигининг умумий манзарасини фақат медиа эркинлик орқали тасаввур этиб бўлмайди. Глобаллашувнинг тезлашиши мазкур ҳуқуқни амалга оширишда медиа плюрализм (хилма-хиллик) ва медиа мустақиллик каби янги трендларни ҳам инобатга олишни тақазо этмоқда.

Медиа плюрализм – оммавий ахборот воситалари, ташкилотлар ва хизматларнинг кенг доираси мавжудлигини назарда тутувчи тушунча. Бунда ОАВ орқали турли нуқтаи назарларни акс эттириш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, ўзаро таъсир сингари омиллар ҳам бевосита алоқадор. Медиа плюрализм нафақат жамиятдаги ОАВнинг сон жиҳатдан кўп ва мазмун жиҳатдан ранг-баранглигини англатибгина қолмасдан, балки ОАВга эгалик қилишнинг давлат, хусусий, нотижорат, диний, озчилик ва бошқа турларига кенг ўрин берилганлигини ҳам билдиради [9;903-906]. “Wikipedia”нинг ҳисоб-китобларига кўра, мазкур сайтга юкланган мақолаларнинг 2017 йилдаги умумий сони 2012 йилдаги рақамлардан икки баробар кўпайган. Бу эса

халқаро медиа контентнинг ҳам миқдор, ҳам мавзу ва энг асосийси, тил жиҳатидан хилма-хил бўлиб бораётганини кўрсатади. Юқорида медиа плюрализмнинг барқарорлигини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида ОАВга эгалик шаклини ҳам киритиб ўтган эдик. Жаҳон медиаландшафтида ОАВга эгалик қилиш шаклини яна биттага кўпайтирган ҳодиса бу “Амазон” компанияси асосчиси Жэфф Безоснинг қарори бўлди. Тадбиркор 2013 йилда АҚШнинг 144 йиллик тарихга эга бўлган “Вашингтон Пост” газетасини сотиб олгани ҳақида Форбес нашри хабар берди. Безосс “cross-ownership” яъни “ўзаро мулкдорлик” шаклида янги трендни яратиб, бир вақтнинг ўзида медиага ва бошқа саноат турларига эгалик қилиш шаклини амалга тадбиқ этди.

Миллий медиаландшафтга плюрализмнинг интеграциялашаётганлигини ҳам ОАВ сони ва турининг ошаётганида, ҳам медиа ташкилотлар ва хизматларнинг ўсишида кўришимиз мумкин. Масалан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилда мамлакатда фаолият юритган ОАВ сони 2016 йилдагига нисбатан 379 тага ортган. Қуйидаги инфо-графикада эса 1991, 2016 ва 2021 йилларда ОАВ сонининг ортиб бориши кўрсатилган.



Ўзбекистонда сўнгги беш йилда ўсиш кўрсаткичлари бўйича анъанавий ОАВга нисбатан интернет нашрлари пешқадам. Агар 2016 йилда 395 та

интернет нашри фаолият кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга 638 тани ташкил этади. Бундан ташқари, турли давлат ташкилотларида 584та матбуот хизматларининг ташкил этилганлиги мамлакатда давлат ҳокимият идораларининг очиклигини таъминлаш борасида қилиниётган ислохотларни кўрсатади.

Ахборот олиш эркинлиги – барқарор ривожланишнинг асосий омили, мазкур ёндашув бугун жаҳон медиаландшафтида содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабига айланиб бормоқда. Сиёсий тизимларни демократлаштириш, ошкораликни қўллаб-қувватловчи меъёрларнинг ривожланиши ва давлат мулкани рақамлаштиришда янги технологик имкониятларнинг такомиллашиб бориши сўнгги йилларда сўз ва ахборот эркинлиги ҳуқуқининг глобал юксалишига олиб келди. Аммо шунга қарамай, охирги беш йил ичида дунё аҳолисининг қарийб 85 фоизи ўз мамлакатларида матбуот эркинлигининг пасайишини бошидан кечирди [14;7]. Эркин ва мустақил журналистикани ҳимоя қилиш бўйича тарихий анъаналарга эга бўлган мамлакатларда ҳам молиявий ва технологик ўзгаришлар оммавий ахборот воситаларини, айниқса маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатадиган нашрларни ёпишга мажбур қилди. Ўқувчилар ва реклама бозорлари онлайн режимга ўтиши билан, газеталар учун реклама даромади камайди. Глобал медиаландшафтда рўй бераётган бу каби қийинчиликлар сўз эркинлигини таъминлаш масаласини янада долзарблаштирмоқда ва бунда янги ёндашувларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Дунёдаги ҳар бир давлат ўз миллий медиаландшафтига эга ва унда ўз ахборот сиёсати талабларини ўрнатишга доим ҳаракат қилади, лекин уларнинг ҳеч бири бу жараёнларга янгича ёндашувларнинг интеграциялашувидан ҳимоялана олмайди. Шу маънода, мазкур янги тенденцияларни қабул қилиш ва миллий ғоя билан уйғунлаштириш мамлакат медиа маконида зиддиятли вазиятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дўстмуҳаммадов Х., Тошпулатова Н., Баҳриев К., Саидов Ф. Журналистика ҳуқуқи ва этикаси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. – 235 б.
2. Рихтер А.Г. Правовые основы журналистики: учебник. – Москва: 2002. – 182 с.
3. Саидов А. Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. – 113 б.
4. Қурбонова Н., Саидов Ф. Журналистиканинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзқитобсавдо, 2020. – 276 б.
5. Galles G.M. 17 Benjamin Franklin quotes tyranny, liberty and rights. 2020. // <https://fee.org/>
6. Karen Mossberg. Digital citizenship: the Internet, Society and Participation. Textbook. MIT press. 2017.
7. “World trends in freedom of expression and media development. Global report 2017/2018.” Printed in UNESCO printshop, Paris, France.
8. European convention on human rights. European council. – France. 2021
9. Beata Klimkiewicz. Structural Media Pluralism. International Journal of Communication 4, 2010.
10. Mogens Schmidt. New Media – Expanding Press Freedom: International Commitments Guarantee Media Freedoms. UNESCO, Paris. February 2007.
11. Kemp S. Digital 2021: Global Overview Report, Kepios, January 2021.
12. Askenius, T. and Stubbe Ostergaard, L. Reclaiming the Public Sphere. Communication, Power and Social Change. Hampshire: Palgrave (Palgrave Studies in Communication for Social Change). 2014.
13. Eagan, Jennifer L.. "media freedom". Encyclopedia Britannica, 2 Aug. 2013, <https://www.britannica.com/topic/media-freedom>. Accessed 2 February 2022.
14. Journalism is a public good. Global report 2020/2021. UNESCO.
15. www.forbes.com

ДРАМАТИК АСАРЛАР МАТНИДА СЎЗ ТУРКУМЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ТАҲЛИЛИ

Дониёрбек Авазбекович РУСТАМОВ

мустақил изланувчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

rustamovdoniyorbek@navoiy-uni.uz

Аннотация

Мақолада жадидлар даври дарамаларида қаҳрамонлар нуткида нуткий хосланишни ҳосил қилаётган лисоний воситалар таҳлил қилинди ва сўз туркумларининг ўзига хос маъно қирралари аниқланди. Бу ўринда, айниқса, ёрдамчи сўз туркумларининг алоҳида ўрни борлиги, жумладан юкламаларнинг ўзига хос вазифалари мавжудлиги таъкидланди.

Таянч сўзлар: социал хосланиш, нутқ шакллари, монолог, диалог, сўз туркумлари, ёрдамчи сўзлар, юкламалар, прагматик ёндашув.

СОЦИАЛЬНО-ПРАГМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СЛОВСОЧЕТАНИЙ В ТЕКСТЕ ДРАМАТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ

Дониёрбек Авазбекович РУСТАМОВ

Независимый исследователь

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

rustamovdoniyorbek@navoiy-uni.uz

Аннотация

В статье анализируются языковые средства, формирующие речевую адаптацию в речи героев драм джадидского периода, и выявляются специфические семантические аспекты словосочетаний. В связи с этим было отмечено, что особое место занимают вспомогательные группы слов, в том числе специфические функции загрузок.

Ключевые слова: социальная адаптация, речевые формы, монолог, диалог, фразы, вспомогательные слова, загрузки, прагматический подход.

Ёзма нутқнинг энг ёрқин кўринишларидан бири бўлган бадий матнлар жозибadorлиги, эстетик таъсири юқорилиги билан бошқа услубдаги матнлардан фарқ қилади. Аммо бадий услубда ёзилган асарларнинг ичида драматик матнларнинг ҳам бошқаларга ўхшамайдиган муҳим қирралари мавжуд. Матн ташқи нутқни ички, ички нутқни тафаккурга ва аксинча, ички фикрга, ички нутқни ташқи нутққа айлантириш белгиси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу жараёнларнинг ҳар бири ўзига хос семантикага эга, шунинг учун матннинг семантик тузилиши учта асосий тузилишни ўз ичига олади: информацион структура – ташқи нутқий тузилиши, ақлий тузилма – ички нутқий тузилиши – когнитив структура – фикрий тузилиши кабилар.

Ўзбек драматургияси асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” драмаси матнининг социопрагматик хусусиятларини ўрганиш кейинги йилларда ўзбек тилининг бадиий матнларда ифодаланиши ҳақида муайян тасаввурлар бериши мумкин. Муаллиф ўз ижодида ўқувчини илм олиш, вақтни беҳуда нарсаларга сарфламаслик, миллий юксалишга ҳисса қўйиш каби муҳим ғоя ва тушунчаларни тегишли сўз ва истилоҳлар орқали бериб кетади. Муаллиф айрим ўринларда аччиқ киноядан фойдаланади. Масалан, қуйидаги матндан фикримизга асос излаймиз:

//ДАВЛАТ. Суз, ичайлик! (Нор сузиб қуяр.)

ТАНГРИҚУЛ. Пулни пешаки талаб қилгани ишни белини синдурди.

ДАВЛАТ. Иш аксига олса, шундай бўлур. Пулларинг борми? Ҳаммаларинг чиқаринг (ҳаммаси чиқаради, Давлат санар, беш сўм етмас). Бу минан ҳеч нима бўлмас. Бир иложини топмоқ керак.

НОР. (тамаъгирлик ила). Эй, бойвачча, бизлар-қу, камбағал. Сизга нима, киссангиздан пул чиқмайдур? Ана бойбаччанинг ҳоли (қўли ила кўрсатур).

ДАВЛАТ. Парво қилма, Нор. Мен бир нимарса ўйладим, агар бойвачча кўнса.!

Ёзувчи томонидан маҳорат билан ёзилган “Падаркуш” драмасини социопрагматик таҳлил қилишда махсус танлаб олинган матнлар устида ишланади. Унда сўзловчи ва тингловчи, матн муаллифи ва адресат ўртасидаги муносабатлар тадқиқ этилади. Қуйидаги матннинг социопрагматик хусусиятини аниқлашга ҳаракат қиламиз:

ТАНГРИҚУЛ. Нима экан? Нима?

ДАВЛАТ. Тўхта, нима эканлигини биларсан. Аввал бойваччани(нг) саломатлигига ичайлик (Тангриқул сузар, ичарлар бойваччанинг саломатлигига).

ДАВЛАТ. Бойбачча. Бу кечадек чаҳоршанба сайри *ойда-йилда бир бўлур* ва (ё) йўқ, *бир кеча минг кеча бўлмас*, агар қабул қилсангиз, Тангриқулни сизга қўшарман. Бирга бориб, отангизни сандуғини кўрсатурсиз. Бошқа ишни Тангриқул бажарадур.

ТОШМУРОД. Тангриқул ака, борасизми?

ТАНГРИҚУЛ. Улфатлар буюрса, у дунёга бораман. У-ку сизнинг ҳовлингиз.

ДАВЛАТ. Сен нима дерсан, Нор?

НОР. Мен ҳам *кўпни бири*, бор десанг, борарман.

Асар қаҳрамонининг ижтимоий ҳолати, тафаккури, дунёқараши ҳақида маълумотлардан иборат тафсилотга сира ҳожат қолмаган. Ҳар бир қаҳрамон ўз нутқи орқали кимлигини, жамиятдаги ижтимоий мавқеини рўй-рост намоён қилмоқда. Тангриқул ўз нутқида жонли тил элементи ҳисобланган шева сўзларидан фойдаланётгани, суҳбат мазмунидан англашилиб турибди. Муаллиф Тошмуродни кўндириш учун улфатлари томонидан қўлланган таъсирчан лисоний бирликларни алоҳида кўрсатиш лозим. Масалан, “*бойваччани(нг) саломатлигига ичайлик*”, “*бундай кеча ойда-йилда бир бўлур*”, “*бир кеча минг кеча бўлмас*” каби жумлалар билан бойнинг ўғлини ўз уйига ўғриликка тушишга, ўз отасининг қотили бўлишга ундашади. Ҳолатини яққол тасвирлаш учун Давлатнинг тилидан “*Бойбачча. Бу кечадек чаҳоршанба сайри ойда-йилда бир бўлур*” каби иборалар қўлланади. Бу ҳам нутқий хосланишнинг бир кўриниши аслида.

Мулоқот инсон тафаккури фаолиятининг маҳсули бўлиб, бу жараёнда нутқ эгалари томонидан турли мақсадларга йўналтирилган ранг-баранг нутқий тузилмалар (нутқий актлар) ҳосил қилинади. Нутқий акт жамият аъзолари томонидан қабул қилиниб, нутқ хулқи қоидаларига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган, муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади. Нутқий акт назарияси дастлаб Ж.Остин томонидан қўлланилади. Нутқий акт назарияси асосчиларидан яна бири Серльнинг [6] қарашларига кўра муайян мазмунни ифода этувчи, тилнинг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда баён

этилган элементар нутқий ҳаракат нутқий акт ҳисобланади.

Ж.Остин нутқий актда қуйидагилар амалга ошишини қайд этади: умумэътироф этилган тил кодига мансуб аниқ товушларни талаффуз этиш; ушбу тилга мансуб сўзлардан грамматик қоидалар асосида жумла тузиш; жумлани мазмун, референция ва бошқалар билан таъминлаш; нутқий кўлланишларни ҳосил қилиб, воқелик билан мувофиқлаштириш; нутқий кўлланишларни иллокутив актга айлантирувчи муайян мақсадга йўналтириш; керак бўлган натижага эришиш, адресат онгига ёки хулқига таъсир кўрсатиш, янги нутқий вазиятни яратишдан иборат [4;55-59]. Т.В.Жеребилонинг таъкидлашига кўра, нутқий акт психофизик жараён бўлиб, сўзловчи (адресант) ва тингловчи (адресат) ўртасидаги нутқий алоқани акс эттиради ва сўзлаш (ёзиш); идрок этиш; нутқ (матн)ни тушуниш [2;376] каби компонентлардан ташкил топади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, М.Ҳакимов — нутқий акт тушунчаси одамлар ўртасидаги алоқа аралашув жараёнида содир этилувчи ўзаро маъно актлари муносабатининг баёнидир, деб таъкидлайди. Таърифлардан маълум бўладики, нутқий акт нутқий мулоқот доирасида амал қилади, сўзловчи ва тингловчидан иборат нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, нутқ иштирокчиларининг тил билими ва кўникмалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади [8;94]. М.Ҳакимов нутқий актда умумий ҳолда қуйидаги компонентлар иштирок этишини қайд этади: сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти — фактик материал ҳамда нутқий вазият. М.Қурбонова нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозимлигини таъкидлайди [7;96-97].

Дарҳақиқат, агар нутқ иштирокчилари умумий тил билимига эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз, балки амалга ошиши даргумон бўлиб қолади. Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади.

Умуман, драматик матнидаги нутқий фаолиятларида муайян мақсадга йўналтирилган нутқий актнинг бевосита ва билвосита турларидан унумли фойдаланади. Уларнинг нутқида қўлланган билвосита нутқий акт турларида қуйидаги икки хил ҳолат кузатилади:

а) синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланиб қолади, унга қўшимча синтактик маъно юкланади. Бошқача айтганда, айти синтактик структура орқали у ифодалашга хосланган ахборот ва қўшимча ахборот баён этилади. Бунда айти синтактик структуранинг семантик қўлами кенгаяди;

б) синтактик структуранинг бирламчи маъноси буткул йўқолади, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди. Бошқача айтганда, айти синтактик структура орқали сўзловчи мақсади билан боғлиқ тарзда бошқа маълумотлар ҳам баён қилинади:

БОЙ (тарақлаб йиқилар). Воҳ, жоним (жон узар типирлар, хириллар. Тангрикул сандикдан танга халтасини кўтарар, пичоқ ва темир асбобни ўзига беркитар, ташқаридан бир неча одам товуши эшитилур).

ОДАМЛАР. Нима гап, биров дод деди? (Бир неча эркак ила бой хотуни кирарлар, Тангрикул ила Тошмуродни кўрарлар).

ТАНГРИҚУЛ. Тошмурод, от! (Тошмурод ҳавога тўппонча отар ва ҳозир кишиларга силоҳ кўрсатиб қочарлар).

Ушбу нутқий вазиятда сўзловчи – адресант адресатга ўзининг ундан норози эканлиги ҳақидаги хабар актини ва ўғлини бу йўлдан қайтариши мумкин бўлган танбеҳни ифода қилмоқда. Драманинг кулминацион нуқтаси шундаки, домудла ва зиёли бойга ўғлини ўқитиши зарурлигини таъкидлаганда бой уларнинг гапини назарига олмаган эди. Мазкур манзарани ифода этиб турган тил бирликлари ўз ичида бунданда чуқурроқ моҳият касб этади.

Асар давомида Тошмуроднинг онаси фожеа рўй бергандан сўнг сахнага чиқади ва ўғлига бўлган муносабатни қуйидаги лисоний воситалар, хусусан ундов ва модал сўзлар воситасида баён қилади:

– *БОЙВУЧЧА. Вой*, золим дастидан! Бу қандай кун эди, *вой дод!* (Чапак чалар, бой устига ўзини ташлар, юз ва сочини юлар). *Ҳе, жувонмарг*

Тошмурод! *Қон қус! Қошки чечакда кетсайдинг! Вой, падаркуш!* Тошмурод!
Вой, дод-ей!

Драмаларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, воқелик, асосан, адресант ва адресат ўртасидаги мулоқотлар орқали маълум бўлиб боради она барибир она-да бир зум олдин қарғаб турган боласини ўйлаб яна дод солади, оху воҳ кўтаради:

БОЙВУЧЧА (тўлғониб). *Ой, вой-вой* болам! Вой бойим, оҳ, вой у-у-у!

ДОМУЛЛА. Бойингиз-да насиҳатга қулоқ солмади ва охири ушбу ёмон ходиса пайдо бўлди. Энди сизга, очиги, сабрдан бошқа илож йўқдир, онажон. Оллоҳ сизга сабр берсун.

БОЙВУЧЧА (камоли бетоқатлик илан оҳ-вовайло этар). *Дод, вой* болам! *Вой бойим!* Иккисидан ҳам айрилдим, эримни мазорга, боламини Сибирга юборарлар! *Вой, вой, вой у-у-у!..*

Воқеа ривожда айнан мана шу нуқтада ҳис-ҳаяжон ундовлари фаол қўлланган. Бошқа ўринлар оддий информатив оҳангда давом этади. Адресат сўзловчининг бераётган саволларини аниқ-тиниқ тушуниб турган бўлса-да унга мантиқли жавоб бермайди. Мазкур нутқий акт мазмунидан Тошмурод эмас, унинг ота-онаси қандай камчилика йўл қўйгани, қандай катта айби борлиги англашилади. Бола илмсизлиги туфайли, оқ-қорани танимасдан, яхшига ёндашмасдан мана шундай жирканч муҳитга тушиб қолди. Бу қандай муҳит экани ҳам диалог орқали тасвирланади:

ТАНГРИҚУЛ (ҳамённи очиб кўриб, суюнар, Тангриқул ва Тошмуродни елкасига қоқар). Баракалла, баракалла (Давлат занг чалар, Артун кирар).

АРТУН. На буюрарсиз?

ДАВЛАТ. Ма, пулни ол, тезлик илан Лизанн келтур!

АРТУН. Бош устина. Ҳозир келур (пулни олар, ичарлар. Лиза кирар).

ЛИЗА. Добрый вечрим! (ҳаммаси-ла кўришар).

ДАВЛАТ. Исприздим, испасибо, испасибо, прихал...

ЛИЗА. Мерси (ўлтурар).

ДАВЛАТ. Суз, Лизанинг саломатлигига.

Суҳбат иштирокчиларининг ўзаро мулоқоти, уларнинг сўзлаётган сўзлари ким эканлигини ифодалаб турибди. Драмада тилнинг ижтимоий ихтисослашуви масаласи, социал хосланиш маълум маънода таҳлил қилинди. Муаллиф тилнинг барча лисоний имкониятларидан самарали фойдалана олган. Шунингдек, драмаларда адресат ва адресатнинг ички ва ташқи оламини ёрқин тасвирлаб бериш учун фақат вербал воситаларнинг ўзи камлик қилади, мазкур жанрдаги асарларнинг муваффақияти новербал воситалардан ҳам самарали фойдалана олиш, томошабинлар тафаккури ва қалбига тезроқ етиб боровчи лисоний воситаларни қўллаш зарур бўлади.

Маълумки кишилар жамиятда яшаш жараёнида ундан маълум бир андазаларни оладилар, ўша ижтимоий муҳитга мос тарзда ҳаракатланиб, ҳаётда баъзи социал вазифани бажарадилар. Ҳар қандай шахс ўзининг бажариб турган ижтимоий имкониятларига мувофиқ равишда меъёрий сўзлаш мажбуриятига эга бўладилар, бу нутқ эса сўзловчи бажараётган ижтимоий вазифа хусусида маълумот беради [5;305-308].

Буни нутқнинг социал хосланиши деб юритиш ҳам мумкин бўлади. Маълум ижтимоий вазифа бажарувчи ҳар қандай шахс нутқи касб нуқтаи назаридан махсус тил белгиларига эга бўлади. Бу ана шу нутқ субъектининг психологик, мантикий ҳамда фалсафий муносабати билан узвий боғлиқ бўлади.

Лисоний имкониятларни ижтимоий вазифа тушунчаси нутқ субъектининг эгаллаб турган вазифаси ёки бажариб турган касби маъносини англатади. Мисол қилиб драмадаги бой ва домулланинг суҳбатини келтириш мумкин:

ДОМУЛЛА. Хўб, хўб, бойвачча катта бўлубдур, худо умр берсин, усули жаҳид мактабигами ўқийдур, ёинки эски мактабга?

БОЙ. Иккисига ҳам бормайдур.

ДОМУЛЛА. Ўз ҳовлингизда ўқутатурғонсиз?

БОЙ. Йўқ, йўқ. Мен ўғлумни ўқутмоқға ўйлаганим йўқ.

ДОМУЛЛА. Ажойиб, сабаб недурки, ўқутмайсуз? Ваҳоланки, ўқумок қарз ва илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур.

Нутқ субъектининг ижтимоий вазифаси фақат унинг касби билангина чегараланиб қолмайди. Нутқ субъекти ўзининг асосий социал вазифасидан ташқари ота, ер, харидор, бемор, қўшни каби қатор қўшимча ва доимий вазифани ҳам бажаради. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги Юсуфбек ҳожининг “Биз ҳозир андишанинг бандаси, мен эмас онанг бировни ишонтириб қўйган: бизнинг оиладан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди”, нутқини эсламоқ кифоядир.

Бу ижтимоий вазифани бажариш нуқтайи назаридан нутқ субъекти ўз нутқи орқали баён қилиши лозим бўлган ахборот кўринишларини нутқ вазиятига ҳамда услубий жиҳатларига кўра “бошқара олиш имконияти”га эга бўлиши керак. Ана шу “бошқара олиш имконияти” нутқнинг психолингвистик йўналишини ташкил этади. Юқоридаги ижтимоий вазифалар ўзига хос кодланувчи тил элементларига эга бўлиб, сўзловчи нутқ вазиятига кўра шу элементларни алмаштириб туради. Сухбатдошлар нутқ мазмунидан ижтимоий вазифа бажараётган ҳар бир шахс ахлоқига хос меъёрий элемент чегарасини ажратиш имкониятига эга бўлади, улар оддий талаффузнинг ўзидаёқ социал вазифага хос маънони ҳис эта оладилар.

Социал вазифа белгилари сифатида дастлаб нутқий меъёр тушунчаси ажратиб олинади. Сўзловчининг доимий ижтимоий вазифаси расмий муносабат белгиларига эга бўлади. Бунга кўра сўзловчи ўзи бажариб турган касб нуқтаи назаридан бошлиқ, касбдошлари ҳамда ходимларига нисбатан расмий муносабатни ифода этувчи тил ва нутқ элементларидан фойдаланилади. Бу этапда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат расмий оҳангни талаб этади. Ҳамма социал вазифада бўлганидек, бунда ҳам сўзлаш оҳанги, ҳаракатланиш темпи, айниқса, имо-ишора тили ўта даражада шаклланган бўлади. Ўртасидаги бундай муносабат социал аспектга кўра мутаносиб муносабат деб ҳисобланади, бироқ бу нутқий муносабатнинг мазмуний аспекти номутаносиб муносабат эканлигини исбот этади.

Сўзлашувчилар орасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятга кўра ҳар қандай шахс расмий оҳангдан фойдалангани ҳолда нутқда ҳокимлик ва итоаткорлик элементлари, буйруқ ҳамда бўйсунуш каби нутқий актларни юзага чиқаради. Ҳар қандай ривожланган тилда социал вазифаларни бажаришга хизмат қилувчи тил элементлари мавжуд. Сўзлашувчилар ана шу тил элементларидан фойдаланиб, ўзлари бажариб турган социал имкониятларини нутқ орқали баён этадилар.

Л.П.Крысин нутқий алоқа-аралашув ва сўзловчиларнинг социал вазифалари ҳақида сўз юритиб, алоқа-аралашув вазиятида иштирок этувчилар нутқини икки гуруҳга ажратади: 1. Мутаносиб нутқ. 2. Номутаносиб нутқ [3;49]. Мутаносиб нутқий мулоқотда ҳатто жинс, ёш нуқтаи назаридан ҳам бир хиллик талаб қилинади.

ТАНГРИҚУЛ. Жўралар. Сизлардан яширатурғон сўзимиз йўқ. Тўғриси яна десам, мануни ичдим, қулоғим қизиган, сен Лиза дедим, энди ўзим шунда бўлсамда, ҳушим Лизага, то Лизани келтурмасанг, мани гапиртуролмайсан. Аммо гап келтурганингга, Давлат зўр! Давлат. Ҳам ема, муддаонг Лиза бўлса, шул замон ёнингга кўрарсан, келмасами? Бошини оларман.

НОР. Бойвачча! Баришнага тобингиз борми?

ТОШМУРОД. Майли, одам юборинглар, базм қилсун.

Ушбу мисолда коммуникантлар нутқида уларни тенг эмаслиги “Бойвачча” сўзининг луғавий маъносидан, улфатларининг Тошмуродга нисбатан қандай муносабатда эканини билиб оламиз. Демак, бунда нутқий мулоқот иштирокчилари социал мавқелари жиҳатида кўра қизиқишларига кўра бир-бирларига мос тушади.

Шуни айтиш мумкинки, “Падаркуш” драмасида қаҳрамонлар нутқи уларнинг ҳаёт даражаларига, ижтимоий келиб чиқишига кўра фарқланади. Бу ўринда домумла ва зиёлининг ўзаро фарқини уларнинг нутқидан, ишлатаётган сўзларидан билиб олиш мумкин, зеро иккиси бир-бирини инкор ҳам этмайди.

Тошмурод ва унинг ўзи каби маишатпараст дўстлари фақат шева элементларига кўра нутқий жиҳатдан хосланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 280 б.
2. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. — Назрань: Пилигрим, 2005. – 376 с.
3. Крысин Л.П. Речевое общение и социальные роли говорящих. В кн.: Социально-лингвистические исследования. – Москва: Наука, 1976. – 224 с.
4. Остин Дж.Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17: Теория речевых актов. – Москва, 1986. – 533 с.
5. Раупова Л. Темурийлар даврида тил, маданият ва санъат. //Олий таълим муассасаларида илмий-амалий анжуман тўплами. – Тошкент, 2016. – Б.305-308.
6. Серль Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17: Теория речевых актов. – Москва, 1986. – 194 с.
7. Курбонова М. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили // Хорижий филология, 2016. №4. – Б.96-97.
8. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2011. – 146 б.

ЖУРНАЛИСТНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТИЗИМИ ТАЪРИФИ ВА ТАСНИФИ

Равшан РАЙИМЖОНОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада профессионал компетентлик тушунчасининг моҳияти ва назарий қарашлари ва журналистнинг профессионал компетентлигига жамият томонидан қўйилаётган умумий талаблар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: профессионал журналист, компетенция, профессионал компетентлик, касбий компетентлик, касбий-малакавий талаблар.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ И ХАРАКТЕРИСТИКА СИСТЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ЖУРНАЛИСТА

Равшан РАЙИМЖОНОВ

независимый исследователь

Университет журналистики и массовых

коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются сущность и теоретические взгляды на понятие профессиональной компетентности и общие требования, предъявляемые обществом к профессиональной компетентности журналиста.

Ключевые слова: профессиональный журналист, компетентность, профессиональная компетентность, профессиональные квалификационные требования.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилди. Тараққиётнинг янада юксак босқичига қадам янги Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш орқали амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот нашрлари ва интернет сайтлари фаолиятини ўрганиш, улар томонидан ахборотнинг тайёрланиши ва тарқатилиши механизмларини тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил

26 июндаги “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги”да “Миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишга тўғри келади” [1], дея таъкидлаб, миллий медиа макондаги ҳозирги вазиятга баҳо берди.

Бугунги кунда журналистика соҳасидаги ўзгаришлар журналистика тузилишининг ташкилий жиҳатдан тубдан ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Биринчи навбатда, бир нечта ОАВ учун медиамаҳсулотни тайёрлаб берувчи мультиплатформали, мультиформатга эга орган – конвергент таҳририятнинг юзага келиши. Конвергент таҳририятни, ўзига хос ижтимоий тизим сифатида, ходимлар, раҳбарият ва ходимлар, ходимлар ва аудитория ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ўзгартира оладиган янги муҳит сифатида намоён бўлиши батамом янги ахборот-коммуникация маконини вужудга келтиради. Анъанавий ОАВга хос бўлган мономуҳит ўтмишда қолиб, унинг ўрнига бугунги кун талабига жавоб берувчи ва муаммоларни сифат жиҳатдан янги даражада ҳал қилиб бера оладиган мультимедиа муҳит юзага келди. Ахборотни ишлаб чиқариш цикли, яъни материални яратишни режалаштиришдан, то уни оммага тақдим этиш жараёни ҳам тубдан ўзгармоқда. Бугунги кунда замонавий оммавий ахборот воситалари доимий тарзда ижодий изланишлар, ривожланишнинг энг оптимал йўллари танлаш каби жўшқин воқелик билан тўқнашмоқда.

Ушбу ҳолатлар журналистнинг профессионал компетентлиги мезонлари ва ўзига хослиги борасидаги масалани жиддий равишда қайта қўриб чиқиш аҳамиятини орттирмоқда. “Компетенция” тушунчасига илк бор 1973 йилда, Дэвид Мак Клеелланднинг “Testing for Competence Rather Than Intelligence” мақоласида таъриф берилди. Тадқиқотчи ушбу атамани яхши ходимни ўртамиёнасидан ажратиб турувчи хатти-ҳаракатни номлаш учун қўллаган. Дэвид Мак Клеелланд ўтказган тадқиқотлар давомида билим ва малака мавжудлигини тасдиқловчи турли ҳужжатлар потенциал ходимнинг

компетентлигини кафолатламаслиги аниқланди ва исботланди. Олимнинг таъкидлашича, потенциал ходимларнинг академик билимларини баҳолаш тести, ўқув курсларини якунлаганлик ҳақидаги диплом ва сертификатлари унинг ўз функционал мажбуриятларини сифатли бажаришини кафолатламайди. Ушбу фикрга таяниб, у иш самарадорлигини ходим “компетенцияси” тушунчаси билан боғлади.

Компетенциялар концепциясини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлардан яна бири Уэдерхед менеджмент мактаби профессори Ричард Бояцисдир. Унинг тадқиқотлари ташкилот фаолияти хусусиятларидан қатъий назар, менеджерлар иши самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлган характеристикаларни ўрганишни мақсад қилган. Ушбу изланишлар натижаларини у 1982 йилда нашр этилган “Компетент менеджер. Самарали меҳнат модели” монографиясида умумлаштиради .

Д.Мак Клелланддан фарқли равишда, Р.Бояцис ишни бажариш самарадорлигига бажарувчининг ташкилот тартиби, сиёсати ва шароитларини қўллаб-қувватловчи муайян ҳаракатлари натижасида эришадиган ўзига хос натижалари сифатида ёндашади. Яъни, ишни бажариш самарадорлиги элементлари компетенциялардан ташқари ишнинг функционал талаблари, шунингдек, ташкилий муҳит шартларини ҳам ўз ичига олади.

Энди “профессионал компетенциялар” тушунчасини кўриб чиқсак. Термин профессионал шахс (ҳар қандай) га қўйиладиган талаблар халқаро стандартлар қаторига киритилган:

- қарор қабул қилиш ва уларни амалга ошириш воситаларини танлашдаги мустақиллик;
- ўз қарорлари учун жавобгарлик;
- ўзи ва яқинлари учун масъулиятни сеза билиши;
- ноотадий вазиятлардаги ҳаракатларга тайёрлик;
- жамоада ишлаб билиш;
- умри давомида ўқиб-ўрганишга тайёрлик;
- информацион саводхонлик;

- касбий компетенциялар жамланмасига эгалик [2].

Шуни таъкидлаш лозимки, “профессионал компетенциялар” турли фанларда ўрганиш предмети ҳисобланади. Файласуфлар уларни турмушга мослашиш воситаси сифатида изоҳлайдилар. Улар инсонни, унинг қарашлари, кизиқиш ва эътиқодларини айнан касби белгилаши ҳақидаги фикрга таянадилар. Хусусан, Д.Л.Томпсон ва Д.Пристли “профессионал компетентлик” тушунчасини юқори даражада тизимлаштирилганлиги билан ажралиб турувчи, ахлоқий стандартларга эга ва профессионал кодексга асосланган билимлар мажмуи сифатида изоҳлайдилар [4;49].

Европа Кенгаши томонидан ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида функционал жиҳатдан малакали ва муваффақиятли бўлиш учун ҳар бир европалик эга бўлиши лозим бўлган асосий компетенциялар рўйхати ажратилган:

-сиёсий ва ижтимоий компетенциялар – коллектив ҳамкорлик, ўз ҳаракатлари учун масъулият, қарор қабул қилиш, муаммоли ва зиддиятли вазиятларга ечим топиш, коммуникатив алоқалар, диалогларни ўрнатиш, келишувлар тузиш, шартномалар тузиш ва амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятли ва фойдали фаолият олиб боришни назарда тутати.

- маданиятлараро компетенциялар – ўзганинг фикри, қарашлари, анъана ва одатлари, қадриятлари, тарихий ва маданий мероси, тили, эътиқодига нисбатан ҳурмат ва бағрикенгликни ривожлантириш.

- коммуникатив компетенциялар – жамиятга, унинг қоидаларига мослашишга, дўстона, ўртоқлик ва профессионал ҳамкорлик муносабатларини қуриш, турли одамлар ва жамоалар билан ҳамкорлик ўрнатиш, профессионал жиҳатдан ривожланишга кўмаклашувчи оғзаки ва ёзма коммуникация кўникмаларини ўзлаштириш билан боғлиқ.

- информатсион компетенциялар – ахборот жамияти тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, ахборотни қидириш ва қайта ишлаш, сақлаш ва амалда қўллаш соҳасидаги билим ва кўникмаларни эгаллашни, ахборот технологияларини ўзлаштиришни, замонавий ахборот ресурслари ва методлари билан ишлаш

лаёқатини талаб қилади. Ўрганиш, ўзликни англаш, ўз устида ишлаш борасидаги компетенциялар бутун умр давомида ривожлантирилиб, касбий ва ижтимоий тараққиётда ўзгаришларга сабаб бўлади. Инсон ўз тажрибасига таяниши, ундан билимларни ажратиши, уларни тизимлаштириши ва тартиблаши, ўз таълим, тадқиқот усуллари, турли соҳаларда ишни ташкиллаштиришнинг методларини ишлаб чиқиши, муаммоларга ечим топиши, ижтимоий ҳаракатланишнинг тез ўзгараётган шароитларига мослашиши лозим [5].

Шундай қилиб, турли билим соҳаларидаги “касбий компетентлик” тушунчаси асосида мутахассис шахсиятининг индивидуал-психологик сифатлари билан бир қаторда, жамият тараққиётининг объектив шартлари, хусусиятлари ва профессионал фаолият учун шароитлари ҳам ётади, деган хулосага келиш мумкин.

Журналист меҳнати барча замонларда жамият учун катта қийматга эга бўлиб келган. Шу боис жамият доимо журналистлар фаолияти учун қулай шароитлар яратишга интилади ва ўз навбатида, мазкур касб вакиллариغا жиддий талаблар қўяди. Жамиятда журналистга нисбатан шаклланган умид ва ишонч ўз тайёргарлиги ва амалиётига йўналган “оптимал” профессионалга бўлган ижтимоий буюртмани ифодалайди. Жамиятнинг журналистга “буюртмаси” унга нисбатан қўйиладиган касбий-малакавий талабларда намоён бўлади.

Ушбу талабларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- ахлоқий-этик (ҳалоллик, камарбасталик, сезгирлик);
- психологик (темперамент, феъл-атвор, хотира, фикрлаш, тасаввур хусусиятлари);
- ижтимоий-фуқаролик (ижтимоий масъулият, принципиаллик, баҳолашда холислик, ҳақиқат учун кураша олиш);
- касбий (мулоқотга киришувчанлик, бадий қобилиятлар, компетентлик).

Бизнингча, саналган гуруҳлар орасида энг муҳими – касбий фазилатлардир.

Ҳар қандай мутахассиснинг компетентлиги компетенцияларга, яъни муайян талабларга асосланади. Ижодий касблар, хусусан, журналистика учун кадрлар танлашда, ташкилотларнинг кадрлар сиёсатида улар асосий роль ўйнайди. Ҳар бир мутахассис умумий компетенцияга, яъни жамият ҳаётининг барча жабҳаларига оид таянч билимларга эга бўлмоғи лозим. Бу билимлар доимо янгиланиб бориши керак. Айнан шунинг учун умумий дунёқарашни кенгайтириш йўллари: мустақил таълим, ўз устида ишлаш, малака ошириш курсларини ўтиш, ҳаётий тажрибани орттириш кабилар мавжуд. Ҳар бир усул ўзича самарали, биргаликда эса муваффақиятга элтиши мумкин. Журналист касбига келсак, унинг фаолиятини кенг умумий компетенциясиз тасаввур этиб бўлмайди. Журналист кўпинча ОАВда турли муаммоларни ёритади (масалан, туман газеталарида мутахассис етишмаслиги сабабли бир журналист таълим тизимидаги янгиликлар ҳақида ҳам, қишлоқ хўжалиги муаммолари ҳақида ҳам ёзиши мумкин).

Профессионал журналист шахсияти дунёси касбининг объектив талабларига мувофиқ шаклланади. Профессионал хислатларнинг бундай мажмуи доимо диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, журналистлар хатти-ҳаракатлари, шахсий фазилатлари ҳақида илк бор 1755 йилда, россиялик машҳур олим М.В.Ломоносовнинг “Фалсафа эркинлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган баён ва иншоларда журналистлар мажбуриятлари ҳақида мулоҳазалар” мақоласида сўз юритилган. Мазкур илмий мақолада журналист роя этиши шарт бўлган етти қоида келтирилади:

- ўз имконият ва салоҳиятини баҳолаш, зеро у биз билган нарса ва жойлар ҳақида маълум қилиши эмас, балки буюклар томонидан яратилган асарлардан янги ва муҳим фикрларни аниқлашдек мушкул ва мураккаб ишга киришади;

- муаллифга нисбатан ноҳолисликдан қутула олиш, яъни холис бўлиш;

- тасвирланаётган иншоларни икки гуруҳга ажратиш: алоҳида муаллифлар ва илмий ҳамжамиятлар томонидан ёзилганларга (бунда Ломоносов журналистнинг талқин этилаётган матнга нисбатан юқори даражада эътиборли бўлиши лозимлигини таъкидлайди, токи у қўпол хатолар, лоқайдлик ва шошқалокликка йўл қўймасин).

- фаразларни инкор этишга, айблашга шошилмаслик, зеро улар буюк ақл соҳибларининг ҳақиқатга эришишларида ягона йўл бўлиши мумкин;

- бошқаларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўзлаштирмаслик;

- журналист бирор масалани батафсил ўрганиб, чуқур мулоҳаза қилгандан сўнггина айрим назария, нуқтаи назарларни инкор қилишга ҳақли;

- “ўзининг устунлиги, нуфузи, мулоҳазаларининг қимматлилигидан ҳаволаниб кетмаслиги зарур” [3;343-366].

2006 йилда Эстониянинг Тарту шаҳрида Европа журналистика мактаб ва факультетлари ўн асосий журналист компетенциялари қайд этилган Декларацияни имзоладилар. Бу компетенциялар ўзида муҳим касбий вазифаларни бажаришда талаб қилинувчи билим, малака ва кўникмалар мажмуини ифодалайди. Ҳар бир компетенция талаба билиши ва/ёки тушуниши ҳамда таълим якунига етгач, намоён эта билиши керак бўлган бешта малака характеристикасидан иборат.

Тарту декларацияси медиа ва журналистика таълими мутахассисларига фикр алмашиш учун умумий тил, шунингдек, курс ва ўқув режалар ишлаб чиқишда умумий мўлжалларни тақдим этди. Қуйида Тартуда ишлаб чиқилган ўн компетенция билан танишамиз:

1. журналистиканинг ижтимоий аҳамиятини ва ундаги ўзгаришларни тушуниш;

2. муайян медиаканал ёки ОАВнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш мақсадларига мос мавзу ва уларнинг аспектларини топиш;

3. журналистик фаолиятни ташкил этиш ва режалаштириш;

4. факт тўплашнинг анъанавий техникалари ва тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда ахборотни тезкорлик билан тўплаш;

5. асосий ахборотни ажратиш;
6. ахборотни журналистик тарзда тизимлаш, тартиблаш;
7. ахборотни самарали журналистик шакл ва тегишли тил услубини қўллаган ҳолда баён этиш;
8. журналистик фаолият натижаларини баҳолаш ва унинг учун масъуллик ҳис этиш;
9. жамоа билан ҳамкорлик қилиш, таҳририятда ишлашга тайёр бўлиш;
10. профессионал медиа ташкилотларда ёки фрилансер сифатида ишлаш;

Россиялик таниқли тадқиқотчи Е.Л.Вартанова, Тарту декларацияси низомларига таяниб, журналист компетенцияларини функционал ўзига хосликларига кўра қуйидагича таснифлайди:

- умумназарий компетенциялар (муайян объект ҳақида қандайдир билимлар, профессионал фаолиятда пайдо бўлган аниқ муаммоларнинг тўлиқ ва конструктив таҳлилинини ўтказиш ва баҳолаш, замонавий жамият қонуниятларини тушуниш);
- инструментал компетенциялар (адабий тил меъёрларини билиш, чет тилини оғзаки ва ёзма шаклда, дастурий воситалар ва компьютер тармоқларида ишлаш кўникмаларини эгаллаш, Интернет ресурсларидан фойдаланиш, асосий юридик тушунчаларни билиш, ҳуқуқий ҳужжатлардан ишда фойдалана билиш ва ҳ.к.);
- тизимли компетенциялар (янги ғоялар ўйлаб топиш, мустақил ўрганиш, фаолиятнинг ишлаб чиқариш профилини ўзгартириш кўникмаси ва ҳ.к.);
- таянч умумқасбий компетенциялар (журналист иши хусусиятларини, медиа тизимлар шаклланишининг таянч принципларини, турли типдаги ОАВнинг фаолияти хусусиятларини, аудитория қизиқишлари, эҳтиёжларини, медиа истеъмол характерини билиш ва тушуниш).

Е.Л.Вартанова, шунингдек, журналистнинг фаоллиги, очиклиги, мулоқотга киришувчанлиги, танқидни қабул қила олиши, технолог икинфратузилма билан ишлаш қобилиятини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, журналистнинг профессионал компетентлиги асосий элементлари маданият ва касб тушунчалари бўлмиш “профессионал маданият” термини билан чамбарчас боғлиқ. Уни тушунишда турли ёндашувлар мавжуд.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, замонавий амалиётда “профессионал компетентлик” тушунчаси касбий фаолият субъектининг вазифаларни белгиланган стандартлар асосида бажариш қобилиятини англатади. Бу эса “профессионал компетентлик” термини ходимнинг лавозимига мувофик бажариш қобилиятини, лавозим талаблари эса ташкилот ёки тармоқда белгиланган вазифа ва уларни бажариш стандартларини англатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик нутқи —<https://president.uz/uz/lists/view/3675>
2. Болонская декларация. Зона европейского высшего образования. Совместное заявление европейских министров образования. г. Болонья, 19 июня 1999 года // <http://iic.donntu.org/russian/ovs/bologna.html>
3. Ломоносов М.В. Рассуждения об обязанностях журналистов при изложении или сочинений, предназначенных для поддержания свободы философии//NouvelleBibliothequeGermaniqueouHistoirelitterairedel’Allemagne, delaSuisseetdesPaysduNord. Т. 6, ч. V, Амстердам, 1755. - С. 343-366.
4. Томпсон Д.Л., Пристли Д. Социология. Вводный курс. – Москва: АСТ, 1998.
5. https://spravochnick.ru/pedagogika/kompetenciya_v_pedagogike/evropeyskiy_variant_klyuchevyh_kompetency_v_obrazovanii/.

УДК 81'373

МАСТЕРСТВО ПРИМЕНЕНИЯ СЛОВА И ОККАЗИОНАЛЬНЫЕ СЛОВА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ПОЭТА Ж.ИЗБАСКАНОВА

Зийёр Махсетбаевна КАЗИМБЕТОВА

исследователь

Каракалпакский государственный университет

им. Бердаха

Нукус, Республика Каракалпакстан

ziywarkazimbetova@mail.ru

Аннотация

В данной статье мы остановимся на лексических значениях и структурном строении окказиональных слов, встречающихся в произведениях поэта Ж.Избасканова.

Ключевые слова: словарный состав, индивидуальный стиль, текст, творческое отношение, узуальное и окказиональное значения, неологическое значение, мнение, понятие, образ, потенциальные слова, аномальное, номинативное, экспрессивное, синхрония, диахрония, суффикс, префикс, интерфикс.

ШОИР Ж.ИЗБАСКАНОВ ИЖОДИДА СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ ВА ОККАЗИОНАЛ СЎЗЛАР

Зийёр Махсетбаевна КАЗИМБЕТОВА

Тадқиқотчи

Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат университети

Қорақалпоғистон Республикаси

ziywarkazimbetova@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада шоир Ж.Избасканов ижодида учрайдиган окказионал сўзларнинг лексик маъноси ва таркибий тузилиши масалаларига тўхталамиз.

Таянч сўзлар: луғат таркиби, индивидуал услуб, матн, ижодий ёндашув, узуал ва окказионал маънолар, неологик маъноси, фикр, тушунча, образ, салоҳиятли сўзлар, аномаль, номинатив, экспрессив, синхрония, диахрония, суффикс, префикс, интерфикс.

Словарный состав всегда обогащается за счет новых единиц. Ни одно слово не образуется без коммуникативной потребности. Однако, новообразованные слова отличаются по употреблению. Каждая новообразованная единица речи может иметь или не иметь своего места в языковой системе. Существуют слова, присущие индивидуальной речи и используемые только в рамках определенного текста, появившиеся спонтанно

и в большинстве случаев используемые всего один раз в ходе коммуникативного контакта. Они всегда отличаются своей новизной, особенностью, неповторимостью и существуют вне литературных норм. Подобные слова образуются народом и творческими личностями, т.е. поэтами и писателями. Слова, образованные народом в лингвистике называются устными речевыми окказионализмами, а те, которые образованы определенными творческими личностями, присущие индивидуально-личной речи, называются художественными окказионализмами.

Слова с особым значением, не соответствующие обычному значению, считаются окказиональными словами [5; 149]. Значит, окказиональные слова – это слова с особым новым значением, образованные с целью своеобразной и более точной передачи мыслей и цели говорящего, изображения какой-либо личности, предмета, объекта, событий. Окказионализмы образуются автором в тех случаях, когда в ходе изображения какого-либо объекта возможности языка не удовлетворяют говорящего. Окказиональным словам присущи соответствие речи и зависимость от нее, однократность применения, отношение только к одному автору, творческое отношение, грубость, образование на основе словообразовательных способов, введение новизны, аномальность, экспрессивность, номинативность, синхронно-диахроническое вмешательство, индивидуальность [2; 14-23]. В русском языкознании термин «окказионал» впервые был использован Н.И.Фельдманом [2; 14-23]. О.С.Захарова отмечает, что окказиональные слова можно называть потенциальными словами, их еще называют «неологизмами в индивидуальном стиле».

А также, исследовательница русской лингвопоэтики Г.И.Климовская в своих трудах слова, появившиеся через отступление от лексико-семантических норм называет лексизмами-артемами, и к ним напрямую относит авторские окказионализмы [4; 79].

Окказионализмы или окказиональные слова отличаются от других языковых единиц своим однократным использованием и эмоциональностью,

отличаются от других языковых единиц своей удобностью для создания образов. Окказиональные слова очень своеобразны и они еще недостаточно изучены в каракалпакском языкознании.

Значит, окказионализмы – слово или словосочетание из личного архива поэта, образующееся на основе его индивидуального мастерства. Из вышеуказанных примеров мы можем понять, что в целях образной передачи мыслей, используя возможности языка писатели и поэты и сами могут образовать новые слова.

Таким образом появляются окказионализмы, это означает, что словарный состав не стоит на одном месте, в результате роста требования времени и творчества он развивается и расширяется. Окказионализмы – это индивидуально-стилистические неологизмы, образованные на основе модели определенного типа, использованные только в данном контексте.

Индивидуализм в использовании слова считается одним из средств, определяющих своеобразие метода создателя. Окказиональные слова, в основном образуются через словообразующие суффиксы и прибавления слов, аффиксации и способов прибавления слов. А также, в результате семантического способа и способа смены значения слова появляются окказиональные слова.

В творчестве Ж.Избасканова использованы все способы образования окказиональных слов. Посредством семантического способа в поэтических строках образованы новые единицы речи, имеющие своеобразное значение. Данные слова имеют функции неповторимости, образности.

Мэни бермей гүздиң кейпи дегенге,
(На осеннее настроение не обращая внимание),
Кешеўиллеп қалғандайман шамалы
(Я как будто опаздал немного) [3;32].

Словосочетание «кешеўиллеп қалыў» в данных строках вместе со словом «кешигип қалыў» образовано в значении синонима. Однако, можно заметить, что здесь подразумевается не полное опоздание, а еще есть время,

просто предсказывается возможное опоздание. Это слово мы не встречаем в произведениях других писателей.

Төрт қатарға қыялдай,
(В четырех строчках хоть *немного*),
Мақаланы уйқастырса
(Зарифмовать свои слова) [3;127].

Слово «кыялдай» в данных строках мы не можем разделить на морфемы. Потому что, есть слово «кыял», и есть словообразующая аффиксальная морфема «-дай\дей», но образованное слово «кыялдай» не имеет никакого отношения к слову «кыял» («воображение»). Это слово в данной строке означает «немного, чуточку». В произведениях поэта в качестве нового слова использовано и другое слово – «қурттай», синонимичное слову «кыялдай».

Например: Қанбас шерим *қурттайын*
(Не улеглась тоска ни на *чуточку*) [3;139].

Слова «Қыялдай», «қурттай» считаются окказионализмами в произведениях поэта, образованные народом и присущие устной речи.

В произведениях поэта мы встречаем окказионализм «*биртыма*». Например:

Биз *биртыма* боламыз сырлас
(Мы *некоторое время* посекретничаем) [3;116].
Биртыма желпинер соң,
(Потом *немного* помашет веером),
Азғана серпилер соң
(Потом *немного* развеется) [3;214].
Бас қатырдым *биртыма* –
(Поломал голову *немного*)
Қыйын болды маған да
(Мне тоже не легко) [3;509].

В этих строках данное слово означает «в течение некоторого времени».

В произведениях поэта мы встречаем окказионализм «бирер». Это слово тоже для читателя является новым. Например:

Үмит етип *бирер* дилбардан
(Надеясь на *некую* красавицу)
Қыялына пинҳам питпесең
(Овладеть ее воображением) [3;128].

Если обратить внимание на смысловую связь данного слова с другими словами в этой строке, то можно увидеть что оно дает значение неопределенности (*некую*).

В произведениях поэта встречаем окказиональное слово «*көмпис*».

Небир *көмпис* шерлерің
(Даже самые ненасытные львы)
Сизден, бизден ғаў келмес
(Не могут сравниться с вами, с нами) [3;130].

Тамағы тоқ бир *көмпистің*
(*Ненасытный*, даже если он и сыт)
Көзи әбден аш көринер
(Глазами пожирает) [3;413].

Если обратить внимание на это слово на основе данного говора, то оно означает «ненасытный», оно считается образным словом и намного больше стилистически окрашено.

Поэт при помощи своего мастерства образовал фразеологизмы с новым значением, похожие на ранее существующие фразеологизмы. Например:

Сен – Тәңирисең. *Егер басыңа*
(Ты – Всевышний. *Если бы тебе на голову*)
Илхам қусы келип қонғанда
(*Села птица музы*) [3;231].

Несмотря на то, что окказиональный фразеологизм «басына илхам қусы қоныў» схоже образовался с фразеологизмом «басына бахыт қусы қоныў», были схожи только внешне, т.е. по форме, а по содержанию очень разнятся

друг от друга [1;56]. Посредством данного фразеологизма автор предполагал «поэтический дар».

Саз шертип бирер сулыў

(У некой красавицы, игравшей музыку)

Пал тамып бармағынан

(С пальцев сочился мёд) [3;365].

Окказионализм «бармағынан пал тамыў» в этих строках по форме похож на фразеологизм «тилинен пал тамыў» [1;140], а по содержанию подходит только для данного контекста.

Словообразование является одной из самых активных и изменчивых сфер языка с функционально-коммуникативного аспекта. В расширении нашей лексики особую роль играют слова, образованные на основе творчества авторов. Таким образом появляются личные окказиональные образования.

Стилистическая окрашенность наблюдается в префиксах, суффиксах, и иногда даже в интерфиксах. Они обладают функцией, усиливающей мысль [6; 258]. Например:

Суффикс -шы\ши вместе с существительным, прилагательным и глаголом образует существительные в значении человека, занимающегося определенной профессией. Например: падашы (пастух), куўырдакшы (человек, который готовит жаркое), темирши (кузнец), сыныкшы (костоправ), жазыўшы (писатель), дүканшы (продавец магазина), тергеўши (следователь), айтыўшы (глашатай), тасыўшы (носильщик) и т.д. [6; 33]. Данный суффикс в произведениях Ж.Избасканова вместе с образованием слов с узуальными значениями, указывающими на профессию применяется в качестве окказионального суффикса, образующего слова, обозначающие человека с определенными свойствами. Например:

Көңилдеги тарлардың

(Ты моих душевных струн)

Илхамшысы бол

(Будь вдохновителем) [3; 26].

Сум түлкидей *алдамшы*,
(Словно лиса-лгунья),
Бул бийопа *жалганышы*
(В этом *бренном* мире) [3; 236].
Өрманымды *жарылқаушы* өзиң бол!
(Будь ты *благословляющим* моей мечты) [3; 376]
Яр болагөр. Өзиңнен басқа
(Будь сподвижником. Кроме тебя)
Жебеушиси болмай тур хасла
(Нет сейчас *помощника*) [3; 479].

Кроме них в произведениях поэта мы можем встретить такие окказионализмы, как «марапатшы (льстец), ғәрремши (тот, кто блефует), өсекши (сплетник), алдамшы (лгун), бәсекиши (спорщик), жолдан азғырыушы (сбивающий с верного пути) и др.»

Хәзир-ғой бир *татымлы* сағыныштан,
(Это сейчас я от *сладостной* тоски),
Ширеси сығылмаған әнардайман
(Словно не выжатый гранат) [3;232].

Интерфикс –ым в этих строках поэтом введен всего лишь для художественности и удачной рифмовки. Этот суффикс не имеет никакой словообразовательной и словоизменяющей функции. Именно такое мнение можно высказать и по поводу интерфиксов –кин в слове «өткинши» («преходящее»), -ың в слове «буныңдай» («таковой»), -ым в слове «жарасымлы» (идет, в смысле «к лицу»), -ый в слове «адамыйзат» («человечество»), -лик в слове «бүгинлиги» («сегодняшнее состояние»), -ин в слове «хәзиринше (пока, потом)», -ин в слове «иркиниш» («запинка»), -им в слове «түсимпаз(«понятливый, смышлёный»)).

А также, поэт в своей лире использовал новый окказиональный суффикс –йы. Этот аффикс применен поэтом для образования прилагательного. Например:

Бәхәр тасқынлары ақлымды алған

(Свели меня с ума внешние воды)

Ғауайы көркіңе бәнт бул ашығың

(Твой лунный лик пленил меня) [3;119].

Мен – шәменсиз қалған саўдайы бүлбүл

(Я – неосторожный соловей, оставшийся без цветника) [3;339].

Суффикс –ый\ий прибавленный к существительному образует прилагательное. Например: тарийхый (исторический), әдебий (литературный), илимий (научный), мәдений (культурный) и др. [6;50]. Поэт данное окончание прибавил к прилагательному и ограничился приданием ему усиливающую форму, создал окказиональный формообразующий аффикс. Например:

Ғадалый жийен екен қаракеңе

(Он для кареке *настоящий* племянник)

Бул адам лаққыны да мәс қылады

(Этот человек даже шутника заставит опьянеть) [3;154].

Образующее прилагательное окончание –лы\ли образует от имени глагола пролагательное. К данному окончанию поэт имел особок отношение. Например:

Жыллар жылжып барар жыллар артынан

(За годами ползут года)

Еле устағанлы нәрсе бермес ол

(До сих пор он не дал ничего *на руки*) [3;364].

Бул бир таңқаларлы пайытлар шынында

(Это на пике тех, *поразительных* мгновений) [3;213].

В данных строках поэт образовал от отглагольных прилагательных прилагательные.

Глаголообразующее окончание -ла\-ле от имен и глагола образует глаголы. Поэт при помощи данного окончания образует окказиональное слово с новым значением. Например:

Жаңа көрпелеген жоңышқалықта

(Словно на только *проросшем* клеверном поле) [3;412].

Окказионализм в данной строке дает значение «қалыңласыў» (густеть).

Таким образом, творческое поэтическое мастерство Ж.Избасканова доказано при помощи использования индивидуальных окказионализмов. Язык поэта настолько богат, что каждый читатель изо всех сил старается распознать настоящее значение каждого слова. Язык произведений Ж.Избасканова отличается от других поэтов своим разнообразием, неповторимостью, художественностью.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилиниң қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нукус: Каракалпакстан, 1985. – 159 б.
2. Захарова О.С. К проблеме соотношения понятий «окказионализм» и «потенциальное слово» \\\ Вестник РУДН, серия Лингвистика, 2013. – №3. – Б.14-23.
3. Избасқанов Ж. Ақ қуслар. – Нукус: Каракалпакстан, 2014. – 699 б.
4. Климовская Г.И. Лингвопоэтика. – Москва: Флинт, 2019. – 230 с.
5. Насыров Д.С. Бекбергенов А. Жаримбетов А. Русша-қарақалпақша лингвистикалық терминлер сөзлиги. – Нукус: Каракалпакстан. 1979. – 228 б.
6. Хәзирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Сөз жасалыў ҳәм морфология. – Нукус: Билим. 1994. – 221 б.

ЎТКИР ҲОШИМОВ АСАРЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Назира Акбаевна ТЕМИРОВА

Магистр

Термиз давлат Университети

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Ўткир Ҳошимов асарларида фразеологизмларнинг қўлланилишини ўрганиш, таснифлаш, семантик ва тузилишига оид бирликларни аниқлаш, аҳамиятини белгилаш асосий мақсад қилинган.

Таянч сўзлар: фразеологизмлар, сўзлашув услуби, илмий-оммобоп матн, бадий матн, публицистик матн, бадий асар тили, лексик-семантик хусусият.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ УТКИРА ХОШИМОВА

Назира Акбаевна ТЕМИРОВА

магистр

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

Аннотация

Использование и изучение семантических фразеологизмов и фразеологических оборотов в произведениях Уткира Хошимова.

Ключевые слова: фразеологизмы, разговорный стиль, научно-популярный текст, художественный текст, публицистический текст, язык художественной литературы, лексико-семантический признак.

Мустақилликка эришганимиздан буён тилшунослик соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. Тилдаги барча бирликлар халқимизнинг тил бойлиги, жавоҳирлари ҳисобланади. Ҳозирги кун талаблари билан ҳаётимиз мезонига эътибор берадиган бўлсак, халқ тили ўзининг кўзга кўринмас кучга эгалигини намоён қилмоқда.

Тилшуносликда фразеологизмларнинг лексик-семантик хусусияти, грамматик тусланиши ва турланиши ўрганилган бир пайтда, фразеологизмларнинг бадий матнда қўлланилиши билан боғлиқ баъзи масалалар ўз ечимини кутмоқда. Биринчи навбатда, фразеологизмларнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бадий асарнинг тилига ҳамда сўзлашув

нутқиға жило беради, уни сайқаллаштирувчи ифодавий тасвир воситаларини бадий асарлар тилида намоён этади. Бадий асар тилидаги индивидуал – муаллиф фразеологизмларини ўрганиш, уларнинг маъно қирраларини аниқлаш, уларни фразеологик луғатларга киритиш каби масалалар тилшунослар эътиборида бўлмоғи зарур. Бадий асарлар тилининг ўзи мураккаб жараён бўлганлиги учун, бадий асарларда ёзувчининг индивидуал ёндашуви мавжудлиги сабаб турли муаллифларга оид бадий асарларни эмас, асарларида ҳаётийлик нафаси уфуриб турувчи қалами ўткир ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг бадий асарларида келтирилган фразеологизмларни тадқиқ ва таҳлил этишни режалаштирдик. Чунки ўзбек адабий тили ва бадий асар тили фразеологизмларини сўз санъаткорлари тили ва услуби доирасида ўрганиш салмоқли натижаларга олиб келади. Янги назарий фикрларни ҳосил қилиш ва янгича услубдаги фразеологизмларни йиғишга эришиш туфайли ҳам иш ўз долзарблигини касб этади.

Бадий матнларда мавжуд фразеологизмларнинг қўлланишига доир махсус тадқиқот яратиш ўзбек тилшунослигида муҳим аҳамиятга эгадир. Ў.Ҳошимов асарларида фразеологизмларнинг қўлланилишини ўрганиш, таснифлаш, семантик ва тузилишига оид кўринишларини аниқлаш, аҳамиятини белгилаш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: бадий матнда фразеологизмларнинг ўрганилиш даражасини аниқлаш; бадий асарларда мазкур бирликнинг турларини таҳлил этиш; Ў.Ҳошимов асарларида қўлланилган фразеологизмларни тўплаб, уларнинг лексик-семантик хусусиятини ўрганиш; ёзувчининг бадий асарларида мавжуд фразеологизмларнинг тузилишига кўра таснифлаш; тадқиқотга тортилган асарларда ўзгаришга учрамаган ва ўзгарган фразеологизмларни кўрсатиш, ҳамда тузилишига кўра бирикмага тенг ва гапга тенг фразеологизмларни тадқиқ этиш кабилар ўз олдимизга белгилаб қўйилган асосий вазифалар ҳисобланади.

Фразеологик бирликлар энг кўп бадий матнларда, қисман публицистикада, илмий-оммабоп матнларда қўлланилади. Бадий матнларда фразеологизмларнинг тутган ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Муаллифлар фразеологик бирликлардан бадий матнларда қуйидаги мақсадларда фойдаланишади: Мисол: 1) Қўлини туширди-ю, кўча эшик олдида ўзига қараб турган Муқаддамни кўриб хижолатдан юзлари *ловиллаб кетди* [11.468]. 2) Ҳозир ҳеч кимни, ҳатто, онамни *кўришга кўзим йўқ эди* [12.31]. Юқорида келтирилган асар парчаларида қўлланилган фразеологик бирликлар биринчи гапда гапда уят ва кўрқувни, иккинчи гапда ғазабни каби муносабатларни ифодалаб келишга хизмат қилмоқда.

Улуғ ёзувчи А.Қахҳор сингари Ў.Ҳошимовнинг ҳам фразеологизмлардан фойдаланишдаги ўзига хос мактаб йўли бор десак муболаға бўлмайди.

Масалан, Энди гапнинг *нўскаласи* шу: *белимда белбоғим бор* деганинг эрталаб хашарга келавер гапидаги *гапнинг нўскаласи* (яъни хуллас), *белимда белбоғим бор деганлар* (эркаклар) содда, халқона ифоданинг намунасидир. Бундай халқона ифодалар ёзувчи асарларида кенг қўлланилган: *шашти пасайди, ўв, ҳалойиқ, луқма ташлади, расамад, эпламоқ, апоқ-чапоқ, зигирдай амал, чақчаймоқ, чийилламоқ, бошпана, закунчи, тажанглик*. Бу каби кўплаб оддий халқ нутқида қўлланиладиган сўзлар ёзувчи учун ҳам халқона соддаликни таъминлашга, ҳам бадийликни ифодалашга хизмат қилган воситаларга айланган. Бу ҳол ёзувчининг халқ тили имкониятларини чуқур ҳис этган ҳолда ундан мақсадга мос тарзда фойдалана олганлигидан намунадир.

Оддий сўзлашув нутқи воситалари қаҳрамонлар нутқини ўзига хослигини таъминловчи асосий воситалардан бири бўлганидек, бу луғавий бирликлар персонажларнинг хатти-ҳаракатини, ҳис-туйғуларини, характерини, унинг қандай киши эканлигин очиқ бериш вазифасини ҳам бажаради. Масалан, Ёмон иш бўлди! *Қўймижоз Комил табибнинг мишиқи боласини сариқ чақага олмайман* [13] гапидаги оддий сўзлашувга хос қўймижоз, мишиқи, сариқ чақа сўзлари, аввало сўзловчининг кишига бўлган

муносабатини ифодалаган. Шу билан биргаликда фикр олаётган кишининг қандай одам эканлигини изоҳлашда ҳам ушбу воситалардан фойдаланилган. – *Сенинг ҳам оёгингни тўртта қилайлик, мундоқ, нима бало ё миждозинг сустми?* [13] гапидаги «оёгинни тўртта қилмоқ» сўз бирикмаси орқали эса «уйли-жойли қилмоқ», «уйлантирмоқ» маъносининг ифодаланиши оддий сўзлашув воситаларининг нутқий имкониятлари жуда кенглигини кўрсатади. Ўткир Ҳошимов асарларидан олинган қуйидаги гапларда ҳам оддий сўзлашувга хос луғавий воситалар қўлланилиб, турли услубий вазифаларни бажарганини, бадий асар тилини жозибадор, таъсирчанлигини таъминлаганини кузатиш мумкин: – *Кеча анови итваччани ёқасидан бўғганимда хириллаб қолувди. Пилдираб чиқмас экансан-а! Эшигингни раис қоққанини биласан-да. Ие, хотини-ку! Табиб қай гўрда қолдийкин? Вой, қуруғ -эй, келиб –келиб сенга ука бўлиб қолдимми? Чойинг билан қўшмазор бўл!* [13].

Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Баҳор қайтмайди” ва шу каби асарларида қўлланилган фразеологик бирликларни тўплаб, ўрганганимизда ўзгаришга учрамаган ва қайта ишланган фраземаларни ажратиб таҳлил этдик. Қуйида улардан бир қанчасини таҳлилга тортамыз:

1. Пинакка кетмоқ

Маъноси: а) ухлаб қолмоқ; б) ўйланиш ҳолатида бўлмоқ (хаёлга чўммоқ).

Мисол: *Алимардон япроқларнинг пирпираб учишини томоша қила – қила пинакка кетди* [11. 468].

2. Дамини ростламоқ

Синоними: нафасини ростламоқ.

Маъноси: тўхтаб, нафас олмоқ, тин олмоқ, дам олмоқ.

Мисол: *Ниҳоят, секин-секин дамини ростлади, ҳовлига тикилганча бир текис, чуқур – чуқур нафас ола бошлади* [11. 465].

Ёзувчи, умуман фразеологик синонимлардан кенг ва унумли фойдаланган. Фразеологик синонимлар орқали фикрнинг нозик маъно

кирраларини очган, ранг-баранг услубий бўёқлар орқали фикрни ёрқин, бутун нозиклиги билан ифодалаб берган. Натижада асар тилининг равон ва жозибадор, жонли ва ширали чиқишига эришган: *Шу Афзалхон тушмагур Рисолатхондан бўлагига кўнмаяпти. Билмадим, зора тақдири қўшилган бўлса* [12].

Ушбу гапдаги *тақдири қўшилган, юлдузи юлдузига тўғри келган* фразеологик синонимлари бир фикрни ранг-баранг бўёқларда ифодалаб, нутқда сўз такрорининг олдини олган, фикрий жозибадорлик ва таъсирчанликни таъминлаган.

Фразеологик синонимлар кўпинча маъно синонимлари бўлади. Масалан, *нафаси ичига тушиб кетмоқ, капалаги учиб кетмоқ, юраги орқасига тортиб кетмоқ, сесканиб кетмоқ* иборалари учун умумий мазмун “қўркмоқ” бўлиб, аммо бу умумий маънонинг гавдаланиши турлича.

Сесканиб кетмоқ (Сирожиддин сесканиб кетди) ва *капалаги учиб кетмоқ* иборасига нисбатан *ранги учиб кетмоқ* (... Валиев рўпарасида турар, ранги учиб кетган эди), *нафаси ичига тушиб кетмоқ* (...томошабинларнинг нафаси ичига тушиб кетганди), *юраги орқасига тортиб кетмоқ* ибораларида маъно кучлироқ.

Ўткир Ҳошимов ўз асарларида лексик-фразеологик синонимлардан ҳам унумли фойдаланган. Лексик-фразеологик синонимлар бадиий асар тилини равонлаштириш, шунингдек, талаффузни қулайлаштириш мақсадида ишлатилган. Лексик-фразеологик синонимларни танлаб ишлатиш адиблардан катта маҳорат талаб қилади. Ўткир Ҳошимов асарлари тилини кузатар эканмиз, ундаги бу луғавий бирликлардан ҳам усталик билан фойдаланилганини кузатиш мумкин.

Лексик-фразеологик синонимларда ибора ўз маъно қиррасига кўра, шунингдек, стилистик бўёғига кўра ўз синоними бўлган сўздан кескин фарқланиб туради. Ниманидир фразеологик бирлик билан англатиш, одатда сўз билан англатишга қараганда образли, ўткир, таъсирчан бўлади. Ёзувчи худди мана шу томонига эътибор бериб, *қайсар* сўзининг синоними бўлган “ўз

киндигини ўзи кесган хилидан” иборасини қўллаб гапдаги маънонинг кучлироқ, таъсирчан чиқишига эришган: *Чолим ҳам ўз киндигини ўзи кесганлар хилидан эди.*

Хулоса қилиб айтганда, фразеологик бирликлар ва улар билан боғлиқ ходисалар, уларнинг маъновий ва вазифавий хусусиятлари мураккаб, сермунозара бўлиб, улар бир неча тадқиқот ишларини талаб қилади. Улар бир томондан тил бирлиги сифатида муайян тушунчани ифодалаш хусусиятига эга бўлса, иккинчи бир томондан ҳар бир халқнинг кўп асрлик турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, урф-одатлари ва анъаналарининг бадий асарларда акс эттирувчи, шу билан бир пайтда бадий матнда муайян ҳолатни, воқеликни образли, таъсирчан бўлишини таъминловчи восита ҳам ҳисобланади. Қалами ўткир ёзувчи Ў.Ҳошимов қаҳрамонларнинг бир-бирига бўлган муносабатини очишга хизмат қиладиган фразеологизмларни моҳирлик билан танлай олган. Ёзувчи сўзларнинг маъносидаги энг нозик эмоционал фарқларни сеза олган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стил. – Тошкент: Фан, 1980. – 190 б.
2. Ёриев Б. Бадий асар тилини ўрганиш. – Термиз: ТерДУ, 1999. – 134 б.
3. Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982. – 206 б.
4. Каримов С. Бадий матннинг услубий воситалари. – Самарқанд, 1990. – 123 б.
5. Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. – Самарқанд, 1992. – 380 б.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 405 б.
7. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Университет, 2006. – 495 б.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технология, 2009. – 391 б.

9. Самадов Қ. Ўзбек тили услубияти. – Тошкент: Фан, 1991. – 172 б.
10. Ўзбек тилшунослиги масалалари тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 1963. – 244 б.
11. Ҳошимов Ў. Баҳор қайтмайди. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1970. – 218 б.
12. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1981. – 336 б.
13. Ҳошимов Ў. Икки қарра икки беш. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 480 б.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ҲАДИСЛАРГА ШАРҲЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мунира Баходир қизи КАРИМОВА

талаба

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг ижодига муносабат билдирилиб, шоирнинг ирфоний қарашлари, ҳадисларга шеърӣ шарҳ ёзиш маҳорати юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади. Мақолада улуғ шоир ижодидан мисоллар келтирилади, шунингдек, арабча сўзларнинг луғавий маъноларига диққат қаратилади.

Таянч сўзлар: ижод, шоир, шеър, арбаъин, ҳадис, адабиёт, одоб, ҳикмат.

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ О КОММЕНТАРИЯХ К ХАДИСАМ АЛИШЕРА НАВОИ

Мунира Баходир қизи КАРИМОВА

студент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье излагается отношение к творчеству Алишера Навои, а также мнения и суждения о его теологических взглядах, мастерстве по написанию стихотворных комментариев к хадисам. В статье приводятся примеры из творчества великого поэта, а также рассматривается лексическое значение арабских слов.

Ключевые слова: творчество, поэт, стихи, арбаъин, хадис, литература, этика, мудрость.

“Адабиёт” арабча сўз бўлиб, “одоб”, “тарбия” каби маъноларни англатиши барчага ёд бўлиб кетган маълумотлардан бири. Аммо араб тили нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилинганида, “адабиёт” асли араб тилидаги биринчи ўзак ҳарфи ҳамзадан иборат бўлган нотўғри феъллар туркумига кирувчи “адуба”(ادب) феълидан келиб чиқади. Бу феъл луғавий жихатдан “одобли бўлмоқ”, “тарбияли бўлмоқ”, “хушхулқ бўлмоқ” каби маъноларни англатади. Шундан кўриниб турибдики, бадий адабиётнинг асосий вазифаси у билан танишган, дўстлашган, йўлдош бўлган инсон

калбини тарбиялаш саналади. Шунингдек, уни яхшиликка ошно этиб, ёмонликдан йироқлашишга ундайди.

Афсуски, бугунги кунда айрим “иждо махсуллари” ўқувчиларни тарбиялашга эмас, аксинча ҳаёлини чалғитиб, вақтини ўғирлашга, бадий сўздан бездиришга хизмат қилиб келмоқда, холос. Қадимдан адиблар, аҳли шуаро жуда кўп мурожаат қиладиган энг асосий ва муқаддас манба – Қуръони Карим ва Ҳадиси Набавия эди. Шу сабаб бадий асарларнинг тарбиявий қудрати ниҳоятда кучли эди. Замондошлари томонидан “Диннинг низоми”, яъни Низомиддин дея сифатланмиш ҳазрат Алишер Навоий шундай таъкидлаган эдилар:

Қуръонни тиловат этсун гар огоҳ эрур,

Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Бироқ ўтган собиқ шўро тузуми даврида бадий адабиёт билан ислом дини ўртасида кўз билан илғаб бўлмас, аммо пўлатдан ҳам мустаҳкам девор тикланди. Энг катта хужум ҳазрат Алишер Навоий асарларига нисбатан олиб борилди. Зотан Алишер Навоий адабий ижодининг бошдан охири айнан ислом дини ақидасига мос равишда битилганини истиқлол даври навоийшунослари алоҳида таъкидлашмоқда. Улкан навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул “шоир иждодиётининг ирфоний моҳияти, илоҳий ҳақиқатлари” тўғрисида мулоҳаза юритиб: “Навоийни етарли даражада билиш - адолат, диёнат ва иймон-этиқоднинг кучига ишонч демак” [6;10], деган жуда зарур фикрни баён қилади. Тўғриси, шўро даврида Алишер Навоий асарларининг ботини эмас, балки замонга мос келадиган айрим зоҳирий қирралари ўқувчиларга ўргатилад эди. Натижада халқ Навоий иждодидан ҳам, айнаи чоқда ислом динидан узоқлашди. Аслида ислом дини ва унинг умуминсоний мазмун-моҳиятини оммага тарғиб қилишда бадий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Ҳар иккисида эзгу бир мақсад мужассам: *комил инсон тарбияси*. Кўп китобхонлар тасаввурича ҳазрат Навоий ишқ-муҳаббат куйчиси, холос. Ишқ-муҳаббатнинг эса ўз даражалари бор. Алишер Навоий ҳазратлари аслида ўз асарларида илоҳий ишқни тараннум этган шоир, нақшбандия тариқати намоёндаларидан

бири саналади. “Маҳбуб-ул қулуб” асарида ишқни “авом ишқи, хослар ишқи ва сиддиқлар ишқи” тарзида уч гуруҳга ажратиб, сиддиқларни тавсифлаб: “Буларни Тенгрига ошиқ деса бўлур” [2;140], деб таъкидлайди. Зеро, Алишер Навоий ҳам сиддиқлар жумласига киради. Сиддиқлар ишқи ҳақиқийни, яъни Аллоҳ таолога бўлган кучли муҳаббатини мажоз тили билан баён қилишади.

Тасаввуф намояндалари ҳеч қачон ўз кечинмаларини тўғридан-тўғри ошкор қилмайди. Бу жойда рамз асосий ўринни эгаллайди. Алишер Навоий асарларини тўғри шархлай олиш учун ҳам ана шу рамзлардан тўлақонли хабардор бўлиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда ижодкорнинг биз ўқувчиларга аслида нима демоқчилигини англай олмай, ибратланмай, тўғри хулосалар чиқаришга қийналиб қоламиз.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодини мана сал кам олти асрки, илм аҳли ўрганиб келади. Аксар адабиётшуносларимиз таъкидлаганларидек, Навоий асарлари ўлмас, замон танламас, ўқувчи қалбидан чуқур жой эгаллайди. Бунинг асосий сабаби ҳазратнинг асрларида Қуръони Карим оятлари маънолари сингдирилганидир. Қуръони Карим эса Аллоҳ таоло то қиёмат кунигача муҳофаза қилган Китобдир. Бу ҳақда “Ҳижр” сурасининг 9-оятида келади: “*Албатта, зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз*”. Алишер Навоий “Сирож ул-муслимин” асарида шаръий ҳукмларни назмий йўсинда баён қилади. Дейлик, Ҳазрат ёзади:

*Закот ўлди учунчи рукн билгил,
Нечукким, амр қилмиш Тенгри, қилгил.*

Бу байт Қуръони Каримнинг: “*Ва намозни қоиим қилинглари ва закотни беринглари ва Расулга итоат қилинглари, шоядки, раҳм қилинсангиз*” “Нур” сураси 56-оятида келган ҳукм, яъни закот масаласини ўзида мужассам қилган.

Ёки бошқа бир саҳифада ҳаж амалини шундай баён қилади:

*Бешинчи рукн билгил ҳажжси ислом,
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.
Вале фарзиятида шартлар бор,
Қулоқ тутким, қилай борини изҳор [3;287-288].*

Бундай мазмун Алишер Навоий битган ҳар бир асари моҳиятига сингдирилади. Бугун бемалол айтиш мумкинки, Алишер Навоий ислом шоиридир. Унинг муҳрида “Кун фиддуња кааннака ғорибун ав аъбиру сабилин. Фақир Алишер” (Таржимаси: “Дунёда ғарибдек ёки бир йўловчидек бўлгин. Фақир Алишер”) деб ёзгани бежиз эмас [4;30]. Ислом динига доир тушунчаларнинг бадий талқини кўплаб ғазаллари ва улкан ҳажмли дostonлари таркибида ҳам кўп учрайди.

Шунингдек, Ҳадиси шариф ҳам Алишер Навоий ижодининг асосий ўрганилиш нуқтаси саналади. Абдурахмон Жомийга ҳавасланган Ҳазрат 1481 йили ўзининг “Арбаъин” асарини ёзади. Унда арбаинчилик анъанасига мос равишда қирқта ҳадиси набавийни араб тилида келтириб, уларга туркийда шеърӣ шарҳ битади. Ҳайратланарлиси шундаки, Алишер Навоий қирқ ёшида ушбу қирқ назмӣ шарҳни икки-уч кун ичида ёзиб тамомлаган эканлар [1;66]. Бу ҳол Алишер Навоийнинг истеъдоди ва маҳоратидан дарак беради. Қалби Қуръон оятлари, ҳадиси шариф маънолари билан нурланган шоир учун “Арбаъин” ёзиш ижодий жиҳатдан завқли машғулот бўлганини тасаввур қилиш мумкин. Қолаверса, Навоий ижодини синчиклаб текширилса, шоирнинг араб тили грамматикасидан чуқур билимга эга экани ҳам маълум бўлади. Араб тили қоидалари эса жаҳонда мукамаллиги ҳамда қийинлиги билан ажралиб туради.

Мутахассислар такидлашларича, “Арбаъин” таркибига кирган ҳадисларнинг кўпчилиги саҳиҳ ҳамда машҳур ҳадислардир. Маълумки, ҳадис илмида тўқима ҳадисларга нисбатан “мавзуъ” атамаси қўлланилади. Алишер Навоий “Арбаъин” асари учун танлаб олинган ҳадислар орасида бундай ҳадислар мавжуд эмас. Сабаби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаганларини нақл қилишнинг гуноҳ эканлиги ҳадиси шарифларда баён этилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Ким мендан ёлгон гап айтса, дўзахдаги ўрнини тайёрлайверсин”*, деганлар. Айнан шу нуқта Алишер Навоийнинг ҳадис илмини ҳам чуқур ўрганиб, унга амал қилганларидан дарак беради.

Исломда ёлғончилик қораланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғончи кимса уммат бўла олмайди.

Алишер Навоийгача арбаъинчилик анъанаси мавжуд эди. Ислом оламида энг машҳур ва мўътабар бўлган “Арбаъин” Имом Нававий каламларига мансуб. “Арбаъин” муаллифлари уни ёзишда бир мавзу остида бирлашувчи ҳадиси шарифларни ёки маълум бир соҳага алоқадор бўлганларини тўплаб шарҳлашади. Алишер Навоий биринчи бўлиб туркий тилда “Арбаъин” ёзди. Шоир саралаб олган ҳадиси набавиялар турли мавзуларда бўлиб, уларнинг кўп қисми одоб-ахлоққа алоқадор. Масалан, тартибига кўра тўртинчи ҳадисда айтилишича: *“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Икки ҳислат мўминда жам бўлмайди: бахиллик ва бадхулқлик” дедилар*”. Ушбу ҳадисдан сўнг ҳазрат Алишер Навоий қуйидаги назмий шарҳни келтирадилар:

Мўмин эрсанг, қилиб дурунгни нисор,

Эл била равшан ўл нечукким шамъ.

Негаким, Тенгри ҳеч мўминда

Бухлу бадхўйлуғни қилмади жамъ [3;263].

Бахиллик, бадхулқлик одам учун фазилат эмас, балки жуда катта иллатдир. “Маҳбуб ул қулуб”да *“Ёмон қилиғлиқ, ёмон феъл ва яна аччиқ сўзлик, шўртумишук бир катта балога йўлиққандир ва қаерга борса, ундан қутулмас ва қаёққа қоча, ундан халос бўлмас”*, дея бахиллик ва ёмон хулқнинг одамга ҳамиша эргашиб юришига урғу беради [2;184]. Бундай таққослар Алишер Навоий ижод оламининг бир бутунлигини намоён қилади.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан “Вал калиматут тоййибату содақотун”, яъни “Яхши сўз садақадир” деган ҳадис бор. Алишер Навоий аини ҳадиси шарифни:

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,

Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.

Не учунким Расул қавли билан

Яхши сўз бордур, ўйлаким садақа [3;268].

“Тўъма” арабча “тоима” феълидан келиб чиққан сўз бўлиб “таом, озуқа, емиш” каби маъноларни англатади. Гарчанд бировга озуқ-овқат бермасанг ҳам, унга яхши сўз сўзлаш жоиз. Шунда айни сўз мисоли садақа ўрнига ўтади.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийдан ҳозирги авлодлар учун мол-дунё эмас, балки яхши, гўзал, бадиий сўз мерос қолди. Инсониятга Навоийнинг садақаси ҳозиргача жорийдир.

Айниқса, шеърий йўлда битилган асарлар инсонлар онгига тезда муҳрланади. Ҳазрат Навоий шундай савобли ишни бажарди. “Арбаъин” ёзишнинг савобли амал экани ҳадиси шарифда ҳам таъкидланади: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ким умматимга дин ишлари борасида қирқта ҳадисни муҳофаза қилиб берса, Аллоҳ уни қиёмат кунини фақиҳ қилиб тирилтиради ҳамда қиёмат кунини мен унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан”.*

Табиийки, ҳазрат Алишер Навоий шундай шафоатга умид қилади.

Хуллас, Алишер Навоий замониғача бўлган анъанавий “Арбаъин”ларнинг қўпчилиги насрий йўсинда шарҳ қилинди. Абдурахмон Жомий ва ундан кейин Алишер Навоий ҳазратларининг қирқта ҳадиси набавияни назм баён қилганлари билан ажралиб туради.

Умуман олганда, шоир ёзган барча асарлар қатори “Арбаъин”лари ҳам инсоният қалбига нур олиб киради. Одамларни яхшиликка чақиради. Айни дамда, ўнлаб ҳадиси шарифларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради. Шунингдек, арбаъинчилик анъанаси Алишер Навоийдан кейин ҳам ўзбек мумтоз адабиётида, шунингдек, мустақиллик даври шеъриясида ҳам ҳадисларни шеърий йўсинда баён қилиш давом этди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017. – 670 б.
2. Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. Муҳокамат ул-луғатайн. –Тошкент. Ғафур Ғулом, 2021. – 302 б
3. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик.16-том. – Тошкент. Фан, 2000. – 335 б
4. Навоий, Алишер. Навоийдан чу топқайлар навое. – Тошкент: Nilol-nashr, 2014. – 240 б.
5. Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Тафсири ҳилол, 4-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 638 б.
6. Ҳаққул, Иброҳим. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 223 б.

Фалсафа

ПРАВСТВЕННОСТЬ – КАК ОСНОВА ТОЛЕРАНТНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ТРУДАХ АБУ ХАМИДА ГАЗАЛИ

Дильфуза Кахрамоновна САЙФИЛЛАЕВА
Доктор философии по (PhD) философским наукам
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются взгляды Абу Хамида Газали о философах и его отношение к ним, о понятии нравственности на основе труда «Нравственность мусульманина».

Ключевые слова: Ислам, суфийский идеал, шариат, общество, душа, воспитание, нравственность, человеческий характер.

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ АСАРЛАРИДА ОДОБ-АХЛОҚ ТОЛЕРАНТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Дилфуза Қахрамоновна САЙФИЛЛАЕВА
фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Абу Ҳомид Ғаззолийнинг файласуфлар ва ахлоқ тўғрисидаги қарашлари «Мусулмон ахлоқи» асарига асосланиб ёритилган.

Таянч сузлар: Ислом, суфиёна комиллик, шариат, жамият, қалб, тарбия, ахлоқ, инсон табиати.

Нравственность охватывает все стороны жизни человека, регулируя все его поступки. Общество не терпит безнравственного отношения к нему. Нравственность каждого из нас определяется нашим внутренним духовным миром и является одной из форм общественного сознания. Вопросы нравственности человека на сегодняшний день являются одними из главных. Упадок нравственности в обществе ведет к гибели многих достижений человеческой цивилизации.

Понятия нравственного отношения, затронутые Газали в своих сочинениях актуальны и на сегодняшний день. Мыслитель является многогранным ученым, автором более 70 трудов, посвященных различным

областям науки. Понятие и критерии нравственности занимают значительное место в трудах мыслителя. В основном Газали в своих трудах рассматривает связь нравственности с религией. Нравственная конституция личности занимает центральное место в его сочинениях.

Основными, определяющими нравственность человека по Газали являются: Коран и Хадисы пророка Мухаммеда. Газали приводит речь Мухаммеда, чтобы показать ту роль, которую играл пророк в жизни мусульман. Становление нравственности у Газали связано с религией Ислам. И причину этого мыслитель видит в Коране, в наставлениях Мухаммеда, в религиозных ритуалах: «Но некоторые из тех, кто относит себя к Исламу, могут с легкомыслием относиться к исполнению актов поклонения, демонстрируя перед обществом свое сильное стремление к соблюдению этих ритуалов, но, в то же время, совершая очень многое из того, что никак не совместимо с благородным нравом и истинной верой» [3;6]. Если вы исполняете все религиозные ритуалы, даете людям благие советы, а сами не контролируете свои поступки, то вас нельзя считать истинно верующим. Нравственность у Газали вытекает из ислама: «Роль нравственности более чем важна, поэтому необходимо постоянно наставлять других, давать им советы, дабы в их умах и сердцах укоренилось то, что вера, благочестие и нравственность – это последовательные и взаимосвязанные элементы одной цепи, звенья которой неразрывны» [3;7]. Мыслитель ясно указывает, на то, что нравственность не может существовать отдельно от религии. Газали возводит нравственность к степени определенного озарения, исходящего со стороны Ислама.

«Один из хадисов пророка Мухаммеда звучит так: «Человек, не клонящийся к моей нравственности и не вспоминающий меня, потеряет дорогу к раю» [9;85]. Пророку удалось создать целый свод нравственных норм, следуя которым мусульманин мог бы, быть уверен в своем месте, уготованном в раю. После объединения арабов под одной религией, Мухаммед желал контролировать общество. Ислам должен был быть основным

регулятором человеческих отношений. Именно религия, основанная на нравственных нормах, и тесно взаимосвязанная с моралью определяла поведение каждого члена. Абу Хамиду Газали удалось создать свод нравственных норм, путем возврата к истокам ислама, что и отличало его от других теологов своего времени. «Обязанность каждого мусульманина начать со своей души, исправить ее точным исполнением предписаний и отказом от запретных дел, затем научить этому жителей своего дома, затем, совершив это, обратиться к соседям, затем к жителям своего квартала, затем к жителям города.....» [2;139]. Как указывает В.В.Наумкин, по мнению Газали, человек обладает еще и высшим инстинктом, который составляет основу высокой нравственности человека» [2;67] Т.е. нравственные качества каждого человека заложены от природы, но, это не означает, что их нельзя усовершенствовать или изменить. Мыслитель делит человеческую душу на три вида. Под первой Газали имеет ввиду душу животную (ан-нафс ал аммара би-су), которая сохраняет в человеке негативные черты, и с ними нужно бороться. Вторая, человеческая (ан-нафс ал-лаввама) и третья божественная (ан-нафс ал-мутмаинна) показа духовного божественного в человеке, человеческая, а божественная душа – это успокоенная, которая как высокий трамплин этического состояния. Каждый человек обладает определенным видом души, но в то же время, по нашему мнению, проявления каждой из этих видов имеются в человеке. И от того насколько больше качеств одной из этих видов душ, настолько этот человек обладает нравственностью и соответствующими душевными качествами. Но все люди нуждаются в определенных моментах в совершенствовании нравственных качеств, которые служат основой социальных взаимоотношений. Кроме этого, по мнению мыслителя не все поступки человека предрешены сверху, а в совершенствовании своей души человек должен иногда полагаться и на волю.

По мнению мыслителя, «совершение человеческих грехов зависит от склада качеств человеческой натуры, которые бывают нескольких видов: 1.инстинкт животности (бахимийа); 2. инстинкт дикости (сабуийа); 3.

склонность к безбожной, кощунственной гордости (шайтанийя); 4.склонность приписывать себе обладание высшей силой (рубубийя)» [2;67]. И в зависимости от того, каким качеством обладает человек, таким же образом складываются его взаимоотношения в обществе. Например, Газали утверждает, что «от инстинкта животности происходят: обжорство, ярость, пьянство и разврат (прелюбодеяние и гомосексуализм), воровство. Инстинкт дикости есть причина таких грехов, как гнев, желание напасть на человека, расточительство и другие. От шайтанийя происходят: плутовство, предательство, вероломство, лицемерие и подстрекательство к ересям и заблуждениям. Рубубийя же является причиной таких грехов как гордость, заносчивость и самомнение» [8;67]. Нравственность является той основой, которая должна присутствовать в каждом человеке, но у каждого она в определенной мере. Как мы уже отмечали, по Газали нравственность черпается каждым из людей в зависимости от его веры. Насколько его вера глубока и искренна, настолько прекрасен человек духовно, и наоборот. Также Газали отмечает то, что влияние совершаемых поступков очень сильно влияет на путь очищения души и тела от всего ненужного «и движения по пути получения знаний, то есть движение к получению того, что нужно, и избавление от ненужного является условием освобождения места для необходимого» [8;27].

В своем «Наставлении сыну» Газали четко указывает качества, которые духовно обогатят и наоборот обеднят твою душу. Он советует, бояться того, чтобы вообще не делать людям хорошего, так, как только знания постов и молитв недостаточно и не действительно без хороших поступков. Еще философ дополняет и подтверждает свои взгляды мнением, что веру необходимо понимать, как выговаривание молитв языком, и доказывать это действиями, а также действие и совершение добрых дел в жизни. И при этом Газали советует своему сыну говорить, делать и думать на основе Шариата. «Сын, я советую тебе принять от меня восемь вещей. Несомненно, чтобы твои поступки были

твоими свидетелями в Судный день. Соблюдай следующие из них и наоборот, игнорируй остальные.

Первое, Газали выступает против диспута, так как от ведения дискуссий нету пользы. Второе, мыслитель оберегает верующего давать советы по любому поводу. Отсюда следует, что не каждый верующий имеет право наставлять людей и давать напутствие, так как этим необдуманным поступком он может причинить вред. Но если вдруг это все – таки случилось, то он должен выйти из этой ситуации следующим образом: 1) избегать притворства, лицемерия, так как Всевышний не любит ложь. 2) ты должен быть скромным при молитве и не вызывать чрезмерной эмоциональности при чтении молитв. Газали ясно указывает на то, что наставление не должно иметь характер культа личности, чтобы слова, высказанные проповедью, проникали в самое сердце человека, вызывая при этом не бурю эмоций, а глубокую задумку о своем месте на земле и в будущей жизни. Роль проповеди мыслитель подчеркивает следующими словами: «она дракон и дьявол, который сводит людей с их пути и губит их, и что они должны бежать от нее, потому что даже шайтан не может испортить их религию так, как этот сказавший» [8;153]. Человек, произносящий речь должен четко понимать то, что он говорит, потому что иначе его речь может навредить слушающему.

3) Газали советует не иметь дела с халифами.

Подобные высказывания мыслитель мотивирует тем, что приближение к правителям приведет к зависимости от них, и к соглашению во всем, даже если он несправедлив к своему народу. Газали наставляет не обманывать свой народ, а для этого необходимо быть независимым во мнении, чему может помешать дружба с несправедливым правителем.

Продолжая его мысли и воззрения, также необходимо отметить следующие обязательные для выполнения, по его мнению, советы:

Во-первых, каждый верующий должен иметь такие чувства к Всевышнему, как раб господину.

Во-вторых, каждый мусульманин, только тогда становится истинным верующим, когда обращается с людьми достойно. И при этом не разделяет их по определенным признакам и желает им только благого.

В-третьих, если у тебя жажда новых знаний, то должен следить, чтобы эти знания и новые идеи освещали твое сердце и облагораживали тебя самого.

В-четвертых, каждый истинный верующий должен быть скромным в своем потреблении земных благ и довольствоваться малым, даже если он богат. Его поступок мыслитель объясняет, тем, что пророк взывал не накапливать имущества, а просил только на ближайшее будущее. Газали дает понять, что не следует накапливать имущества и быть алчным, а научиться довольствоваться малым (что относится и к суфийским идеалам).

Так как вся система Газали устроена на основах Шариата, то высказывая роль религии и нравственности он, приводя слова Пророка «самая совершенная вера у того верующего, который обладает самым благим нравом и который наиболее нежен со своими близкими», еще раз подчеркивает, что нравственность мусульманина, тесно переплетенная с его религией, играет важнейшую роль в построении отношений между членами общества. Говоря о воспитании, мыслитель уверен, что нравственность нарабатывается годами при воспитании. «И тело не бывает совершенным от рождения, оно совершенствуется в процессе роста и развития, чему способствует пища, так же и душа создается с недостатками, но она совершенствуется через воспитание, улучшение характера и питание его науками» [8;53]. Мыслитель уверен, что нравственные качества не всегда даются природой, а нарабатываются самим человеком. Общей целью мыслитель называет помощь человеку, который хочет избавиться от нечистот своего сердца и нрава. Газали предлагает, попытаться сохранить все то положительное, что в них есть, но если вы замечаете, что ваша душа и ваш характер склоняются к негативным качествам, то лучше сохранить и исправить все, чтобы достичь равномерности. Выработка в себе нравственных качеств, если они

отсутствует, а также умение сохранить их, если таковые дарованы природой, Газали считает одним из стимулов мирной жизни.

Но в то же время мыслитель указывает, что все зависит от Аллаха: «Тот, кто познал себя и познал своего Господа, наверняка понял, что он не существует сам по себе и что само его бытие, продолжение его и совершенство – от Аллаха, к Аллаху и посредством Аллаха» [2;239].

Говоря о нравственности как об основе поведения человека, мыслитель приводит примеры из жизненных ситуаций. Например, «Мясник не должен резать скот на улице, напротив дверей лавки, пачкая улицу кровью, это запрещено, и он должен этого избегать, устраивая бойню только в своей лавке» [2;133]. Газали в своем труде подробно изложил до мельчайших бытовых ситуаций, которых должны придерживаться люди разных профессий для того, чтобы мирно сосуществовать в обществе. Т.е. он предлагает своеобразный этикет, соблюдение которого поможет избежать неловких ситуаций. А в мирном сосуществовании людей особую роль придает нравственности. Что имеет в виду, Газали под нравственным началом в каждом человеке, которое поможет ему в отношениях с людьми? Общение человека с окружающим миром начинается с речи. «И если представить себе покрытое ржавчиной зеркало, ясность которого скрыла грязь и предметы в котором не отражаются, то для возвращения зеркалу совершенства нужно восстановить его способность принимать изображения предметов и отображать их такими, какие они есть на самом деле» [8;28].

Итак, подводя итог нашим размышлениям о нравственности как основе социальных отношений, можно сделать следующие выводы:

- У мыслителя нравственность изначально тесно переплетена с религией.
- Газали, основываясь на предписаниях пророка, путем возврата к начальному исламу, создал свод нравственных норм, соединяя традиционный суннизм с суфизмом.

- Немаловажную роль в формировании доброго нрава он отводит языку как регулятору человеческих отношений.

- Воспитание в себе трех основных сил: силы разума, силы желания и силы гнева, могут служить формированию высокой нравственности.

ИСПОЛЗОВАННЫХ ЛИТЕРАТУРА:

1. Акимушкин О. Абу Саид Майхани. /Ислам Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. – 310 с.
2. Газали, Абу Хамид. Воскрешение наук о вере (Ихйа улум ад - дин). //Перевод с арабского, исследование и комментарий В.В.Наумкина. – Москва: Наука, 1980. – 240 с.
3. Газали, Абу Хамид. «Кимийа – йи саъдат». //Пер.: Абдаллах бин Тахир Мухаммада Йакуба Шайха Бухари с иранского произведения Ахмада Арама «Интишарат – и ганджина». 4-е изд. – Тегеран, 1376/1997. – 260 с.
4. Газали, аль-Абу Хамид. Весы деяний и другие сочинения. //Пер. с арабского А.Минияновой, С.Сагадеева. – Москва: Ансар, 2007. – 204 с.
5. Газали, Абу Хамид. Аль - тибр аль - масбук фи насыхат аль-мулюк. – Бейрут: Ливан. – 83 с.
6. Зарринкуб, Абдулхусайн. Фирор аз мадраса. – Ташкент: Муассасати интишороти Амир Кабир, 1991. – 95 с.
7. Ғаззолий, Абу Хомид. Муножат лаззати. /Тарж. Сирожиддин Сайид). // Тафаккур, 1995. – №1. – Б.112.
8. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Тавба китоби. – Тошкент: Фан, 2003. – 87 б.
9. Ғаззолий, Абу Хомид. Мукошафат – ул кулуб. //Пер.: Миразиз Аъзам. – Тошкент: Адолат, 2002. – 314 б.
10. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Кимёи саодат. Рух ҳақиқати. Т.І. – Тошкент: Адолат, 2005. – 166 б.
11. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Тил офатлари. // Тарж: Рашид Зоҳид. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2011. – 87 б.
12. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. – 432 б.

АХЛОҚНИНГ МАЪНАВИЙ ЙЎЛИ ВА ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ

Шодмон Файзуллаевич ЖЎРАЕВ

ўқитувчи

Бухоро Давлат Университети

Бухоро, Ўзбекистон

Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ

ўқитувчи

Бухоро Давлат Университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мусулмон дунёсида инсоннинг маънавий-ахлоқий қарашлари билан бир қаторда унинг ҳақиқатни билиш йўлидаги тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг ҳаммаси инсондан жуда кўп меҳнат, машаққат, изланиш ва тизимли изчил билимни талаб қилади. Ислом динида шундай ғоялардан бири сўфийлик таълимоти тизимидир. Сўфийлик бўйича XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошида кўплаб фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу мақола сўфийликнинг айрим элементларига бағишланган.

Таянч сўзлар: ислом, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат, сўфийлик, адепт, билиш, дарвишлик, тарбия, ахлоқ, жамият.

ДУХОВНЫЙ ПУТЬ ПРАВСТВЕННОСТИ И ПОСТИЖЕНИЕ ИСТИНЫ

Шодмон Файзуллаевич ЖУРАЕВ

Преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ

Преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В мусульманском мире особое внимание уделяется вопросам духовного воспитания, нравственности, постижения настоящей истины. Все это требует очень много духовного труда, усердия, поиска и системного учения. В исламе такими системными учениями являются идейные системы суфизма. Во второй половине XX века и в начале XXI века по теории суфизма были создано очень много фундаментальных трудов. Это статья посвящена некоторым элементам духовного воспитания суфизма.

Ключевые слова: ислам, шариат, тариқат, просвещение, истина, суфизм, адепт, познание, аскетизм, воспитание, нравственность, общество.

Барча динлар каби ислом дини ҳам жамиятнинг ғоявий, маънавий ва ахлоқий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Ҳаётнинг бу соҳаларида инсоннинг олами билиш жараёни жуда муҳим ўрин эгаллайди. Инсоннинг билиш фаолияти ўзига хос жараён сифатида исломда ўзгача намоён бўлади. Бу исломнинг “маърифатпарвар дин” сифатидаги моҳиятида кўзга ташланади. Исломдаги билиш жараёнида инсон якка шахс ҳолатидан ижтимоий шахс ҳолатига ўтиб боради [3;551б]. Исломдаги билиш жараёнига Тариқат асослари орқали ўтиб борилади. Тариқат арабчада “йўл” маъносини англатади [5;161]. Бошқа диний маърифат тизимларга нисбатан олганда Тариқат бу руҳий тартиб ва руҳий таълим асослари кучлилиги билан ажралиб туради. Тариқат адептнинг мистик билим олиш жараёнида уни ҳақиқатга олиб борувчи бир илоҳий йўлдир.

Тариқатда инсоннинг ақл йўналиши турли-туман йўналишларда бўлсада у илоҳий тарзда аниқ тус олиб боради. Инсон ақлининг илоҳий нур билан ёрқин тус олиб бориши ва унинг Олий Ҳақиқатга интилиши исломда сўфийлик деб аталади. Сўфийлик атамаси фанда кенг ёритилгандир. Аслини олганда сўфийлик муриднинг илоҳий тарзда Оллоҳ билан якканишин бўлиши ва ўзидаги салбий жиҳатлардан воз кечиш йўлидаги саъйи ҳаракатларидан иборатдир. Нисбатан кенг маънода бу кейинчалик тасаввуф атамасига айланиб борди [6;420].

Тариқатда Олий Ҳақиқатга эришиш йўли ўзига хос бўлиб, у қуйидагича асосларга эга бўлади:

- Фақирлик – бу фақирликка даъват этишдир.
- Аш – шабах – илоҳий шаффофликни тарғиб этиш.
- Зухд – таркидунёчилик.
- Тафаккур – зикр билан банд бўлиш.
- Таваккул – Оллоҳга таваккал қилиш.
- Назар – қалб кўзи билан Оллоҳга назар.

Ушбу тизимдан Олий Ҳақиқатга етиш йўлининг қуйидаги манзиллари шаклланиб боргандир:

- Шариат – мусулмонлар томонидан ислом қонунларининг қатъий бажарилиши.

- Тариқат – муршид олдида ҳақиқий итоатда бўлиш ва уни илоҳий раҳнамо сифатида қабул қилиш.

- Маърифат – Оллоҳни ақл билан эмас, балки қалбдан ҳис этиш.

- Ҳақиқат – Олий Ҳақиқатга тўлиқ етиб бориш.

Одатда инсоннинг ўзини тутиши аксарият ҳолатда унинг онг ости таъсири билан бевосита боғлиқ бўлади. Сўфийликка кириш арафасида инсон ғоявий қарашларида тана истаклари устивор бўлади. Кейинчалик инсон унга қарши кураш натижасида, аста-секинлик билан уни сўндириб боради. Бунинг натижасида эса Ҳақиқатнинг қирралари аста-секин очилиб боради. Сўфийликда муриднинг жамиятдаги ҳаёти дарвишлик ва таркидунёчилик натижасида инсонлар наздида нисбатан қийинроқ кечади.

Агар мурид жамотчилик орасида ҳақиқат уйғунлигига эришса, бу мусулмон учун мукамал таълим тизими ҳисобланади [2; 137]. Агар сўфийнинг ўз атрофидагилари билан муомаласи ёмон бўладиган бўлса, унга касал одам сифатида қарайдилар. Агар ким Оллоҳ йўлида жамоатчиликдан воз кечишни бошласа, у одам нотўғри одам сифатида баҳолангандир. Бундан шу келиб чиқадики, инсон Олий Ҳақиқатга эришиш йўлида жамоатчиликдан воз кечадиган бўлса, у айнан шу Ҳақиқатдан чалғиб кетган бўлади. Атрофдаги одамлар доирасида ўз истак ва ҳисларидан воз кеча олиш, уларни жиловлаш эса мурид учун ҳақиқий илоҳий синов ҳисобланади. Агар шунга амал қиладиган бўлса, муридга нисбатан атрофдагилардан келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар таъсири шунча кам бўлади. Бунда муриднинг сабрсизлигига чуқур танқид назари билан қаралган.

Сўфийнинг атрофида яшаётган одамларнинг кўпчилиги одатда унда ҳаёт кечираётган муриднинг илоҳий ҳолатларини тасаввур эта олмайдилар. Чунки улар муридни интуитив англаш ҳолидан жуда узоқда бўладилар. Шу сабабли ҳам кўп ҳолатларда мурид учун уларнинг фикр-мулоҳазаларининг аҳамияти йўқдир.

Сўфийликда ўз тана истакларидан озод бўлиш инсон мукамаллигининг кўриниши ҳисобланади. Бундай ҳолатда инсон танаси табиий жиҳатдан ўз эркинлигини йўқотади ва илоҳий кучлар таъсири остида бўлади.

Тасаввуф дунёқараши бўйича оддий инсон доим ўзининг истак ва хирслари таъсири остида бўлади ва унинг руҳи айнан шу истак ва хирслар таъсири натижасида азобда бўлади. Ушбу азоблар натижасида инсоннинг билими тўлақонли бўлмайди ва у Олий Ҳақиқатга бора олмайди. Бундай бўлмаслиги учун эса инсон ўз фикрини соғломлаштириб туриши лозим бўлади. Бу эса ўз хирс истакларини эзгу ниятларга айлантириш орқали амалга ошиши мумкиндир. Бу инсон учун жуда фойдали ўзгаришдир. Чунки бунда инсон руҳияти анча тозаланади. Одатда бу ўзгаришлар ўзини тийиш, рўза, зикр ва дуо – мурожаатлар сифатида амалга оширилади. Тариқатда эса инсон руҳиятини тозалашнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилгандир. Бунда инсон руҳиятининг салбий жиҳатлардан ижобий жиҳатларга томон илоҳий трансформациясига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу трансформация натижасида инсондаги пасткаш жиҳатлар аста-секинлик билан тоза эзгу жиҳатларга айланиб боради.

Оддий ҳаётда одатда инсон ўзининг жисмоний истак-майлларини ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб келади. Бу эса унинг турли нафсларига йўл очиб беради. Фақатгина ушбу нафсларга қарши аёвсиз курашгина инсон руҳияти тозаланишига имкон ярата олади.

Инсон руҳиятининг тозаланиши ва унинг юксалиши ундаги ҳиссиётларнинг тинчланиши ҳамда руҳнинг хотиржамлигига кенг йўл очиб беради. Унда инсон руҳи анча юксак ижодий хусусиятларга эга бўлиб боради [11;242- 26-50], [10; 26-28], [8; 12-14], [7; 13-17], [9;240-255]. Инсон руҳининг тозаланиб мукаммал тус олиб бориши унинг Олий Ҳақиқатга эришишига кенг имкон беради. Инсон руҳининг Олий Ҳақиқатга етиб бориши эса уни илоҳий комиллик даражасига олиб чиқади. Комилликка эришиш инсон қалби назари очилиб бориши билан унинг дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборади.

Тасаввуф йўналишида мурид учун хос бўлган қуйидаги сифатлар белгилангандир:

1. Мурид ўз устозининг имо-ишоралари ва гапларини дарров илғаб олиши учун зарур бўлган зеҳнкор ақлга эга бўлиши лозимдир.
2. Барча ўғитларни аниқ бажариш учун муриднинг ўз устозига тўлиқ садоқатли бўлиши.
3. Мурид ўз устози айтган гапларини, фикр-мулоҳазаларини англаб олиши учун жуда фаросатли бўлиши.
4. Устоз илоҳий сўзлари қалбдан аниқ жой олиши учун мурид руҳининг тоза бўлиши.
5. Муриднинг ўз нутқида тўғриси ўз ва ҳақиқатпарвар бўлиши. Ёлғончиликдан тўлиқ воз кечиш.
6. Мурид томонидан ўз сўзининг устидан чиқиши. Мард бўлиши.
7. Муриднинг ўз мол-дунёси ва шахсий мулкларидан Оллоҳ йўлида воз кечишга доим тайёвр бўлиши.
8. Мурид тилини тия олиши ва сирларни сақлай олиши зарурдир. Салбий мазмундаги турли давра суҳбатларидан йироқ бўлиш.
9. Мурид бошқа валийлар ва айниқса ўз устозининг маслаҳатларига ҳамда истакларига жуда эътиборли бўлиши, уларни қалбдан қабул қилиши лозимдир.
10. Мурид ботир ва қўрқмас бўлиши, зарур бўлганда эса ҳатто ўз жонини Олий Ҳақиқат йўлида қурбон қилишга ҳам тайёр бўлиши талаб қилади [4;17].

Ушбу жиҳатлар мурид албатта бажариши лозим булган мажбуриятлар ва тасаввуфда Олий Ҳақиқатга етишнинг асосий жабҳалари ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги шартли хулосаларни келтириш мумкин:

- Ислом дини дунёқарашнинг глобал тизими сифатида жуда катта илмий-тадқиқот имкониятларига эгадир. Ундаги илоҳий тадқиқотларнинг

аксарият асосларида Олий Ҳақиқатга етиб бориш бўйича изланишлар ташкил этади;

- исломдаги Олий Ҳақиқатни англаш тизими бу руҳиятнинг тозаланиб бориш йўлидир. Инсон интилишининг бу тизими Тасаввуф деб аталади. Тасаввуф манзиллари эса Шариат, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқатдан иборатдир. Айни шундай руҳ тозаланиши манзилидаги хатти-ҳаракатлари натижасида сўфий Олий Ҳақиқатга эришади;

- инсондаги руҳий тозаланиш жараёни унинг ўз нафс-майлларига қарши кураши билан бошланади. Бу кураш натижасида инсондаги салбий жиҳатларнинг ижобий жиҳатларга ўтиб бориши бир неча поғоналардан иборат бўлади. Бундай трансформация натижасида инсонда эзгулик жиҳатлари унинг руҳиятида устивор бўлиб боради;

- инсон тасаввуф илми поғоналаридан ўтиб борар экан ундаги табиат ато этган руҳий энергия эзгу тус олиб боради. Айнан шундай энергия орқалигина инсон Олий Ҳақиқатнинг мазмун-моҳиятини англаб олиши мумкин.

Тараққиёт тезкор тус олган ҳозирги замонда ўзининг ижобий таъсири жиҳатидан тасаввуф ғоялари анча самарали аҳамиятга эгадир. Бунинг долзарблиги эса қуйидаги йўналишларда акс этади:

- ҳозирги замон ёшларида комил инсон тарбияси қирраларини шакллантириб бориш;

- турли-туман диний дунёқарашлардаги ғоявий ва мафкуравий фарқларга ойдинлик киритиб бориш ҳамда айрим жаҳолат оқимларига қарши кураш олиб бориш;

- ислом маърифатпарварлигини ривожлантириб бориш ҳамда жамиятда эзгулик ғоялари тарқалишига имкон яратиш;

- ҳозирги даврда ёшлар онги ва шуурига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга (оммавий маданият, космополитизм, сепаратизм, миллатчилик, наркомания, алкоголизм, эгоизм, карьеризм, зўравонлик, экстремизм, ахлоқсизлик кўринишлари, интернет тизимидаги турли хавфли ва маънавий

бузук сайтлар ҳамда саҳифалар таъсирлари) қарши курашда ушбу ғояларнинг аҳамияти беқиёсдир;

- тасаввуф гуманизм характериға эғалиғи туфайли инсонларда инсонпарварлик, бағрикенглик, сабр-тоқат, камтаринлик, иймон-эътиқод ва ватанпарварлик каби фазилатларни шакллантиришға кенг имкон яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Акимешкин. О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем. – Москва, 1989. – 480 с.
2. Бертельс. Е.Э. Избранные труды. Суфизм. – Москва: Наука, 1965. – 527 с.
3. Введение в философию. – Москва: Политиздат. 1989. – 640 с.
4. Википедия. Свободная энциклопедия. Суфизм. – 2002. – 30 с. Iex.uz
5. Ислон. Справочник. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 207 б.
6. Исмоилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 557 б.
7. Кузнецов. В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. – Москва: Наука, 1991. – 127 с.
8. Полани М. Личностное знание. – Москва: Прогресс. 1995. – 142 с.
9. Практика – познание – мировоззрение. – Киев: Наукова думка, 1980. – 270 с.
10. Учебно-методологический модуль по предмету “Методология научного творчества”: Для студентов магистратуры. – Ташкент: Фан, 2004. – 58 с.
11. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. – Ташкент: Фан. 1967. – 354 с.

МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИНИНГ ДУНЁҚАРАШ ХУСУСИЯТИ

Тохиржон Нурмаматович ШОКИРОВ

ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада тарихий тафаккур, ижтимоий фалсафа, тарихий маънавий ва маданий мерос таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: тарихий мерос, ижтимоий фалсафа, синергетик, ворислик, Авесто, Шашмаком, фармон, Чўли Ироқ, мусиқа, фольклор, устоз- шогирд.

МИРОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НАЦИОНАЛЬНОЙ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

Тохиржон Нурмаматович ШОКИРОВ

Преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье речь идет об историческом мышлении, социальной философии, историческом, духовном и культурном наследии.

Ключевые слова: историческое наследие, социальная философия, синергетика, наследство, Авеста, Шашмаком, указ, Пустыня Ирак, музыка, фольклор, учитель-ученик.

Инсоният тарихида ҳар қандай миллат асрлар давомида шаклланган ва давр синовларидан ўтган миллий-маънавий қадриятлари, миллий маданияти ва тарихий хотираси билан яшасагина маълум куч-қудратга эга бўлишини кўрсатувчи қарашлар кўплиги фикримизнинг далилидир. Шубҳа йўқки, ўзбек халқи ўзининг буюк давлатчилик тарихи, урф-одат ва анъаналари, дунё тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси, жаҳон ҳамжамияти ҳақли равишда эътироф этаётган миллий хусусиятлари билан ана шундай миллатлар қаторига киради.

Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақида ҳам айни шундай фикрни билдириш мумкин. Инсон ҳаётининг барча соҳалари – иқтисод, сиёсат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ёки таълим соҳаси

бўлсин, уларнинг барчаси миллий маданият комиллигига таянади. Чунки, маданият ва санъат арбоблари, ижодкор зиёлилар миллатнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилайди, у ёки бу масала юзасидан жамоатчилик фикрининг тўғри шаклланишига муҳим ҳисса қўшади.

Маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётида ривожланиш маданий ва миллий кадриятларга таянмаса ёхуд халқ, миллат ўзининг ким эканини англашга етарли даражада эришмаган бўлса, бундай ривожланиш хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий соҳада бўлсин, кутилган самарани бермайди.

“Ҳар қандай жамият олдида тарихий меросга бўлган муносабат масаласида тарихий танлов туради. Ўтмишдан нимани олиш ёки олмаслик, нимадан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик зарур деган масала мавжуд. Бу масалаларни ҳал қилмасдан туриб, жамият илгарига қараб ривожланмайди” [3;29].

“Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аجدодлари ким бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди” [1;19].

Тарихий тафаккур ўзликни англашнинг кафолатидир. Маълум бир билимларга, дунёқарашга, воқеа ва ҳодисалар ҳақида мустақил ёндашувларга эга киши ўзининг борлиқдаги, ижтимоий муҳитдаги, ён-атрофидаги ўрнини топишга интилади. Энг муҳими шундаки, тарихий тафаккур инсонни руҳий-маънавий баркамолликка, аجدодлар меросини ўрганиш орқали (ворисийлик асосида) ўз келажагини яратишга ундайди.

Ижтимоий фалсафа ижтимоий борлиққа оид ранг-баранг, ички зиддиятларга тўла, мудом ўзгариб турадиган, гоҳо эса такрорланмайдиган, синергетик воқеа ва ҳодисаларни ўрганади. Ижтимоий-фалсафий меросда улар ўз аксини топгани учун уларга муносабат, масалан, ворислик, ибрат, ихлос ҳам ранг-баранг, гоҳо зиддиятлидир [7;7]. Шунинг учун ҳам ижтимоий-

фалсафий меросда баҳсталаб, тортишув ва эркин фикр алмашиш, интеллектуал мунозара орқали ҳал этиладиган мавзулар кўп. Бизнинг фикримизча, ушбу баҳс, мунозаралар интеллектуал тайёргарликга эга, тадқиқот предметида яхши хабардор, унинг муаммоларини биладиган ақл эгалари ўртасида олиб борилгани маъқулдир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, мумтақилликкача бўлган даврда мазкур соҳага оид фикрлар жамиятдаги ҳукмрон мафкуранинг нуқтаи назаридан бирёқлама хусусиятга эга бўлган. Мақоламизда ўрганилаётган манбаларга илмий, танқидий нуқтаи назаридан мурожаат қилинди. Чунки, танқидий ёндашмаслик, объектив баҳоламаслик меросга (ворисийликка) бўлган қизиқишни камайтиради, тарихий тафаккурнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, танқидий ёндашиш қоралашга, сохталаштиришга олиб келмаслиги керак.

Маълумки, табиий ва ижтимоий-жуғрофий муҳитнинг халқлар, миллатлар дунёқарашига, маънавиятига, авлоддан авлодларга ўтиб келган тарихий маданий меросига жуда катта таъсири бор. Инсон томонидан тўпланган маданий мерос инсон ўзлаштириши лозим бўлган ўзига хос объектдир. Мазкур объект инсоннинг маънавий ҳаётини – дунёқарашини, ишонч-эътиқодини, турмуш тарзининг маънавий жиҳатларини белгилаб беради. Ушбу омиллар халқимизнинг халқ оғзаки ижодиётига ва миллий мусиқий маданиятига ҳам таъсир этган. Жумладан, Зардуштнинг “Авесто” китобида тож-тахт учун кураш сюжетини кўрмаймиз, унда халқимизнинг яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги кураш ҳақидаги метафизик, спиритуалистик мушоҳадаларига дуч келамиз. Демак, ўлкамиз халқлари уч минг йиллар олдин ҳам оламнинг яратилиши, эзгулик ва ёвузлик, одамнинг табиати, фазилатлари, эътиқоди ва илоҳий кучлар ҳақида фикр юритган, ушбу диний-фалсафий қарашларини оғзаки ижодиёти, мифологияси, амалий санъати ва маънавий меросида ифода этган [8;9-10].

Бугунги кунда Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, сақлаш ҳамда келажак авлодга ворийлик асосида

бус-бутунлигича етказиш давлатимиз тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган маънавий меросимиз ворисийлик асосида бизгача етиб келган. Жумладан, Катта ашула, “Шашмақом”, Аския, Наврўз байрами, халқ ўйинлари каби инсониятнинг оғзаки маданий мероси ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбек халқи бой маънавий оламининг ажралмас қисмини асрлар қаъридан келаётган миллий мусиқий мерос намуналари ташкил этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 ноябрь, “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 6 апрель ва “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 1 ноябрь Қарорлари, шунингдек, 2019 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони миллий мусиқий мероснинг ижтимоий мавқеини юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майда эълон қилган “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳанинг ривожи учун зарур бўлган улкан имкониятлар эшигини очди.

Мумтоз мақомлар ҳақида сўз бораркан, шууримизда, табиийки, бу бебаҳо қадриятнинг бизгача етиб келишида яқин ўтмишдаги мураккаб шарт-шароитларда маънавий жасорат ва жонбозлик кўрсатган устоз санъаткорларнинг сиймоси гавдаланади. Бу ўринда халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий (1897-1976) сиймоси алоҳида эҳтиром туйғуларини уйғотади. Зеро, улуғ устоз ҳаёти ва ижодий фаолиятида бугунги авлодлар учун қўп ва ҳўп ибратли намуналар бор.

Ўз даврида сарой мумтоз мусиқаси бўлган – Шашмақом истиқболи, асрий бадиий анъаналарининг тақдири мавҳум бўлиб қолган, устига-устак, бу санъат қиймати “маданият пешволари” томонидан “феодал тузумидан қолган зерикарли санъат” каби ибораларда расмий ва норасмий давраларда камситилиш ҳоллари ҳам учраб турган. Бинобарин, мумтоз мақомларни ҳар қандай асоссиз хуружлардан ҳимоя қилиб, янги давр авлодларига бекаму кўст етказиб бериш ўша давр илғор зиёлиларининг қайғусига айланган эди. Ана шундай дурдона мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, назарий ва амалий ўзлаштириш, уни келажак авлодга етказиб бериш ва бекаму кўст сақлаб қолишда Юнус Ражабий жасорат намунасини кўрсатди. Юнус Ражабий ўзининг бой тажрибаси ва юксак касбий малакаларини истеъдодли шогирдларидан пинҳон тутмади, балки уларнинг камолоти учун хизмат қилиши ўлароқ ижодий ва ижровий меросхўрликнинг устоз-шогирд анъаналарини мураккаб шарт-шароитларда қайта жонлантиришга бекиёс ҳисса қўшди.

Мақомлар бизнинг даврга қадар, асосан, оғзаки анъана тарзида авлоддан-авлодга (ворисийлик асосида) ўтиб келди. Бу мумтоз мусиқа санъатининг малакали ижрочилари бўлган чолғучи-созанда ва ашулачи – ҳофизлар устоз-шогирд анъанавий мактабида таҳсил олганлар. Айни вақтда марказий шаҳарларда мақомларнинг ўзига хос ва бетакрор ижрочилик мактаби ҳамда услублари ҳам шаклланган эди. Эндиликда ана шу асрий анъаналарни изчил ва мукаммал ўрганиш ва давом эттириш имкони юзага келди. Албатта, таълим жараёнида “анъанавий” ва “инновацион” усулларни ўзаро уйғунлаштириш масаласи ҳам борки, бу ҳозирги давр талабидир. Улуғларимиз мусиқани “жон озиғи ва руҳ қуввати”, деб бежиз айтмаганлар. Миллий мусиқадан руҳий қувват олиш борасида таълим-тарбиянинг ҳам катта аҳамияти бор.

Профессор Абдурауф Фитратнинг бундан қарийб 100 йил аввал қайғуриб ёзган бу огоҳлик сўзлари бугунги кунга келиб, айтилган аён бўлиб қолди. Зеро, жаҳон миқёсида жадал кечаётган “маданиятлар

оммалашуви” жараёнлари бизнинг мусиқа маданиятимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу жараённинг ижобий ва салбий жиҳатлари хусусида оммавий ахборот воситаларида кўп гапирилган. Шуниси аёнки, мусиқада азалий қадриятлар ифодаси бўлган миллий оҳанглар хориждан тухфа этилмайди, балки она алласидан тортиб, болаларнинг турли халқ ўйинлари, оилавий маросим, халқ сайиллари ва байрамларида таралган наволар, ҳукмдорлар саройида сайқал топган юксак мақом садолари ила қалбимиздан жой олади.

XIX асрнинг биринчи чорагига келиб эса Хива шаҳри сарой маданий муҳитида Хоразм мақомлари қарор топди. Шунингдек, Тошкент ва Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари – Қўқон, Андижон, Фарғона, Наманган, Хўжанд, Қува, Ўш ҳамда Чимкент бўйлаб ёйилган Фарғона-Тошкент мақом йўллари ҳам юзага келди. XX асрга келиб маълум сиёсий-ижтимоий воқеалар боис улуғ аجدодлардан бебаҳо қадрият ўлароқ мерос келаётган Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг анъанавий намоён бўлиш шакллари тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонда эса академик Юнус Ражабий Шашмақомни икки бор нота ёзувларида босмадан чиқарди ҳамда 1959 йили Ўзбекистон телерадиоси хузурида “Мақомчилар ансамбли”ни тузиб, унда салобатли “Шашмақом” туркуми ва “Фарғона-Тошкент мақом йўллари” ижрочилик анъаналарини замон руҳи билан пайваста этган ҳолда амалий йўлга қўйди. Хоразм мақомларини ҳам тўлиқ туркум (яъни ҳам чертим, ҳам айтим йўллари) тарзида жонкуяр санъаткор Матниёз Юсупов томонидан ёзиб олинishi ва 1958 йили «Ўзбек халқ мусиқаси» тўпламининг VI жилдида чоп этилиши ҳам илмий-амалий жиҳатдан бениҳоя аҳамиятли бўлди.

Янги даврга келиб ўзбек-тожик халқлари мумтоз мусиқаси “Шашмақом” жаҳон саҳналари узра дадил ва шонли одимлай бошлади. Бу борада 2003 йили ЮНЕСКО халқаро ташкилоти “Шашмақом”ни жаҳон номоддий маданий меросининг дурдонаси дея эълон қилгани, 2008 йили эса номоддий маданий мерос бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг 3-сессиясида инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатиغا киритилиб, унинг анъаналарини

янги шарт-шароитларда сақлаш ва тарғиб қилишга оид махсус дастур қабул қилингани муҳим воқеа бўлди.

Ўзбек миллий муסיқасининг намуналарида донишманд халқимизнинг гўзал рухий-маънавий ҳаёти ўзига хос инъикос этади. Хусусан, халқ ижодиётида шаклланган болалар фольклори, меҳнат, маросим, мавсум куй ва кўшиқлари, шунингдек, терма, лапар, ялла каби хилма-хил айтимларида бағри кенг элимизнинг олийжаноб фазилатлари, эзгу орзу-истаклари, шунингдек, анъанавий турмуш тарзи ҳамда байрамлари билан боғлиқ турли удум, урф-одат ва маросимларининг бош мақсади ўзининг нозик бадий ифодасини топади.

Бу муסיқий мерос ҳам бошқа жанрлар каби бизнинг даврга қадар асосан оғзаки анъана воситасида (нота ёзувларисиз), яъни, оғзаки ижод этиш, оғзаки ижро этиш ва оғзаки ўрганиш (узатиш) ўлароқ етиб келган. Олимлар муסיқий мероснинг ана шу табиатини инобатга олган ҳолда халқ муסיқасини фольклорнинг бир тури, аниқроғи — халқ оғзаки ижоди сифатида таърифлайдилар ва унга нисбатан гоҳи “муסיқий фольклор” тушунчасини кўллайдилар. Чунки “фольклор намуналари жонли оғзаки ижро шароитида яратилади, тарқалади, ривожланади ҳамда улар шундай шароитларда айтилади, ижро этилади, куйланади ва кўрсатилади” [2;9]. Демак, “халқ муסיқаси” ва “муסיқий фольклор” тушунчалари ўзаро маънодошдир.

Халқ оғзаки ижодиётининг сермазмун қисми бўлган мавсумий маросим кўшиқларида аждодларимизнинг энг қадимги ва кейинги тарихий даврларга мансуб дунёқараши, фалсафаси, эътиқод-ишончи, бир сўз билан айтганда, маънавий дунёси ўзига хос акс этади. Эътиборлиси шундаки, бу турдаги кўшиқларнинг аксарияти гўзал баҳор фасли ва ундаги асосий сана — Наврўз байрамига боғлиқ ижод этилган. Масалан, эрта баҳорда Лайлакни кўриш (“Лайлак келди”) бахтдан нишона бўлса, барвақт учиб келган турна (“Арғамчи”) эрта баҳорни “дараклаган.” Одатга кўра, баҳор элчиларини биринчи бўлиб кўрганлар бу ҳақда бошқаларни ҳам хабардор қилишга ошиққанлар. Шу мақсадда хушхабарчилар махсус кўшиқ (“Лайлак келди”,

“Арғамчи” ва б.)ларни жўшиб куйлаганлар [6;85-90]. Шунга ўхшаш вазият кўклам ўсимликлари униб чиқиши билан ҳам боғлиқ юзага келганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, узоқ ўтмишда бойчечак ўсимлиги Наврўз кунининг “даракчиси” ҳисобланган. Шу туфайли ҳам эрта баҳорда илк униб чиққан бойчечак эл шодлигига сабабчи бўлган. Анъанага кўра, бойчечакни қир-адирлардан топиб келган ўсмир-ёшлар хонадонма-хонадон юришиб, “Бойчечак” айтимини “жар” солиб айтишган, уй эгалари эса бунга жавобан жарчиларга турли ширинлик ва ҳадялар улашишган.

Бешик тўйи маросимининг ҳам ўзига хос куй-қўшиқлари бор. Она чақалоқни ухлатиш мақсадида бешикни тебратиб, анъанавий “Алла” кўшиғини куйлайди. Олима Г.Мардонованинг таъкидлашича “Гарчи аллаларнинг айнан қайси даврдан бошлаб ижро этилиб келинаётганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, бироқ, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг яратилиши инсоният томонидан мусиқий оҳанглар ўзлаштирилиши билан боғлиқдир” [4;29-30]. Шу ўринда аллаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ турли қарашлар мавжуд. “Аллалар халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри сифатида аёлларнинг табиий равишда оналик ҳисси ва тарбиялаш масъулиятини туйган дастлабки даврда куйлана бошланган; аллалар оналар учун фарзандини яхшиликка чорлаш, тилак-ниятларини изҳор қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг манбаи ҳисобланган [4;30].

Халқ мусиқаси негизида униб-ўсган ва бизгача устоз-шогирд таълим анъанаси воситасида етиб келган касбий мусиқа дурдоналарида истеъдодли улуғ аждодларимизнинг теран ички олами, фалсафий ўй-мушоҳадлари, юксак дунёқарашлари бадиий ифода этилади. Бинобарин, бу қатлам асосини ташкил этган ашула, катта ашула, сувора, куй, мақом, ёввойи мақом, куй каби жанрлар мусиқий фольклор билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланди ва ривож топиб келди. Аммо касбий мусиқага мансуб ушбу намуналарни айтиш маънодаги халқ мусиқа ижоди сифатида баҳолаб бўлмайди. Зеро, устоз бастакорлар ижодининг маҳсули бўлган бу турдаги жанрлар нисбатан

мураккаб кўринишдаги шаклу шамойили, кенг нафасли ривожланган куй оҳанглари, ашула йўллари эса асосан аруз вазнидаги мумтоз шеърятга асосланиши, шунингдек, малакали ижро этиш борасида “устоз-шогирд” анъанавий мактабида ҳосил қилинган касбий малака ва махсус кўникма каби жиҳатлари билан мусикий фольклордан ажралиб туради. Зотан, касбий мусиқа жанрлари оғзаки равишда камол топиб келган ва авлоддан-авлодга “устоз-шогирд” анъанаси орқали мерос ўтиб келган мумтоз мусиқанинг юксак намуналаридир.

Хулоса қилиб айтганда, азалдан маънавияти бой халқимизнинг узок асрлар қаъридан келаётган ўзгача тароватли бебаҳо куй ва айтимлари, шунингдек, улуғ аждодларимизнинг теран тафаккури ва баркамол руҳиятининг садолардаги жонли ифодаси бўлган мумтоз мусиқа намуналари буюк давлат бунёдкори бўлмиш бугунги жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон озиғи бўлиб хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. – Тошкент: Маънавият. 1999. – 156 б.
2. Иброхимов О. Ўзбек миллий мусиқаси хусусида. //ЎзДСМИ хабарлари, 2019. – №1(9).
3. Исмоилов Ф. Қадриятлар ва ёшларнинг тарихий онгини шакллантириш. // Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997. – 132 б.
4. Мардонова Г. Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари: пед.фан.бўйича фалс. (PhD) докт.дисс. – Тошкент: ТДПУ, 2019. – 156 б.
5. Мардонова Г. Онам айтган аллалар: илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: Тафаккур, 2012. – 127 б.
6. Мирзаев Т., Жўраев М. Наврўз. – Тошкент: Фан. 1992. – 145 б.
7. Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 185 б.

Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. //Х.Алиқулов масъул муҳаррирлиги остида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. – 158 б.

Тарих

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА МИНТАҚАДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

Шухрат Эшонқулович ТОШТУРОВ

катта ўқитувчи

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақада тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ёритилган.

Таянч сўзлар: Тошкент Декларацияси, Афғон можароси, “Толибон” ҳаракати, минтақавий хавфсизлик.

ИНИЦИАТИВЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО РЕШЕНИЮ АФГАНСКОЙ ПРОБЛЕМЫ И УКРЕПЛЕНИЮ МИРА В РЕГИОНЕ

Шухрат Эшонқулович ТОШТУРОВ

старший преподаватель

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

Аннотация

В данной статье освещаются инициативы Республики Узбекистан по решению афганской проблемы и укреплению мира в регионе.

Ключевые слова: Ташкентская декларация, афганский конфликт, движение Талибан, региональная безопасность

Ўзбекистон ва БМТ минтақавий хавфсизлик, тинчлик ва барқарор тараққиёт, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш, экологик барқарорликни таъминлаш масалаларида кенг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган.

Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик, минтақавий муаммоларни БМТ доирасида тинч йўл билан ҳал этиш бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ташкилотнинг 1993 йил 48-, 1995 йил 50-сессияларида бир қатор аниқ йўналтирилган таклифлар ва

ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон ва БМТнинг ҳамкорлигининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бу – Афғонистон муаммосидир. Афғонистон муаммоси минтақа халқларининг XX аср сўнгги ва XXI аср бошидаги улкан йўқотиши ва оловли нуқтаси бўлиб қолди. Афғонистондаги уруш нафақат Марказий Осиё минтақасига, балки халқаро хавфсизликка, дунё тинчлигига жиддий хавф туғдирадиган йирик муаммодир.

Афғонистондаги можароларнинг ҳанузга қадар ижобий томонга ҳал қилинмаганлиги минтақавий ва халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илк маротаба мустақил Ўзбекистон номидан нутқ сўзлаб, Афғонистон муаммосининг долзарблигига жаҳон эътиборини қаратди. Шундан сўнг орадан икки йил ўтгач 1995 йил 24 октябрда Ўзбекистон ташкилот Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғон можароси бўйича ўз фикрларини билдирди ва бир қатор аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Улар: *биринчидан*, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш; *иккинчидан*, БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томонидан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни таъқиқлаб қўйиш [5] каби таклифлардир.

Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бу нафақат мазкур мамлакатнинг, балки бутун минтақанинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти янада ривожланиб боришини таъминлайди. Чунки, Афғонистон географик нутқай назардан ва геостратегик жиҳатдан ўзи ва қўшни давлатларнинг халқаро бозорларга ва денгиз портларига чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Афғонистондаги вазият БМТ Хавфсизлик Кенгашида 1996 йил 15- феврал ва 22 октябрда [4] икки маротаба муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг таклиф ва ташаббуслари БМТ ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди. Хусусан, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни таъқиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон таклифи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1996 йилдаги махсус

резолуцияси [7] билан қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон БМТ доирасида Афғон можаросини ҳал қилишнинг бош тарафдори. Шу боисдан ҳам бу борада БМТ минбаридан туриб мазкур масалага такрор ва такрор жаҳон эътиборини қаратди. Жумладан, Ўзбекистон 1997 йилда Афғонистон билан чегарадош олти мамлакат, шунингдек, Россия ва АҚШ иштирокида мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур гуруҳ “6+2 гуруҳи” номини олди ва Россия, АҚШ билан биргаликда Афғонистон билан чегарадош олти – Хитой, Покистон, Эрон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон давлатидан иборат бўлди.

1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда Афғонистон масаласи бўйича “6+2” гуруҳига аъзо давлатлар доимий вакилларининг дастлабки ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Афғонистон масаласи бўйича БМТ доирасида “6+2” мулоқот гуруҳининг Тошкент учрашувини таклиф этди. Таклиф атрофлича муҳокама этилиб маъқулланди. Шундан сўнг 1999 йил 19-20 июль кунлари Тошкентда БМТ бошчилигида “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари ўринбосарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Мазкур халқаро учрашувда БМТнинг нуфузли делегацияси иштирок этди ва Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги муҳим, тарихий воқеа сифатида эътиборга молик бўлди. БМТ раҳбарлигидаги “6+2” гуруҳи Тошкент учрашувининг энг катта ютуғи бу – Афғонистондаги икки асосий гуруҳ яъни “Толибон” ҳаракати ва унга қарши коалиция Афғонистон Бирлашган Фронти вакилларини биринчи маротаба бир стол атрофида ўзаро музокаралар учун тўплади. Учрашувда гуруҳга аъзо давлатлар ҳар икки қарама-қарши томонларни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламасликка келишиб олдилар. Бу Афғонистон муаммосини бартараф этиш бўйича Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг яна бир улкан ютуғи бўлди.

“6+2” мулоқот гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари натижасида “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида” Тошкент Декларацияси [8] қабул қилинди. Ушбу Декларация БМТда узоқ вақт тер тўкиб бажарилган ишнинг натижаси

сифатида “6+2” гуруҳига бирлашган давлатларнинг позицияларини ва ёндашувларини бирлаштирди. 1999 йил 28 июлда Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида “6+2” гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари муҳокама қилинди. Мазкур муҳокамада Хавфсизлик Кенгаши аъзолари учрашув якунларини юқори баҳолаб, уни афғон муаммосини сиёсий ҳал этиш борасидаги муҳим кадам сифатида эътироф этдилар. Тошкент Декларацияси БМТ тузилмаларида Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди [3]. “6+2” гуруҳи ва Тошкент Декларацияси Ўзбекистоннинг БМТ билан Афғонистондаги можарони бартараф этиш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг улкан ва муҳим ютуғи сифатида тарихда қолди. Бироқ “6+2” мулоқот гуруҳи бу борадаги сўнгги манзил эмас эди. Чунки афғон муаммоси ўзининг ижобий ечимини топмади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон 2008 йил 2 апрел куни НАТО/СЕАП саммитида мавжуд воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси иштирок этишини назарда тутиб, “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш зарур деган янги ғояни илгари сурди. Дарҳақиқат, мазкур таклиф Афғонистон муаммосини бартараф этиш борасидаги яна бир муҳим, устувор йўналиш эди. Дунё миқёсида Афғонистон муаммосини ижобий ҳал этиш ва ечимини топиш, мамлакатни қайта тиклаш бўйича кўплаб тадбирлар хусусан, ўнлаб халқаро конференциялар, учрашувлар, семинарлар ташкил этилмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам амалий самара бераётгани йўқ. Бироқ Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат сифатида бу муаммога бефарқ қараб тура олмайди. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон бу масалага жаҳон эътиборини қайта-қайта тортмоқда, тобора масаланинг ечимига янги-янги таклиф ва даъватлар билан чиқмоқда, мазкур муаммога бефарқ ва лоқайд қарамасликка чақирмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 2010 йил БМТ Бош Ассамблеясининг МРМга бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида ҳам бу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, “6+3” мулоқот гуруҳи фаолиятини тезроқ йўлга қўйишга даъват қилди.

Ўзбекистоннинг таклифлари ва ташаббуслари жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ва халқаро миқёсда қўллаб-қувватланди. Жумладан, Буюк Британиянинг Кембриж университети Марказий Осиё форуми илмий ходими Ширин Акинер фикрича, “Афғонистон беқарорликнинг асосий манбаи бўлиб, бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш учун ҳали кўп иш қилиш керак. “6+3” мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклиф имкон борица тезроқ ҳаётга татбиқ этилиши даркор” [6]. Афғон муаммосини фақат сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этиш мумкин. Бироқ Афғонистоннинг ўзида ҳам ва унинг ташқарисида ҳам бу муаммодан манфаатдор кучлар масалани тинч, сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишга турли йўللار билан қарши чиқмоқда. Ўзбекистон Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича янги таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан НАТО, АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ тинчлик ўрнатиш кучларини мамлакатдан тўлиқ олиб чиқиб кетилишига қарши фикр билдирди. Чунки бу мамлакатдаги тинчликни ва вазиятни тўлиқ ижобий томонга ҳал этмасдан АЙСЕФнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасида янги хавф-хатарлар вужудга келишига имкон яратади. Шунингдек, 2017 йил 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили институти [1] жорий этилди. 2017 йил 19 сентябрда Ўзбекистон ҳукумати БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши ҳамда музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим” [2] эканлигини таъкидлади.

2017 йил 10-11 ноябрь кунлари БМТ билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш,

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича муҳим амалий қадамлардан бири бўлган мазкур йирик халқаро тадбирда 500 дан ортиқ иштирокчилар, жумладан, Марказий Осиё давлатларининг ташки сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, МДХ, Европа, Осиё ҳамда Америка давлатларининг нуфузли расмий делегациялари, БМТ, ЕИ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ, ЕТТБ каби 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар раҳбарияти, 100 га яқин таниқли халқаро экспертлар ва етакчи хорижий ОАВ ходимлари, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари катнашди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев нутқ сўзлаб, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минтақавий хавфсизлик муаммосини, аввало, превентив дипломатия усулларида фойдаланган ҳолда ҳал қилишда муҳим ўрин тутиши лозим” [9], дея таъкидлаб, Марказий Осиёда осойишталик ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йўлида амалга оширилаётган фаол ташки сиёсат, минтақада хавфсизликни таъминлаш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб, қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди. Форумда Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик суръатини оширишнинг аниқ йўналишлари, шунингдек, тараққиёт бўйича ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашишда мамлакатлар салоҳиятини юксалтиришга кўмаклашишда халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатларнинг ўрнини муҳофафа қилинди. Ҳақиқатдан ҳам минтақаларда барқарор ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётни мустаҳкамлашда БМТнинг ролини ошириш халқаро ҳамжамият самарали амалий мулоқотни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувларни бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик

соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари, 25 давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ушбу анжуманга БМТ катта қизиқиш билдирилди. Хусусан, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўллаб [10], мазкур анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Конференция якунида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, яқин қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби мақсадларни ифодалаган Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Мазкур конференция Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос амалий қадам сифатида минтақа билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликдан манфаатдор барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг қарашларини бир нуқтага бирлаштирди, уларнинг ўзаро концептуал саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Бизнингча, ушбу конференциянинг амалий ҳаракатларини янада ривожлантириб, иштирокчилар ва манфаатдор томонлар сафини кенгайтириб, уни анъанавий равишда давом эттириш ва босқичма-босқич кўзланган мақсадларга эришиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ташаббусларида прагматизм, масаланинг амалий ечими ўз ифодасини топган. Ўзбекистонинг бу давлатга нисбатан сиёсати эса Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қайта тиклаш, алоқлар ва ҳамкорликни ривожлантириш, афғон халқининг танлаган ҳукуматини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро дўстлик алоқаларни

ривожлантиришдан иборат. Демак, Ўзбекистон Республикасининг афғон можаросини ҳал этиш юзасидан БМТ билан ўзаро ҳамкорлиги бу Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ва тинчликни таъминлашга қаратилган энг муҳим устувор йўналишларни камраб олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан “Об организации деятельности Специального представителя Президента Республики Узбекистан по Афганистану” №ПП–3036. 6 июня 2017 года. Iex.uz
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.
3. Акмалов Ш. Афганистан в современной системе международной безопасности.//Центральная Азия и Кавказ. 2009. №6 (66). – Б. 25.
4. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 77.
5. Каримов И. Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун. – Тошкент: Ислом университети, 2002. – 160 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисдаги нутқи хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
7. UN Security Council Resolution. Adopted by the Security Council at its 3706th meeting, on 22 October 1996. S/RES/1076 (1996) 22 October 1996.
8. Tashkent Declaration on Fundamental Principles for a Peaceful Settlement of the Conflict in Afghanistan. A/54/174 S/1999/812.
9. <https://mfa.uz/uz/press/news/2017/11/13075/?print=Y> (25.10.2018)

РОЛЬ ПРОПАГАНДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ЭКСПЛУАТАЦИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКСКОЙ ССР

Кувончбек Азаматович ПУЛАТОВ

Преподаватель

Ферганский Государственный Университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

Статья посвящена пропаганде экономической политики советского правительства в Узбекской ССР в период 1953-1956 гг. Основное внимание в работе уделено экономической истории, исходя из этого, в работе приводятся постановления и инструкции по развитию аграрной политики, изданные ЦК ВКП(б) и ЦК Компартии Узбекистана. В статье критически и аналитически рассматривается вопрос о развитии народного хозяйства Узбекской ССР на основе первичных, вторичных источников и литературы.

Ключевые слова: Узбекская ССР, пропаганда, ЦК ВКП (б), хлопок, экономика, аграрная политика, колхозы.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИҚТИСОДИЁТИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ТАРҒИБОТИНИНГ РОЛИ

Кувончбек Азаматович ПЎЛАТОВ

Ўқитувчи

Фарғона Давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақола 1953-1956 йилларда Ўзбекистон ССРда совет ҳукумати иқтисодий сиёсатининг тарғиботи бағишланган. Мақолада асосий эътибор иқтисодий тарихга қаратилган, шундан келиб чиққан ҳолда унда БКП(б) МҚ ва Ўзбекистон Компартияси МҚ томонидан аграр сиёсатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва йўл-йўриқлар келтирилган. Мақолада бирламчи, иккиламчи манбалар ва адабиётлар асосида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш масаласи танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон ССР, тарғибот, БКП МҚ, пахта, иқтисодиёт, аграр сиёсат, колхозлар.

Одна из важнейших задач Советского правительства считалась пропаганда экономической политики в Узбекской ССР в 1953–1956 годах. В частности, об этом писала одна из вышедших в то время газет: Задача партийных и советских организаций – возглавить эту самоотверженную

борьбу сельских тружеников, обеспечить полное и эффективное использование всех трудовых и технических ресурсов, имеющихся в распоряжении колхозов, МТС и совхозов, организовать все средства и формы массовой политической и организационной работы лучше, чем когда-либо» [3].

В советское время хлопок считался основой экономики Узбекской ССР. Еще во время Второй мировой войны Советское правительство начало усилия по увеличению количества хлопкового сырья в республике. В частности, в Постановлении ЦК ВКП (б) от 6 марта 1944 г. «О работе ЦК Коммунистической партии Узбекистана» политическое руководство республики подвергалось резкой критике о состоянии хлопководства. В документе говорится, что «ЦК Коммунистической партии Узбекистана забыл, что Узбекистан является основной хлопковой базой страны, недооценил хлопковый вопрос, и это стало основной причиной резкого спада производства хлопка в последние годы». 14 июля 1945 года, после окончания войны, было принято совместное постановление ЦК КПСС и ЦК КПУ «О мерах по восстановлению и развитию хлопководства в Узбекистане». усыновленный. В нем Советское правительство потребовало от политического руководства Узбекской ССР «обеспечить дальнейшее развитие хлопководства в будущем». В сентябре 1945 года XII Пленум ЦК Коммунистической партии Узбекистана потребовал от всех партийных и советских организаций республики организовать выполнение решений центрального правительства [1].

В Постановлении Совета Министров СССР и ЦК ВКП (б) от 3 февраля 1948 г. «Об ошибках ЦК Компартии Узбекистана и Совета Министров Узбекской ССР в 1947 год », центральное правительство в очередной раз подвергло руководство жесткой критике. В результате эти решения советского правительства в послевоенный период и другие решения, принятые им под давлением на политическое руководство республики, изменили тенденцию экономических процессов в Узбекистане и укрепили монополию хлопка в сельском хозяйстве. Однако центр не учел ограниченные экономические,

человеческие и материальные ресурсы республики. В результате чрезмерно амбициозного плана по развитию хлопководства в Узбекистане поставленные цели не были выполнены в 1949 и 1950 годах. Развитие хлопководства было достигнуто за счет увеличения площадей, отведенных под хлопок. Увеличение посевных площадей под хлопком было достигнуто за счет сокращения частных земельных владений простых людей и их домашних хозяйств. В советское время планы по хлопку были чрезвычайно обременительными, и колхозники не могли их реализовать. В 1945-1950 годах те, кто не реализовал план хлопка, подвергались судебному преследованию, а некоторые подвергались преследованиям [1;48-86]. В 1953-1956 годах стали применяться другие методы выращивания хлопчатника. Самыми эффективными из них были пропагандистские меры, направленные на развитие хлопководства на хлопковых полях и повышение урожайности хлопка.

В 1950-е годы задачей первичных партийных организаций колхоза, а также агитаторов и пропагандистов было мобилизовать колхозников на получение высокого урожая хлопка. В газетах того времени часто повторяли, что важной задачей партийных организаций является мобилизация хлопкоробов на высокую производительность труда с помощью всевозможных массовых агитаций [5].

3-7 сентября 1953 г. в Москве прошел очередной пленум ЦК КПСС. Этот пленум исторически известен как сентябрьский пленум ЦК КПСС. На этом пленуме было принято постановление «О мерах по дальнейшему развитию сельского хозяйства в СССР». Это решение стало главным ориентиром в экономической сфере Узбекской ССР в 1953-1956 гг. [4;172] После XI съезда Коммунистической партии Узбекистана в республике велась большая работа по созданию новых и укрепленных совместных предприятий. Почти во все колхозах были созданы первые парторганизации, причём в 1000 из них избраны партийные бюро. Было такое создание 2450 партий, в том числе 1180 в колхозах. Выросла и организационно укрепили первичные части

организации МТС, укрепился состав секретарей, более половины из них имели высшее и незаконные высшее образование [6;25].

XIX съезд Коммунистической партии Советского Союза поставил перед советским народом задачи: Дальнейшее развитие хозяйства, обеспечивающего в кратчайшие сроки изобилие продовольственных товаров и сырья для легкой промышленности, обеспечение безусловного выполнения основных задач в сельском хозяйстве, постепенное повышение урожайности всех сельскохозяйственных культур и увеличение поголовья скота, одновременно повышение их продуктивности, повышение товарной продуктивности земледелия и животноводства, коренное изменение работы МТС и колхозов, укрепление общественного хозяйства колхозов. Поэтому пропаганда решений XIX съезда партии, разъяснение их населению и мобилизация внимания трудящихся на его реализацию рассматривались как важнейшая и первоочередная задача, стоящая перед прессой как важнейшим средством воздействия на массы [4;11-14]

Огромную роль в выполнении задач, поставленных партией и советской властью перед сельским хозяйством, играла пресса. Редакция Кагановичской районной газеты “Победа” Ферганской области проделала большую работу по пропаганде постановления сентябрьского пленума ЦК Коммунистической партии Советского союза “О мерах по дальнейшему развитию сельского хозяйства СССР”. Например, газета выпускалась по строгому графику, утвержденному областным комитетом партии. Всего с момента опубликования постановления сентябрьского пленума ЦК КПСС до конца 1953 года на страницах газеты было напечатано 316 сообщений. Из них опубликовано 125 сообщений и статей по сельскому хозяйству, 65-по хлопководству, 39-по развитию животноводства, 9-по овощеводству, 28-по повышению уровня работы тракторных станций. Эти доклады и статьи посвящены развитию многоотраслевого сельского хозяйства, социалистической гонке за изобилие сельскохозяйственных продуктов, продвижению достижений передовой советской агробиологической науки,

новаторам сельского хозяйства и передовым сельскохозяйственным кооперативам, которые производят обильный урожай хлопка и других сельскохозяйственных культур. Каждый год особое внимание уделялось популяризации методов работы и повышению активности первичных партийных организаций колхоза [6;40].

Решение сентябрьского Пленума ЦК КПСС вызвало серьезное внимание периодической печати. Например, газеты «Сталинский путь» и «Стан Юли» в Коканде публикуют 181 статью и заметку для продвижения темы в течение трех месяцев после объявления решения пленума. Кроме того, в целях продвижения вопросов, поднятых на пленуме, объявляются следующие конкурсы среди журналистов: «Сельское хозяйство - наш кровный бизнес» в номере от 9 октября, «Разверните борьбу за качественную продукцию» в номере от 13 ноября », Как быть поданным »в номере от 5 декабря. Всего опубликовано 13 конкурсов на решения собрания.

В целом материалы, посвященные продвижению экономической политики, публиковались практически во всех газетах страны. Вообще, материалы, посвященные пропаганде экономической политики, печатались практически во всех газетах республики. Например, в 1953 году Кувасойская районная газета “Ленинское знамя” опубликовала для развитие экономики программу дальнейшего развития сельского хозяйства”, “Трудящиеся Кувасая полны решимости претендовать в жизнь задачи, поставленные Пленумом ЦК КПСС”, “Путь к изобилию”, “Патриотический долг работников промышленности”, “Обязательство неподтвержденное делом”, “Интересы государства должны бит превише всего”, “преступная бесхозяйственность”, “начать подготовку к получению урожая будущего года”, “быстро перестраивает работу МТС” и “зимний ремонт тракторов – важная задача МТС”.

В сентябре 1953 года состоялся пленум ЦК КПСС, имевший важное значение в борьбе партии за подъем сельского хозяйство, за ленинские принципы руководства экономикой. В постановлении пленума с ленинской

прямотой и принципиальностью были вскрыты крупные недостатки и ошибки в руководстве сельским хозяйством, разработана конкретная программа развития колхозного и совхозного производства. Центральный комитет призвал партию и народ к тому, чтобы всемерно развивая и дальше тяжелую индустрию, как основу всего народного хозяйства, в кратчайшие сроки обеспечить резкое увеличение производства сельскохозяйственных продуктов для населения, сырья для промышленности.

При этом не только представители населения, работающие в сельском хозяйстве, но и все организации, прямо или косвенно задействованные в этой сфере, начали продвигать задачи этого решения и его реализацию. Сюда входят научно-исследовательские институты, проводящие исследования в области сельского хозяйства. В частности, решение Пленума ЦК КПСС «О мерах по дальнейшему развитию сельского хозяйства в СССР» было принято главным призывом всех сотрудников Всесоюзного научно-исследовательского института хлопководства (СоюзНИКСИ). На основании этого решения ученые взяли на себя ответственность принять конкретные меры по решению поставленных партией задач по увеличению урожайности хлопка и многолетних трав.

Например, в сентябре 1953 года директор Всесоюзного научно-исследовательского хлопководческого института А.М.Мальцев в беседе с корреспондентом узбекского телеграфного агентства (УзТАГ) отметил: “в настоящее время институт разработал ряд комплексных агротехнических мероприятий. Эти мероприятия включают в себя проведение севооборота с преобладанием хлопчатника, что позволит увеличить урожайность хлопчатника в среднем на 4-6 центнеров с гектара. Разработанные Институтом научные рекомендации по устранению засоленности почв оказывают существенную помощь колхозному и Совхозному производству. В настоящее время изучается вопрос использования подземных вод для орошения”. Из вышесказанного видно, что данный институт начал уделять особое внимание работе в сфере хлопководства именно после этого решения. Также

Всесоюзный научно-исследовательский хлопководческий институт начал оказывать практическую помощь колхозам на местах не только своими теоретическими знаниями. Например, многие сотрудники Института оказывали практическую помощь колхозам и совхозам во внедрении комплексной механизации хлопководства. Одной из главных их задач была пропаганда места техники в сельском хозяйстве. Ученые этого института считали, что при правильном использовании машин производительность труда растениеводов может быть значительно повышена. Например, в 1952 году в трех отделениях совхоза «пятилетка Узбекской ССР» учеными был применен метод комплексной механизации при обработке полей. Этот опыт показал, что при механизации полевых работ каждый работник может обрабатывать до 2,6 гектара хлопчатника и получать до 34 центнеров урожая с гектара. Широкое внедрение многих новых машин, таких как гравийная сеялка, лопаточная сеялка, крупногабаритный культиватор и другие подобные механизмы, дало возможность еще больше повысить производительность труда людей, занятых на хлопководстве и возделывании многолетних трав. Всесоюзный научно-исследовательский хлопководческий институт пропагандировал эти процессы на местах.

Кроме того, селекционерами института проведена работа в области выведения новых высокоурожайных сортов хлопка, в том числе тонковолокнистого. Несколько таких сортов выведены и изучены на опытных станциях, а также в производственных условиях. Ученые стремились вывести высокоурожайные, длинноволокнистые, устойчивые к болезням сорта хлопка, урожай которых удобно собирать машинным способом. Вместе с тем, большой вклад ученых в дальнейшее развитие хлопководства внесли разработка системы обработки полей и ухода за хлопчатником в период его роста, в том числе определение режима и способа полива хлопчатника и многолетних трав, метод централизованной обработки посевов семян, метод искусственного сбрасывания листьев хлопчатника перед машинной уборкой и др. Своевременное применение этого комплекса агрономических

мероприятий позволило каждому колхозу и совхозу получить 30-40 центнеров и более с гектара, сэкономив труд и средства производства. Ученые института распространяли свои эксперименты на колхозах и совхозах, чтобы претворить эти исследования в жизнь. С другой стороны, Всесоюзный научно-исследовательский хлопководческий институт знал, что далеко не во всех колхозах и совхозах республик Средней Азии достижения агробиологии и опыт хозяйств используются в полной мере. Основная причина этого – неудовлетворительная пропаганда стажа работы, в которой виноваты сотрудники института.

В свете задач, поставленных партией в области промышленности, начала перестраиваться идеологическая работа. В ее содержании и формах наметился поворот в сторону пропаганды экономической теории и особенно конкретной экономики. В системе политического просвещения значительно расширилась сеть кружков по изучению политической экономии и конкретной экономики промышленности. Для партийного и советского актива стали создаваться экономические семинары. В целях лучшей постановки пропаганды экономических знаний в 1955 году на курсах при ЦК КП Узбекистана было впервые подготовлено более 300 пропагандистов полит-экономии и конкретной экономики.

ИСПОЛЗОВАННЫХ ЛИТЕРАТУРАЫ:

1. Алимова Д. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 400 б.
2. Далада оммавий агитацияни кучайтирайлик. // Қизил Ўзбекистон, 1953 йил 18 сентябр. (171)
3. Маҳаллий матбуотнинг муҳим вазифалари. // Қизил Ўзбекистон. 1954 йил, №234. (185)
4. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана //Обш.ред. В.К.Фединин Ташкент: Узбекистан, 1964. – 419 с.

5. Партиянинг топшириғини шараф билан бажаримиз. // Қизил Ўзбекистон, 1953 йил 19 сентябрь. (172)

6. Ферганский отдел Архива аппарата Президента Республики Узбекистана. Фонд-1, Опись-6, Дело-С. 25-112

Техника

УДК 519.71(575.1)

ТРАНСПОРТ ОҚИМЛАРИ ҲАРАКАТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Холида Анорбоевна ПРИМОВА

доцент

Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарқанд филиали

Самарқанд, Ўзбекистан

primova@samtuit.uz

Исмоил Эргаш ўғли ИСРОИЛОВ

магистр

Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарқанд филиали

Самарқанд, Ўзбекистан

ismoilisroilov4082018@gmail.com

Аннотация

Мақолада транспорт оқимлари ҳаракатини моделлаштириш ёндошувлари кўриб чиқилган бўлиб, бундай тизимларни ишлаб чиқиш ҳозирги кун талаби ва долзарб масалаларидан бири.

Таянч сўзлар: транспорт оқими, ҳаракатни моделлаштириш, тирбандлик оқими, макроскопик модел, микроскопик модел.

МОДЕЛИРОВАНИЕ ДВИЖЕНИЯ ТРАНСПОРТНЫХ ПОТОКОВ

Холида Анорбоевна ПРИМОВА

Доцент

Самаркандский филиал

Ташкентского университета информационных технологии

Самарканд, Узбекистан

primova@samtuit.uz

Исмоил Эргаш углы ИСРОИЛОВ

магистр

Самаркандский филиал

Ташкентского университета информационных технологии

Самарканд, Узбекистан

mahbub_f@mail.ru

Аннотация

В статье рассматриваются подходы к моделированию транспортных потоков, между тем, разработка таких систем является одним из актуальных требований и актуальных вопросов.

Ключевые слова: транспортный поток, моделирование трафика, транспортный поток, макроскопическая модель, микроскопическая модель.

Бугунги кунда катта шаҳарларда, айниқса, шаҳарнинг марказий қисмларида йўл ҳаракатини ташкиллаштириш катта ва ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади. Бу муаммони автомобиллаштириш даражасининг ортиши туфайли юзага келганлиги билан изоҳлаш мумкин. Транспорт воситаларининг йўллардаги ҳаракатининг қисман ташкиллаштирилганлиги ёки умуман ташкиллаштирилмаганлиги ҳаракат хавфсизлигига дахл солибгина қолмасдан, кўча тармоғининг йўл бериш қобилияти камайишига сабаб бўлади.

Шаҳарларда транспортлар ҳаракатини яхшилашда йўллар қурилишини ўзгартириш, яъни кўприклар, ер ости йўлларининг қурилиш ечими узок муддатли ҳисобланади, шунинг учун бу ечим ҳал этишда етарлича катта молиявий вақт сарфини талаб этади. Мазкур муаммони молиявий ва вақт сарфисиз ҳал этишни шаҳар йўллар тармоғида транспорт ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган автоматик тизимини қўллаш орқали ҳал этиш мумкин.

Йўл ҳаракатининг хавфсизлиги транспорт ва йўловчилар оқимини бошқаришнинг самарадорлиги йўл ҳаракатини бошқариш тизими дастурий-техник воситасининг ишончлиги ва хатоликларга бардошли эканлиги билан баҳоланади. Шунинг учун йўл ҳаракатини ташкиллаштириш ва транспорт оқимини бошқариш тизимини ишлаб чиқишда алоқа ва бошқаришнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бундай тизимларни ишлаб чиқиш ҳозирги кун талаби ва долзарб масаласи ҳисобланади [1, 3].

Ҳар қандай йўл-транспорт кесишмасини лойиҳалашда (шаҳар магистралларининг бир ёки турли даражадаги кесишувлари) дизайнерда доимо саволлар туғилади. Масалан танланган геометрия лойиҳалаштирилган кесишмада қандай ҳаракат режимини ҳосил қилади. Келажакдаги кесишмада хавфсизлик ва қулай ҳаракат таъминланадими деган саволларга жавоб бериши керак. Шунингдек бошқа вазиятда йўл-транспорт узелини қайта

таъмирлаш ёки янги қуриш бўйича ҳар бир лойиҳа давлат дастурларида тасдиқлашни талаб этади. Бундан ташқари, шаҳардаги ҳар қандай йирик қурилиш, албатта, фуқароларда катта қизиқиш уйғотади, улар ҳам ўзлари яшаётган шаҳарнинг кўча ва йўл тармоғида кутилаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиши керак.

Бироқ, шаҳарларнинг йўл тармоғида турли даражадаги кесилмалар ва бошқа мураккаб тугунлар пайдо бўла бошлаганда тадқиқотчиларимиз келажакдаги йўл транспортининг тузилмаси ҳамда унинг фаолиятини ўзига хос хусусиятлари ҳақида ишончли маълумотларни олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Маҳаллий олимларимиз бу муаммога хорижий ҳамкасбларига қараганда анча кечроқ дуч келишди. Шу муносабат билан, ушбу тадқиқот ишида маҳаллий тадқиқотчилар томонидан яратилган транспорт оқимлари назарияси моделлари кўриб чиқилмаган.

Айни пайтда чет эллик олимлар бутунлай қарама-қарши вазиятга дуч келишмоқда. Доналд Дреҗ ўзининг "Тирбандлик оқими назарияси ва назорати" китобида "Тирбандлик оқими назарияси" соҳасида иш бошлаган кўплаб ёш тадқиқотчилар ўз олдиларига қўйилган вазифани амалга ошириш муаммосини таҳлил қилди. Бунда формулалар яъни охир-оқибатда битта формуладан фақат компьютер томонидан қайта ишланиши мумкин бўлган бутун массивларгача бўлган жуда кўп турдаги моделларнинг тўпланишга олиб келади [1, 3].

Моделлаштириш асосан ишлайдиган аналогни қуришдир. Бу кўриб чиқиладиган ҳақиқий муаммо билан хусусиятларнинг ўхшашлигини ёки муносабатларини акс эттирувчи ишчи моделни қуриш ҳисобланади. Моделлаштириш мураккаб транспорт муаммоларини реал шароитда эмас, балки лаборатория шароитида ўрганиш имконини беради. Умуман олганда, моделлаштиришни компьютерда модел қуриш ва уни вақт ўтиши билан силжитиш орқали реал дунёнинг бирон бир қисмини динамик кўрсатиш сифатида аниқлаш мумкин.

Ўтган 50 йил ичида микро ва макро даражадаги транспорт оқимларини симуляция қилувчи кўплаб математик эҳтимоллик моделлари яратилган. Улардан баъзилари, масалан, VISSIM ҳисобланади. Бошқалари эса, таълим муассасаларида ва лойиҳа институтларида таълим бериш мақсадида пайдо бўлди ва ривожланмоқда.

Транспорт оқимларини симуляция қилиш (тақлид қилиш) моделлари қисмни моделлаштириш даражасига ёндашувга кўра, кўпинча 4 синфга бўлинади. Биринчи даража одатий макроскопик моделлар бўлиб, бу ерда транспорт оқими суюқлик динамикаси қонунларига бўйсунадиган зарралар оқими сифатида ифодаланади. Иккинчи даража – энг кўп ишлатиладиган моделлар – микроскопик бўлган ва алоҳида транспорт воситаларига ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларига қаратилган. Макроскопик моделлар камроқ ҳисоблаш ресурсларидан фойдаланади ва шунинг учун катта йўл тармоқларини симуляция қилишга имкон беради, натижалар кўпинча микроскопик симуляцияларга қараганда камроқ аниқ бўлади [4]. Бундан фарқли ўлароқ, учинчи даражали мезоскопик моделлар макроскопик ўзгарувчиларни бошқариш орқали бошқариладиган алоҳида транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда макроскопик ва микроскопик симуляциялар ўртасидаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилади. Субмикроскопик моделлар тўртинчи даража бўлиб, энг юқори даражадаги тафсилотларни таъминлайди. Шунинг учун улар кўпинча автомобил саноатида битта транспорт воситасининг ҳаракатини тақлид қилиш учун ишлатилади.

Қоида тариқасида, барча дастурларда транспорт оқимини моделлаштириш микро даражада содир бўлади. Қуйида энг кўп тарқалган эҳтимоллик моделлари келтирилган.

Кинематик модел ўзининг асосий кинематик тенгламасидан автомобил олдида турган бошқа транспорт воситаси билан тўқнашувнинг олдини олиш учун кўрсатиши керак бўлган максимал тезланиш ёки секинлашув даражасини аниқлаш учун фойдаланади. Ҳар бир вақт босқичида $+1$ нинг янги қиймати

танланган соат оралиғида тўқнашувнинг олдини олиш учун етарлича юқори бўлиши керак, бу тўқнашувдан олдинги вақт - t_s . Бундан ташқари, кейинги d_x сегментининг маълум бир оптимал қийматига эришиш учун D_x масофасини доимий равишда ўзгартириш керак. Тезлик $[0 \dots V_{max}]$ оралиғида бўлиши мумкин [3, 4].

$$a_{n+1} = a_n + (Dx - dx) \cdot \frac{2}{t_c^2} + dv \cdot \frac{2}{t_c}$$

Модел фақат 2 параметрга боғлиқлиги сабабли унинг калибрлаш ҳаракатлари анча паст бўлади. Аммо симуляциялар ҳам юқори эҳтимоллик даражасига эриша олмаслиги мумкин. Чекловлари туфайли кинематик модел транспорт оқимларини замонавий моделлаштиришда жуда кам вазнга эга ва автомобил йўлининг қатнов қисмининг кенглигини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилмайди. У Европанинг кўплаб университетларида таълим жараёнига фақат таълим мақсадида киритилган.

БАНДО эҳтимоллик модели. 1995 йилда Бандо ва унинг ҳамкасблари оптимал тезлик модели деб номланган моделни тақдим этдилар [4]. Бу детерминистик етакчи моделлар гуруҳига кирувчи тезлик зичлиги модели бўлиб, мақсадли автомобил тезлигини макроскопик транспорт зичлиги билан боғлайди. Бандо оптимал тезликни шундай аниқладики, ҳар бир автомобил куйидаги нисбатга риоя қилиши зарур ҳисобланади:

$$a_{n+1} = \alpha(v_{opt}(dx) - v_n)$$

бу ерда a_{n+1} – кейинги вақт оралиғи учун тезлаштириш;

α - сезувчанлик омили (реакция вақтига тесқари қиймат).

v_{opt} - оптимал тезлик функцияси;

dx - олдинги автомобилгача бўлган масофани ўзгартириш;

v_n - жорий автомобил тезлиги.

Вақт ўтиши билан модел бир нечта оптимал тезлик хусусиятлари билан ўзгартирилади. Мисол учун, транспорт тезлигини ошириш функцияларидан фойдаланиш ёки эркин автомобил тезлиги (тирбанд бўлмаган транспорт

оқими) ва сиғимдаги тезлик (тирбанд транспорт оқими) ўртасидаги 4 параметрли тенглама билан фарқлаш мумкин [5].

Немис автомобил йўллари учун мил параметр қийматлари Хоефс (1972) тадқиқотларида турли хил сценарийлар учун (тормоз сигналлари билан бўлмасдан олдинга силжиш ёки автомобилга яқинлашиш) ўрнатилган. Бироқ, Европа магистралларида автотранспорт воситаларининг барқарор ўсиши туфайли, BABSIM симуляция пакетини ишлаб чиқиш жараёнида мос ёзувлар параметрлари қайта калибрланган, натижада янги параметрлар тўпламлари ва реалроқ симуляция натижалари пайдо бўлди [6].

Спарманнинг эҳтимоллик чизигини ўзгартириш модели. WIEDEMANNнинг ишига асосланиб, Спарманн икки қаторли автомагистрал учун чизикни ўзгартириш алгоритминини ишлаб чиқди (Спарманн, 1978). Ўзаро таъсир қилиш учун барча олтита потенциал қўшимчани ҳисобга олган ҳолда (яъни, ҳар бир транспорт қаторининг олдида, орқада, шунингдек, иккита ён томонда турганлари) транспорт воситаси WIEDEMANN параметрларидан фойдаланган ҳолда қаторни ўзгартириш мумкин. Йўлакни ўзгартиришга зарурат туғилиши биланок, бундай ўзгариш унга ёки унинг “ён қатори” деб аталадиган нарсага хавф туғдирадими ёки йўқми текширилади [6, 7]. Агар барча транспорт воситаларининг хавфсизлиги таъминланса, чизикни ўзгартириш жараёни бошланади ва автомобил қўшни қаторда бўлади. Спарман моделининг камчиликларидан бири – фаоллик ёндашувининг йўқлиги. Бошқа транспорт воситаларининг қаторларини ўзгартириш зарурати эътиборга олинмаган ҳолда, фақат қўшни транспорт воситалари ҳисобга олинади.

Ҳаракатланишда эҳтимоллик чизигини ўзгартириш модели Тайс (1997) Спарман моделига стратегик компонентини қўшимча қилиб қўшди. Агар транспорт воситаси маълум бир чизик бўйлаб ҳаракатланса, у биринчи навбатда яқин атрофдаги транспорт воситаларини ҳисобга олиши зарур. Аксинча, ҳаракатланувчи транспорт воситаси йўлакни ўзгартирувчи транспорт воситаси учун бўш жой яратиш учун тезлаштириш ёки

секинлашишни ёки унга жой бўшатиш учун бўлакларни ўзи ўзгартиришни ҳал қилиши керак [6, 7].

PTV Vision VISSIM дастурий пакетидаги **WIEDEMANN** модели. Симуляция моделлаштириш. VISSIM симуляция тизими иккита алоҳида дастурдан иборат бўлиб, улар бир-бири билан интерфейс орқали ўзаро таъсир қилади, унда детекторларнинг ўлчов маълумотлари ва бошқарув тизимларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар алмашилади. Симуляция натижаси – реал вақт режимида график кўринишидаги трафикни анимация қилиш ва кейинчалик барча турдаги транспорт ва техник параметрларни чиқариш, масалан, саёҳат вақти ва кутиш вақтини тақсимлаш, фойдаланувчилар гуруҳлари томонидан фарқланади [7].



1-расм. PTV Vissim дастурий пакети

Ҳаракат оқими модели олддаги транспорт воситасининг орқасидаги устунда ҳаракатни бир бўлакда кўрсатиш учун олдиндаги транспорт воситасини кузатиб бориш модели ва бўлакни алмаштириш моделини ўз ичига олади. Йўл ҳаракати билан боғлиқ бошқарув мантиғи ёритиш тизимлари учун ташқи бошқарув дастурлари ёрдамида моделлаштирилган. Мантиқий

бошқарув дастури детекторларнинг параметрларини 1 секунддан 1/10 секундгача бўлган даврда (светофорнинг ўрнатилиши ва турига қараб) сўрайди. Олинган қийматлар ва вақт оралиқларидан дастур симуляциянинг кейинги босқичи учун барча бошқарув тизимларининг ҳолатини аниқлайди ва уларни транспорт оқими симуляциясига киритади.

Симуляция тизимининг аниқлиги учун транспорт оқими моделининг сифати муҳим аҳамиятга эга, яъни тармоқдаги транспорт воситаларининг ҳаракатини ҳисоблаш усули. Доимий тезлик ва олдинги автомобилларни кузатиб боришнинг доимий ҳатти-ҳаракатига асосланган оддий моделлардан фарқли ўлароқ, PTV Vision® VISSIM Weidemann идрокиннинг психофизиологик моделидан фойдаланади [7, 8]. Моделнинг асосий ғояси шундан иборатки, юқори тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси олдинги транспорт воситасидан масофага нисбатан индивидуал идрок чегарасига эришилганда, олдидаги транспорт воситасигача бўлган масофа бошланганда тормозлашни бошлайди. Олдиндаги транспорт воситасининг тезлигини аниқ ҳисоблай олмагани учун, идрок этиш чегарасига етгандан сўнг ўзи билан ўртасида нималар пайдо бўлганини идрок эта бошлагунга қадар унинг тезлиги олдинги автомобил тезлигидан пастга тушади. Олдидаги транспорт воситасигача бўлган масофа жуда катта. Бу доимий енгил тезлашув ва секинлашувга олиб келади [9, 11]. Тезлик ва масофани тақсимлаш функциялари ҳайдовчининг турли ҳатти-ҳаракатларини тақлид қилади.

Ушбу турдаги симуляция моделлари автомобиллар оиласига тегишли:

- Gazis-Herman-Roteri (GHR).
- CollisionAvoidancemodel (CA) - Kametani va Sasaki, Gipps, Leuzbach, Kraus моделлари.
- PsychophysicalorActionPointmodel (AP) - Wiedemann модели
- Linearmodel - Helly, Hanken va Rockwell, Bernham va Seo, Aron Xing моделлари.

- Fuzzylogic-based model 06/28/2010 - Rekersbring, Henn, McDonald va Wu моделлари.

Автоуловлар оиласининг моделлари индивидуал транспорт воситасининг хусусиятларига асосланади. Vaydemanning PSM модели микродаражада транспорт ҳаракатини моделлаштиришда ҳисобга олинган омилар сони бўйича ҳисоблайди. Weidemann модели ҳайдовчининг хусусиятларини, транспорт воситасининг ўзини ва уяли автоматлар ҳамда бошқа автомобилларга эргашадиган моделлар синфлари ўртасидаги ўрта жойни ифодалайди.

Карлсруе технология университети томонидан олиб борилган кўплаб эмпирик тадқиқотлардан сўнг, олдинги автомобилни кузатиб боришнинг ушбу модели маълумотномага айланди [11]. Сўнгги ўлчовлар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда ўзгарган транспорт воситаларининг ҳайдаш услуби ва техник имкониятлари ушбу моделда тўғри акс эттирилган.

Кўп полосали қатнов қисмларида VISSIM моделидаги ҳайдовчи нафақат олдинги транспорт воситаларини, балки иккала қўшни бўлакдаги транспорт воситаларини ҳам ҳисобга олади. Ҳайдовчига қўшимча равишда тўхташ чизиғига 100 м қолганда светофорга алоҳида эътибор берилади.

VISSIM -да ҳайдовчи-автомобил деб аталадиган бирликлар тармоқ бўйлаб ҳаракатланади. Ҳар бир ҳайдовчи ўзига хос хулқ-атвор параметрларига эга бўлган маълум бир транспорт воситаси билан боғланган. Бундай ҳолда, ҳайдаш услуби автомобилнинг техник имкониятларига тўғри келади.

Симуляция моделлаштириш, бу босқичда, транспорт ва пиёдалар оқимининг ҳаракатини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кучли восита ҳисобланади. Бундан ташқари, PTV Vision® VISSIM даражасидаги дастур дизайнернинг ишини сезиларли даражада соддалаштиришга имкон беради ва йўл транспорти ва ҳар қандай шаҳарсозлик объектларини лойиҳалаш учун ишончли платформа яратади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дрю А. Теория транспортных потоков и управление ими. //Транспорт, 1972.
2. Исроилов И.Е, Тешаев Ш.А., Юлдошев У. Транспорт оқимини самарали ташкил этиш // «Ахборот коммуникация технологиялари ва дастурий таъминот яратишда инновацион ғоялар» республика илмий-техник конференцияси, 17-18 май, 2021 йил, Самарқанд, II-ТОМ. – Б. 318-319 .
3. Метсон Т. Организация движения. Научно-техническое издательство министерства автомобильного транспорта и шоссейных дорог РСФСР. – Москва, 1960. – 462 с.
4. A microscopic traffic simulator for evaluation of dynamic traffic management systems / Q. Yang and H. N. Koutsopoulos // Transportation Research Part C, 4(3). 1996. pp. 113–129
5. Bando, M., Hasebe, H., Nakayama A., Shibata, A. and Sugiyama, Y. (1995) “Dynamical Model of Traffic Congestion and Numerical Simulation“. Physical Review E 51.
6. Sparmann, U. //“Spurwechselfvorgänge auf zweispurigen BAB-Richtungsfahrbahnen“. Straßenbau und Straßenverkehrstechnik 1978. 263.
7. Wiedemann, R. //“Simulation des Straßenverkehrsflusses“. PhD-thesis. University of Karlsruhe. 1974 y. Germany.
8. Brilon, W. and Hartmann, D. “Fortentwicklung und Bereitstellung eines bundeseinheitlichen Simulationsmodells für Bundesautobahnen“. Research project FE01/157/2001/IRB for the Bundesanstalt für Straßenwesen (Federal Highway Research Institute, Germany), in cooperation with the Ruhr- University Bochum. Germany 2004.
9. Bundesministerium für Verkehr, Bau- und Wohnungswesen (BMVBS).// “Neubau von Bundesautobahnen“, Sept. 2004, <http://www.bmvbs.de/Neubau-von-Autobahnen-.377.htm>.
10. Holida Primova, Qodir Gaybulov, Ismoil Isroilov Selection of building material using the decision-making system //International conference on information

science and communications technologies: applications, trends and opportunities
November 3-5, 2021 <http://www.icisct2021.org/>

11. Gazis, D.C., Herman, R. and Rothery, R.W. //“Non-linear Follow-the-Leader Models of Traffic Flow”. Operations Research 9, No.4 , 1961 .

12. Hoefs, D.H.// “Untersuchung des Fahrverhaltens in Fahrzeugkolonnen“. Straßenbau und Straßenverkehrstechnik 140, 1961.

ТИББИЙ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ЭТИШДА МОБИЛ ИЛОВАЛАР ЎРНИ

Холида Анорбоевна ПРИМОВА

доцент

Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарқанд филиали

Самарқанд, Ўзбекистон

primova@samuit.uz

Маҳбуба Файзуллоевна ВАЙДУЛЛАЕВА

магистр

Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарқанд филиали

Самарқанд, Ўзбекистон

mahbub_f@mail.ru

Мадина Урал қизи ҚАРШИБОВЕВА

талаба

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалар, шаҳар ва оилавий поликлиникаларда мобил илова хизматидан фойдаланишни жорий этиш оғир касалликларнинг олдини олиш, касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш тизимини яхшилаш ва инсон манфатини муҳофазалашда муҳим омили эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: тиббий ахборот, ташхислаш, касаллик, мобил илова, Soft Computingнинг компоненти, тиббий ахборот технологияси, математик модел.

РОЛЬ МОБИЛЬНЫХ ПРИЛОЖЕНИЙ ПРИ ОЦЕНИВАНИИ И АНАЛИЗЕ МЕДИЦИНСКИХ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ

Холида Анорбоевна ПРИМОВА

Доцент

Самаркандский филиал Ташкентского университета

информационных технологий

Самарканд, Узбекистан

primova@samuit.uz

Маҳбуба Файзуллоевна ВАЙДУЛЛАЕВА

Магистр

Самаркандский филиал Ташкентского университета

информационных технологий

Самарканд, Узбекистан

mahbub_f@mail.ru

Мадина Урал қизи ҚАРШИБОВЕВА

студент

Самаркандский государственный медицинский институт

Аннотация

В данной статье показано, что внедрение сервисов мобильных приложений в городских многопрофильных центральных поликлиниках, семейных поликлиниках является важным фактором профилактики тяжелых заболеваний, совершенствования системы быстрой и точной диагностики заболеваний и защиты интересов человека.

Ключевые слова: медицинская информация, диагностика, заболевание, мобильное приложение, компонент Soft Computing, медицинские информационные технологии, математическая модель.

Бугунги кунда туман, шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларида Мобил иловалар хизматидан фойдаланиш асосий ўринларда бўлиши керак ва бу умумий муаммоларни ҳал қилишда асосий мезон ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда Тиббий ахборот тизимлари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этиш учун патронаж мобил иловасини ишлаб чиқишни амалда тадбиқ этиш керак.

Тиббиёт ютуқларини шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шаҳар ва оилавий поликлиникаларида мобил иловалар хизматидан фойдаланишни жорий этиш оғир касалликларнинг олдини олиш, касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш тизимини яхшилаш, инсон манфаатини муҳофазалашда муҳим ютуқлар омили бўлади.

Илғор хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш чоралари муҳим омил ҳисобланади. Уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббий ёрдам бригадалари ташкил этилади. Бу ходимлар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида “тиббий харита”лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳоланиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобил диагностика воситалари билан таъминланади. Аммо патронаж ва ҳамшира фаолияти тўлиқ манзилли амалга ошириляпти ва у ўз самарасини


беряпти, дея олмаймиз. Ушбу соҳада ҳам ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжуд. Шу сабабли ушбу танланган мавзу ўз навбатида шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини оширишда халқимизга хизмат қилади. Хусусан, уй хўжаликларининг тиббий ижтимоий ҳолатини ўрганиш мақсадида мобил иловалар ойига жуда кенг қамровли хонадонларини кузатиш имконини беради ва натижаларини таҳлил этиш учун хизмат қилади. Бу эса, айрим аҳволи оғир беморлар ҳолидан хабар олишни ва керакли имкониятларнинг қўпайишига сабаб бўлади [3].

Тиббий ахборот тизимлари фаолиятини назорат қилиш, таҳлил қилиш ва қарорларни қабул қилиш учун интеллектуал тизимларни қуриш, дастлабки маълумотлар норавшан берилган ҳолда мониторинг ва қарорларни қабул қилиш муаммоларини ҳал этиш ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда тиббий муассасалардаги ва қарор қабул қилувчи тиббий ахборот тизимларининг фаолиятини таҳлил қилиш учун замонавий интеллектуал ахборот технологияларидан (маълумотлар базалари, Soft Computingнинг компоненти)дан фойдаланиш ҳисобланади. Тиббий ахборот тизимлари, тиббиёт муассасалари фаолиятини ҳар томонлама автоматлаштиришдир. Муассасанинг замонавий талабларига жавоб берадиган дастурий модулларни ишлаб чиқиш тиббий диагностика жараёнларининг бориши, ташхис қўйиш ва тиббий тайинлаш учун такрорий ва кераксиз процедураларни йўқ қилиш, тиббий ёзувларни назорат қилиш, тиббий жараёнлардаги нуқсонларни таҳлил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, сифатини яхшилашни ўз вақтида таъминлайди [4].

Юртимизда мобил иловалардан фойдаланиш анча вақтни тежаб инсон саломатлигини яхшилаш, имкониятларни ҳар томонлама таҳлил қилишга замин яратади. Мобил иловалар муаммоларни тушуниш ва тўғри қарор қабул қилишдаги кенг имкониятлардан бири ҳисобланади. Умумжаҳон модел сифатида қараётган бўлсак мобил иловалар дунё саломатлигига муносиб ўрин олаётган модел деб қараш мумкин [2].

Янги мобил иловалар ва анъанавий моделлар ўртасидаги фарқ:

1. вақтдан унумли фойдаланиш ва инсоният саломатлигига бефарқ бўлмаслик;
2. муаммони аниқ ва сифатли таҳлил қилиш; “хавфни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ёки сезиларли даражада камайтириш”;
3. сон эмас сифат эътибор талаби биринчи ўринда, “Инсон кадри учун барчаси”;
4. тиббий, ижтимоий, таълим комплексига эътибор нафақат касалликларни аниқлаш учун, балки соғлиқни сақлашнинг бошқа чоралари муаммолари[1].



1-расм. Мобил илова схемаси

Очиқ, уланган рақамли платформалар касалхоналардаги операциялар ва реал вақт режимида визуал бошқаришга, беморлар оқимини ва шифокорнинг юкланишидан тортиб, ётоқда ва тиббий асбоблардан фойдаланишгача эришиш мумкин. Бу ўз навбатида, шифохона менежментига ресурслардан фойдаланишни режалаштириш, тақомиллаштириш ва соғлиқни сақлашнинг умумий кўрсаткичлари ҳамда натижаларга асосланиб, тўлиқ маълумотларга асосланган қарорлар чиқаришга имкон беради.

Шифокор учун иш вақтини режалаштириш, ходимлар билан ишлаш, беморларни, етказиб берувчиларни ва манбаларни ҳисобга олиш функциялари билан автоматлаштирилган иш жойини яратади.

Тиббий хабарлар алмашиш, сигналларни юбориш, хизмат кўрсатувчиларни ҳисобга олиш, физиологик кўрсаткичларни кузатиш натижалари бўйича маълумот тўплаш учун Web-интерфейс билан корпоратив тиббий омборхонанинг ишлашини таъминлайди.

Тиббий маълумотни интеллектуал таҳлил қилишнинг математик усули.

Тиббиётда касалликларни эрта аниқлаш учун клиник белгиларни шакллантириш ва унинг математик баёни муҳим ҳисобланади. Тиббий маълумотларни қайта ишлаш ҳамда масалани ечишнинг математик усул ва алгоритмларини шунингдек соғлиқни сақлаш муаммоларини тадқиқот объектларининг ҳолатини аниқлашда баҳолаш алгоритмларини қўллаш зарур ҳисобланади.

Тиббиётда қарор қабул қилишни қўллаб қувватловчи тизимларни қўллашда, улардаги муҳим чегаравий қийматларни ҳисобга олишга тўғри келади. Баҳолаш усулларида асосий тамойиллар чизиқлаштириш усулларида асосланган бўлганлиги учун уларга танлов ўлчови сезгирликга хосдир. Чизиқли аппроксимация усулларида (регрессия, башоратлаш масалаларида) ҳар бир таҳлил қилинаётган белги учун 100 га яқин объект бўлишини талаб қилади. Шунинг учун маълумотлар баъзи ҳолларда этарлича аниқ эмас (беморларнинг субъектив туйғуларига асосланган маълумотлар ва шифокорларнинг даволаш бўйича фикр-мулоҳазалари) маълум бир касаллик бўйича шикоятларнинг камлиги ва турли сабабларга кўра ушбу касаллик белгилари маълумотлари етарли эмаслиги сабаб бўлади [6, 7].

Юқорида айтиб ўтилган дастлабки маълумотларнинг сифатсизлиги муаммосини моделлаштириш жараёнида инобатга олиш керак бўлади. Етарли бўлмаган маълумотларни текислаш ва экспояция қилишнинг замонавий математик усуллари асосида тўлдиришга ҳаракат қилишимиз мумкин. Бироқ, бизда бундай имконият мавжуд эмас, чунки маълумотлар узилишлари жуда

катта аҳамиятга эга. Иккинчи йўли маълум бир гуруҳ ташхислар учун унинг касаллик белгиларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал моделни яратиш орқали бизга мақбул моделларга эга бўламиз. Кузатишлар сони ортгани сари моделлар ривожлана бори. Моделдан яхши натижалар олингандан сўнг индивидуал моделга талаб йўқолади.

Касаллик белгиларини ташхисга таъсирини аниқлаш учун чизиқли регрессион таҳлил танланади. Дастлабки маълумотларнинг сифати пастлигини инобатга олсак чизиқли бўлмаган усуллардан фойдаланишимиз мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики чизиқли регрессион таҳлил кўплаб соҳаларда ўз самарасини кўрсатяпти. Қабул қилинган клиник амалиётга мувофиқ равишда асосий ташхислар аниқланади. Берилган маълумотлар асосида ташхислар рўйхати тузилади ва ҳар бир ташхисга сонли қиймат бериб чиқамиз (1.1-жадвал).

1-жадвал

Ташхислар жадвали

т/р	Ташхис
1.	Юқори нафас йўллар яллиғланиши (фарингит, азофарингит, трахеит, ларингит, ларинго-трахеит)
2.	Ўткир коронар синдром (ОКС)
3.	Ошқазон ва ичак фаолияти сурункали бузилиши
4.	Ўткир ичак инфекцияси(ОКИ, дизинтерия, салмонеллез, энтерионоз, гастрит, энтерит, гастроэнтерит)
5.	Бош оғриғи
6.	Юрак пороки (ВПС)
7.	Доридан, ис газидан, алкогольдан заҳарланиш
8.	Илон, чаён, ари чақиши
9.	Буйрак лат ейиши
10.	Қовурғалар синиши
11.	Қандли диабет (1 ва 2 типи)

Санаб ўтилганлар симптомлар турлари бўлиб, аниқ бир беморга нисбатан бошланғич ташхисни қўйишда қуйидаги асосий касаллик белгиларини эътиборга оламиз ҳамда ҳар бир касаллик белгисига сонли қиймат бериб чиқамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Касаллик белгилар жадвали

т/р	Симптомлар
1.	Аксириш
2.	Балғам ажралиши
3.	Безовталиқ
4.	Кўзини тўлиқ ёпилмаслиги
5.	Кўкариш
6.	Қон босими кўтарилиши
7.	Қўл оёқлар тортишиши
8.	Қўл оёқларда оғрик
9.	Оёқларда шиш
10.	Озиш
11.	Талваса
12.	Тана ҳарорати кўтарилиши
13.	Қўл оёқлар тортишиши
14.	Қўл оёқларда оғрик

Кузатувлар сонини М деб белгилаб оламиз. Симптомлар сонини N деб оламиз. Биздаги барча кузатув маълумотлардан симптомлар ташхисларга боғлиқлиги жадвалини яратиб оламиз. Бунда ҳар бир кузатувдаги белгиланган симптомлар қўйилган ташхислашга боғлиқлиги 0 ва 1 билан белгилаб оламиз. Натижада бизга М га N, 0 ва 1 қийматлардан ташкил топган жадвал ҳосил бўлади. Жадвалдаги ҳар бир қатор маълум бир кузатув натижасида қўйилган диагнознинг касаллик симптомлари берилган бўлади. Ушбу жадвални X деб

белгилаб оламиз. X жадвали тузишда барча кузатувларда бир хил боғлиқлик кўрсатган симптомларини умумлаштирамыз. Барча кузатувлар ташхислар жадвали тузилади ва бу жадвални Y деб белгилаб оламиз.

Регрессиялар билан ишлашнинг умумий мақсади боғлиқ ва боғлиқсиз ўзгарувчилар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли муносабатлар мавжудлигини ва улар қандай намоён бўлишини аниқлашдан иборат [5].

Амалда чизиқли регрессия қуйидаги чизиқли функция кўринишида изланади.

$$y=b_0+b_1x_1+b_2x_2+....+b_nx_n \quad (1)$$

Бу формулада y ташхис (боғлиқ ўзгарувчи); $x_1, x_2, \dots, x_n$ симптомлар (боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар). Бизга y боғлиқ ўзгарувчилар қиймати Y жадвалда берилган. Боғлиқ бўлмаган қийматлар комбинацияси X жадвалда берилган.

Ушбу мақолада биринчи навбатда мобил иловалар таҳлил қилинди. Электрон рақамли технологиялар ва тиббий мобил иловаларнинг ривожланишини ўрганиш ва сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш учун мобил илова жуда ҳам кенг миқёсда яратилаёпти. Тиббий кузатишларни электронлаштириш ҳамшира ва шифокорлар ишини камайтириб, бемордаги маълумотларга масофадан туриб техник хизмат кўрсатмоқда. Сўнгги вақтларда талабалар ва тиббиёт ходимлари қаторида мобил иловаларни юклаш ҳам жуда оммалашиб бормоқда.

Кўпчилик беморлар транспорт йўқлиги, соғлиқ учун зиддият, COVID-19 хавфи юқорилиги ва бошқа сабаблар туфайли амбулаторияларга бора олмайди. Тиббий ходимлар ҳозирда жамиятда ёрдам кўрсатувчи турар-жой бинолари билан ҳам ишламоқда ва Medicare B бўлимида қамраб олинган бошқа беморларни даволашга интиломоқда. Superior Outcomes жамоаси жамиятдаги кўпроқ одамларга фойда келтириши учун ушбу мобил илова дастурни яратишини интиқлик билан кутмоқда!

Беморларнинг уйларига, офисларга ва ёрдамчи яшаш объектларига 21 000 дан ортиқ уйга қўнғироқ қилиш орқали Тиббий ходимлар 20 дан ортиқ

юқори малакали ҳамширалардан иборат "оилавий услубдаги" жамоа билан ўсиб бораётган беморлар популяциясини қўллаб-қувватлайди ва уларга ғамхўрлик қилади. Бу амалиётчи ҳамширалар беморлар ва оилаларининг узок муддатли мақсадларини тушуниш учун кўп меҳнат қилишади, бу уларга касалхонага ётқизишни камайтириш билан уйда қулай қолиш имконини беради.

Поликлиника муассасаларининг ахборот тизимларида поликлиниканинг мутахассислари ва даволаш-диагностика хоналари фаолиятини ташкил этиш ва таҳлил қилиш, ушбу поликлиникага бириктирилган аҳоли тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва ушбу зарур тиббий-статистик ҳисоботларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

Ушбу мақолада биринчи навбатда мобил иловалар таҳлил қилинди. Электрон рақамли технологиялар ва тиббий мобил иловаларнинг ривожланишини ўрганиш ва сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш учун мобил илова жуда ҳам кенг миқёсда фойдаланилади.

Иловалар янги ахборот технологиялари бошқарув самарадорлигини сезиларли даражада оширишга ва ихтисослаштирилган маълумотлар базаларига тезкор киришга ва соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Вайдуллаева М.Ф., Қаршибоева М.У. Тиббий ахборот тизимлари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этиш // “Замонавий ахборот, коммуникация технологиялари ва АТ-таълим татбиқи муаммолари” республика илмий-амалий анжумани //Самарқанд, 2021. – Б.95-97.

2. Примова Х.А., Вайдуллаева М.Ф. Патронаж тиббий ахборот тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этиш // “Ахборот коммуникация технологиялари ва дастурий таъминот яратишда инновацион ғоялар” республика илмий-техник конференцияси //Самарқанд, 2021. – Б.178-180.

3. Emelin IV On Standards for Electronic Exchange of Medical Documents // Computer. technology. in medicine, 1996. – №1. – S. 44-47.

4. Dusserre P., Allaert F. A., Dussere L. The Emergence of International Telemedicine: No Ready Solutions available // MEDINFO 95 Proc. – Page 1475.

5. Kaudewilz G „Schulte A. Avoidance of errors in the implementation of local networks in a hospital setting // MEDINFO 95 Proc. page 445.

6. Michel A., DieJenbacli M., Riesaclier A., et al. Transfer of hospital information system to client server architecture// MEDINFO 95 Proc IMIA. – 1995. – P. 450.

7. H.A. Primova, T.R. Sakiyev and S.S. Nabiyeva Development of medical information systems// Journal of Physics: Conference Series. 1441 (2020) 012160 IOP Publishing doi:10.1088/1742-6596/1441/1/012160

УДК 681.03

**АЙЛАНА ВА ЮЛДУЗ ШАКЛИ ФРАКТАЛЛАРНИ
ДЕФОРМАЦИЯЛАШ НАТИЖАСИДА ИНВЕРСИОН ФРАКТАЛЛАР
ТЎПЛАМИНИ ЯРАТИШ АЛГОРИТМИ**

Зулайхо ЭРГАШ ҚИЗИ ИБРОҲИМОВА

Таянч докторант

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни

ривожлантириш илмий-тадқиқот институти

Тошкент, Ўзбекистон

Zuli117@mail.ru

Аннотация

Айлана инверсияси тушунчаси юлдуз шакллари тўпламига киритилиб, айланасимон инверсион фрактал ҳосил қилиш алгоритмида айлана трансформацияси учун умумлаштирилган алмаштиришдан фойдаланилади. Натижа сифатида юлдуз шаклидаги инверсион фрактал олинади. Тақдим этилаётган мисоллар орқали таклиф қилинган усул ёрдамида жуда кўп турли хил фрактал нақшларни олишга муваффақ бўлиш мумкинлиги ва бу нақшлар айлана инверсияси усули билан олинганлардан фарқ қилишини кўрсатади. Бундан ташқари, айлана юлдуз шакллари тўплами бўлганлиги сабабли, таклиф қилинган умумлаштириш айлана инверсия фракталини жуда осон ва интуитив тарзда ўзгартиришга имкон беради.

Таянч сўзлар: Инверсия, фрактал, IFS, аполлония, юлдуз шакли инверсион фракталлар.

**АЛГОРИТМ ПОСТРОЕНИЯ ИНВЕРСИОННЫХ ФРАКТАЛОВ В
РЕЗУЛЬТАТЕ ДЕФОРМАЦИИ КРУГЛЫХ И ЗВЕЗДООБРАЗНЫХ
ФРАКТАЛОВ**

Зулайхо ЭРГАШ ҚИЗИ ИБРОҲИМОВА

Базовый докторант

Научно-исследовательский институт развития цифровых

технологий и искусственного интеллекта

Ташкент, Узбекистан

Zuli117@mail.ru

Аннотация

Концепция круговой инверсии включена в набор форм звезды и использует обобщенную замену кругового преобразования в алгоритме генерации фракталов круговой инверсии. В результате получается звездообразный обратный фрактал. Приведенные примеры показывают, что предлагаемым методом можно получать самые разнообразные фрактальные узоры, отличающиеся от полученных методом круговой инверсии. Кроме того, из-за того, что круг представляет собой набор звездообразных фигур, предлагаемое обобщение позволяет очень легко и интуитивно изменять фрактал инверсии круга.

Ключевые слова: инверсия, фрактал, IFS, аполлония, звездчатые инверсионные фракталы.

Фракталлар тушунчаси биринчи марта 1970-йилларда Манделброт томонидан фанга киритилган.[1] Манделброт гипотезаларига асосланиб, Барнсли фракталларнинг амалий жиҳатларини ёритиб берувчи бир қанча инновацион ғояларни илгари сурди. У табиий фракталларни моделлаштириш усулини тақдим этди ва генератив восита сифатида итератив функциялар тизими (IFS) тушунчасидан фойдаланган. Шундан буён фракталлар нақшни аниқлаш, [3] тасвирни қайта ишлаш, [4] компьютер графикасидаги кўплаб иловаларда қўлланилган. Фракталларни геометрик дизайн яратишда, [5] компьютер графикаси, [6] тасвирлар жамланмаси, [7] ҳатто тиббиёт [8] ва археологияда қўллаш мумкин [9].

Айланали инверсион фракталлар. Айланаларни тескари айлантириш (айланаларнинг инверсияси), унинг Лоси текислиги Фреганинг Аполлониус китобида келтирилган бўлиб, Аполлоний айланаларнинг инверсиясини киритганидан бери бу тушунча геометрияда кўп қўлланилади.


Таъриф 1. C - маркази o ва радиуси R бўлган айлана бўлсин ва p - o нуқтадан ташқари бўлган ихтиёрий нуқта бўлсин. Агар $p' = p(t) = o + t(p - o)$ нуқтадаги нуқта бўлса, бу ерда $t \in [0, \infty)$, қуйидаги тенгламани қаноатлантиради:

$$d(o, p) \cdot d(o, p') = R^2, \quad (1)$$

бу ерда $d : \mathbf{R}^2 \times \mathbf{R}^2 \rightarrow [0, \infty)$ - Евклид метрикаси ва $p' \in C$ айлана учун p нинг ўзаро нисбати (1-расм). o нуқта инверсия маркази, C эса инверсия айланаси дейилади. p ни олиб, уни p' га айлантирувчи трансформация айлана инверсия трансформацияси деб аталади ва I_C билан белгиланади.

(1) муносабатдан айлана инверсия трансформациясининг алгебраик шаклини олиш мумкин. Агар $o = (x_o, y_o)$ ва $p = (x_p, y_p)$ десак, I_C қуйидаги кўринишдаги формулага эга бўлади:

$$p' = I_C(p) = (x_0, y_0) + \frac{R^2}{(x_p - x_0)^2 + (y_p - y_0)^2} (x_p - x_0, y_p - y_0). \quad (2)$$



1-расм: Маркази o ва радиуси R бўлган айлана учун p нинг инверсияси.


1-таърифга асосан p нукта o дан бошқа ихтиёрий нукта ҳисобланади, лекин таърифни o га ҳам қўллаш мумкин[10]. Агар $p = o$ бўлса, $I_C(o) = \infty$ ва $p = \infty$ бўлса, $I_C(\infty) = o$ бўлади. Натижада $I_C: \hat{\mathbf{R}}^2 = \mathbf{R}^2 \cup \{\infty\}$ сифатида аниқланади.

Таъриф 2. Оддий P кўпбурчак юлдузсимон бўлади, агар P дан ташқарида бўлмаган z нукта мавжуд бўлса, P нинг барча p нукталари учун $\overline{zp}$ чизик сегменти тўлиқ P ичида ётса. Юқоридаги хусусиятга эга бўлган z нукталарининг жойлашуви P нинг ядросидир.

Барча каварик кўпбурчаклар юлдузли кўпбурчаклар бўлиб, уларнинг ичида ядро мавжуд. Юлдузли кўпбурчакнинг ядроси доимо каварик бўлади. 2-расмда юлдузли кўпбурчакка мисол келтирилган.

Юлдуз шаклидаги кўпбурчак тушунчасини тўпламга қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Таъриф 3. $\mathbf{R}^2$ нинг C тўплами юлдуздир, агар ҳар бир $p \in S$ нукта учун $z \in \text{int } C$ нуктаси мавжуд бўлса (бу ерда $\text{int } C$ C нинг ички қисмини билдиради),




$\overline{z\rho}$ чизикли сегменти тўлиқ C ичида жойлашган. Унинг траекторияси бўйича хоссаларга эга бўлган z нукта C нинг ядросидир.

2-расм: Юлдуз шаклли кўпбурчаклар ва уларнинг ядролари

3-расм: Юлдуз шакллариининг (учбурчаклар) берилган тўплами учун p нинг инверсияси.

C юлдузлар тўплами ва C ядросига тегишли бўлган o нукта мавжуд бўлсин. Бундан ташқари, o дан бошқа p нукта бор деб фараз қилиб, C га нисбатан p



нинг инверсияси аниқланади. Бунинг учун o дан p - o га r нур ўтказилади. Яъни, $r(t) = o + t(p - o)$, $t \in [0, \infty)$ учун C нинг чегараси ва кесишмаси b аниқланади (3-расм). C юлдузсимон бўлгани ва o унинг ядросига тегишли бўлгани учун b нукта ягонадир. Агар қуйидаги тенглама бажарилса, у C га нисбатан p нинг инверсияси дейилади:

$$d(o, p) \cdot d(o, p') = [d(o, b)]^2. \quad (3)$$

Айлана инверсияси учун o нукта инверсия маркази деб аталади. p ни қабул қилиб, уни p' га айлантирувчи трансформация юлдуз шаклидаги тўплам инверсион трансформацияси деб аталади ва у I_S билан белгиланади. Албатта, шунга ўхшаш тарзда, I_S таърифини o га умумлаштириш мумкин, шунинг учун $I_S(o) = \infty$ ва $I_S(\infty) = o$. Юқоридаги конфигурациядан кўриниб турибдики, юлдуз шаклидаги тўпламнинг инверсияси ўзгариши инверсия маркази o томонидан берилиб, бир хил C тўплам учун турлича бўлиши мумкин.

I_S учун алгебраик ифода қуйидаги I_C формулага жуда ўхшаш шаклга эга. Агар $o = (x_0, y_0)$ ва $p = (x_p, y_p)$ бўлса, I_S қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$p' = I_S(p) = (x_o, y_o) + \frac{[d(o, b)]^2}{(x_p - x_o)^2 + (y_p - y_o)^2} (x_p - x_o, y_p - y_o). \quad (4)$$

$C \subset \hat{\mathbf{R}}^2$ ни учта компонентга ажратади: $B = \text{int } C$ (чегара компоненти), $U = \hat{\mathbf{R}}^2 \setminus S$ (чегарасиз компонент) ва ∂C . Юлдуз шаклидаги тўплам инверсияси трансформацияси айлана инверсиясига ўхшаш қуйидаги хусусиятларга эга:

1. I_S B ва U алмашинади,
2. I_S - бу C даги идентификация,
3. I_S - U даги қисқариш ва B даги кенгайиш,
4. I_S инволюция, яъни барча $p \in \hat{\mathbf{R}}^2$ учун $I_S(I_S(p)) = p$.

Юлдуз шаклидаги инверсион тўплам трансформациясининг таърифи ва унинг хусусиятларига кўра юлдуз шаклидаги тўплам инверсия фракталларининг яқинлашувини яратиш алгоритми қурилди (1-алгоритм). Ушбу алгоритм Фраме ва Согевина томонидан таклиф қилинган стохастик инверсия алгоритмининг ўзгартирилган ҳолидир[10]. Ўзгариш инверсион айлана конвертацияси ўрнига юлдуз шаклидаги тўплам инверт конвертациясидан фойдаланишдан иборат.

1-алгоритм: Тасодифий инверсия алгоритми.

Кириш: $S_1, \dots, S_k$ - танланган инверсия марказлари билан юлдуз шаклидаги тўпламлар, $p_0 - S_1, \dots, S_k$ дан ташқаридаги бошланғич нуқтаси, $n > 20$ – такрорлашлар сони.

Натижа: Чекланган тўпламнинг чегаравий яқинлашиши (юлдуз шаклидаги инверсион фракталлар тўплами).

```

j = {1, ..., k} дан тасодифий рақам
p = ISj(n0)
for i = 2 to n do
{
l = {1, ..., k} дан тасодифий рақам
while j = l or inSet(Sl, p) do
l = {1, ..., k} дан тасодифий рақам
j = l
p = ISj(n)
if i > 20 then

```

Plot p
}

Фракталнинг тахминий маълумотларини яратиш учун юлдузлар тўпламининг инверсион ўзгаришлари, барча юлдузлар тўпламидан ташқаридаги бошланғич нукта ва бир қатор итерациялар керак бўлади. Биринчидан, инверсия тасодифий танланади ва бошланғич нуктасини ўзгартириш учун ишлатилади. Чунки бошланғич нукта трансформацияни белгиловчи юлдузлар тўпламидан ташқарида бўлади, яъни у трансформациянинг чексиз U компонентида киради ва 1-хусусиятга кўра ўзгартирилган нукта трансформациянинг V чегара компонентида конвертация бўлади. Кейин у ҳар бир итерацияда иккита чеклов билан тасодифий трансформацияни танлайди. Биринчи чеклов шундан иборатки, олдинги итерацияда ишлатилган конвертация билан нукталар ўзгартирилмайди. Бу чеклаш I_S инволюция эканлигидан келиб чиқади (4-ифода). Ушбу чекловсиз фракталга яқинлашадиган нукталар сонини камайтириш мумкин ва яхшироқ яқинлаштириш учун кўпроқ итерациялар талаб қилинади. Иккинчи чеклов шундан иборатки, нуктани чегараловчи V компонентининг ичида жойлашган конвертация билан ўзгартириш амалга оширилмайди. Бу чегара 3-ифоданинг натижасидир. Трансформация кенгайиш эмас, балки қисқаришдир, чунки конвертациянинг кенгайтма бўлишига рухсат бериш ўзгартирилган нукталарни четга суриб қўйиши ва яқинлашувни мураккаблаштириши мумкин. Шунингдек, қисқариш алгоритмнинг яқинлашишини исботлайди. Агар ўзгартириш танланса, у олдинги итерациядаги нукталарга айланади. IFS учун тасодифий итератив алгоритмда бўлгани каби, дастлабки бир нечта нукталар ўтказиб юборилади, чунки улар яқинлашишнинг бир қисми эмас. Алгоритм дастлабки 20 та қадамни ўтказиб юборади.

Алгоритм такрорлаш орқали чегарага етганда, ҳосил қилинган нукталар (бошланғич нуктанинг орбиталари) чекланган чегаралар тўпламига, яъни нукта траекторияларининг чегаравий тўпламига яқинлашади. Агар баъзи орбита p_i нукта юлдузлар тўпламида S_j бўлса, у ҳолда кейинги орбита нукта

$p_{i+1} I_{sj}(p_i)$ бўлиши мумкин эмас. Чекланган чегаралар тўплами (айланалар учун) атамаси Кланси ва Фраме томонидан киритилган. Алгоритмни яқинлашувининг исботи Смит томонидан тақдим этилган айлана инверсия алгоритмининг исботига ўхшаш.


Алгоритм томонидан олинган фрактал яқинлашиш алгоритмда қўлланиладиган ўзгаришларни белгилайдиган юлдуз шакллари тўплами билан ўралган ҳудудда жойлашган. Бу иккинчи чеклов ва (1) ифодадан келиб чиқади. Иккинчи чеклов ўзгартирилиши керак бўлган нукта конвертациянинг чексиз компонентида бўлишини асослайди ва (1)ифода трансформациядан кейинги нуктанинг ичида чегара компоненти эканлигини аниқлайди. Шу тарзда яратилган ҳар бир нукта алгоритмда қўлланиладиган баъзи трансформацияларнинг чекланган компоненти ичида жойлашади.


Табиийки, айлана юлдуз шакллари тўпламидир. Агарда, ядрога тегишли айлананинг маркази инверсия маркази бўлса, юлдуз шаклидаги тўплам инверсия трансформацияси Сек дан айлана инверсияси трансформациясига камаяди. Лекин айланалар учун ичкаридаги ядродан исталган нуктани олиш мумкин. Мисоллар шуни кўрсатадики, айланаларнинг инверсия марказини ўзгартириш дастлабки айлана инверсия фракталини деформация қилиш имкониятини беради [11].

Кўпбурчаклар ва айланалар каби оддий шакллар учун юлдуз тўпламини ўзгартиришни амалга оширишда нурлар билан кесишишларни топиш ва нукта берилган шаклда мавжудлигини аниқлаш учун мавжуд алгоритмдан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, юлдуз шаклидаги чегарани моделлаштирганда полином эгри чизиқлар ҳам ўтказилган бўлса, нур ва инклюзия тести билан кесишишни топиш учун тегишли алгоритмлар мавжуд. Умумий ҳолда, бу вазифани ҳал қилиш қийин бўлиши ва шунинг учун амалга оширишда мураккаблик юзага келиши мумкин.

Тадқиқотда фақат $2D$ ўзгаришлар кўрсатилган бўлсада, юқоридаги фикрларни $3D$ гача кенгайтириш мумкин. $3D$ да ишлатиладиган тўплам $2D$ даги юлдузлар тўпламига ўхшаш хусусиятларга эга бўлиши керак.

4-расмда келтирилган мисол айланасимон инверсион фракталдаги инверсия марказини ўзгартириш жараёнидаги натижани кўрсатади. Фрактал саккизта доира билан ифодаланади. 4(а)-расмда Фраме ва Когевина усулида олинган фрактал кўрсатилган. 4(б)-расмда катта доиранинг инверсия маркази айлана чегарасига яқин диагонал силжиганлиги кўрсатилган. Эътибор берилса, фракталнинг шакли ўзгаради ва нуқталарни кенгайтириб боради. 4(с)-расмда кичик доиранинг инверсия маркази айлана чегарасига яқинлашиши учун ўзгартирилганлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, бу ҳолда, шакл нуқтадан кейин келади. 4(д)-расмда барча катта доираларнинг инверсия марказлари ва иккита кичикроқ доираларнинг инверсия марказлари (расмдаги мос равишда юқори ва пастки позициялар) ўзгариши кўрсатилган. Катта доиранинг маркази ассиметрик равишда силжийди. Бу шаклнинг марказий симметриясини йўқотишига олиб келди, аммо аксиметрия сақланиб қолди. Агар тескари марказни бутунлай ассиметрик тарзда кўчирилса, ассиметрик нақш олинади. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, айлана инверсия фракталини осонгина деформация қилиш мумкин.





4-расм: Айлана ва юлдуз шакли инверсион фракталлар тўпламида айлана бўйлаб инверсия марказини ўзгартиришга мисол.

Ушбу тадқиқот натижасида айлана инверсияси трансформациясини юлдуз шакллари тўпламига умумлаштириш ва натижада айлана инверсион фракталини, юлдузсимон инверсион фракталларни яратиш алгоритми такомиллаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. B. Mandelbrot, *The Fractal Geometry of Nature* (W.H. Freeman and Company, New York, 1983).
2. M. Barnsley, *Fractals Everywhere* (Academic Press, Boston, 1988).
3. K. Gdawiec and D. Domanska, Partitioned Iterated Function Systems with Division and a Fractal Dependence Graph in Recognition of 2D Shapes, *Int. J. Appl. Math. Comput. Sci.* **21**(4) (2011) 757-767.
4. M. Demers and H. Kunze, Fractal-based Methods in Imaging, *Nonlinear Anal.* **71**(12) (2009) e1413-e1419.
5. C. Gentil and M. Neveu, Mixed-aspect Fractal Surfaces, *Comput. Aided Des.* **45**(2) (2013) 432-439.
6. O. Belmonte, S. Sancho and J. Ribelles, Multiresolution Modeling using Fractal Image Compression Techniques, in *Theory and Practice of Computer Graphics*, edited by J. Collomosse, I. Grimstead (Eurographics Association, Sheffield, 2010) pp. 51-58.

7. S. Nikiel, *Iterated Function Systems for Real-time Image Synthesis* (Springer, London, 2007).
8. D. Lv, X. Guo, X. Wang, J. Zhang and J. Fang, Computerized Characterization of Prostate Cancer by Fractal Analysis in MR Images, *J. Magn. Reson. Imaging* 30(1) (2009) 161-168.
9. C.T. Brown, W.R.T. Witschey. and L.S. Liebovitch, The Broken Past: Fractals in Archaeology, *J. Archaeol. Method Theory* **12**(1) (2005) 37-78.
10. Gdawiec, Krzysztof. "Star-shaped set inversion fractals." *Fractals* 22.04 (2014): 1450009.
11. Shahzoda Anarova, Zulaykho Ibrokhimova, Golib Berdiev. An Algorithm for Constructing Equations of Geometry Fractals Based on Theories of R-functions. 4th International Symposium on Multidisciplinary Studies and Innovative Technologies, (SCOPUS) ISMSIT 2020 - Proceedings, статья № 9254635, DOI: 10.1109/ISMSIT50672.2020.9254635 24 Dec 2020.

**ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИНИНГ ФИЛЬТРАЛАНИШ ЧЕГАРАВИЙ
ХАРОРАТИГА ГИДРОТОЗАЛАНГАН ГАЗОЙЛ ТОР
ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ МИҚДОРИЙ ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**
Шохрух Бобохон ўғли МАВЛОНОВ

таянч докторант

Бухоро муҳандислик-технология институти

Бухоро, Ўзбекистон

shoxrux-mavlonov@mail.ru

Моҳинабону Бахтиёровна ЖУМАБОЕВА

талаба

Бухоро муҳандислик-технология институти

Бухоро, Ўзбекистон

jumaboyevamohinabony@gmail.com

Аннотация

Мақолада дизел ёқилғиси “Бутунжаҳон Ёқилғи Хартияси” ва юртимизда ишлаб чиқариладиган ЭКО дизел ёқилғиси ишлаб чиқариш стандартлари келтирилган.

Таянч сўзлар: гидротозаланган дизел ёқилғиси, ёқилғининг филтьланиш чегаравий ҳарорати, қотиш ҳарорати, лойқаланиш ҳарорати, фракцион таркиби, каталитик депарафинлаш, каталитик изомерлаш.

**ИССЛЕДОВАНИЕ КОЛИЧЕСТВЕННОГО ВЛИЯНИЯ УЗКИХ
ФРАКЦИЙ ГИДРООЧИЩЕННОГО ГАЗОЙЛЯ НА ПРОДЕЛЬНУЮ
ТЕМПЕРАТУРУ ФИЛЬТРУЕМОСТИ ДИЗЕЛЬНОГО ТОПЛИВО**

Шохрух Бобохон ўгли МАВЛОНОВ

базовый докторант

Бухарский инженерно-технологический институт

Бухара, Узбекистан

shoxrux-mavlonov@mail.ru

Моҳинабону Бахтиёровна ЖУМАБОЕВА

студент

Бухарский инженерно-технологический институт

Бухара, Узбекистан

jumaboyevamohinabony@gmail.com

Аннотация

В статье упоминается «Мировая Топливная Хартия» для дизельного топлива и стандарты производства дизельного топлива ЭКО, производимого в нашей стране. Одним из важнейших свойств дизельного топлива, помимо количества серы, являются низкотемпературные свойства.

Ключевые слова: гидроочищенное дизельное топливо, граничная температура фильтрации топлива, температура затвердевания, температура мутности, фракционный состав, каталитическая депарафинизация, каталитическая изомеризация.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳаларини ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда [1].

Жорий йилги Инвестиция дастурига мазкур соҳа бўйича умумий қиймати 27,8 миллиард долларлик 26 та лойиҳа киритилган. Энергетика ва Молия вазирликларига «Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш» «Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» МТО технологияси асосида (“метанолдан олефингача”) янги газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳалари жадал суратларда олиб борилмоқда [9].

Ёқилғи-мойлаш материалларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг сифатини ошириш ва ресурсларини кенгайтириш замонавий нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимё саноатининг асосий вазифалари ҳисобланади. Дизел ёқилғиси истеъмолининг доимий ўсиши туфайли атмосферага чиқадиган захарли газлар миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифа Республикамиз учун ҳам, барча саноат ривожланган мамлакатлар учун ҳам устувор вазифадир. Ҳозирги вақтда ушбу муаммонинг муҳим ечими тижорат дизел ёқилғисининг сифат кўрсаткичларига талабларни кучайтиришдир [5]. Автомобилсозлик саноати соҳасидаги тараққиёт тўғридан-тўғри ишлатиладиган ёқилғи сифатига боғлиқ. Оптимал углеводород таркиби ва ишлаш кўрсаткичлари юқори бўлган ёқилғиларни олиш учун биринчи навбатда юқори сифатли хом ашёни танлаш, технологияни такомиллаштириш ва ҳозирги кунда присадкалар ва кўшимчалар киритиш билан ҳал этилади. Бироқ, муаммони тубдан ҳал қилиш учун присадкаларни ишлатмасдан ҳал қилиб бўлмайди; бу юқори сифатли ёқилғи олишнинг энг илғор, тежамли ва самарали усулидир. Ҳозирги кунда жаҳоннинг олий ўқув муассалари ва илмий - тадқиқот марказлари, жумладан

McDougall School of Petroleum Engineering at the University of Tulsa (AQSH), University of Aberdeen (Буюк Британия), Jonh and Willie Leone Family Department of Energy and Mineral Engineering at the Pennsylvania State University (AQSH), IFP Institut Francais du Petrole (Fransiya), Department of Petroleum and Geosystems Engineering at The University of Texas at Austin (AQSH), Delft University of Technology (Nederlandiya), И.М.Губкина номидаги Россия давлат нефт ва газ университети, А.В.Топчиев номидаги нефт кимёвий синтез институти, Ўрта Волга Нефтни қайта ишлаш илмий тадқиқот институти, Академик А.П.Крилов номидаги Умумроссия илмий тадқиқот нефт ва газ институти ва депрессор присадкалар ва ингибиторлар илмий-текшириш институтларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда [4].

Присадкалар ёрдамида двигателларда ёқилғи сарфини, захарли газлар миқдорини камайтириш, уларнинг ёниши даражасини ошириш, совуқ шароитда ёқилғининг музламаслигига шу билан бирга мураккаб комплекс муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

1998 йилда дунёнинг етакчи саноати ривожланган мамлакатларида автомобил ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқилган ва келажак учун дизел ёқилғиларининг сифати бўйича тавсияларни ўз ичига олган «Бутунжаҳон Ёқилғи Хартияси» нашр этилди [4]. Дизел ёқилғиси учун турли хил экологик талабларга эга бозорлар учун унга сифат тоифалари ишлаб чиқилди.

1-тоифа - чиқинди газлар таркибига талаблар қўйилмаган ёки минимал талаблар қўйилган бозорлар;

2-тоифа - чиқинди газлар сифатига қатъий талаблар ёки бошқа чекловлар мавжуд бўлган бозорлар;

3-тоифа ҳозирги кунда мавжуд бўлган энг илғор технологиялар талабларига жавоб беради.

"Бутунжаҳон ёқилғи хартияси" талабларига мувофиқ дизел ёқилғиларининг физик-кимёвий ва эксплуатацион кўрсаткичлари қуйидагича бўлиши лозим.

1-жадвал

Дизел ёқилғиларининг физик-кимёвий ва эксплуатацион
кўрсаткичлари («Бутунжаҳон ёқилғи хартияси»)

Кўрсаткичлар	Сифат тоифалари		
	1	2	3
1.Цетан сони (камида)	48	53	55
2.Цетан индекси (камида)	45	50	52
3.Зичлиги 15 °С ҳароратдаги, кг/м ³	820-860	820-850	820-840
4.Кинематик қовушқоқлиги 40 °С даги, мм ² /с	2,0-4,5	2,0-4,0	2,0-4,0
5.Олтингугурт миқдори, %	0,50	(0,03)	(0,003)
6.Ароматик углеводородларнинг миқдори, %, кўпи билан	-	25	15
7.Полиароматик углеводородларнинг миқдори, %, кўпи билан	-	5	2,0
8.Фракцион таркиби: Қайнаш ҳарорати 90 % .., °С, юқори эмас	-	340	320
Қайнаш ҳарорати 95 % .., °С, юқори эмас	340	355	340
Қайнаш ҳарорати охири, °С, юқори эмас	-	365	350
9.Чакнаш ҳарорати, °С, (камида)	55	55	55
10.Қолдиқнинг коксланиши, %, юқори эмас	0,30	0,30	0,30
11.Филтрланиш ҳарорати чегараси, °С	НТОС*)	НТОС*)	НТОС*)
12.Қотиш ҳарорати, °С	НТОС*)	НТОС*)	НТОС*)
13.Хираланиш ҳарорати, °С	НТОС*)	НТОС*)	НТОС*)
14.Сувнинг миқдори, мг/кг	500	200	200
15.Оксидланишга борқарорлиги, г/м ³ , юқори эмас	25	25	25
16.Кўпик миқдори, мл	-	-	100
17.Биологик ифлосланиш	Мавжуд эмас		
18.Ўсимлик ёғларнинг мураккаб эфирлари, %, юқори эмас	-	5,0	Мавжуд эмас
19.Кислоталиги, мг КОН/100 г (кўпи билан)	-	0,08	0,08
20.Мис пластинкада синаш, балл	Класс 1		
21.Куллиги, %, (кўпи билан)	0,01	0,01	0,01
22.Механик аралашмалар миқдори, мг/л, кўп эмас	-	24	24
23.Форсунка тозалиги, % ҳаво оқимини камайиши, кўп эмас	-	85	85
24.Мойлаш қобиляти, едирилиш доғи диаметри, мкм	400	400	400

2000 йилда "Бутунжаҳон Ёқилғи хартияси" талабларига қўшимча ҳавола нашр қилинди, талабга биноан ёқилғи таркибида олтингугуртнинг миқдори тўлиқ йўқлиги билан ажралиб турадиган жуда тоза двигател ёқилғисининг "4" тоифаси тақдим этилди. "Бутунжаҳон Ёқилғи хартияси" талаблари бензин ва дизел ёқилғиси таркибидаги олтингугурт, ароматик ва олефин углеводородлар миқдorigа жиддий чекловларни жорий этишга қаратилган [4].

Дунёнинг Германия, Руминия, Буюк Британия, Швеция, Австрия каби ривожланган мамлакатларида дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хусусиятлари, уларни асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва бу ёзги дизел ёқилғиси учун филтрлаш ҳароратининг чегараланиши $+4\text{ }^{\circ}\text{C}$ (Австрияда), $-10\text{ }^{\circ}\text{C}$ (Швецияда), қишда эса унинг қиймати $-12\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан (Буюк Британияда), $-25\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача (Швецияда) бўлган оралиқларда ўзгариб туради. Польша, Франция ва Япония каби давлатлар эса дизел ёқилғиларининг қуйи ҳароратли хусусиятлари, қотиш ҳарорати билан билан тавсифланади ва улар мос равишда $-5\text{ }^{\circ}\text{C}$ ва $-7\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаслиги керак [7, 8].

Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида юқори сифатли қуйи ҳароратли хоссалари яхшиланган дизел ёқилғисига эҳтиёж сезилади. Юртимизда ёқилғи-энергетика саноатини модернизация қилишга қаратилган бир қатор фармонлар қабул қилинди. Нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш нефтни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилган нефт маҳсулотларининг сифатини яхшилаш орқали амалга оширилади [10]. 2025 йилгача бўлган даврда нефт маҳсулотлари истеъмоли глобал тузилмасида дизел ёқилғиси улуши 37% гача ошади [3]. Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдан ташқари, экологик талаблар кучайтирилмоқда – масалан, 2020 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган EVRO-5 дизел ёқилғисининг улуши 14%ни ташкил этди. Ҳозирги вақтда республикаимиз ҳудудида дизел ёқилғиларининг экологик ва эксплуатацион кўрсаткичлари қуйидаги Давлат стандартлари билан белгиланган техник шартлар доирасида назорат қилинади.

O`zDts 1134:2018 бўйича дизель ёқилғиси тавсифлари

Кўрсаткичлар номланиши	Турлар учун қийматлар				Назорат усуллари
	ЭКО Л	ЭКО 3-1	ЭКО 3-2	ЭКО 3-3	
1.Цетан сони, кам эмас	50	50	50	50	ГОСТ 3122
2. Зичлик, кг/м ³ , кўп эмас; 15 °C да ёки 20°C да	863,4 860,0	863,4 860,0	843,4 840,0	843,4 840,0	ГОСТ 3900
3. Фракцион таркиби: 50% ҳайдалиш харорати, °C, юқори эмас 95% ҳайдалиш харорати, °C юқори эмас	280 360	280 360	280 360	280 360	ГОСТ 2177
4. Сув миқдори, %	йўқ				ГОСТ 2477
5. <u>Филтрланиш</u> <u>чегаравий</u> <u>харорати, °C,</u> <u>юқори эмас</u>	-5	-15	-25	-35	ГОСТ 22254.
6. Йод сони, г 100 г ёқилғида, кўп эмас	5				ГОСТ 2070
7. <u>Коксланиши</u> <u>10%-ли қолдик</u> <u>ҳайдалганда, %</u> <u>масс., кўп эмас</u>	0,20				ГОСТ 19932
8. <u>Куллик, %</u> <u>(масса бўйича),</u> <u>кўп эмас</u>	0,01				ГОСТ 1461
9. <u>Олтингугуртни</u> <u>масса миқдори,</u> <u>мг/кг, кўп</u> <u>эмас:</u> <u>I тури</u> <u>II тури</u> <u>III тури</u>	0,100 0,050 0,035				ГОСТ 1912.

10. Меркаптанли олтингугурт миқдори, %, кўп эмас	0,01				ГОСТ 17323
11. Водород сульфид миқдори, % масс	йўқ				ГОСТ 17323
12. Мис пластинкада текририш	1 синф				ГОСТ 6321
13. Сувда эрувчан кислота ва ишқорлар миқдори, %	йўқ				ГОСТ 6307
14. <u>Кинематик қовушқоқлик</u> 20 °Сда, мм ² /с	3,0-6,0	1,8-5,0	1,8-5,0	1,8-5,0	ГОСТ 31391
15. Кислоталик, мг КОН 100 см ³ ёқилғида, кўп эмас	5				ГОСТ 5985
16. Алангаланиш ҳарорати, ёпик тиглда, °С, паст эмас: -тепловоз ва проход дизел ва газ турбинли – дизеллар учун Умумий ҳолда	62 40	40 35	40 35	40 35	ГОСТ 6356
17. Умумий ифлосланиш (механик аралаш-малар), мг/кг (%), кўп эмас	24 (0,0024)				ГОСТ 6370
18. Қатронлар концентрацияси, мг 100 см ³ ёқилғидаги, кўп эмас	40	40	40	30	ГОСТ 8489

19. Қотиш ҳарорати, °С, қўп эмас	-10	-25	-35	-45	ГОСТ 20287
20. <u>Хираланиш</u> <u>ҳарорати, °С,</u> <u>юқори эмас</u>	-5	-5	-15	-25	ГОСТ 5066

Шундай қилиб, дизел ёқилғиларининг сифатини EN 590 талабларига етказиш фақат нефтни қайта ишлаш заводларида замонавий гидрокрекинг ва гидротехника технологиялари интеграциялашган ҳолда жорий этилиши ва цетан сонини оширувчи, қуйи ҳароратдаги хоссаларини яхшиловчи присадкалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин [9].

Қиш мавсумида дизел двигателларининг ишлаши маълум ўзига хос хусусиятларга эга. Совуқ шароитда асосий муаммо, дизел ёқилғисида н-парафин кристаллари ҳосил бўлиши ва филтрлар орқали оқиш қобилиятининг ёмонлашиши туфайли ички ёнув двигателларни ишлашига салбий таъсир этади.

Ҳароратнинг пасайиши билан ёқилғидан ажралиб чиқадиган каттик фаза мураккаб тузилиш ва молекуляр массаси билан фарқ қилади. Асосан, н-парафинли углеводородларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, каттик фазада нормал ва изотузулишли узун занжирларга эга молекуласида 1-3 гача халқаларга эга циклопарафинли углеводородларни ўз ичига олиши шунингдек молекуласида икки ва ундан ортиқ халқалар сақлаган ҳар хил узунлик ва ён занжир турли тузилишларига эга бўлган ароматик бирикмалар бўлиши мумкин [6].

Бугунги кунда нефтни қайта ишлаш заводларида дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшилашнинг 6 усулидан фойдаланилади:

1. Дизел ёқилғисини димеркаптанланган керосин фракцияси билан аралаштириш ва енгил фракциялар билан компоудирлаш.
2. Дизел фракциясининг охириги қайнаш ҳарорати пасайтириш.
3. Дизел ёқилғи таркибидаги н-парафинларни углеводородларни экстрактив кристаллаш усули билан ажратиб олиш.

4. Каталитик депарафинлаш.
5. Каталитик изомерлаш.
6. Депрессор-диспергирловчи присадкалар қўллаш.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади газойл тор фракциялардан фойдаланиб ёқилғининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшилашдан иборат. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ЭКО синфидаги гидротозаланган дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратдаги хоссаларни ГОСТ 2177 ва ГОСТ 5066 стандартлар асосида бўйича тажриба синовлари ўтказилди. Синов натижалари 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

**БНҚИЗ гидротозаланган дизел ёқилғисининг
қуйи ҳароратдаги хоссалари**

№	Намунанинг номи	Хираланиш ҳарорати, °С	Қотиш ҳарорати, °С	Филтрланиш чегаравий ҳарорати, °С
1	Қишги дизел ёқилғиси меъёри	минус 5	минус 25	минус 15
2	Гидротозаланган дизел ёқилғиси	минус 4	минус 14	минус 7

Жадвалдан кўриниб турибдики, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида гидротозаланган дизел ёқилғисининг хираланиш ҳарорати -4 °С, қотиш ҳарорати -14 °С, филтрланиш чегаравий ҳарорати -7 °С эканлигини кўришимиз мумкин.

4-жадвал

**Дизел ёқилғисининг ҳар 10 °С даги фракцион ҳажми ГОСТ 2177 ва
хираланиш ҳарорати ГОСТ 5066 стандартлар асосида аниқланган
тавсифи**

Гидро- тозаланган дизел ёқилғисини нг хираланиш ҳарорати	Фрак- циялар- нинг ҳайдали ш ҳарорат и, °С	Ҳайдалга н фракциял ар миқдори, % масс	ГОСТ 5066 орқали хираланиш температура си, °С	ГОСТ 5066 хиралани ш ҳарорати фракция аралашма си, °С	Умуми й миқдор и, % масс
1	2	3	4	5	6

-5	180 пастда	0,38	-	-21	60
	180-200	0,99	-65,5		
	200-210	4,65	-54,0		
	210-220	7,42	-43		
	220-230	6,29	-40,5		
	230-240	6,83	-35		
	240-250	6,24	-31		
	250-260	7,44	-25		
	260-270	6,45	-24		
	270-280	6,76	-21		
	280-290	6,64	-17		
	290-300	6,51	-16	+8	40
	300-310	5,91	-8		
	310-320	5,34	-5		
	320-330	4,08	+2		
	330-340	4,13	+5		
	340-350	3,24	+8		
	350-360	3,12	+13		
	360-370	2,77	+16		
	370-380	2,07	+21		
	380-390	1,13	+22		
	390-400	1,02	+26,5		
	400-407	0,60	+31,5		

100 мл дизел ёқилғисининг фильтланиш чегаравий ҳарорати -7 бўлган 180-310 °С оралиғида бўлган фракцияларини компоундирлаш натижалари 5 - жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Дизель ёқилғисини 180-310 °С ҳароратлар оралиғида ҳайдаб олинган фракцияларни компоундирлаш натижасида қуйи ҳароратдаги хоссалари яхшиланган маҳсулот тавсифи

Гидротозаланган дизел ёқилғиси	Фракциялар				ГОСТ 22254 фильтрланиш чегаравий ҳарорати
	180-200 °С	220-230 °С	250-260 °С	280-290 °С	-28
	5 мл	5 мл	5мл	5 мл	

филтрланиш чегаравий харорати -7 100 мл	200-210 °C	230-240 °C	260-270 °C	290-300 °C	-24
	5 мл	5 мл	5мл	5 мл	
	220-230 °C	250-260 °C	270-290 °C	300-310 °C	-19
	5 мл	5 мл	5мл	5 мл	

Жадвалдан кўриниб турибди №1 намунасига 180-290 °C, №2 200-3300 °C №3 220-310 оралиғида фракцияларнинг 5 мл дан кўшганимизда филтрланиш чегаравий харорати -28 °C, -24, -19, пасайтириши аниқланган.

Дизель ёқилғисини фракцияларини ҳайдалиш оралиқ хароратлари ортиши билан филтрланиш чегаравий харорати камайишига сабаб ҳайдалиш харорати юқори бўлган фракцияларда молекуляр массаси катта бўлган парафинлар миқдорининг ортиши билан изоҳлаш мумкин.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедова О.Б., Мавлонов Ш.Б., Ражабов Р.Н. Дизел ёқилғилари ва сурков мойлари учун депрессор диспергирловчи присадкалар: монография. – Бухоро: Дурдона, 2020. – 196 б.

2. Государственный стандарт Республики Узбекистан. Топлива дизельное ЭКО технические условия. O`zDSt 11:34:2018

3. Доклад министра энергетики президенту РФ о ситуации на внутреннем рынке топлива [электронный ресурс]. - УРЛ: <http://minenergo.gov.ru-node/3849> (дата обращения 01.04.2017).

4. Каминский Э.Ф., Хавкин В.А. Глубокая переработка нефти: технологический и экологический аспекты. – Москва: Техника. ООО «ТУМАГРУПП», 2001. – 384 с.

5. Мавлонов Ш.Б., Файбуллева А.Ф., Фозилов С.Ф. Юқори молекуляр бирикмалар асосида дизел ёқилғиларнинг қуйи харолратдаги хоссаларини

яхшиловчи присадкалар олиш ва уларни қўллаш // Фан ва технологиялар тараққиёти, 2021. – №5. ISSN 2181-8193 49-64 б

6. Основные процессы нефтепереработки: справочник / под. ред. Р.А. Мейерса. – СПб.: Профессия, 2011. – 944 с.

7. Тертерян Р. А., Башкатова С. Т. Депрессорные присадки к дизельным топливам. – Москва: ЦНИИТЭнефтехим, 1987. – 66 с.

8. Тертерян Р. А. Депрессорные присадки к нефтям, топливам и маслам. – Москва: Химия, 1990. – 237 с.

9. Mavlonov SH.B. Depressor additives based on styrene and low molecular polyethylene. Innovative solutions to current problems in the field of high molecular metallorganic compounds. // International scientific and practical online – conference the republic of Uzbekistan Tashkent city: May 28, 2021 Part -III 54-55 p

10. Muxtorov N.SH. (2019) Development of technology for producing new compositions of oils and diesel fuel using polykykmethacrylates. The dissertation for the degree of Doctor of Technical Sciences (DSc).- 8 p.

ЭЛАСТИК ПЛАСТИК СИЗИШ МАСАЛАЛАРИ УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Достон Наим ўғли МУХТОРОВ

Магистр

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

dmuxtorov062@gmail.com

Жасурбек Тоштемирович АЛЛАЕВ

ўқитувчи

Самарқанд шаҳаридаги 59-мактаб

Самарқанд, Ўзбекистон

toshtemerovozodbek@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада эластик-пластик сизиш масалалари, хусусан ер ости гидромеханикаси масалалари тўғри ва тескари масалалари қаралган. Мақолада тўғри масала берилган тенглама ёки тенгламалар системаси ечимларини топиш, бошланғич ва чегаравий шартларни аниқлашлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: коррект, некоррект, ретроспектив, чегаравий, коэффициент.

ЧИСЛЕННОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРЯМЫХ И ВЕРТИКАЛЬНЫХ ЗАДАЧ ДЛЯ УПРУГОПЛАСТИЧЕСКИХ ЗАДАЧ ВОЛОЧЕВАНИЯ

Достон Наим углы МУХТОРОВ

магистр

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

Жасурбек Тоштемирович АЛЛАЕВ

Учитель

школа № 59 города Самарканда

Самарканд, Узбекистан

Аннотация

Эта статья рассматриваются проблемы упругопластической течи, в частности проблемы подземной гидромеханики, правильные и неправильные. В статье речь идет о поиске решения уравнения или системы уравнений с учетом корректной задачи, определения начальных и граничных условий.

Ключевые слова: правильный, неправильный, ретроспективный, граница, коэффициент.

Математик физиканинг тескари масалалари ҳар хил ишларда қаралган. Асосий эътибор ечимнинг ягоналиги, бу эса масалаларнинг шартли коррект қўйилган масалаларга ажратишдир. Хусусий ҳосилалари тенгламалар учун

тескари масалалар асосан иссиқлик алмашинув масалаларига қўлланилган. Иссиқлик алмашинуви тескари масалаларининг таснифи О.М.Алифанов [1] томонидан таклиф қилинган.

Нокоррект масалаларни тақрибий ечиш муаммоларига қўплаб ишлар бағишланган, масалан биринчи турдаги оператор тенгламалар учун нокоррект масалаларни ечишнинг итерацион усуллари ишларда тадқиқ этилади. Регуляризация параметрини танлаш энг муҳим ҳисобланади. Математик физиканинг нокоррект масалаларини тақрибий ечишнинг квазимурожат усулининг ҳар хил вариантлари мавжуд. Иссиқлик алмашинувининг коэффицентли тескари масалалари ҳар хил вақтларда муҳит нуқталарида температура тақсимоти хусусий ҳосилали тенгламалардан аниқланади (иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасидан). $T(x, y, z, t)$ температура майдонини бир қийматли аниқлаш учун қўшимча (ёпувчи) муносабатлар келтирилади. Шундай қилиб хусусий ҳосилали тенгламанинг ечими бир қанча ихтиёрий функцияларгача аниқлик билан топилади. Бу ихтиёрийликни йўқотиш учун қўшимча муносабатлар келтирилади: бир қанча нуқталарда ечимнинг ўзи, йўналишларда ечимдан олинган ҳосила ва ҳ.к. маълум бўлади [3, 5].

Қандайдир танланган фазо соҳасида температура майдонини ҳисоблаш амалга оширилади. Оддийлик учун иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси ечими кидириладиган ўзгармас Ω ҳисоблаш соҳаси билан чегараланади.

Аниқлик учун $t = 0$ вақт моментида бошлаб қандайдир $t = t_{\max} > 0$ вақт моментида иссиқлик алмашинув жараёнини тадқиқ этилади [11]. Шунинг учун иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси ечими $Q = \{(x, y, z, t) | (x, y, z) \in \Omega, 0 < t < t_{\max}\}$ цилиндрда изланади, яъни

$$c\rho \frac{\partial T}{\partial t} = \operatorname{div}(k \operatorname{grad} T) + f, \quad (x, y, z, t) \in Q. \quad (1)$$

Бу тенглама фазо бўйича ҳам, вақт бўйича ҳам хусусий ҳосилаларни ўз ичига олади. Шу сабабли қўшимча муносабатлар Ω фазовий соҳа ва $(0, t_{\max})$

вакт интервали нуқталари тўпламида, яъни қандайдир Q цилиндр нуқталари тўпламида берилиши керак [2, 7].

Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун одатда чегаравий масалалар қўйилади. Q цилиндр ён сиртидаги шартлар фазовий ўзгарувчилар бўйича шартларга мос келади (Ω фазовий соҳа чегарасида). Шу сабабли бундай шартлар учун чегаравий шартлар терминини ишлатиш қулайдир. Q нинг пастки асосидаги шартлар бошланғич шартларнинг қўйилишига мос келади. Энг мураккаб шартларни ҳам бериш имкони мавжуд. Масалан, $t = 0$ даги бошланғич шартлар ўрнига Q цилиндрнинг бошқа кесимида қўшимча шартларни бериш мумкин, масалан қандайдир $t = t^*$ да. Бошқача айтганда, қўшимча муносабатлар Q соҳа ичида ётган нуқталар тўплами бўлиши мумкин. Бу йўналишдаги иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун асосий масалалар ҳисобланади.

Одатда бошланғич вақтда температура майдони берилади [8, 9], яъни

$$T(x, y, z, 0) = T^0(x, y, z), \quad (x, y, z) \in \Omega \quad (2)$$

(2) типдаги шартнинг берилиши қандайдир фикцирланган вақт моментида амалий моделлаштиришда температурани тўғридан-тўғри ўлчашни талаб қилади. Бундай ўлчашлар ўтказиш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Шунинг учун бошқа ёндашувларни қўллаш мумкин. Масалан, (1) тенглама учун охириги вақт моментида қулай шартлар бўлиши керак, яъни (2) шарт ўрнига қуйидаги шарт берилади:

$$T(x, y, z, t_{\max}) = T^m(x, y, z), \quad (x, y, z) \in \Omega \quad (3)$$

Бу ҳолда (3) шартлар бўйича олдинги $t < t_{\max}$ вақт моментида иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси асосида температура майдони тикланади. Шундай қилиб иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун ретроспектив масалани таърифлаб берилди.

Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун чегаравий шартлар орасидан асосий биринчи, иккинчи ва учинчи турдаги чегаравий шартлар ажратилади.

Энг оддий ҳолат $\partial\Omega$ чегарада температура майдони берилиши билан характерланади (биринчи турдаги чегаравий шартлар):

$$T(x, y, z, t) = g(x, y, z, t), \quad (x, y, z) \in \Gamma \quad (4)$$

$$\text{Бу ерда } \Gamma \text{ — } \Omega : \Gamma = \{(x, y, z, t) | (x, y, z) \in \partial\Omega, 0 < t < t_{\max}\} \text{ ён сирт.} \quad (4)$$

биринчи турдаги шартлар Дирихле шартлари ҳам деб аталади.

Иккинчи турдаги чегаравий шартлар (Нейман шартлари) чегарада иссиқлик оқимини беришга мос келади [12]. Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун изотроп муҳитда у қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$k \frac{\partial T}{\partial n} = q(x, y, z, t), \quad (x, y, z, t) \in \Gamma \quad (5)$$

бунда $\frac{\partial}{\partial n}$ орқали Ω соҳанинг $\partial\Omega$ чегараси ташқарисига нисбатан нормал белгиланган.

Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун бир қанча асосий масалалар синфини ажратамиз. Аввало бошланғич ва чегаравий шартлар берилиши билан характерланадиган чегаравий масалаларни қаралди. Масалан, тенглама (2) бошланғич шарт ва биринчи тур (4) чегаравий шарт билан тўлдирилувчи (1) иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун биринчи чегаравий масала қўйилган бўлиши мумкин.

Мустақил объект тадқиқ қилинаётган, $\partial\Omega_1$ чегаранинг қисмида бир турдаги чегаравий шартлар берилган, чегаранинг қолган $\partial\Omega_2$ ($\partial\Omega_2 = \partial\Omega / \partial\Omega_1$) қисмида эса бошқа турдаги чегаравий шартлар берилган ҳолни ажратиш мумкин. Масалан, (1.1) тенглама учун чегаравий шартлар ушбу кўринишга эга бўлиши мумкин:

$$T(x, y, z, t) = g(x, y, z, t), \quad (x, y, z) \in \Gamma_1$$

$$k \frac{\partial T}{\partial n} = q(x, y, z, t), \quad (x, y, z, t) \in \Gamma_2$$

Бу ерда $\Gamma_\alpha = \{(x, y, z, t) | (x, y, z) \in \partial\Omega_\alpha, 0 < t < t_{\max}\}$, $\alpha = 1, 2$. Бунда аралаш чегаравий шартларга, аралаш чегаравий масала дейилади.

Юқорида таъкидланган чегаравий масалалар $\partial\Omega$ чегарада (Γ ён сиртда) ва $t = 0$ да (бошланғич шартлар) қўшимча шартлар берилиши билан характерланади. Бу хусусий ҳосилали тенгламалар назариясида яхши тадқиқ қилинган иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун энг муҳим масалалар синфи ҳисобланади.

Қаралган чегаравий масалалар коррект қўйилган (Адамар бўйича коррект) масалалар синфига киради. Хусусий ҳосилали тенгламалар учун масала коррект қўйилган масала деб аталади, агар қуйидаги учта шартлар бажарилса:

- 1) масала ечими мавжуд;
- 2) бу ечим ягона;
- 3) ечим тенглама коэффициентларидан ва қўшимча шартлардан (чегаравий ва бошланғич шартлардан) узлуксиз боғлиқ.

Агар бу шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси бузилса ҳам, у ҳолда масала нокоррект қўйилган масалалар синфига киради. Нокорректлик асосан масаланинг берилган параметрларига берилган кичик қўзғалишлар бўйича ечим турғунлиги (3 шарт) бузилиши билан алоқадор.

Чегаравий масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлиги нуқтаи назаридан талқин қилиш чегаравий масалани иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун тўғри масала сифатида қарашга имкон беради. Сабаб-оқибат алоқадорлиги бузилиши кўпинча тескари масалаларда кўринади, чунки тескари масалалар нокоррект қўйилган масалалар ҳисобланади.

Иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун тескари масалалар қуйидагилардан иборат, ёпувчи зарурий (чегаравий ва бошланғич) шартлар тўла берилмаган ёки тенгламанинг ўзи тўла аниқланмаган (тенгламанинг коэффициентлари, ўнг тарафи берилмаган, ҳисоблаш соҳаси аниқланмаган) бўлади. Бунинг ўрнига ечим, тенглама, соҳа ва ҳ.к. ҳақида қандайдир қўшимча ахборот маълум бўлади. Қўшимча ахборот ҳар хил кўринишда берилиши мумкин. Бу йўналишда бир қанча имкониятлар қуйида қаралади.

$t = 0$ да берилган (2) бошланғич шарт ўрнига $t = t_{\max}$ да (3) шарт берилгандаги масала иссиқлик ўтказувчанлик учун оддий тескари масалага мисол бўлади (иссиқлик ўтказувчанликнинг ретроспектив тескари масаласи, тескари вақтли масала). Керакли чегаравий шартлар берилмаган ҳолдаги иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун тескари масалалар муҳим амалий аҳамиятга эга. Масалан, чегаранинг $\partial\Omega_1$ қисмида иккита шарт берилган, чегаранинг $\partial\Omega_2$ қолган қисмида шарт берилмаган бўлса, мисол учун чегаравий шарт чегаранинг бир қисмида қуйидагича бўлсин

$$T(x, y, z, t) = g(x, y, z, t), \quad (x, y, z) \in \Gamma_1 \quad (6)$$

$$k \frac{\partial T}{\partial n} = q(x, y, z, t), \quad (x, y, z, t) \in \Gamma_1 \quad (7)$$

Бундай ҳолат қандайдир сабабга кўра чегаранинг $\partial\Omega_2$ қисмида температура ва иссиқлик оқимини тўғридан тўғри ўлчаш имкони бўлмаганда рўй беради.

Хусусий ҳосилали тенгламалар учун тескари масалаларнинг бир қатор муҳим типларга ажратилади. Қулайлик учун таснифга мос масалаларни ностационар иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун ўтказилган.

Қуйидаги қаттиқ жисм кесими иссиқлик ҳолати

$$\partial\Omega = \{x \mid x = (x_1, x_2), \quad 0 < x_\alpha < l_\alpha, \alpha = 1, 2\}$$

ушбу тенглама билан ёзилади

$$c(x) \frac{\partial u}{\partial t} + Lu = f(x, t), \quad x \in \Omega, \quad 0 < t \leq T, \quad (8)$$

бунда

$$Lu \equiv - \sum_{\alpha=1}^2 \frac{\partial}{\partial x_\alpha} (k(x) \frac{\partial u}{\partial x_\alpha}), \quad x \in \Omega, \quad (9)$$

Чегарада аралаш чегаравий шартлар берилган деб ҳисобланди. Айтайлик

$$\gamma = \{x \mid x \in \partial\Omega, x_2 = l_2\},$$

$\Gamma = \partial\Omega/\gamma$ бўлсин. Γ да биринчи тур, γ да эса иккинчи тур шартлар берилсин:

$$u(x, t) = g(x, t), \quad x \in \Gamma, \quad (10)$$

$$k \frac{\partial u}{\partial n} = q(x, t), \quad x \in \gamma, \quad 0 < t \leq T. \quad (11)$$

(8) тенгламани қуйидаги бошланғич шартлар билан тўлдирилди.

$$u(x, 0) = u^0(x), \quad x \in \Omega. \quad (12)$$

Юқорида ифодаланган (8)-(12) масала иссиқлик алмашинувнинг *тўғри масаласидир*. У Ω ҳисоблаш соҳаси, (8), (9) тенгламалар, (10), (11) чегаравий ва (12) бошланғич шартлар билан характерланади. Бу масала коррект, яъни масала ечими мос синфларда мавжуд, ягона ва берилган маълумотлардан (бошланғич ва чегаравий шартлар, тенглама коэффициентлари ва ҳ.к.) узлуксиз боғлиқ.

Иссиқлик алмашинувнинг *тескари масалалари* деганда (қўйилган (8)-(12) тўғри масалага муносабати бўйича) табиий равишда тўғри масалалар учун зарур маълумотлар берилмаган бўлади, уларнинг ўрнига эса қандайдир қўшимча шартлар берилади. Юқорида келтирилганларга мос равишда тескари масалалар синфини ифодалаш мумкин. Бу масалалар таснифи етишмаётган шартлар билан боғлиқ.

Олдин (12) бошланғич шартлар етишмаётган тескари масалаларни ажратиб олинади. Бундай масалага *иссиқлик алмашинувнинг ретроспектив тескари масаласи* мисол бўлиб хизмат қилади. Бунда бошланғич ҳолат ўрнига охирги вақт моментида ҳолат маълум бўлади. Бу ҳолда ечим (8), (9) тенгламалар, (10), (11) чегаравий шартлар ва қуйидаги шартдан аниқланади:

$$u(x, T) = u^T(x), \quad x \in \Omega. \quad (13)$$

$t = T$ вақт моментида температура майдони ўлчашлари бўйича аввалги вақт моментларида температура майдонини тиклаш зарур.

(8)-(11), (13) ретроспектив масала $\theta = T - t$ алмаштириш ёрдами билан тескари вақтли иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси учун чегаравий масалага келтирилади ($u = u(x, \theta)$):

$$-c(x)\frac{\partial u}{\partial \theta} + Lu = f(x, T - \theta), \quad x \in \Omega, \quad 0 < \theta \leq T \quad (14)$$

(14) тенглама учун мос чегаравий шартлар ((10), (11) га қаранг) келтирилади. (13) дан қуйидаги бошланғич шартни ҳосил қилинади.

$$u(x, 0) = u^T(x), \quad x \in \Omega. \quad (15)$$

(13) қўшимча шартлар ўрнига (охирги вақт моментида температура ўлчанади) етишмаётган (12) бошланғич шартларни қандайдир даражада ўрнини тўлдирувчи бошқа шартларни бериши мумкин.

Зарурий чегаравий шартларнинг мавжуд эмаслиги иссиқлик алмашинувининг чегаравий тескари масалаларига келади. Бундай тескари масалалар амалий тадқиқотларда жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, (8)-(12) тўғри масалага чегаранинг γ қисмида чегаравий шартлар номаълум бўлган чегаравий тескари масала олдинга чиқади. Бунинг ўрнига соҳанинг ички нуқталарида қўшимча температура ўлчашлари ўтказилади. Айтайлик, масалан,

$$\gamma_* = \{x \mid x \in \partial\Omega, x_2 = x_2^*, 0 \leq x_2^* < l_2\},$$

ва γ_* да қуйидаги шарт берилади

$$u(x, t) = g_*(x, t), \quad x \in \gamma_*, \quad 0 < t \leq T \quad (16)$$

(8), (9), (11), (12), (16) тескари масалада қўшимча шартлар бўйича бутун соҳа бўйлаб ечим тикланади, шу билан бирга γ да иссиқлик оқими (етишмаётган (10) чегаравий шарт) ҳам тикланади. Чегаравий тескари масалалар бошқача қўйилишда ҳам ифодаланади. (16) да $x_2^* = 0$ бўлиши мумкин, яъни чегаранинг $\gamma_* \subset \Gamma$ қисмида температура ёки оқим берилади.

Мақолада зарурий бошланғич ёки чегаравий шартлар мавжуд бўлмаган, аммо (8), (9) иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси берилган тескари масалаларга мисоллар келтирилди. Иссиқлик алмашинувининг коэффицентли тескари масалалари типик тескари масалалардан ҳисобланади. Бунда тенгламанинг ўзи аниқ берилмайди, лекин унинг қандайдир коэффицентини

берилади. Аввал чегаравий ва бошланғич шартларни идентификация қилиш ҳақида гап кетган бўлса, энди жараён моделининг ўзи, тенгламанинг ўзи идентификация қилиш ҳақида сўз боради. (8)-(12) га мувофиқ иссиқлик сиғими ($c(x)$), иссиқлик ўтказувчанлик ($k(x)$) коэффициентлари, манбалар (ўнг тараф $f(x,t)$) номаълум бўлади. Қўшимча ахборот (13), (16) типдаги температура ўлчашларидан иборат бўлиши мумкин. Масалан, $k(x)$ ни (8)-(12) ва (13) шартлардан тиклаш талаб қилинади.

Келтирилган иссиқлик алмашинувининг тескари масалалар (ретроспектив, чегаравий, коэффициентли) синфи турли туманлигига таъсир қилмайди. Мақолада фақат иссиқлик алмашинувининг асосий, таянч тескари масалаларини ажратдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алифанов О.М. Обратные задачи теплообмена. – Москва: Машиностроение, 1988. – 280 с.
2. Басниев К.С., Хайруллин М.Х., Садовников Р.В., Шамсиев М.Н., Морозов П.Е. Исследование горизонтальных газовых скважин при неустановившейся фильтрации // Газовая промышленность. – 2001. №1. – С. 41-43.
3. Морозов В.А. Методы регуляризации неустойчивых задач. – Москва: МГУ, 1987.
4. Морозов П.Е., Садовников Р.В., Шамсиев М.Н., Хайруллин М.Х. Оценивание фильтрационных параметров пласта по данным нестационарного притока жидкости к вертикальным скважинам // ИФЖ. – 2003. – Т.76. №6. – С. 142-146.
5. Самарский А.А., Вабищевич П.Н. Численные методы решения обратных задач. – Москва: ЛКИ, 2009. – 480 с.
6. Тихонов А.Н., Арсенин В.Я. Методы решения некорректных задач. – Москва: Наука. 1986. – 288 с.

7. Хужаёров Б. Х., Холияров Э. Ч., Шодмонов И. Э. Об одной обратной задаче упруго-пластической фильтрации жидкости в пористой среде // Материалы Международной научно-технической конференции «Современные проблемы и перспективы механики». – Ташкент, 17-18 мая 2006 года. – С. 167-169.

8. Хужаёров Б.Х., Холияров Э.Ч., Эломов Ф.З. Граничная обратная задача при упругом режиме фильтрации однородной жидкости в пористой среде // Сборник материалов IV-международной конференции «Проблемы развития инженерных коммуникаций». – Самарканд, 17-21 мая 2010. – С. 48-50.

9. Хужаёров Б.Х., Холияров Э.Ч., Эломов Ф.З., Нурматов Г. Обратная задача по восстановлению граничных условий при фильтрации жидкости в пористой среде // Сборник материалов Республиканской научной конференции «Проблемы современной математики». – Карши, 22-23 апреля 2011 года. – С. 547-550.

10. Hao D. Methods for inverse heat conduction problems. – Peter Lang pub. Inc. 1998. – 249 p.

11. Sun N.-Z. Inverse problems in Groundwater modeling. Kluwer Acad. Norwell. Mass. – 1994. – 337 p.

12. Weber C.F. Analysis and Solution of the Ill-Posed Inverse Heat Conduction Problem, Int. J. Heat Mass Transfer, 24(11), 1783-1792 (1981).

МУНДАРИЖА

Иқтисод

А.А.УЗОҚОВ, У.И.НУРМАТОВ. Мамлакатнинг туризм жозибадорлигини оширишда “Tax free” тизимининг аҳамияти.....	3
Ш.Х.ДЖУМАБАЕВА. Иқтисодий демографиянинг илмий-назарий асослари ва мазмун-моҳияти.....	11

Юридик

С.О.ЮЛДАШОВ. Амир Темур ва темурийлар даврида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал этилиши ҳолати.....	20
Б.НАРИМАНОВ. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши.....	28
Б.Д.РАХИМБЕРГАНОВА. Муддатли меҳнат шартномасини тузишда ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари.....	40
О.А.ХАКИМОВ. Хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда ҳарбий хизматчилар пенсия таъминотининг айрим масалалари	52
Ш.Ш.ТИМИРОВА. Янги Ўзбекистонда гендер тенглиги.....	60
С.Б.МАШАРИФОВ. Бепарволик орқасидан содир этиладиган жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили.....	67
А.Я.ОЛЛАМОВ. Парламент юқори палатасининг ҳудудий вакилликни амалга оширишига оид илмий-назарий қарашлар	74
Х.Э.ЭЛМУРАДОВ. Ишдан четлаштириш ва унинг ҳуқуқий асослари.....	84

Филология

З.ҚОБИЛОВА. Алишер Навоий Қўқон адабий муҳитининг ғоявий раҳномаси сифатида.....	92
Ш.Н.АМОНОВ. Аҳмад Табибийнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мусаддаслари ҳақида.....	103
А.Э.ПИРИМҚУЛОВ. Эркин Воҳидов ҳажвияларида сатирик тип ва образ яратиш маҳорати.....	111
Г.НАСРУЛЛАЕВА. Тилшуносликда метафораларнинг тадқиқ этилиши... ..	119
Ш.НАРАЛИЕВА. Қозоғистондаги ўзбек умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини сифатли ташкил этиш хусусида.....	127
Г.НИЯЗОВА. Детектив асарларнинг лингвистик тадқиқига алоқадор ходисалар	136
К.Х.АВИЛОВА. Асосий терминологик тушунчалар.....	144

М.А.РАХИМОВА. Ўзбек эссе матнларининг лексик-стилистик хусусиятлари.....	159
Ж.Н.ЎРОЗОВ. Лингвокриминалистика лингвистиканинг муҳим илмий йўналиши сифатида шаклланиши ва тараққиёти масалалари.....	167
В.Х.АБДЮЖАНОВА. Таҳрир — муҳаррир фаолиятининг муҳим аспекти сифатида.....	175
Ф.Э.АБДУРАҲМОНОВА. “Ёр-ёр”лар икки буюк шоир эътирофида.....	185
О.ХУДАЙБЕРДИЕВА. Жаҳон тилшунослигида гендер тадқиқотлар.....	195
М.Т.АСАДОВ. Камюнинг “Бегона” асарида “ёлғизлик” мотивининг экзистенциал талқини.....	204
М.ОТАМУРОДОВА. Сўз эркинлиги: янги ёндашувларнинг миллий медиаландшафтга интеграциялашуви.....	215
Д.А.РУСТАМОВ. Драматик асарлар матнида сўз туркумларнинг социопрагматик таҳлили.....	222
Р.РАЙИМЖОНОВ. Журналистнинг профессионал компетентлиги тизими таърифи ва таснифи.....	232
З.М.КАЗЫМБЕТОВА. Мастерство применения слова и окказиональные слова в произведениях поэта Ж.Избасканова.....	241
Н.А.ТЕМИРОВА. Ўткир Ҳошимов асарларида фразеологизмларнинг ишлатилиши.....	250
М.Б.КАРИМОВА. Алишер Навоийнинг ҳадисларга шарҳлари хусусида айрим мулоҳазалар.....	257

Фалсафа

Д.К.САЙФИЛЛАЕВА. Нравственность — как основа толерантных отношений в трудах абу Хамида Газали.....	264
Ш.Ф.ЖЎРАЕВ, А.А.АЛЛАМОВ. Ахлоқнинг маънавий йўли ва ҳақиқатни англаш.....	272
Т.Н.ШОКИРОВ. Миллий мусиқа маданиятининг дунёқараш хусусияти...279	

Тарих

Ш.Э.ТОШТУРОВ. Ўзбекистон Республикасининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақада тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари....	289
К.А.ПУЛАТОВ. Роль пропаганды советской власти в эксплуатации экономики Узбекской ССР.....	297

Техника

Х.А.ПРИМОВА, И.Э.ИСРОИЛОВ. Транспорт оқимлари ҳаракатини моделлаштириш.....	306
--	-----

Х.А.ПРИМОВА, М.Ф.ВАЙДУЛЛАЕВА, М.У.ҚАРШИБОЕВА. Тиббий ахборот тизимлари фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этишда мобил иловалар ўрни.....	317
З.Э.ИБРОҲИМОВА. Айлана ва юлдуз шаклли фракталларни деформациялаш натижасида инверсион фракталлар тўпламини яратиш алгоритми.....	327
Ш.Б.МАВЛОНОВ, М.Б.ЖУМАБОЕВА. Дизель ёқилғисининг филтрланиш чегаравий ҳароратига гидротозаланган газойл тор фракцияларининг миқдорий таъсирини тадқиқ қилиш	337
Д.Н.МУХТОРОВ, Ж.Т.АЛЛАЕВ. Эластик пластик сизиш масалалари учун тўғри ва тескари масалаларни сонли моделлаштириш.....	349

Масъул муҳаррир:

Г.А.Мардонова

Таржимон:

З.Т.Бобоева

Техник мутахассис:

А.А.Назарқулов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар
жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Илм-фан бўлими
(электрон журнал) 2022 йил, февраль сони**

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй